




Ёшларнинг адабий, ижтимоий журнали

ШУК

МУҲАББАТ!

МУҲАББАТ!!

МУҲАББАТ!!!



9-10

Бош муҳаррир:
Ғаффор ҲОТАМ

**Жамоатчилик кенгаши
раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Носир МУҲАММАД—
масъул котиб
Абдул ЖАЛИЛ
Абдул Ғани ЖУМА
Алишер ИБОДИНОВ
Шаҳодат ИСАҲОНОВА
Эркин НАЗАР (Амриқо)
Абдусайд КУЧИМОВ
Ёуз ОҚПИНАР (Туркия)
Тўхтамурод РУСТАМ
Аббос САИД
Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ
Усмон ТУРКОЙ (Англия)
Темур ХҲҲЖА (Олмония)
Собир УНАР
Яшар ҚОСИМ
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Жамоатчилик кенгаши:

Файзуллаҳон АҚРАМОВ
Эркин ЙУЛДОШЕВ
Одил ЁҚУБОВ
Келдиёр ИСРОИЛОВ
Жамол КАМОЛ
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ
Низомиддин МАҲМУДОВ
Тўра МИРЗО
Темурхон МУХТОРОВ
Убайдулло ОМОНОВ
Адҳамжон ОРЗИМАТОВ
Муҳаммад ОЧИЛ
Темир ХИДИРОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
ШУКРУЛЛО
Абдуқодир ЭРГАШЕВ
Ҳабибулло САИД ҒАНИ
Ғайбулла ҲОШИМОВ

ЁШЛК

Ёшларнинг адабий, ижтимоий



Мундарижа

Жамол Камол. Сен — Темур наслисан 2

АСИРИНГМАН, СЕВАМАН СЕНИ!

Эркин Самандар. Ҳозир ҳам шундай	4
Анвар Юнусов. Нодира ғазаларига мухаммаслар	5
Тўра Мирзо. Дардим қолди бир айтим. Шеърлар	6
Шукрулло. Сенинг ёноғингда юз очар баҳор	8
Рауф Парфи. Бир ён Туркистондир	10

МУҲАББАТ: ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Матлуба Ҳамроз. Садоқатда собит бўлинг	11
Гулчеҳра Нуруллаева. Букун менга бокира дунё. Шеърлар	14

Жўрнали

125/сентябр — октябр
1982 йилдан чиқа бошлаган

Эркин Воҳидов	16
Шукур Холмирзаев. Қуёш-ку фалакда кезиб юрибди. Ҳикоя	21
Салим Ашур. Бағримда ё очилмадинг. Шеърлар	34
Ғайрат Саъдулла. Бир даста атиргул. Ҳикоя	36

ИЙҒЛАЕТГАН ҚИЗ

Расул Жумаев. Муҳаббат йўқ экан	40
Шароф Бошбеков. Муҳаббат — қўзичоқ эмас	42
Талабанинг кўнгил дафтари	43
Куйган кўнгил фарёди	46
Ўткир Раҳмат. Ўша юлдузли тун. Шеърлар	50
Нажмиддин Комилов. Севганимизнинг севгани ҳам севимлидир	52

ҲАЁТ МУҲАББАТДАН ИБОРАТ ЭМАС!

Собир Ҳамзаули. Бўрилар ўлжаси	57
Баҳодир Қобул. Жўракапа. Ҳикоялар	61

НИКОҲ

Севги: нима яхши-ю, нима ёмон?	65
Ибтидо. Ҳикоялар	68
Икки кишилик мучал	70
«Намунча бялқилламасиз, жоним?!»	72
«Ўтган кунлар» топқирлик машқи	73
Муҳаббатингиз чинми?	74
Тўхтамурод Рустам. «Мадонна» — гўзаллик тимсоли демак	76

Муассислар:
Ўзбекистон Ёшлар
Иттифоқи
Марказий
Қўмитаси ва
Ўзбекистон
Ёзувчилар
ююшмаси

Мусаввир: **Ғ. Алимов**
Техник муҳаррир: **Р. Жумаев**
Мусаҳҳиҳ: **М. Турсунова**

Босмаҳонага 4.08.92 да топширилди.
Босишга 21.09.92 да рухсат берилди.
Қоғоз формати 84×108^{1/16}
Шартли босма табоқ — 8,4
Нашриёт ҳисоб босма табоғи — 12,1
106242 нусхада чоп этилади.
Буюртма № 810
Баҳоси 10 сўм.
Жўрналдан кўчириб босилганда
«Ёшлик»дан олинди, деб
изоҳланиши шарт.
Манзилимиз: 700113, Тошкент,
Қатортол кўчаси, 60 — уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 78-49-83
Бош муҳаррир ўринбосари — 78-17-47
Масъул котиб — 78-97-07
Наср бўлими — 78-97-58
Назм, адабий танқид
ва санъат бўлими — 78-94-05
Мақоланавислик — 78-17-47
Фотомуҳбир — 78-97-58

Тошкент, «Камалак» нашриёт-матбаа
бирлашмаси. Ўзбекистон
Республикаси «Шарқ»
нашриёт-матбаачилик концернининг
босмаҳонаси.

С «Ёшлик» № 9—10, 1992.

Жамол Камол

СЕН — ТЕМУР НАСЛИСАН...

Миллий қўшинимиз ва унинг ўз марши янграгани узоқ йиллар биз орзу қилганмиз, холос. Маана, ниҳоят дастлабки маршлар юзага келди. Уни айтишга ҳозир қўшин тузилганига эса анча бўлди...

Туркистон марши

Қадам, қадам, қадам,
Қадам, қадам, қадам!..
Бос дадил,

Бос шаҳдам...

Ярқира, эй Қуёш,
Гуркира, тоғу тош,
Гуркира, шарқира

томирларда қон!..

Сен — башар аслисан,
Сен — Темур наслисан,
Хур яша,
Минг яша,
Туркистон!..

Нақорат:

Эй Туркистонимиз,
Эй Онажонимиз!..
Эй Туркистонимиз,
Эй жонажонимиз!..

Бос қадам дамба-дам,
Дамба-дам бос қадам!..
Бер чидам

ўтга ҳам, сувга ҳам...

Сенда куч, сенда жон,
Сенда бахт, сенда шон,
Байроғинг — ой, юлдуз,

осмон!..

Сен ҳаёт боғисан,
Сен — зафар тоғисан,
Хур яша,
Минг яша,
Туркистон!..

Нақорат:

Эй Туркистонимиз,
Эй Онажонимиз!..

Эй Туркистонимиз,
Эй жонажонимиз!

Олға бос, тўхтама,
Кун дема, тун дема,
Эркисиз кунни

кун дема!..

Қайтмасин хорлигинг,
Хорлигинг — зорлигинг,
Қайтмасин қуллигинг,

онажон!..

Беш ўғил бир бўлиб,
Бир бўлиб — зўр бўлиб,
Хур яша,
Минг яша,
Туркистон!..

Нақорат:


Эй Туркистонимиз,
Эй Онажонимиз!..
Эй Туркистонимиз,
Эй жонажонимиз!

Ўзбекистон

Тонглар отар,
Тонглар отар,
Шафақлари қирмиз, ол...
Она юртим, барно юртим,
Келди сенга истиқлол.

Нақорат:

Бир сарҳадинг Сирга туташ,
Бири — Аму дарёга.
Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Дунёга чиқ, дунёга!..



Йиллар оша,
Эллар оша
Келмаганлар келсинлар.
Эгилганлар турсин қайта,
Йиғлаганлар кулсинлар!..

Нақорат:

Бир сарҳадинг Сирга туташ,
Бири — Аму дарёга,
Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Дунёга чиқ, дунёга!

Аҳил бўлсак,
Оқил бўлсак,
Йўғимиз ҳам бор бўлгай,
Е Ватан, деб меҳнат қилсак,
Бизга зафар ёр бўлгай!..

Нақорат:

Бир сарҳадинг Сирга туташ,
Бири — Аму дарёга.
Ўзбекистон, Ўзбекистон,
Дунёга чиқ, дунёга!..

Жамол Камол—1938 йил Шо-
фиркон туманида дунёга келган. Бу-
хоро давлат педагогика институти-
нинг филология факултетини тугат-
ган. Илк шеърий мажмуаси—«Олам
кирар юрагимга» 1968 йил ёруғлик
кўрган. Шундан буён эл севган шоир-
нинг қатор шеърий тўпламлари,
дostonлари, жаҳон адабиётининг
мумтоз намуналаридан қилган тар-
жималари чоп этилган. У Ўзбекистон
Езувчилар уюшмаси бошқаруви-
нинг биринчи котибидир.

МУҲАББАТ!

МУҲАББАТ!

МУҲАББАТ!


Ваъда қилганимиздек, ушбу сонимиз шу улуг туйғуга бағишланган. Ҳа, муҳаббат инсонга берилган буюк бир неъмат. Ҳар бир инсон фарзанди унинг муаттар бўйларидан бахраманд бўлишга интилади, умр бўйи шу ишқ ўтида ёнади. У шоҳ учун ҳам бир. Шоҳни гадо, гадони шоҳ қилувчи ҳам шу — муҳаббат. Бироқ буларни инкор этмаган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, севги бу фақат гўзал ҳис-туйғулар, унутилмас дақиқалар, шодлик лаззатгина эмас. Бундан асло кўз юмиб бўлмайди. Биз Сиз, азиз муштарийлардан ўнлаб ташвишли мактублар оламиз. Уларнинг ҳар бирида юракни сирқиратувчи оғриқ, дард зоҳир. Уларнинг ҳар бири кишини оғир ўйга чўмдиради. Асл ниятимиз муҳаббатни куйловчи, ўқиган кишининг ҳисларини кўзгатувчи ширин бир дафтар яратиш эди. Бироқ масаланинг бу томонига ҳам жиндай эса-да тўхталмасликка виждонимиз изн бермади. Бизнингча, бу ҳам фақат самимий, пок муҳаббатни шарафлайди, чинакам инсоний туйғулар, муносабатларни тараннум этади. Ўйлаймизки, бу бизнинг ушбу боқий мавзудаги сўнгги суҳбатимиз эмас. Бу тўғрида биз ҳали Сиз билан кўп гаплашамиз. Шу боис бизга Сизнинг мазкур сон ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз ниҳоятда муҳим. Езинг! Мактубларингизни кутамиз!

Раҳминг келсин, аҳволимга боқ,

Ялинаман, тинглагил мени:

АСИРИНГМАН, СЕВАМАН СЕНИ!





Эркин Самандар

ҲОЗИР ҲАМ ШУНДАЙ...

Гоҳ-гоҳ битта гап қулоққа чалинади. Эмишки, энди аввалги ўларман муҳаббат йўқ, севги деган нарса Лайли-Мажнун, Тоҳир-Зухролар билан кетган. Бу гапга қўшилиб бўлмайди, шахсан мен мутлақо қўшилмайман.

Жовдир қишлоғида (Аму ёқасида) олдинги йилда бир-бирини севган йигит ва қизнинг тобути баравар кўтарилди. Воқеа бундай бўлган. Қишлоқчилик, ҳамма бир-бирини танийди. Бир дард ўтида ёнган икки оташ қалб — соҳиби ишқ кўзлардан ниҳон дийдорлашганида тасодифан қишлоқ фаоли кўриб қолади ва ошиқларни «қўлга туширгандини» ота-оналарига ошкор қилмоқчи бўлади. Бундан даҳшатга тушган қиз фаол амакига ялиниб-ёлворади, йиғлаб илтижолар қилади.

Лекин «фаол»нинг нияти шум экан, «Майли, бировга айтмайман, лекин манави йигитнинг кўнглини олганингдек, менинг ҳам «хизматимни қиласан», деб талаб қилади. Табиийки, буни эшитиб турган ошиқ йигит юраги тугёнга келади. Бўри «фаол» қутуриб йигитга ташланади ва уни нобуд қилади. Буни кўрган қиз ўз жонига қасд этади.

Жовдирлик йигит-қиз муҳаббати қадимий ошиқлар севгисига менгзамайдами? «Фаол»нинг Қоработирдан нима фарқи бор?

Вилоятдаги институтга борганимда яна бир қонли ишқ ҳикоясини тинглаб, эзилдим, десам камлик қилади. Маъсума қизнинг маҳзун кўзларида қанчалик мунг кўрдим ўшанда. Бундай мунгни нозик қалб эгаси қандай кўтариб юрганига ақл бовар қилмайди. Нозик қалб дейишимнинг боиси шундаки, унинг муҳаббатга йўғрилганини бутун борлиғи айтиб турар, ишқ эса фақат нозик қалбга ато этилади-ган буюк дарддир.

Қизнинг дарди кўз ёшлари билан ювилиб кетади-

ган эмас эди. У севган йигитидан жудо бўлган, ўзининг ота-онаси йигитнинг умрига зомин бўлишган, совчиларни бир неча марта хафа қилиб қайтарилган эди. Умидлари пучга чиққан йигитнинг кучи ўз жонига етди. У ўзини ўзи ҳалок қилди. Қизнинг чидами яна қанчага етаркан, бу яратганининг ўзигагина аён.

Бу бахтсиз севгининг ўтмишдаги чин муҳаббатдан нима фарқи бор, совчиларни назар-писанд этмай ҳайдаган ота-онанинг хатти-ҳаракати Лайли отасининг қилмишини эслатмайдами, шунинг такрори эмасми?

Археологлар Хоразмда қазилма ишларини олиб боришаркан, тасодифан антиқа топилдиққа дуч келишди, ковак жойда йигит ва қизнинг жасади ёнмаён ётар, уларнинг бош учига... дутор қўйилган эди. Жасадлар мўмиёланганидан яхши сақланган. Дутор ҳам.

Ўшанда менинг қалбим ларзага келиб, бахтиқаро бу икки ошиқ фожиасидан бирон хабар топиш илинжида титмаган китобим, бормаган жойим қолмаган эди. Фақат битта ҳикоячи — ошиқлар бош учига ётган дутор роз айтди менга. Унинг мискин-мискин талқинлари менга муҳаббат сирларидан сўйлади, мен қоғозга туширишга аранг улгурдим.

Наҳотки ошиқларнинг қисмати ҳаммиша шунақа бўлса? Муҳаббат ҳаммиша бало-қазога гирифторми? Наҳотки севишганлар бемалол висолга етолмасалар? Шу хаёлда бахтли ошиқларга мисол излайман. Мисоллар анча. Узоқ изтироблар, жанглардан сўнг ёр васлига етишиб, элга қирқ кечаю қирқ кундуз тўй берган ғанидорлар ҳақидаги, ўз ақли-заковати билан бир-бирига етишган ошиқ-маъшуқлар тўғрисидаги ҳикоялар оғиздан-оғизга ўтиб келади, бу ҳақда ўтти дostonлар, қўшиқлар битилган. Бизнинг кунлари-



Анвар Юнусов

мизда ҳам мурод-мақсадига етган ошиқлар топилади.

Лекин... юракка даъфатан тушган бир чўғ — ишқ бутун жисму жонни куйдириб юбориши аниқ. Унинг ёндиришларига дош берган, ўз бахтини ўша оташда деб билган ошиққина муродга етади. Азал-азал шундай бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай.

Муҳаббат асли бир дилда туғилади. Иккинчи дилдан қувват олади. Муҳаббат икки киши кўтарилган битта дард, икковидан бири бу дардга енгил-елли қараса, шу дард оғриқларидан қочса, ўзгалар хоҳиши билан муроса қилса, дил мулки яксон бўлади. Азал-азал шундай бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай.

Муҳаббатнинг жони — садоқат. Садоқатнинг ҳаёт томири — ишонч. Садоқат ва ишонч йўқолган кун муҳаббат деган янгроқи қўшиқ аламли куйга, марсияга айланади. Азал-азал шундай бўлиб келган. Ҳозир ҳам шундай.

Менинг кўнглимда рақс этган муҳаббатсан,
Оловлардан қўшиқ битган муҳаббатсан.

Гаҳи қалби тўла армон, кўзи ёшли,
Гаҳи орзусига етган муҳаббатсан.

Хумор ёнган ҳазин диллар сенинг мулкинг,
Юракларда макон тутган муҳаббатсан.

Ўзинг кимни этурсан шоҳ, гадо кимни,
Барин ўт қаърига отган муҳаббатсан.

Еруғ оқшом висол чоғи шакар тотган,
Айрилиқда захар ютган муҳаббатсан.

Ўсиб қоя мисол осмонга бўй чўзган,
Чўкиб ғам лойига ботган муҳаббатсан.

Келурда хўб саросар кулдириб келган,
Саросар йиғлатиб кетган муҳаббатсан.

Қуёшли жилва бирла кўзда жо бўлган,
Оқиб суякка ҳам ўтган муҳаббатсан.

Самандар кўнгли бир кошонага манзар,
Сен унда зап рақс этган муҳаббатсан.

Эркин Самандар — 1935 йили Хонка туманида таваллуд топган. Хоразм давлат педагогика институти филология факултетида таҳсил олган. Илк шеъри 1953 йили ёруғлик кўрган. Шундан буён шоирнинг йигирмадан зиёд шеърий тўплами, қатор достонлари чоп этилган. Йирик насрий асари — «Қирғоғини йўқотган дарё» яқин ўтмишдаги аянчли кўргуликлар ҳақида. «Аждодлар қиличи» тарихий фожиаси эса миллий ифтихор зиёси ила кўнглини ёритиши билан қадрлидир.

Нодира ғазалларига муҳаммаслар

* * *

Умр гул фаслига кирмай, жудо бўлдим баҳоримдин,
Негай, маҳзун садо чиқса шикаста ушбу торимдин,
Не суд эмди, бу оламда йўғимдин ёки боримдин,
Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим чўх, эй кўнгул, сен беҳабарсан ҳоли зоримдин.

Бошимга тушди юз маҳшар, тилимда қолди бир оҳким,
Қон ўлди лоладек бағрим, ғам ургач дилга тирноқким,
Хаёлинг ўртаган жоним йўлингда бўлди тупроқким,
Ғуборим ишқ водийсида барбод ўлди, андоқким,
Бийбонларда Мажнун тўғиё излар ғуборимдин.

Кўзимдин ашк тўкиб ҳар тонг, эй ой, кўйингда сарғайдим,
Қуюндек даҳр аро кездим фалакда соврулиб гардим,
Пойингга бошни келтирдим, нигорим, сўрмадинг дардим,
Қизил қондур сиришким, заъфарондур чеҳраи зардим,
Мени ким кўрса фарқ этмас, хазон бирла баҳоримдин.

Чаманда бўзлаюр булбул тилаб гул иштиёқини,
Нечун мен қилмайин фарёд, сочиб чашмим сиеҳини,
Висолини этиб армон, ватан тутдим фиरोқини,
Бийбонларни излаб топмадим ёрим сўроғини,
Берурман жон, сабо ногоҳ хабар келтирса ёримдин.

Бу оламга келиб, Анвар, жаҳон ичра жаҳон эттим,
Самандардек олов ичра бу жонимни сўзон эттим,
Муҳаббат ўқиға, ё раб, имонимни нишон эттим,
Гаҳи йиртиб яқо, гаҳ қон югиб, гоҳи фиғон эттим,
Нелар ўтди бу оқшом, Нодира, жони фиғоримдин.

* * *

Сочларин занжиридин кўнглимни озод айларам,
Ваҳ, жудолик дашти ичра кечалар дод айларам,
Ўқ каби киприкларин жонимга сайёд айларам,
Ҳар қачонким ул париваш васлини ёд айларам,
Чарх бунёдини бир оҳ ила барбод айларам.

Юз қуёш пинҳон эмиш ишққа фидолар жонида,
Шул сабабдин нур кезармиш аҳли ошиқ қонида,
Бор учун дунё баҳоси ҳар бирин имонида,
Гарчи маҳзунман ўзим бир нозанин ҳижронида,
Бенаво афтодаларни хотирин шод айларам,

Кўздаги гавҳар билиб, меҳру вафони сақладук,
Қон юқи ханжарларини жон аро ардоқладук,
Ҳар саҳар бу гул кўнгулни лола янглиғ доғладук,
Неча турлуғ доғ ила кўнгулда ойин боғладук,
Шоҳима меҳру вафо мулкени обод айларам.

Неча Мажнун лол қолур кўрганда бу дил сувратин,
Чизди умримга мусаввир тоғ аро сел сувратин,
Тақдиримга берди ё, гулшанди булбул сувратин,
Қон ёшим тасвир этар ҳар лаҳза ул гул сувратин,
Кўзгаким мижгонларимни килки Беҳзод айларам.

Қай кун Анвар кўзимга солди кўз, кўзи қаро,
Тушди мулки Ҳиндию Мозандаронга можаро,
Ул пари пайкар ўқидин бўлди бу бағрим яро,
Қиссаи Фарҳоду Мажнун қолди, мен ҳам ишқ аро,
Нодира, бир жон гудоз афсона бунёд айларам.



Тўра Мирзо

ДАРДИМ ҚОЛДИ БИР АЙТИМ...

Саксонинчи йиллар шеърлари



XX аср оёқлаб турган бир пайтда МУҲАББАТ аталмиш туйғу ҳам синовдан ўтмоқда. Фарҳоду Ширин, Ромео ва Жулетта каби ошиқ-маъшуқлар бу асрда туғилмади ҳисоб.

Лекин юртга муҳаббат туйғуси, Ватан туйғуси янада чуқурроқ илдииз отиб, юракларни ишғол этди. Шу важдан бўлса керак, аллақандай... измларнинг даҳолари башоратига зид ўлароқ

собиқ СССРда совет миллати яратилмади. Ҳар ким ўз уйига, томирларига интилмоқда.

Бизнинг томиримиз эса тўққиз минг йилдан буён кўкариб турибди. Бу чўнг илдиизлар қуримасин, иншооллоҳ. ХХI асрда дунё турклари кўкрагига соф нафас тегсин. Омин!

Муаллиф

Темур қопқасида

Темур қопқасида буюк тошлар бор,
Тошлар таши сокин, ичи тўла оҳ.
Унда зор бор, бунда — минг бир дор —
Утли ўтинчларга ўткинчи паноҳ.

Темур тулпорининг тегиб туёғи
Тошлар тилка, тоғлар тикка тилинган,
Бутун юрт, тутун юрт ўчиб чироғи,
Кўрагон қургани қўрғон — бўлинган.

Темур аргумоғин оёғи тўртта,
Тўрт уфққа юшоқ ботган эди-ку.
Туркнинг туғи туриб юртин тўрида,
Тўрт ёқда оппоқ тонг отган эди-ку?

Тонглар ботмиш, шонлар ўтмиш тарихга,
Чўққилар чўзилган — Темурнинг қўли.
Уғлонлар эрк қолиб, кеккадир эга,
Чеккадир бугундан боболар йўли.

Темур йўқ, ғурур йўқ, йўқликда нур йўқ,
Кўкда кезар тўзғин, бўлинган офтоб,
Кўзимга санчилган нур эмасдир — ўқ,
Қўлимда... Уғлимда тилинган китоб.

Темур қопқасида турибман кўйиб,
Бардошли тошларнинг тошади доди.
Етти аср нарида эгасин қўйиб,
Чопиб келаётир. Темурнинг оти.

Жадидлар

I
1883 йил. Гаспирали Исмоил
Бейнинг Бухорога сафари

Ҳансираган аср тугаб борарди,
Қўл чўзсанг етади янги юз йилга.
Бухорода кенглик ҳали тор эди,
Авлод чиқмаб эди аждод йўлига.

Бухрон аро борар бетоб Бухоро,
Аммо амир айши амлокда авжли.
Фуқаронинг қадри, қалби-да ҳароб,
Темур тузукларин каламуш ғажир.

Бухоро, осмонга азон айтган юрт,
Бухоро қадимий шондан қайтган юрт.
Билгинларнинг илкин қирқар зулм-кин,
Учар Абдуллахон ёқиб кетган ўт.

Жаҳон харитаси ўзгарар ҳар кун,
Уни йиртмоқ учун ташланар итлар.
Кунчиқарни йиқар неча аср тун,
Ғафлатни ғадалаб турар жадидлар.

Келар Исмоил Бей, Қрим турки, ҳей,
Самарқандда очар жадид ўқувин.
Алп Эр Тўнга шаҳри, туркнинг кўрки, эй,
Етти иқлим сирин беркитган тубинг.

Амир қирқ кундан сўнг амр беради,
Уқув ёпилади, зиё — зиндонда.
Абдулаҳад тунга кунни ўради,
Жаҳидлар бош тиклар Тошкент, Қўқонда.

2

1928 йил. Болшевиклар Туркистон-
даги жаҳид мактабларини
ёпадилар.

Туркистон туғини Қўқонга тиккан
Жонидан кечганлар жаҳидлар эди.
Замбаракка қарши шеър ўқиб чиққан
Шуурли, ғурури собитлар эди.

Тўғилаётган мушт эди Туркистон,
Бир-биридан айри тушди беш бармоқ.
Ҳар бирига қўйиб айри-айри ном,
Овчи-эговчилар ташлади қармоқ.

Янгилар — енгилар...

Тарих ҳукми шу,
Жаҳидларни жаллод бошлар жодига.
Уйғонган кўзларга сепди қум-уйқу,
Китоблар кўмилди тупроқ қаърига.

Жамият жаҳлни қилди жиловдор,
Қумдан, тундан тиклар — гази бўш қаср.
Жаҳидлар жонига ўлим сазовор,
Ёниб ётар яна йўл — ярим аср.

Истанбул

Истанбул ҳар ёғин денгиз қуршаган,
Асрлар измидан кўз қуруқшаган.
Истанбул, издан — гул, эргашади йўл,
Жомеъ қуббалари қўлга ўхшаган.

Осиё, Оврупо қўлларин тутиб,
Бирлаштирган ўзинг Шарқ ила Ғарбни.
Туркнинг туркуларин тўйганча ютиб,
Бошин силагансан умид — ғарибнинг.

Жомеълар мулоқот қилар ҳар саҳар,
Азон-ла уйғонар уйқусиз шаҳар.
Бу қандай нафасдир? Муқаддас сасдир? —
Тошни тирилтирар «Оллоҳу акбар».

Денгизлар, денгизлар, не бор кўнгилда,
Жўшиб айтинг, тошиб кўрфазга қайтинг.
Мен икки қитъани боғлаган йўлда
Чоғландим-у... қолди дардим бир айтим.

Мен тўздим, ҳасратлар озмади менда,
Минг йил тикиламан мунг била йўлга.
Ҳориб ёнбошласам агар Тошкандда,
Бориб бошим тегар ҳур Истанбулга...

Кўктурк

Тўрғай бўзлаб, учади, тарих сўзлаб учади,
Тўни кўк, устунни кўк ерни кўзлаб учади.
Кўктурк¹ кўкка кетдими, Бўзкуртни² ер ютдими?
Харитадан юлинган юргни излаб учади.

Осмондаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг не бўлғай?
Бўзкурт, Кўктурк тақдири
Сўзламасаг не бўлғай?

Кунтуғардан бошланган, Кунчўкарда ошланган,
Ёв ўқ отган, йўқотган, бошига тош ташланган.
Кўктурк эди, тик эди, буюк эди, кек еди
Тўрғай учар, шай учар, ёшланган-да ғашланган.

Осмондаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг не бўлғай?
Бўзкурт, Кўктурк тақдири
Сўзламасаг не бўлғай.

Кўкдан ранг олган Ватан, кўпдан танг қолган
Ватан,
Тонгдан Кунни шомгача қўйнига солган Ватан.
Кўктурк эди, кўрк эди, ёвга йўли берк эди,
Бўзкуртни қай қурт еди? Йўли йўқолган Ватан.

Осмондаги бўзтўрғай,
Бўзламасанг не бўлғай?
Бўзкурт, Кўктурк тақдири
Сўзламасаг не бўлғай?

1. Қадим турк салтанати
2. Кўк бўри — қадим туркларда давлат рамзи

1956 йил Наманган вилояти, Чортоқ туманидаги Пешқўрғон қишлоғида туғилган. 1979 йил Тошкент Санъат институтини битирган. 1987-89 йиллари эса Масковда М. Горкий номи Олий Адабиёт курсида таҳсил олди. Илк китоби «Майсалар қайқирғи» 1983 йилда чоп этилган. «Тўрўғлининг беланчаги», «Тонгги мактублар», «Фарғонага қайтиш» (рус тилида) каби қатор тўпламлари билан шеърхонлар эътиборини қозонган. Шоир шеърларида курашчанлик туйғулари, тарихимизга, миллатимизнинг энг қадим ва асл илдиэлари-га меҳр-муҳаббат барқ уриб туради.

Шоирнинг «Бекат», «Тонгги грамвай», «Саратондаги изғирин», «Ахмад ила Оқбилак», «Қовурилган ўрдак парвози» каби қатор драмалари жумҳурият ва турли вилоятлар театрларида муваффақият билан сахналаштирилган. «Амир Темур» драмаси эса Қашқадарё вилоят драма театрининг репертуаридан мустақкам ўрин олган.


Республика Бадий Адабиётни тарғиб қилиш марказининг директўри, истеъдодли шоир Тўра Мирзо айни кунда «Алп Эр Тўнга» тарихий драмаси устида ишлаётир.





Шукрулло

СЕНИНГ ЕНОҒИНГДА ЮЗ ОЧАР БАҲОР...



Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Урта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадимги Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин. Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган... Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз. Болаликдан, қадим тарих ва маданиятга эга ўзбек халқига ҳурмат руҳида тарбияланганмиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан шак-шубҳасиз барча тан олган шундай ҳурматга лойик.

Чингиз Айтматов

Қуръони каримда айтиладики, «У (зулматни ёриб) тонг оттиргучидир. У кечани сокин (ором пайти) қилиб қўйди, қуёш ва ойни эса ҳисоб ўлчовчи қилди. Бу голиб, билимдон зотнинг ўлчовидир».

Қодир эгам руҳимизни осмон қадар юксалтирди, шундай шукуҳли дамларни бизга мушарраф этди. Рост, биз бу саодат ҳаққи шукр қиламиз, аммо айни пайтда инсон қаддини адл тутиб тургувчи омиллар ҳақида ўйламай иложимиз йўқ. Шулардан бири миллий гурурдир.

Миллий гурур... Уни қандай шакллантириш мумкин? Аввал бошда шунга айтиш лозимки, миллий гурур замирида ўзликни англаш ётади, демаски, Ватанини севиш, унинг оғирини енгил қилиш, жоиз бўлса, истиқлол йўлида жондан кечиш, жонфидолик бу. Кечмиш тузум етмиш тўрт йилдан зиёд вақт ичида оҳанжама сиёсат

билан бизни чалғитиб келди. Зоҳиран инсонпарвар шиорлар ботинида не кирдиркорлар яширин эканлиги бугун бизга сир эмас. Энг даҳшатлиси, бир неча авлод ё ўзини алдаб, ё ишониб шу тузумни мадҳ этди, унга хизмат қилди, хуллас, умрини елга совурди. Ҳа, бизнинг бошимизга не мусибатлар тушмади дейсиз, умримизни қамоқда ўтказишгани майли, кейин ҳам оқни оқ, қорани қора дейишга имкон қолдиришмади. Худога шукрки, миллат истиқлолини кўрар кун ҳам пешонамизда бор экан.

*Чирт-чирт узилади боғларда япроқ,
Дарахтлар юк ташлаб тортибди енгил.
Майсалар ичида сувлар қўнғироқ,
Бир ором кайфида яйрайди кўнғил...*

Истиқлолнинг бир йиллиги!.. Бу ёқда дилларга қувонч улашиб хушхабар елади—мустақил Ўзбекистоннинг миллий кўштини ташкил этилди! Энди ўз армиямиз ва унинг ўз қўмондонлари бўлади. «Бугун Россия Федерациясининг вице-президенти Александр Руцкой... Ўзбекистон Республикасининг... фавқулодда ва мухтор элчиси Юсуф Абдуллаевнинг... ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди». Элчилар, элчихоналар... баъзан одамнинг ҳатто ишонгиси ҳам келмайди, кўз билан кўраётган, қулоқ билан эпитаётганларинг ҳам худди тушга ўхшаб кетади. Ажабо, наҳот шунинг барчаси бор гап, деб ўйлаб қоласан киши. Аммо бу ҳақиқат-ку!

Узоққа бормайлик, бундан беш-олти йил бурун биров ўйлаганмиди ўзбек халқининг ўз ҳарбий кўштини бўлади, деб? Албатта, йўқ. Қизил империя бунга йўл қўйиши мумкинмиди сира? Еки бир йил аввал сиз агар Тошкент метросига тушсангиз, ҳозиргидай кўнғилнинг тоғ каби ўсиб, баҳри дилингиз очилиб чиқармиди? Шундай ажойиб

кунларнинг бирида Куйбишев отлик туман улуғ бобомиз Улуғбек номини олиши мумкинлигини сира хаёл қилганмидингиз? Мактаблар, кўчалар Амир Темур номи билан аталишини-чи? Гарчи секин-аста бўлса-да, ҳаётимизга, дунёқарашимизга фавуқлодда ижобий ўзгаришлар киритилмоқда. Буни инкор этиб бўлмайди.

Қанча юртдошлар ҳажга бориб қайтишди, қанча масжидлар қурилди. Халқаро битимлар имзоланди, қўшма корхоналар қурила бошланди...

Рост, иқтисодий қийинчилик сезилиб турибди. Бундан кўз юмиш қийин. Аммо қачон, қайси бир миллат истиқлолга оппа-осон эришган? Тарихда шундай ҳол бўлганми сира?!

Улуғ Ватан урушига жўнатишаётганда, яшириб нима, ҳаммиллатларимизнинг унча оёғи тортмаган, чунки она Ватан ортларида қолаётганини улар ҳис этишган, ҳа, Сталин ҳар қанча шафқатсиз бўлмасин, бу туйғуни у батамом ўлдириб улгурмаган эди. Гарчи шундай бўлса-да, катта талофатлар берилди. Нега? Чунки тўғрилик, ўзини улуғ оға қилиб кўрсатган халққа содиқлик бизнинг соддадил кишиларга хос эди. Шу боис душман ўқига биринчилар қатори бизнинг ҳамюртлар дучор бўлишган. Москва остонасида, Курскда, Сталинградда, Воронеж учун бўлган жангларда қатнашган ҳаммиллатларимиз аксарияти ҳали милтиқни тузукроқ ушлашни ҳам билишмас эди-ку. Қўмондонликнинг эса буйруғи қатъий: бир кун, бир соат бўлса ҳам душман тўхтатиб турилсин! Пухта тайёргарлик ўтамаган ва фронтнинг олдинги чизиғига ташланган ўзбек йигитлари шу тариқа қурбон бўлиб кетаверган. Кейин-чи, кейин? Бу каби аянчли йўқотишлар ҳақида бирон-бир тўғри гапни айтиш мумкин бўлдимиз? Йўқ. Ўтмиш ҳам, жудоликлар ҳам, ютуқ ҳам фақат бир ёқлама талқин этилди. Кечмиш ёлғиз бир миллатнинг тарихига айланиб қолди. Ўттиз еттинчи йил қатли оми ҳақидаги асарларни бир кўздан кечиринг-а, гўё бирон ўзбек, бирон қозоқ, бирон эстон жабр чекмаган! Ҳолбуки, тенглик, қардошлик шиори остида элу юртини себанлар қатагон қилинди, унинг ҳимоячи, фидойи ўғлонлари куни кечага қадар босмачи деб қораланди. Кунни кечага қадар Мустафо Чўкай, Воймирза Ҳайит, Рўзи Назар каби жонфидо ҳаммиллатлар номи булганди. Фақатгина истиқлол шарофати туфайли матбуотда, биз — ёзувчиларда ҳақиқатни баралла айтиш имкони туғилди, узоқ йиллар Ватан деб ёниб хорихда яшаган ҳаммиллатларнинг юртга ташриф буюришига шароит яралди. Модомики шундай экан, доимо камситилган, ҳатто ўз юртида ҳам ерга уриб келинган халқнинг кўкрагида қандай қилиб миллий гурур мавжуд бўлсин?!

Халқимиз куйганидан айтган-да:

Андижонда олов ёқсам, Ушда тутун,

Бу дунёда бормикан-э, бағри бутун?

Бу дунёда бўлса агар, бағри бутун,

Қогоздан қозон қилаю гулдан ўтин, — деб.

Мана, ниҳоят, йиллар мобайнида орзиқиб кутган ёруғ кунимиз ҳам етиб келди. Бир тасаввур қилинг-а, миллий қўшин кийимидаги ўзбек офи-

церларини! Қандай мароқли — кўчада уни кўриш! Буни мен ифтихор билан айтишни истар эдим, чунки улар юрт сарҳадларини қўриқлаб туришса агар, буни кўриб, улуғ аждодларининг руҳи нечоғлик шод бўлади. Йўқ, бу ўринда фақат Амир Темурни назарда тутаятганим йўқ. Жалолиддин Мангуберди, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Бойқаро... Ахир, бу улуғ сиймолар ҳам яқин-яқингача Гитлер, Наполеон, Чингизхонларга қўшиб, босқинчи деб келинмадимиз? Темурнинг фаолияти ёвуз юришлар ва қонхўрликдан иборат, деб талқин этилмадимиз? Ҳақиқий босқинчи қандай бўлади, у ким ва қандай иш тутайди — бугун бизга сир эмас бу. Зотан, ўтмишини унутганининг келажаги бўлмайди. Шу маънода фарзандларимиз аждодлари тарихини чуқур билиши лозим. Биз Абдулла Қодирий буюк ёзувчи, Чўлпон миллатпарвар шоир, Фитрат маърифатпарвар олим, деймиз, уларнинг ижоди мевасидан нур змаимиз, вақти-вақти билан миллат эрки йўлида жонларини фидо қилган бу азизларни ёд этиб, улардек бўлишга ёшларни даъват этамиз. Шу интилиш кимнингки дилида тарбия топса, унинг юрагида она Туркистонга чексиз муҳаббат илдиз отади, мен бунга аминман.

Улуғ халқлар бошқа миллатларни ҳам қадрлай олади, шу фазилат ўзбекка ҳам хослигидан, рост, севиनाман. Аммо бир масала кўпдан буён: мени ташвишлантириб келади, у ҳам бўлса бир-биримизни қадрлаш, бир-биримизга нисбатан меҳру муруватли бўлиш... Бўладиган эл бир-бирини ботириб дер, дейди халқимиз. Ҳозир тадбир билан иш кўрадиган, демакки, бир-биримизни ниҳоятда авайлаб-асрайдиган даврдир. Ўтмишдаги хатоларни такрорламаслик керак. Файзулла Хўжаевнинг бошига нима етган эди? Амир Олимжонни-чи? Миллатни севиш, оғир кунларда жипслашиш ҳам қарз, ҳам фарз. Қайси фирқа, қайси уюшма, қайси гуруҳга мансуб бўлишдан қатъи назар мустақил республика манфаати йўлида майда ҳоқо ҳаваслардан кечиш, яқдил бўлиш, катта мақсад сари аҳиллик билан интилиш жуда муҳим. Мана, ҳозир Ёзувчилар уюшмаси иккига бўлиниб ётибди. Ахир, олдинда турган вазифаларимизни иккига бўлинмай ҳам ҳал этиш мумкин эди-ку! Бунинг учун икки ўртада Берлин девори ўрнатиш шартми? Гоҳо мен, биз нимани талашдик ўзи, деб ўйлайман. Нега аравани икки томонга тортиш керак? Нега бошқалар эмас, айнан Ёзувчилар уюшмаси иккига бўлиниб кетди? Муайян асослар бордир, кимдир кимнидир ёмон кўрар, аммо шунга элга дустурхон қилиш шартми? Модомики, биз зиёли эканмиз, ўзгаларга ибрат бўлгулик йўл тутишимиз керак-ку! Гуржистонда, Тожикистонда рўй бераётган кўргуликларни, бадният кучлар таъсирида содир бўлаётган фожиаларни худонинг берган куйи муҳокама қиламиз. Аммо беихтиёр, билиб-билмай хатога йўл қўямиз. Бир маҳаллар мен гуржи халқининг аҳил-тотувлигига ҳавас қилар эдим. Дунё тескари айланиб, бир кун келиб улар бир-бирларига қарата ўқ узишади, деб сира ўйлаб кўрган эмасман. Хўш бундан миллат нима наф қўраётир? Қани ўша —

Расул Ҳамзатов улуғлаган, агар тоғлик йигитлар урушиб қолишса, келиб уларнинг оёқлари остига рўмолини ташлайдиган ва шу тариқа низога барҳам берадиган аёллар?!)


Гуржистоннинг мустақиллигини кўра олмайдиган аламзадалар бугунги низодан шубҳасиз манфаатдор, аммо халқ... Бундай кўргуликдан ҳаммаша жабр тортган, холос. Сир эмас, тараққий топган мамлакатларда кишилар боласини елкасига миндириб намоёйишга чиқишади. Бундан мақсад—ҳукуматни ағдариб, сўнг амал талашин эмас, балки жамиятдаги нуқсонларни рўй-рост айтиш, унинг тараққиётига ҳисса қўшишдир. Собиқ иттифоқнинг айрим республикаларида эса, менинг назаримда, аксинча ҳол содир бўлаётир, қўлга қурол олиб ошкора ҳокимиятга интилиш сезилаётир, шунинг оқибатида умрлар хазон бўлмоқда, қонлар тўкилмоқда. Бундай жойдан қут-барака кўтарилади, бошланган ишлар тўхтаб қолади.

Яна Гуржистон ҳақида: олтмишинчи йилларнинг бошлари эди, Тбилиси тайёрагоҳига тушдим. Учувчиларнинг бари гуржилар экан, кийимлари ҳам миллати табиатига мос. Русчалаб ниманидир сўрадим, улардан бири, не понимаю деб кўре жавоб қайтарди. Мулзам бўлдим, бироқ ранжиганим йўқ. Уларнинг кийиниши, ўз тилларига ҳурмати ҳавасимни келтирди. Қачон биз шундай кунларга

етар эканмиз, деб армон қилдим. Худога шукрки, бугун худди шундай имконият яралди. Ва ўйлайманки, жаҳонга не-не фозилларни, не-не шоирларни, не-не фотиҳларни етиштириб берган бу халқ ҳали учувчилар, тенгсиз қўмондонлар, арбоблар, ҳатто космонавтлар ҳам инъом этади. Ҳали Яссавийлар, Форобийлар, Мирзо Улуғбеклар, Навоийлар... яна етишиб чиқади, чунки миллатнинг томирида ўша улуғларнинг қони оқиб турибди. Уларнинг чироғи миллатнинг шуурида ўчгани йўқ ҳали...

*Ёдингда тут, энг мустаҳкам иморатни ҳам
Ғиштларини кемиради тушган бир кафт туз.
Юз йилларга етадиган чийратма, гўзал
Гиламни ҳам адо қилур кичик бир куя.
Одамни-чи?! У қанчалик юксак мартаба
Ва қанчалик мол-обрўга эга бўлмасин,
Уни татом қиладиган кушандаси ҳам:
Манманлигу маишату шуҳратпарастлик...*

Агар мен, ҳозир дунё аҳли эътиборини ўзимизга қаратяпмиз, десам хато қилмаган бўламан. Олдинда эса ёруғ кунлар бор — у кунлар келади ҳали ва Ўзбекистон Республикаси тараққий топган мамлакатлар қаторидан ўрин олади. Ҳозир эса азиз набираларимга қарата, шундай дегим келади: сенинг ёноғингда юз очар баҳор!..



Рауф Парфи

Биз шундай бир даврда яшаймизки, Туркия билан йўлимиз чамбарчас боғланди. Ва бу табиий жараёндир.

Туркий дунёни ажратишга қаратилган жамики уринишлар сабабини у ердаги зиёлилар тушуниб етганлар. Улар овруполашган ҳолдаги мусулмонлардир. Бизга ўхшаб асрлар мобайнида хору зорлик кўрмаганликлари натижасини ўша заминга қадам қўйишингиз билан илғаб оласиз: юзлари синиқмаган, қарашлари ҳам ўктам. Ваган ўзингники эканлигини ҳис этиб яшаш бахти уларда шаклланган. Бизнинг қонимизга бу туйғу сингиши учун ҳали анча мўддат керак бўлади...

Улар Туркия бўсағасига етмасингиздан пешвоз чиқишади ва сизни бағрига босишларидан аввал қўлингизни олиб ўпишади. Сабаби — бизнинг юргимизни ота юрт, деб билади. Шунда сиз чексиз-чегарасиз бир муҳаббат оғушида қолиб кетасиз.

Ҳар қадамда сиз қондошлар-

нинг ҳароратли меҳрини туюсиз. Зеро, улар туркий дунёдаги ҳар бир ҳодисага жон кўзи билан қарайдилар.

Озарбойжондаги кўргулик муносабати билан Истанбул шаҳрида кўпмингкишилик намоёйиш бўлиб ўтди ва унда иштирок этиб, ўзбек туркчасида бир шеър ўқидим.

Маҳмуд Эрсой отли шоирни Туркияда юксак савияда кўрадилар. Бунинг сабаби — шеърларида у Ватанни Оллоҳ билан боғлаб ифода этган.

Она Туркиядан биз руҳан тозариб қайтдик. Модомики гап муҳаббат ҳақида экан, шуни ҳам айтиш керак: ўрусе салтанати ўз зуғумини ўтказгунга қадар Шарқ шеғриятида ёр Оллоҳга нисбат тарзида келган. Бугун фикрий исканжадан халос бўлаётган эканмиз, шубҳасиз эл жудо этилган нисбатни қумсайди, зеро, Оллоҳга бўлган муҳаббатдан буюкроқ муҳаббатнинг ўзи йўқ бу оламда.

**БИР ЕН ТУРКИСТОНДИР,
ТУРКИЯ БИР ЕН...**

Матлуба Ҳамроз

САДОҚАТДА СОБИТ БЎЛИНГ!

Қиш оқшомларининг бири. Айтарли жиҳозланмаган чоғроққина хона. Хона ўртасида айланма стўл. Стўлнинг икки чеккасида (қарама-қарши қўйилган) курси. Курсиларнинг бирида узоқроқдан қараганда жонли одамга ўхшаб кетадиган ҳайкал «ўтирибди». Еши 70 лардан ошиб қолган кампир хонага икки стакан қаҳва олиб кирди-да, бирини ҳайкалнинг қаршисига қўйиб курсига чўкди.

— Қани, қаҳвага қара, Артём. Совуқ анча зўрайди. Ич-этим зирқираб кетяпти. Сен ҳам совуқ қотгандирсан?.. Виласанми, одатдагидек эрталаб сут билан нонга чиқдим. Ер шундоғам музлаганки, дўконга қайриладиган муолишда сал қолди, йиқилаёздим. Қариялман шекилли...

Мен нафасим ичимда, ҳайратланиб турардим: тавба, ҳайкал билан гаплашяптими? Сўнг кампир мен томон ўгирилиб, тушунтира кетди:

— Бундан 36 йил муқаддам... ўша кўни баҳорнинг авжи ёмғирли кунлари бўлганлигидан уззу-кун ёмғир ёққан, ишдан уйга қайтар эканман, бошдан-оёқ кийимим шалаббо ҳўл эди. Даҳлизда кийимларимни алмаштирдим. Хона чироғи ёниқ эди. Артём уйдалигини пайқаб унга қарата: «Артём, шу ердасан?» деган бўлди. Аммо саволимга жавоб бўлмади. Ухлаб қолган бўлса керак, деган ўй келди миямга. Ваннахонага кириб, ювиниб-артиндим. Сўнггра хонага кирсам мана шу курсига суянган ҳолда... Артём ўлиб ётар эди. Уша лаҳзаларни эслаш даҳшатдан-даҳшатки, ҳеч бир одамзотни бу кўйга солмасин. Уни пешонасидан отиб кетишган эди. Ким, нима учун — қоронғулигича қолди. Артёмни дафн этиб келгандан сўнг гўёки мен йўқдек эдим бу дунёда. Хувиллаган хона ютаман дейди. Ушанда 34 ёшда эдим. Артём билан атиги 4 йил яшадик. Ундан сўнг ёлғизликнинг сўз билан тушунтириб бўлмас онлари бошланди. Тўғри, мен ҳар қалай чиройли, келишган жувон эдим. Қўлимни сўраб, турмушга чиқишимни таклиф қилганлар ҳам бўлди. Аммо мен Артёмдан ўзгасини тасаввуримга сиғдира олмас эдим. Муҳаббат деймизми, хуллас, қандайдир туйғу мени фақат, фақат у билан боғлаб қўйган эди. Кейинчалик, яъни йил ўтар-ўтмас, ўзимни ўзим овутиш истагида мана шу ҳайкални ясадим. Шу-шу Артём (ҳайкал) билан биргаман.



МУҲАББАТ: ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

...Кўрсатув тугагач, бориб телевизорни ўчирдим. Лекин кампирнинг сиймоси кўз олдидан сира кетмас эди. Муҳтарам ўқувчи, бу манзарани оддий тил билан айтмоқ қандайдир қийиндек туюлади. Аммо бу дардни дилдан ўтказиб кўрмоқ жоиз деб ўйлайман.

Айтинг-чи, сиз ушбу тақдирдан таъсирланмадингизми? Дилингиз озгина бўлсин оғриндими? Англиднингиз: бу соф муҳаббатга инсоний садоқат эди. Муҳаббат ҳақида оғизни кўпиртириб гапиришни қўйиллатамиз. Аммо муҳаббатга садоқатни эса ҳаммиша-да оқлайвермаймиз. Инсоният тараққиёти, маънавий тараққиёт, камолот нуқтаси... Шулар ҳақида ўйлар эканман, инсониятнинг маънавий қиёфасидаги тубсиз қоронғу жарликни кўриб ҳушёр тортаман. Бу қоронғу жарликда кўриниши одамга ўхшаб кетадиган, аслида тубан, худбин малъунларни илғайди кўзим. Кўзимни қарғайман. Би-и-р ёп-ёруғ дунёни қумсайман. Кўрғанинг ёп-ёруғ дунё-ку шу: кундуз чарақлаган қуёши, тунлари фараҳли ойи, юлдузлари бор, дейди ғайбдан кимдир. Йў-ўқ... Йўқса, ёруғ дунё ичинда қора қисматлар нечун бўзлайди? Етимхоналар, бири онасига, бири отасига зор ярим дийдалар. Қадамда алдашлар, алданишлар, адашиш ва сўнги имкон — машъум қотиллик. Шуми ёруғ дунё?!
«Мен унинг оиласи борлигини билар эдим. Ҳатто ўртанча қизи мен билан тенгдош эканлигини ўзи айтиб берган эди. Аммо ўша вақтлари кўзим тамоман кўр эдики... ўзимни ушлаб олишга, бундай шармсорликдан қайтишга куч тополмасдим. Мени унинг оппоқ машинаси, кунда турли хил кийиниши, ширин суханлиги ва яна бели букилмаган пуллари буткул банди этган эди. Қандай бўйимда бўлганлигини сезмай ҳам қолдим. Бу шармандаликни унга айтганимда пинагини бузмади ҳам. Тез орада ота-онаси йўқ, олис қишлоқдан ўқиш илинжида келган бир йигит билан таништирди. Танишувимиздан ҳафта ўтар-ўтмас тўйимизни ўтказиб берди. Тўй ўтдию... унинг измига мен янада қаттиқ боғландим. Энди итоаткор, ўз жуфтига хиёнаткор фоҳишага айландим. Бундай жирканч «санъат»ни қўйиллатаётганимдан беҳад бахтиёр эдим. Кунлар ўтиб, бу санъатимдан ёстиқдошим огоҳ топди. Аммо даҳшатлиси, у ҳокисорнинг на менга, на унга қарши боришга қурби етмас эди. Охири ўзини ўзи осиб ўлдирди. Мен эсам шу даражада масту карахт эдимки, унинг ўлимидан заррача эзилмадим. Ҳомила туғилди. Уйладим: чақалоқ билан гулдек чоғларимни ўтказиб аҳмоқманми? Бола бир ойга тўлар-тўлмас шу қўлларим билан бўғиб ўлдирдим... Сўнг ҳаммаси тугади. Оқибат, қилмишларим қора панжара ортига олиб келди».

Қамоқхона ичкарасидан келаётган бундай совук, жирканч иқронни эшитар эканман, яна ўша кампир ва ҳайкални эслайман. Дилимга ойдинлик кириб келади. Эслайвераман, эслайвераман... ва шу манзара билан бутун умр қолмоқ истайман. Ўттиз олти йил — ярим умр. Аслида танҳолик, бироқ садоқат деган буюк ва муқаддас туйғу ҳадея этган бахтиёрлик. Шундай муҳаббат борлигига ишонаман. Садоқат чинлигига имон келтираман. Дил-дилимдан, кўксим тўлиб кетгунча у кампирга, унинг софликда бекиёс муҳаббатига ва инсоний садоқатига саждалар қиламан.

Муҳтарам ўқувчи! Бу гапларим билан ғарбда шунчалик садоқатлилар бор, Шарқда тугаган, демоқчи эмасман. Айтмоқчи бўлганим — аввало дилимизни,

имонимизни касалликдан халослантирсак, дейман, бу бизнинг ютуғимиз. Епиқ дошқозон ичидаги машъум тузумнинг аввало дилимизни дилдан, яратгандан бегоналаштирган сиёсати оқибатларини кўрарканмиз. Бизнинг муқаддас Шарқ маънавий оламида никоҳсиз қовишмоқ, никоҳсиз фарзанд кўрмоқ, бировнинг ҳасмига нопок кўз билан қарамоқ гуноҳи азим санаб келинган. Фоҳишалар, нопок эрлар улус олдида тошбўрон қилинган. Шундай бир ривоят эшитгандим. Фақат дин ҳукм сурган, подшоҳу гадо-сидан тортиб ёлғиз динга итоат этадиган бир халқдан ўн йил деганда биргина фоҳиша пайдо бўлади. Уша гумроҳни халойиқ олдида, одил подшоҳ бошчилигида ёввойи, йиртқиқ мушукларга ем қилишади. Йиртқиқлар уни томон эсидан оғдиргач, фоҳиша танидан оққан қип-қизил қонларига чулғаниб тавба келтиради. Юзини ҳалоллик дунёсига ўгиради. Биз эса ана шу дунёдан маҳрум бўлдик. Гумроҳлардан ҳазарланмай қўйдик. Аксинча, «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун» деган ёлғон инъом соясида карахтландикки, аросат дардида манқуртга айландик. Оила отлиқ муқаддас даргоҳ зулфинсиз қолди. Зулфини йўқ эшикка, албатта, қутқу солингу-си. Йўқ, деди бизнинг инсонпарвар тузумимиз. Қўқу солинмаяжак. Соябонимиз совет давлати, унинг адолатли қонунлари мавжуд. Инсон хорланмайди бу жамиятда. Мана, истаганингизча етимхоналар, қариялар уйлари, хуфияхоналар... Ҳамма-ҳаммаси инсон учун. Бундай танглик, ҳотамтойликдан эсимиз оғмай иложимиз йўқ эди. Кейинги ўн йилликлар ичида ёилавий ажралишлар шу даражада урчидики, бунинг оқибат-сабабларини мушоҳада этишга фурсат етмай қолди. Тўйгача, оила қурилгунча бир-бирисиз беқўним бўлган кўнгиллар оила деган масъулият елкага ортилгач, ўз-ўзидан суस्ताша бошлади. Эр кўчадан келмай қўйди. Аёл ўз ёғига ўзи қоврилди. Оқибат, тақдирлар қозихона ҳукмига ҳавола этилди. Қозихоналарда «гражданский дело»лар қалашиб кетганлигидан ўзлари ҳам бош қотиришиб ўтирмади. Энг осон лўнда йўли — ажрим билан тақдирлар ҳал қилинаверди. Ушбу мақола устида қозғоқ қоралаб юрган кунларимнинг бирида таҳририятга Ургутдан бир онахон келдилар. Ёшлари олтмишга етиб қолган, 10 фарзандлари бор экан. Тирикчилик, ўн боланинг ўн хил дардини ўйлаб ичи қоп-қора қурумга айланган онахоннинг сўзларини лоқайд тинглаб бўлмас эди: «...Мана, 16 йилдирки, ёлғиз ўзимман. Эрим билан ажрашганимизга сабаб, у савдо ходими эди, биз жуда тўқ, кам-кўстсиз яшар эдик. Учинчи фарзандим ҳали ёшига тўлмаган... Кунларнинг бирида эримни ўз уйимда биздан унча узоқда яшамайдиган 18 яшар қиз билан ушлаб олдим. Шунда мени қандай аҳволга тушганлигимни, аёлсиз, тушунсангиз керак. Гўё, наркоз таъсирида ғувиллаган туйнукка тушиб қолган жонга ўхшардим. Қачонки эрим пешонамдан пичоқ урганда ўзимга келдим. Мана бу чандиқ ўша кундан хотира. Аммо, эримнинг бу жиноят хиёнатини элга ошкор этишдан тийилдим. Ўнта фарзандимни ўйладим. Кечирдим, бироқ аҳвол ўзгармади. Ҳар кун ҳақорат, таёқ бошимда синаверди. Ортиқ чидай олмадим. Ажралишдик. Эримдан на пул, на алимент, на бирор бойлик таъма қилдим. Ёлғиз бойлигим — ўнта болам эди. Ундан кейинги ўтган кунларимни сўз билан изоҳлаб беролмайман. Ҳаммаси ёлғиз Худога аён. Колхозчилик, далада итдек ишлайман. Бунинг устига биров беш сўм бераман деса ҳожатхонасигача

тозалардим. Эрим эса ёши эллиқдан ошиб қолганига қарамай, ўша қиз билан даврини сураверди. Аянчлиси, тоқат қилиб бўлмайдигани — шундоқ кўз ўнгимда уни «Волга» сига солиб юрар, ўнта фарзандининг лоақал бирига битта оёқ кийим олиб беришни-да ўйламаз эди. Қизни ўқитди (ҳозир муаллимлик қилапти), тишларини тиллага айлантирди... Қарангки, иши битиб, эшаги сувдан ўтганидан сўнг қиз бошқага турмушга чиқиб кетди. Сўнг эрим етти маротаба уйланди. Аммо бирорта аёл унга садоқат кўрсатмади. Мана, энди яна бизни эслаб қолган. Қайтар дунё деганлари рост экан-да, етмишдан ошиб муруватга зор, меҳрга зор бўлиб умр ўтказяпти. Менинг раҳим келади, оилага қайтишга баъзан розилик бергандек ҳам бўламан, аммо фарзандларим бунга изн беришмайди».

Тақдирлар, тақдирлар...

Бири бизга аёну юзи ноаён бўлган тақдирлар. Бундай қисмат сабабчиларини лаънатлаб-да таскин топмайсан. Ноилож худога соласан. Тан олиб ошкор айтмоқ керак: қонунларимиз инсонни ҳимоя этиш даражасида адолатли кучга эга эмас. Ана шу сийқа қонунлар қон-қонига сингиб кетган авом халқ ҳам лоқайдлик касалига йўлиқди. Эл-улус, маҳалла-қўй, девор-дармиён қўшни, ҳеч ким бировнинг тақдири, қисмати билан қизиқмай қўйди. Бундай риёкорликларнинг ижтимоий сабаблари ўтмишдаги урф-одатларимизни, ахлоқ дунёимизни қоралайверганлигимиз, ажодларимиз муқаддас санаб келган туйғуларга болта органлигимиз оқибати эмасмикин? Келинг, таққослаб кўрайлик: ота-боболаримиз етим-есирларни ҳеч замонда кўчага ҳайдашмаган, аксинча, ўз қарамоғига олиб, туғишганидан ортиқ муруват кўрсатишган, етимхона деган умумий уйлар бўлмаган. Яна ажодларимиз никоҳсиз қовушиб, фарзанд кўрганлар бошини силашдан озорланган. Бундай шарм-сизликни гуноҳи азим санашган. Шундай пок ахлоқ дунёимизни унутаёзган биз эсак, аксинча йўл тутдик. Қонунларимиз фахш ишларни жазолаш у ёқда турсин, кўпроқ шундай тоифаларни қўллаб-қувватлайди. Никоҳсиз туғилган фарзанд учун давлат катта миқдорда пул тўлаш саховатини бўйнига олган. Шу сабабдан ҳам икки-уч отадан икки-уч фарзандни орттириб олиб, «мен ёлғиз онаман» («мать одиночка») деб кўксига уриб юрганлар сони кун сайин кўпайиб борапти. «Ёлғиз она»лар анойи эмас, улар яхши билиб олишган: давлат бундайларнинг биринчи галда бошини силайди — навбатсиз уй билан таъминлайди, ҳар бир боласига маълум (катта, албатта) миқдорда пул ажратади. Улар учун барча муруватхоналар эшиги биринчи галда очилади. Жамиятнинг ўзи, қонунларимизнинг ўзи бундайларни биринчи галда ҳимоя қилиб тургандан кейин, бу тарз биринчи бўлмоқликни ким ўзига ор санар эди?!

Ҳозир ҳамманинг эътиборини тортган филм «Бойлар ҳам йиғлайди» даги бир ғоя мени қаттиқ таъсирлантирди. Тухмат ва ёлғон асносида Эстерга боғланиб қолган Луис-Альберто ажрим учун не-не машаққат тортмади. Вилиндикки, қонун уларда сийқа эмас экан. Қозилар аёлнинг ризолигисиз никоҳни бекор қилиша олмайди. Луис-Альберто билан Эстер бизнинг жамиятда яшагандами, минг марта лаб ажралиб кетишар эди. Мана, сизга Ғарбнинг қиёфаси.

Муҳаббат... Садоқат... Покиза ишқ... Бу туйғуларнинг борлигига, муқаддаслигига барибир ишонаверман. Ҳар қадамда жирканчлик, пасткашликларни

кўрган сайин дилим кўзини майса юзидаги биллур шабнамларга қаратаман. Беғубор шабнам ойнасида ўша кампир ва ҳайкални кўраман. Шулар қаторида ўзим кўрган ва билган яна бир сиймо — Каромат опа. Қишлоғимизда шундай покиза аёл бор. Унинг қисматини менинг каби ерлик аҳоли жуда яхши билади. Турмуш ўртоғи Эгамберди ака калхўзнинг кўзга кўринган раҳбарларидан эди. Раҳбар бўлганда ҳам юлғичлик ва ҳаромдан ҳазарланадиган одил раҳбар эди. Эгамберди аканинг аввало мансаби, бундай фазилати бошқа таъмагир раҳбарларга ёқмайди. Кунларнинг бирида дала шийпонига бир пиёла чойга таклиф этишади-да, овқатига (айтишларича) эшакнинг миясини эзиб солишади. Шу-шу, Эгамберди аканинг ҳаёти огуланади. Мана, неча йилдан буён эсдан орган кўйи яшаб келмоқда. Каромат опа эса бор заҳматни бўйнига олди, ёстиқдошига фақат меҳр-муҳаббат, садоқат инъом этди. Йўлдан урувчиларнинг найрангларига йўл бермади. Аксинча, эрини оқ ювиб, оқ тараб, тўрт фарзандини тишида тишлаб воёга етказди. Каромат опа баъзи-баъзида мени йўқлаб Тошкентга ҳам келадилар. Остонамиздан қадам қўйганларида уйимизга фаришта кириб келгандек туюлаверади. Ҳеч кимни уларчалик беғубор кутиб ололмайман. Мабодо, меҳр-муруватлилар, садоқатлилар, покдан-пок зотлар учун ҳайкал ўрнатмоқдек масъулият зиммамга юклатулгудек бўлса, энг аввало Каромат опага ҳайкал ўрнатган бўлур эдим. Дилимда эса аллақачон ҳайкал ўрнатганман...

Ҳазрат Мир Алишер Навоий: «Ишқнинг бир неча даражаси бордир, — дейдилар. — Биринчи қисм авом ишқидир, умум орасида машҳур ва тарқалгандир, айтадиларки, «Фалончи фалончига ошиқ бўлган»... Иккинчи қисм хос кишилар ишқидир, хос кишилар шу ишққа мансубдурлар. У ишқ пок кўзни пок қараш билан пок юзга солмоқдир, ва кўнгул ўша пок ва шавқи билан беқарор». Шундай пок ва шавқ беқарорлиги ҳар дилни обод этса қанийди. Ё худо...

Гулчеҳра Нуруллаева

БУКУН МЕНГА

БОКИРА ДУНЁ...

«Саккизликлар» китобидан



* * *

Мен яшайдиган Куйбишев
туманининг Мирзо Улуғбек номида
аталиши муносабати билан

*Букун менга бокира дунё,
Букун куйган тилимда «оҳ» йўқ.
Ким кўринган фаришта гўё,
Ҳеч кимсада гўё гуноҳ йўқ.*

*Ярашмагай норози сўзлар,
Кечирмагай куннинг шукуҳи.
Ахир букун туманим аро
Кезар Мирзо Улуғбек руҳи.*

* * *

*Мартабаси баланд қуёшнинг
Риё нима — билмаганидан.
Нолидир одил қарашнинг
Икки юзли бўлмаганидан.
Меҳри ошкор, нафрати ошкор,
Ҳар одими эл назарида.
Сақич қилиб чайнолмас зинҳор
Ҳеч ким уни гап бозорида.*

* * *

*«Оҳ» урарда қиёсингиз кўрсайдим,
Бир бор хандон қарошингиз кўрсайдим.
Қуёшларни уйғотади додингиз,
Кошки кўзда қуёшингиз кўрсайдим.*

МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

*Ҳар даврнинг ўз қўшиғи бўлади, дейдилар.
Агар ўн саккиз яшар қиз кўпинча бадиий
асардаги севги лавҳаларини излаб ўқиса,
ён дафтарига муҳаббат назмларини кўчириб
олса, у табиий ҳол. Ун саккиз яшар қиздан
«Севги нима» деб сўраладиган бўлса,
хилват гўшалар қўйнидаги ҳаяжонли
учрашувларга ҳаёлининг кўчиши ҳам
табиий. Уттиз, қирқ, эллик... ёшли аёл
жавоби эса бошқачароқ... Энди ҳаёт
ҳақидаги, эзгулик хусусидаги, поклик
тўғрисидаги, Ватан, эл-юрт борасидаги
мушоҳадалар уларга йўлдошлик қилади.
Мен бир-бирига маҳлиё севги мубталоларига
ички бир мамнуният билан кўз қиримни
ташлаб ўтар чоғи «Илоё шундайлар бахтига
ҳаёт байроғи садоқат, ростлик, поклик,
ҳалоллик бўлсин, бир-бирларига
муҳаббатлари Ватан ва Адолат муҳаббати
қадар ўссин, шундагина бокира ҳислар
завол топмайди», деб ўйлайман. Зеро, ҳар
қандай севгининг туп қўйиб палак ёзадиган
қўналғаси — ҳур қалб, покиза виждон,
адолатли Ватан.*

*Менинг қуйида ёш дўстларим эзгиборига
ҳавола қилинаётган «Саккизликлар»им
бевосита муҳаббат ҳақида эмас. Уларни
Адолат ва Ватан қадар улғайган муҳаббат
сўзлари деб қабул қилсалар, бошим кўкка
етган бўларди.*

Ҳофизсиз-у, мунг, аламга сифмасиз,
Шоирсиз-у, сўз, қаламга сифмасиз.
Қачон кўрган сиздайларни бу тупроқ?
Оламсиз-у кенг оламга сифмасиз.

* * *

Дунё йиғлар кўзим қорачиғида,
Дунё йиғлар. Сиз-чи, бузмайсиз пинак.
Шу боис кунларим қуёш тиғида,
Ёзда ҳам, қишда ҳам бирдай жизганак.

Дермишсиз: «Ужарлик — буларга удум.
Удум ҳавойилик ҳам эҳтирослик...»
Балки мажнунтолдай эгилармидим,
Тортиқ айласангиз биргина ростлик.

* * *

Олисда илинж бор оппоқ либосли,
Бошидан тўкилар нур фаввораси,
Дастури — покиза меҳнату ростлик,
Тақдир юлдузимиш бахт сайёраси...

Олисда илинж бор — руҳимга далда,
Чопаман, чопаман, ета олмасман.
Уфлайман, товоним қонаган ҳолда,
Қўлимни силтаб ҳам кета олмасман.

* * *

Заҳри қотил кемирган руҳим
Бирдамликдан даволар излар.
Қўшиқлари келтик шуқуҳим
Азоблардан наволар излар.

Шу қисматни тақдири азал,
Ажаб, раво кўрмишдир бизга,
Нетайликки, қўрқоққа ҳазар,
Ношукурмиз бағри тўкисга.

* * *

Най бўлишни Сизга қолдирдим,
Эй, куйила андармон юрак.
Қучоқ бўлиб, Ватаним гирдин
Мен оғушлаб олмоғим керак.

Тиқиларкан бисёрдан-бисёр
Бу тупроққа бегона кўзлар,
Соқчи бўлсак ёмонми, дилдор,
Сиз най бўлиб куйлаган кезлар.

* * *

Ҳеч ўйламай ўтказдим
Изтиробни бошимга.
Мен умримни тутқаздим
Қувончиммас, ёшимга.

Ватан номли изтироб
Бошимда оқ қор бўлди.
Кўзларимда номокоп,
Кўксимда виқор бўлди...

* * *

Букун чулғар экан умид дунёни
Мен яшаш дарсини бермай қумримга
Аза очмоқдаман, сезмай риёни —
«Шу дунё яхши» деб ўтган умримга.

Уқиниб, ўртаниб, чекиб надомат
Қалбдан изтиробга жой бермоқдаман.
Умр ўтаётир суйғун, аломат,
Мен яна ёмбини бой бермоқдаман.

* * *

Билардингиз мунглиғ кўксимга
Боларилар қўйганим уя.
Улар тугён солар кўзимга
Эшик андак очилса қия.

Билардингиз: уларни қувмоқ —
Менинг учун ўлим билан тенг.
Била туриб кўксим айланг чок,
Била туриб, «Қувмайсизми?» — денг...

* * *

Сиз мени билмайсиз, билмайсиз,
Мен — улуг эркимнинг бандаси.
Куйларим карнайсиз, сурнайсиз,
Кийганим — изтироб жандаси.


Айтарим — оғриқли, жарроҳ сўз,
Бўлсайди юргимга у малҳам
Сиз мени билмайсиз, билмайсиз.
Эҳтимол, билмасман Сизни ҳам...

Истеъдодли шоира. Назм гулшани аро ўз ўрни, ўз овози бор. Тошкент туманидаги Чоштепа қишлоғида тававалуд топган. 21-ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат дорилфунунининг филология факультети журналистика бўлимида таҳсил олган.

«Қуёш табассуми» номли илк шеърлар тўплами 1965 йилда чоп этилган. Шундан сўнг шоиранинг «Орзуларим қоқади қанот», «Ташнаман», «Иккинчи баҳор» деган китоблари биринкетин нашрдан чиқди ва шеърят ихлосмандларининг меҳри, адабий жамоатчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Салкам ўн беш йиллик ижодий машаққатлар самараси бўлган «Лирика» китоби 1975 йилда дунё юзини кўрди. Шоиранинг сўнгги йилларда босилиб чиққан «Бағишлов», «Пахта ҳиди», «Нурли нуқталар», «Муҳаббатнинг шуъласи» каби шеърый тўпламлари унинг поэтик изланишлари тобора чуқур ва пухта давом этаётганидан, истеъдодининг яшараётганидан далолат беради.





ЭРКИН ВОҲИДОВ

Эркин Воҳидов шеърятининг энг муҳим, энг қимматли томони шундаки, унда замондошимиз ҳақидаги, зиддиятларга тўла сергалва, серташвиш, қувонч ва шодликларга унча мослашолмаган XX асрнинг иккинчи ярмидаги инсоннинг машаққатли, изланишларга бой ҳаёти тўғрисидаги ҳақиқат мужассам топган.

Шоир шеърларида бу инсон — жумбоқларга тўла сайёра сифатида талқин этилади ва шоир унинг қалби ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади, кашфиётлар қилади.

Буларнинг бари жуда юксак эҳтирос билан, теран бир самимият билан ифодаланади...

Озод Шарафиддинов

ШОИРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИДАГИ АСОСИЙ САНАЛАР:

1936 йилнинг 28 декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида қишлоқ ўқитувчилари оиласида туғилган. 1960 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини тугатган. Илк шеърий тўплами «Тонг нафаси» 1961 йилда нашр этилган.

Асосий китоблари: «Юрак ва ақл» — 1963 йил. «Нидо» — 1964 йил. «Палаткада ёзилган достон» — 1966 йил. «Ешлик девони» — 1969 йил. «Муҳаббат» — 1976 йил. «Рухлар исёни» — 1978 йил. «Тирик сайёралар» — 1979 йил. «Шарқий қирғоқ» — 1982 йил. Икки жилдлик «Сайланма» — «Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома» — 1986 йил. «Шоир у шеър у шуур» — 1989 йил. «Куй авжида узилмасин тор» — 1991 йил.

Эркин Воҳидовнинг таржимон сифатидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқдир. У ўнлаб жаҳон шоирларининг асарларини тилимизга ўгирган.

Ириқ таржималари:

Сергей Есенин. Шеърлар. 1964 йил.

И. В. Гёте. Фауст. 1975 йил.

Шоирнинг иккита драматик асари ҳам бор:

«Олтин девор» — 1969 йил.

«Истанбул фожиаси» — 1986 йил.

Эркин Воҳидов Ўзбекистон Давлат мукофотининг (1983 йил) ва Туркия Езарлар бирлигининг Юнус Эмро номли мукофотининг (1992 йил) соҳибидир. 1986 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» унвонига сазовор бўлган.

ИСТЕЪДОДНИНГ ТАБИАТИ ИСЕНДИР

Халқимизнинг севимли шоири, янги ўзбек лирикасининг илк қаадирочларидан бири Эркин Воҳидов адабиётимизга 60-йилларнинг бошларида тонг нафаси янглиғ беғубор бир насимдай кириб келди. Тасодифий эмаски, дастлабки шеърлариданоқ устозларнинг, элу юртнинг назарига тушган шоирнинг илк тўплами номи ҳам «Тонг нафаси» (1961 йил) эди. Эркин Воҳидов лирикасининг нозиктаъб тадқиқотчиларидан бири, ҳассос мунаққид Иброҳим Ғафур айтгандек, «Ҳали Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Шайхзода, Собир Абдулла, Уйғун, Зулфия, Саида Зуннунова сингари ўзбекнинг улугъ шеър оркестрлари янграб турганда, уларнинг наърали овозлари ичидан ёш Эркин Воҳидовнинг найи ҳам сас тарата бошлади. Ва бу най товуши эшитилмай қолмади. Уни ҳамма эшитди... Халқ уни узок орзиқиб кутилган солиҳ фарзанд каби қарши олди. Унга устозларнинг бахтли назари ва теран хайрхоҳлиги ҳамдам бўлди».

Шу маънода устод шоирнинг «Нидо» (V синф) ва «Рухлар исёни» (XI синф) достонлари ҳамда «Ўзбегим» (VI синф) қасидасининг умумтаълим мактаблари учун тузилган адабиёт дастури лойиҳасидан ўрин олганлиги бежиз эмас, албатта.

Биз севимли шоиримиз билан учрашиб, мазкур асарларнинг яратилиш тирихи, кейинги тақдири хусусида сўзлаб беришларини илтимос қилдик. Зеро, ушбу дил сўзлари нафақат тил ва адабиёт ўқитувчилари, балки Эркин Воҳидов ижоди билан қизиқувчи барча шеър ихлосмандлари учун ҳам ниҳоятда қимматли маълумотлар эканлиги шак-шубҳасиздир. Айни шу ниятда шоирнинг ўзлари битган «Таржимаи ҳоли»ни ҳам эътиборингизга ҳавола қилаётимиз.

Бугунги ўзбек шеърятининг сиру асрорини, етакчи нафосини Эркин Воҳидов ижодини теран ўрганмасдан туриб англаш мушкул. Дарҳақиқат, «Эркин Воҳидов шеърятини... кейинги ўттиз йил ичида янгича фикрлаш, янгича шеърый тафаккур йўсинларини ўзлаштирган ва ўз ривожидида янги босқичга, янги сифат даражасига эришолган ўзбек шеърятининг энг характерли воқеаларидандир» (Иброҳим Ғафур).

Умид қиламизки, шоир билан бу галги ўзига хос учрашув у ҳақдаги ўй ва таассуротларингизни яна-да бойитади.

ТАРЖИМАИ ҲОЛИМ

Мен бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилнинг... Йўқ, мен таржимаи ҳолимни туғилган кунимдан эмас, илгарироқдан бошлашим керак экан. Менинг дунёга келишим тарихи бундай бўлган: минг тўққиз юз ўттизинчи йилда тошкентлик ёш ишчи Каримжон йигирмабешмингчилар қаторида коллективлаштириш ишида қатнашиш учун Фарғонанинг Олтиариқ районига сафарбар қилинади. У оиласи — хотини, чақалоқ қизи, ўн беш ёшлик синглиси билан Олтиариққа кўчиб боради. Уша пайт Тошкент педтехникумининг сиртқи толибаси бўлган синглиси Розияхон тез орада география ўқитувчиси дипломини олади ва қишлоқ мактабида дарс бера бошлайди. Тақдир қизни бу ерда ёш муаллим Чўянбой Воҳидовга дуч қилади ва бу никоҳдан... Мана энди таржимаи ҳолимни бошласам бўлади. Мен бир минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилнинг йигирма саккизинчи декабрида Фарғона вилоятининг Олтиариқ районига қишлоқ ўқитувчилари оиласида туғилганман. Бу оилада биринчи фарзанд қиз бўлиб, у гўдаклигида зотилжамдан ўлган экан. Укам Элбурсни эслайман. Мендан уч ёш кичик эди. Қизамиқ билан оғриб, икки яшарлигида ўлган.

Отамни Олтиариқнинг ўқимишли, обрўли одамларидан бўлган деб эсашади. Ундан дарс эшитган, шогирд бўлган, бирга ишлаган одамлар мен қар гал қишлоққа борганимда — ҳозир у ер шаҳар типидидаги район — отамнинг ишларини, гапларини хотирлаб айтиб беришади, қувнок, дилкаш, сўзга чечан одам бўлган дейишади. У тарих муаллими, сўнг партия,

совет ташкилотларида ишлаган. Ватан урушининг дастлабки йилларида фронтга кетиб, бош миясида осколка жароҳати ва ўпка шамоллаш касали билан қайтиб келди, минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилда ўттиз уч ёшида Тошкентда Олмазордаги касалхонада вафот этди. Бир йилдан сўнг онам ҳам дунёдан ўтди. Икки қисқа умрнинг ёлғиз ёдгори бўлиб мен тоға қўлида қолдим.

Урушдан аввалги даврдан кўз олдимда қолганлар: отам Марғилонга ишга тайинланган эди. Кеч куз ёмғир билан қор аралаш ёғиб турганда Олтиариқдан Марғилонга кўчганмиз. Занжирғилдиракли тракторга прицеп уланган, унга юкларимиз, шкаф, сандиқ, кўрпа-тўшаклар ортилган эди. Йўлда прицеппнинг ғилдираги ариққа тушиб кетган ва юкларимиз ағдарилган эди. Мен, онам эмизикли укам билан кабинада ҳайдовчи ёнида ўтирган эдик...

Тол навдасидан ясаб олган «тойчоғим»ни миниб билқиллаган иссиқ тупроқ кўчада чанг кўтариб чоппиб юрганларимни эслайман.

Отам фронтда эканида онам қишлоқ советида секретарь вазифасида ишлар, қийинчилик билан кун кечирар эдик. Жўхори поясини шимиб тилимни қонатганим, болаларга қўшилиб кунжара еганим учун онам юзимга шапалоқ ургани ва ўзи кечгача йиғлаганини унутмайман. Уйлаб қарасам, болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, достонларга кўчган экан, «Нидо», «Қуёш маскани» поэмалари, «Болалик», «Оқсоқол», «Болалик экан-да...» шеърла-

ри ўша мурғак тасаввур, илк хотираларнинг меваси бўлган.

Тошкентда кечган болалик ва ўсмирлик йилларимдан олган энг ёрқин эсдаликлар Островский номли пионерлар саройидаги шоир Ғайратий тўғараги ва тоғамнинг хонадониди бўлиб турадиган адабий суҳбатлар билан боғлиқ. Тоғам касби юрист бўлса ҳам адабиёт ва санъатга қизиққан, шеърятни нозик тушунадиган киши эди. Уйимизга шоир Чустий, хонандалар ака-ука Шожалиловлар, Маъруфхўжа Баҳодиров, кенг билим эгаси бўлган олим, таржимон Алихон Соғуний тез-тез келиб туришар эди. Менинг шеъриятга қизиқшимни сезган тоғам бу суҳбатлардан мени ҳам баҳраман қиларди. Оддий почта хизматчиси Мулла Шукуржон ака, савдо ходими Акмалхон акаларнинг зукко баҳсларига маҳлиё бўлиб ўтирар эдим. Улар Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий байтларини таҳлил қилиб, ҳар бирлари ўзларича талқин бериб ўтиришарди. Бу суҳбатлар ичкиликсиз, фақат шеър ва қўшиқ кайфи билан, аския завқи билан музайян бўларди. Афсуски, бундай давралар энди камайиб, йўқолиб бормоқда.

Пионерлар саройидаги адабиёт тўғарагига қатнашиб юрган вақтимда «Муштум» жўрналида биринчи шеърим босилди. Шеър тагига, 22-мактаб 7 «а» синф ўқувчиси, деб исм-фамилиям ёзилган эди. Тўғарақ ҳақидаги таассуротларим устоз Ғайратий тўғрисида ёзган хотираларимда баён қилинган.

Эллик бешинчи ва олтмишинчи йилларни ўз ичига олган «олтин даврим» талабалик умримнинг унутилмас ва ўзлигимдан йироқлашмас бир қисмидир. Бу йилларда биринчи шеърлар китобим «Тонг нафаси» ёзилди. Сергей Есенин шеърларидан таржималар қилдим. Ёзувчилар Союзининг ёш ижодкорлар семинаридаги қизгин баҳслар, улуг устозлар Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзодалар билан илк мулоқот ва учрашувлар, дорилфунун даргоҳидаги адабий муҳит ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

1960 йилда дорилфунунни тугатиб «Ёш гвардия» нашриётига ишга кирдим, 1963 йилда Бадий адабиёт нашриётига ўтиб, то 1970 йилгача муҳаррир, бўлим мудири вазифаларида ишладим. Бу ўн йил ичида менинг еттига шеърый китобим, Есенин, Украинка, Светловдан қилган таржималарим босилиб чиқди. Ҳамза номли академик театрда «Олтин девор» (1969) комедиям қўйилди. Республика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлдим (1967).

1970 ва 1975 йиллар орасида буюк немис шоири Иоганн Вольфганг Гётенинг «Фауст» трагедиясини ўзбекчалаштирдим. Бу давр ичида ҳеч бир идорада ишламадим. Бор вақтим, кучим, имкониятимни шу ишга сарфладим. Умуман, жаҳон адабиётидан, рус классиклари, Совет адабиёти намуналаридан қилган таржималаримни тарозунинг бир палласига қўйиб, ўз асарларимни бошқа паллага қўйсам, таржималар оғирлик қилса ажаб эмас. Бу меҳнат менга адабий қардошлик бурчини адо этиш баробарида бебаҳо ижодий тажриба, катта сабоқ мактаби ҳам бўлди.

1975 йилда «Ёш гвардия» нашриётига бош муҳаррир ўринбосари вазифасига тайинланган бўлсам, ўтган ўн икки йил давомида аввал ўша нашриётда бош муҳаррир, сўнг янги ташкил қилинган «Ёшлик» жўрналида редактор бўлиб ишладим, ниҳоят Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида директорлик вазифасини ҳам адо этдим. Бу давр ичида ўн-

дан зиёд китобим босилиб чиқди, республика Ёзувчилар Уюшмасининг Ҳамид Олимжон номли мукофотини, Ҳамза номли Ўзбекистон Давлат мукофотини олдим, «Халқ шоири» унвонига мушарраф бўлдим.

Бундай қараганда битта шоир қилиши мумкин бўлган ишни қилиб қўйгандекман. Лекин ҳеч қачон ўз қилган ишимдан кўнглим тўлган эмас. Ҳамиша ёзганимдан ёзадиганим муҳимроқ ва азизроқ туюлади. Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юкини доимо елкамда ҳис қилганман. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни ҳис қилиш — бу катта бахт. Шунинг учун ҳам жамоат меҳнатидан ҳеч қачон ўзимни олиб қочган эмасман. Қайноқ ҳаёт ичида яшаб, ишлаб ўрганганман, гўшанишинлик табиятимга бегона.

Таржимаи ҳолим борича ёзган шеърларимга, юрган йўлларимга, ҳаётимда учраган одамларга сочилган. Мана бу икки сатр ўйлаб топилган эмас, балки кўнглимдан чиққан сўзлар:

*Одамлар, сиз менинг ҳаётим,
Ҳар бирингиз умрим парчаси.*

«НИДО» (1964 ЙИЛ)

— Эркин ака, дастлабки йирик асарларингиздан бўлган «Нидо» достонининг туғилиш, яратилиш жараёни хусусида сўзлаб берсангиз...

— «Тонг нафаси» номли тўпламимнинг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олиниши мени катта ижодий ишларга бел боғлашга рағбатлантирди. Лирик шеърлар билан бир қаторда олтмишинчи йилларнинг бошларида кетма-кет бир неча достон ҳам ёзиб тугатдим. «Буюк ҳаёт тонги» (1960—65 йиллар), «Орзу чашмаси» (1964 йил) ва «Нидо» бирин-кетин қоғозга тушган.

«Нидо» ёшлик йилларининг романтикаси таъсирида ёзилган асар. Бевосита таржимаи ҳол достони деса ҳам бўлади. Ўз бошимдан кечирганларим, болалик аламларим акс этган мисраларни достоннинг ҳар бир саҳифасида учратиш мумкин. Масалан, «Бағишлов» қисмидаги қуйидаги сатрлар бевосита менинг дил сўзларим, ўз армонларимдир:

Отажон!

Мен ахир бу қутлуғ сўзни

Йигирма йил олмадим тилга,

Йигирма йил сақладим дилда.

Армонли ўғлингиз тинглайди сизни,

Сўйланг, эшитаман.

Вужудим тилка,

Юрагимни ёқар ўтли изтироб,

Аммо кўзларимда бир томчи ёш йўқ.

Вағрим йўйиб,

Бу кун менга бермоқда азоб

Сизнинг кўксингизни тешган қора ўқ.

Силқиб оқаётир

Кўкрагимдан қон.

Қалбим ўртанмоқда, сўнгсиз армоним...

Юрак қоним билан битган достоним

Сизга бағишладим,

Отажон!

Фақат бир мен эмас, умуман мен мансуб бўлган авлод — ўттизинчи йилларнинг охирларию қирқинчи

Биларнинг бошларида туғилиб, болалиги уруш дав-
рига тўғри келганлар қийин синовларни бошдан ке-
чирган. Турли-туман турмуш ташвишларидан таш-
қини ўша йилларнинг хотирамга ўрнашган энг оғир
вақти — отасизлик эди. Биз ота меҳрига тўймай,
ёшган ўсган авлодимиз. Кўпчилигимиз олис-олислар-
дан гадаларимиз юборган бир парча хатни — аскар
мактубларини ҳижжалаб ўқиб савод чиқарганмиз.
Мана шу мисраларни эса фақат муаллифнинг
қиссаси балки ўша авлоднинг — уруш болаларининг
тарқимаи ҳоли ифодасидай қабул қилиш керак.

*Жуман «почта» дадамдан хат келтирган кун
Катта байрам бўлар эди менинг учун.
Уқир эдим юз ҳижжалаб, юз тутилиб,
Такрорлардим, йиртилганча хат тутилиб.
Ййрар эдим маъносини уқарканман,
Дадам хатин ўқиб савод чиқарганман.*

«Няда» достони, ҳали айтганимдай, беғубор ёшлик
романтикаси, соддадил ишончлар билан битилган
асар. Уша пайтларда ҳаёт ҳақида, дунё тўғрисидаги
таъаввурлар ҳам бўлакча эди... Бироқ болалик йилла-
рининг мунгли хотиротига бағишланган ҳамда ёш-
ларнинг эхтиросларини, навқирон илҳомимни ўзида аба-
дий муҳрлаган бир асар сифатида бу дoston мен учун
жуда қадрлидир. Ўйлайманки, менинг кечинмала-
рим, ёниқ изтиробларим — уруш болаларининг ар-
мон тўла овози ёш дўстларимни ҳам бефарқ қолдир-
майдди.

«ЎЗБЕГИМ» (1968 йил)

— «Ўзбегим» эркисизлик ва мустамлака даври ўз-
бек адабиётининг мумтоз намуналаридан биридир.
Битта ёшдан етмиш ёшгача ҳар бир ўзбек учун қадрли
бўлган бу машҳур қасиданинг ёзилиш тарихи, умум-
қийинчилик тутқунлик давридаги тақдири ҳаммани қи-
яқтарса керак...

— «Ўзбегим» атрофида бўлиб ўтган барча гап-
сўзларни айтиб бериш мен учун унчалик ёқимли
эмас. Утган ишга саловат, дейди халқимиз. Қолавер-
ган замон ўзгарди, вақт аллақачон ўз ҳукмини эълон
қилди. Яхшиси, мен ушбу ғазалнинг адабий тари-
хига гапира қолай.

1965 ёки 1966 йил эди чамамда, навбатдаги ки-
табимни нашриётга топширгандим. Тўпламга беш-
та ғазалга ғазал бобидаги машқларимни ҳам киритган-
дим. Китобга муҳаррирлик қилаётган Иброҳим Ғафу-
ров кўлэзма билан танишиб чиқиб, ғазалларни тўп-
ламга киритмасакмикин, деб қолди. Ғазалларнинг
фони алоҳида бир мажмуа қиларсиз келгусида, деди
у киши. Муҳаррирнинг тавсияси ўзимга ҳам маъқул
тушди. Ғазалдаги машқларимга яна-да жиддийроқ
тарғай бошладим. Нафис ва ғўзал санъатлар олами —
бу дунё мени ўзига оҳанрабодай тортарди. Роп-
роқ икки йил—1967-68-йилларда мен аруз
намуналари оғушида яшадим. Гап орасида шуниям
айтиб ўтайки, «Ёшлик девони» шу тарихи дунёга
келди.

«Ўзбегим»ни ёзиш нияти «Ёшлик девони»ни яра-
тиш жараёнида туғилди. Аньёнага кўра, девонда,
биттага, битта қасида бўлиши керак. Ватаним, юр-
тим тўғрисида қасида битишни дилимга тугиб қўй-
дим. Ана шу ниятда ғазалнавис устозларни, айниқса,
шарҳат Навоийни қайта-қайта мутолаа қилардим.
Шарҳатнинг хусусан ушбу байти:

*Шоҳу тожу хилғатеким, мен томоша қилғали,
Ўзбаким бошида қаллоқ, эғнида ширдоғи бас, —*

эътиборимни ўзига жалб қилди. Навоий фахр билан
тилга олган «Ўзбегим» сўзи хаёлимда айлана бошла-
ди. Узил-кесил бир қарорга келдим: қасида шу ра-
дифда ёзилиши керак — «Ўзбегим».

1967 йилнинг ёзларида аввалига тўққиз байтли бир
ғазал ҳолида қоғозга тушди. Негадир унча кўнглим
тўлмади. Ташлаб қўйдим. Ўзи менинг одатим шуна-
қа. Илк нусхани ташлаб қўяман. Бир қадар вақт ўт-
гандан кейингина ўшанга қайтаман. Қўпинча қайта
ишлаш жараёнида илк нусхадан фарқли, баъзан эса
бутунлай бошқача асар пайдо бўлади. Хуллас, бир
йилча вақт ўтар-ўтмас, 1968 йилда «Ўзбегим»ни ян-
гитдан қоғозга туширдим. Ўзиям бир ўтиришда 24
байтли ғазални ёзиб тугатдим. Ёзувчилар уюшмаси-
нинг Дўрмондаги ижод уйида эдим. Ғайратий домла-
лар, бошқа ўртоқлар ҳам бор эдилар. Биринчи бўлиб
уларга ўқиб бердим. Ҳаммаси хурсанд бўлишди... Ға-
зални илк бор кенг доирада эса Ёзувчилар Уюшмаси-
даги мушоирада ўқиганман. Ўша қувончли кунни ҳа-
мон эслаймаман. «Ўзбегим»нинг дунёга келганлиги ху-
сусидаги хабар ўша кунни кўпчиликка маълум бўл-
ган.

— «Ўзбегим»ни эълон қилдириш ҳам осон кечма-
гандир. Биринчи марта қаерда ва қачон босилган?

— Уша пайтлари ўзим нашриётда ишлардим. Шу
боис шундай асарни бостириш қийинлигини жуда ях-
ши билардим. Билганим учун ҳам бирон-бир газет
ёки журналга бериб, ҳеч кимни хижолатга қўймоқчи
эмасдим. Бўлмади. Ёру биродарларнинг қистови билан
«Гулистон»га олиб бордим. Бир даста ғазал ора-
сида билинар-билинамас қилиб, журнал муҳарририя-
тига тақдим этдим. «Гулистон» ўша йиллари жуда
дадил эди. Ҳеч қаерда ўтмаган асарлар шу ерда
чиқарди. «Ўзбегим» ҳам 1968 йилда «Гулистон»да
босилди.

— Эркин ака, сизнингча, «Ўзбегим» шеъридаги
қайси гаплар, қайси образлар ёки поэтик кайфият
кўпроқ мустабид ва мустамлакачи мафкурабозлар-
нинг ғазабини қўзғаганди? Масалан, мен шу қасида-
ни қайта-қайта ўқиб, эл-юртга, Ватанга Муҳаббатдан
ташқари бошқа бир нарсани туймаганман...

*Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон, ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёншон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Урхун хати,
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим.
Ал Беруний, Ал Хоразмий,
Ал Фароб авлодидан,
Асли насли балки Ўзлуқ,
Балки Тархон, ўзбегим.
Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.*

Бутун қасида давомида миллатимизнинг кўрган-ке-
чирганларию кечмишлари, халқимизнинг улуглари
буюк Севги, адоқсиз Изтироб ва юксак Ғурур билан
куйланади. Мени шу нарса ажаблантирадики, наҳот-
ки, ақли расо, эси-ҳуши жойида одамларга, айтай-

лик, қуйидаги мисралар ғалати ёки ғаройиб бўлиб кўринса?!

*Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон,
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим.
Қайга бормай бошда дўппим,
Шуҳратим, қадрим буюк,
Олам узра номи кетган
Ўзбекистон, ўзбегим.
Бу қасидад сенга, халқим,
Оқ суту туз ҳурмати.
Эркин ўғлингман, қабул эт,
Ўзбегим, жон, ўзбегим.*

— Айни сиз айтаётган нарсаларни замон кўтармасди. «Ўзбегим», умуман, давр руҳига тўғри келмасди. Ахир коммунистик мафкура ўтмишга муҳаббатни, миллий тарих билан ғурурланишни, миллий туйғунинг ҳар қандай кўринишини қоралардику! Миллатга муҳаббат — миллатчи, деган тушунча билан, деярли, тенглаштирилганди-ку! Уша пайтларда шу тамғанинг менга ёки айрим тенгдошларимга қўйилиши эҳтимолдан холи эмасди.

Адолат юзасидан шуни ҳам айтиш керакки, «Ўзбегим» атрофидаги гап-сўзларни сталинизм даврининг даҳшатлари билан асло қиёслаб бўлмайди. Варибир замон ўзгарганди. 37-йилнинг кўланкаси йўқолганди. Чўлпон, Фитрат, Усмон Носирлар қисмати бизнинг авлоднинг бошига тушмагани рост. Шундай шеърлар ёзиб омон қолган эканман, демак, замон бошқача бўлган.

«РУҲЛАР ИСЕНИ» (1978 ИИЛ)

— 1968 йилдан сўнг «Ўзбегим» туфайли пайдо бўлган гап-сўзлар «совигунча» мен анча вақт шеър ёзмай юрдим. Айни ўша кезлари «Олтин девор» комедиясини ёздим. Ўзимни енгил юмор, беғубор кулги билан овутган бўлдим. Кейин эса таржима билан шуғулландим. Тўрт-беш йил мобайнида улуг олмон шоири ва мутафаккири И. В. Гётенинг «Фауст» асарини ўзбекчалаштирдим. Шеър ёзишни жуда соғингандим...

Янглишмасам, 1974 йил эди. Китоб дўконида бенгал шоири Назрул Ислоннинг рус тилида босилган мўъжазгина китобчаси диққатимни тортди. Уша ернинг ўзида варақлаб кўриб, шоирнинг фожиали қисмати билан танишдим. Китобчани сотиб олиб, шеърларни ўқиб чиқдим. Ўқиб чиқдим у ўз халқи озодлиги учун тирик қурбон бўлган шоир сиймоси кўз олдидан кетмай қолди. Фидойи шоир ҳақида дoston ёзиш хаёли пайдо бўлди. 1974—1975 йиллар давоми-

да — тахминан олти-етти ой ичида «Руҳлар исени» деб аталган дoston қоғозга тушди.

— Эркин ака, дoston бевосита бенгал шоирининг фожиали тақдирига бағишланган бўлса-да, бироқ асарда тасвирланган фожиалар, кулфатлар кўлами анча кенг. Биз унда нафақат бенгал халқининг, балки ўз халқимизнинг кўргуликларини ҳам кўрамиз. Нафақат Назрул Ислоннинг, балки Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитрат каби фидойи санъаткорларимизнинг ҳам қисматини ўқиймиз...

— Дoston гарчи Ҳиндистон мавзусида ёзилган бўлса ҳам зийрак ўқувчилар унда ўз Ватанимиз, халқимиз қисматини, ўз умид ва армонларимизни ўқидилар, албатта. Назрул Ислон фожиаси аслида Чўлпоннинг, Фитратнинг, Қодирийнинг, Усмон Носирнинг фожиалари эди.

*Бу дунёда
Бор қабоҳат,
Бу дунёда
бор ёлғон.
Аммо бундай
ошкор туҳмат
Бўлмаганди ҳеч қачон.
Назрул Ислон
номи охир
Минг балога тақалди.
Эл учун
Жон тиккан шоир
Эл душмани аталди.*

Дostonда бевосита ўз халқимизга хитобан айтилган мисраларни, агар синчиклаб эътибор берилса, ҳар бир бобда, қисмда учратиш мумкин. Масалан, «Фидойлик тўғрисида ривоят» шундай ниҳояланади:

*Халқ учун
Бош тутган тикка
Мардлар руҳи
ёр бўлсин.
Бу дунёда
ноҳақликка
Кўнмаганлар бор бўлсин.
Зўрлик кўрсанг,
Қилма тоқат,
Ҳар бошда бир ўлим бор.
Фидойилар умри фақат
Бу дунёда
пойидор!*

Агар бу гаплар тўғридан-тўғри айтилганда — ўша вақтда нималар бўлиши аён эди. «Руҳлар исени»нинг мавзуи ва шакли эса ўз давримнинг жуда кўп аёвсиз ҳақиқатларини ифодалашда менга бирмунча қулайлик туғдирганди.

● ЖАЖЖИ ДАРСЛИК:

«Ёшлик» —
навбатдаги сонда:

Ҳалима Худойбердиева. Адабиёт муаллимлари, бу сизлар учун!..

● ШЕЪРИЯТ БИЛАН УЧРАШУВ:

Азим Суюн, Эшқобил Шукур, Ҳамроқул Асқар.



ҚУЕШ-КУ ФАЛАКДА КЕЗИБ ЮРИБДИ...

ХИКОЯ



Шукур
Холмирзаев

Шукур Холмирзаев!

Бу номни ҳурматли журналхон, сизга таъриф-тавсиф этиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Гарчи ёзувчининг ижод сирлари, у яратган асарларнинг бадиий қиммати мунаққидлар томонидан етарлича ўрганилиб, баҳо берилмаган эса-да, у оддий китобхонлар қалбидан аллақачон мустаҳкам ўрин олган. Бу учун адибнинг илк қиссаси «Ўн саккизга кирмаган ким бор» яратилганига ўттиз йилча бўлиб қолганига қарамай ҳамон қўлдан тушмай ўқилаётганини айтиб ўтиш қифодир.

Айни пайтда Шукур Холмирзаев бугунги ўзбек миллий насрининг кўзга кўринган вакилларида бири саналади. Адиб яратган катор ҳикоялар ва «Сўнги бекат», «Қил кўприк», «Йўловчи», «Олабўжи» романи адабиётимиз ютуғига айланган. У Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

...Уша пастликка эгилиб ўсган гужумча остида ўтиргандим. Курсида. Курсининг оёқлари ерга ботиб кетган. Намгарчилик-да. Айтдим-ку, ё саккизинчи, ё тўққизинчи май эди... Жийдалар гуллаган. Унисининг шоҳида бир булбул сайраса, бунисининг шоҳида бир булбул сайрайди. Хўроз-макиён. У ерда ўтроқ қарғалар ҳам бор экан. Қувқ-қув қилиб, бирининг кетидан бири учиб ўтади. Умуман, жонли-жонивор жуфт-жуфт бўлаётган пайт. Ҳатто гужумнинг чакалак шоҳлари орасида ҳам жиблажибонлар бир-бирини қувлаб юришади. Қанақа қилиб шундай тез учишади? Хайронман!

Бир маҳал денг, бир-бирини қувлаб иккита оппоқ капалак келди. Шундоқ оёғим остида энишди. Қийғос гуллаган зиралар устида пилдираб уча бошлашди. Вой шундай чиройли, шундай чиройли!

Мен бунақа манзараларни унутиб юборган эканман. Унутиш ҳам эмас — қандайдир эт қотиб, бундай манзараларга бепарво қарайдиган бўп кетган эканман. Шунданми, ё ёлғизлик, бекорчилик, аниқроғи, НОЧОРЛИК туфайлими, ёки ЭРМАК истабми — ўтирган эдим-да!

Шунда ҳув этакда — унда-бунда қаққайган тош иморатлар олдида томорқасига памидор кўчатими, карамми — нимадир экишгаётган қизил кўйлакли қиз-жувонлару улар қошида гўдайишиб гурунглашиб турган (аксари) қора чопонли эркакларга кўзим тушди. Ҳалати бўлиб кетдим: «Ишлаяпти улар. Мен эсам — бекорчи...»

Ана шунда калламга ғалати фикр келди. «Атрофга қара, — дедим ўзимга-ўзим, — ҳамма жонли-жониворлар жуфт-жуфт! Сен эса — ёлғизсан! Сенинг ҳаётинг — нотабиий ҳаёт...»

Ўзим-ку шу ёлғизликни истаб бу ёққа келган эдим! Энди бўлса, бу ҳол менга ёмон таъсир этди!

Хотинимни эсладим, қизимни... «Улар эсон-омон Тошкентга етиб боришганми-кан!» деб ўйладим.

Шу пайт меҳмонхонага олиб чиқадиган тошлоқ йўлда чопонини эгнига ташлаб олган Мисир кўринди. Совхоз директори, хўжалик раҳбари.

Ўрнимдан турдим.

— Ҳа? — деди у. — Мундай ғамгин бўлиб ўтирибсиз?

— Йўғ-е, ўзим... Атрофни томоша қилиб... Жуда антиқа пайтда кепман-да, Мисирбой!

— Ҳа, энди, баҳор-баҳор... Лекин сиз хапасиз, ака, — деди у.

— Қаёғдан билдингиз, қаёғдан?

— Э, мен эмас, ҳамма билиб турипти ҳисоб... Пақат сизда дурбин йўқ! — деди у. Кўришдик.—Қиттак-қиттак отамизми?—сўради у.

— Кўнгил тортмаяпти, дўстим.

— Уйламанг-е! — деб тирсагимдан тортди у. — Юринг, миллиард ўйнаймиз! Унгаям ҳушим йўқ эди.

— Сиз ажойиб инсонсиз! — дедим Мисирга чиндан ҳам ҳавасим келиб. — Ишлайсиз, ишлатасиз... Югуриб-еласиз. Вақт бўлганда, мендан хабар оласиз.

У елка қисди.

— Бизнинг ҳаётимиз шул-да... Мана, чойхонани битириб олсак, насиб бўлса, йўл битса, ана унда сизга ўхшаган акалар, туристларнинг келиши, дам олиши соз бўлади. Мен чойхонани ҳам ҳашар билан битқазаман. Фермерларим ваъда беришди... Ҳа, ўйламанг-е, ҳаёт яхши бўлиб кетади. Бир қўй бир терининг ичида неча бор озиб, неча бор семирар экан.

— Рост айтасиз, — дедим.

— Нима, зерикдингизми? Марказга тушиб келасизми? Районга? Балки чол-кампириям кўриб дегандай...

— Ҳа, Ҳа,— деганимни билмай қолдим: мен, афтидан, бу шароитнинг ҳам қандайдир ўзгаришига муҳтож эдим.

— Узимам билиб эдим-ов, — деди-да, ёғоч энгарақдан (қўлбола дарвоза) кейин энналадиган жарликнинг у бетидаги хўжалик идорасига қараб шовқин солди: — Ҳў-ў, Болтабо-ой! — Идора олдида ГАЗ-69 мошинаси турарди. Ёнида кимлардир бор эди. — Болтабой, бери ке, ука! — деб қўлини силкитди.

Болтабой — директорнинг—бошлиқнинг шопири. Яхши, камсуқум, камгап бола.

— Бўлмаса, бирон нарса кийиб олинг. Ҳаво айланаяпти. Ёғиб қолар, — деди Мисир.

Бу ернинг ҳавоси жуда ўзгарувчан экан... Ҳа-ҳа, қор дейсизми, дўл дейсизми — марҳамат! Бир парча булут меҳмонхона устида пайдо бўлса, албатта бир нарса ташлаб ўтади. Салдан кейин қарабсизки, қуёш кулиб турибди!

Меҳмонхонага кирдим. Уз хонамга — четдаги ҳужрага бориб, чопонни кийдим. Сигаретни олдим... Биласизми, бу уйчани қанақа қилиб безатган эдим. Битта диван. Қаршида битта кресло. Буларнинг ўртасида ёзув столи. Ёзув машинкаси. Хўш, бурчакда милтик, биротар. Ёстиқнинг тагида пичоқ. Ёки бир парча нон... Онам ўргатган-да болалиқдан. «Яроғ — кўриқчи, болам!» деб, ҳозир ҳам уйимизга бориб ётсам, ёстиғим тагига ё нон, ё пичоқ кўяди... Хўш, уйча ҳақида гапирётган эдим. Бурчакда қандайдир маркали радиоприёмник. Нақ оёғим остида — олдимда электр плита. Ёлғиз дераза ҳалиги гужум томонга очилади. Гужум орти — этакдаги қишлоқ кўринмаса ҳам, қишлоқнинг у четидан ўрлаб кетган арчали тоғ мана мен деб турарди. Ошувгача. Арчалар найза кўтариб, афсонавий қасрга интилиб бораётганда тўхтаб қолган навқарларни эслатади. Сув оқадиган ўйиқлар, оқмалар дўл тушганда икки кунлаб оқариб туради.

Тоғнинг пастроқ жойларига тушган уйлардан тунлари милт-милт нур кўриниб туради.

Аммо мен хонамдаги чироқни ёқсам борми, ўша томонлардан ҳам итлар ҳуришади!

Меҳмонхонада мендан бошқа бирон кимса йўқ-да. Ёзда кўп бўлса керак...

Меҳмонхона тошдан ясалган. Шунинг учун совуқ, ёздаям салқин бўлиши керак.

Битта ўзим ётиб турардим. Қоровулнинг ўғли ҳар эрта битта нон келтириб беради. Овқатниям ўзим қилардим. Ошхона бор! Газ бор!

Тунлари фақат каламушлар безовта қиларди. Полнинг тагида бир-бирини қувиб югуриб қолишади денг: гудур-гудур этиб! Баъзан тирқишларидан фиш-фиш этган овоз эшитиларди. Шунда жаҳлим чиқиб, ўша ерни тепардим. Бир марта патроннинг ўқини олиб, дорисини тешикка отмоқчи бўлдим.

Каламушларни ўлдиришган. Лекин яна кўпайган... Меҳмонхона тошнинг устига қурилган. Шу тошнинг ёриқларидан ҳид олиб келса керак-да.

2.

Хуллас, жўнадик. Кеч бўлиб қолган эди. Қишлоққа тушибоқ машина чироқлари ёруғида кета бошладик. Ер нотекис, лой. Газик у ён-бу ёнга сурилиб кетади. Лекин мен гўё сезмайман. Мунг, мунг! Бутун вужудим мунгдан иборатдай!

Мен ҳаётни яхши кўрардим. Вассалом! Борича: бутун товланишлари, ҳатто фожеалари билан...

Ана шу ҳаётдан кўнгул совуди-да, биродар!

Сотсиализмнинг барбод бўлганига ачинмайман. Бироқ у билан бирга менинг ҳам нималаримдир барбод бўлганига аминман: мен инонган қадриятлар пучга чиқди...

Гўёки бугунги кунгача беҳуда яшаган эканман... Биламан: инсон нимагадир интилиб яшайди, акс ҳолда ўлади. Чамаси, менинг Тошкентда ишдан бўшаб, туғилган юртга улоқиб келишим ҳам ана ўша нимагадир интилиш, ҳечқурса, яшаб қолиш, балки яшашдан маъно топиш мақсадида эди.

Яхшиям Мисирбойнинг мени кўргали уйимизга, яъни, чол-кампирининг кулбасига бориб қолгани. У менинг аҳволимни дарҳол сезди, дарҳол тоққа — ўзи бошчилик қилаётган совхозга таклиф этди. «Тинч, ваҳималардан йироқ!» деб туриб олди. Районда ҳам Тошкентдаги гап бор экан-да: «Энди нима бўлади?»

Менга шу саволни беришади. Мени кўргани келган ёр-дўстлар. Ҳатто нотанишлар ҳам...

Фузулийдами, Навоийдами бир ғазал бор-ку? Бемор даво излаб табибга борса, табибнинг ўзи давога муҳтож чиқади: бундай гаплар эски адабиётда кўп...


Қисқаси, хотиним Тошкентга қайтди, қизчани олиб; иши бор. Мен қолдим...

Ҳа, май байрамими ўтказиш баҳонасида келган эдик.

Кечирасиз, сал чалғидим.

3.

Қишлоқдан чиқа бошладик. Машина чироқлари нуридан ўзга нур йўқ. Сойдан ўтдик. Суви кўп. Шунақаям шовуллайдики, моторнинг овози эшитилмайди. Икки марта тўхтаб қолганда, моторнинг юрган-юрмаганини билолмай қолдим.



Рустам Ғойипов

— *Муҳаббатми?*

Эркин Воҳидов шундай дейди:

Билинг: динсизлар осиймас,

Муҳаббатсизлар осийдир.

Зеро, муҳаббат туйғусу йўқолган кўнгулда унинг ўрнини нафрат банд этади. Ундай соҳиби кўнгуллар қилмишлари гуноҳ эканлигини пайқамайдилар. Табиийки, бундай қавмлар кўпайган жамият жаҳолат сари юз тутади, унда зулм илдииз ога боради. Мен бир санъаткор сифатида барча бир-бирига муҳаббатли муносабатда бўлмоғи лозим, шу эзгу ниятга хизмат қилмоқ керак, деган ақидани дилимга тугиб олганман. Ахир Ибн Сино ҳам, инсон камол топмоғи учун биринчи навбатда



Шукур Холмирзаев. 1959 йил.

буюк муҳаббат соҳиби бўлиши осон, шунда у ҳатто душманга ҳам муҳаббат билан қарайди ва қандайлар ҳаммиша голибдир, дейди. Яна ул алломамизнинг хулосасига таянадиган бўлсак — бунга жуда ишонгим келади — инсоннинг танасидаги каби унинг руҳида ҳам ҳарорат мавжуд. Нилга ёмон баднафрат одамларда шу руҳий ҳарорат пасаяди ва бунинг оқибатида турли хил касалликлар юзага келади. Муҳаббатги буюк инсонлар дилида ёмонликка ўрин топилмайди. Руҳий ҳарорати юксак бундай инсон бемор тегик, сиҳат-саломат бўлади. Шундай азизлардан таркиб топган жамият инсоният камолатига йўл очади.

Яна машойихлар айтадиларки, инсонга уч хил хусусият берилган бўлиб, унинг бири — ҳайвоний, иккинчиси — одамга, учинчиси — шайтонга хосдир. Умридашнинг охирига қадар биз ҳайвоний ва шайтоний сифатларни қиллобди, одамий хислатни камал топгириб боришимиз керак. Зеро, муҳаббат ҳам шу уч хислатнинг бири бирла мавжуддир. У ҳам бўлса — **Одамийлик**. Агар фикримни давом эттирадиган бўлсам, юксак одамий фасилат соҳибигина чин муҳаббатга етиша олади, деган бўлардим. Зотан, муҳаббат ҳам Оллоҳнинг инсонга тақдим этган самовий неъматларидан биридир. Бу олий неъматдан ҳеч биримизни Оллоҳ бенасиб этмасин!



Азиз Ҳамлет роллида. 1962 йил (Хамза театрида).

Нариги бет — тошлоқ. Аста-секин кўтарилиб, юксак тоққа айланади. Унинг ҳам бағирлари — арчазор. Бузуқ жойлар ҳам кўп: шу кунларда наъматаклар қутириб гуллаган эди! Йўл ўша-ўша: нотекис, хавфли.

Лекин Болтабой юришни билади. Мисир уни бекорга шоппи қилиб олмаган... Ҳорғин ўтирибман денг. Хаёлимда бир замонлар — ўн икки-ўн уч ёшларимда шу жойлардан ҳам милтиқ кўтариб ўтганим: отам тайёрлов идорасида ишлар эди, менинг белимга пул боғлаб, қўлимга милтиқни ушлатиб, эшакка миндириб, бу томондаги қишлоқларга жўнатарди.

У кишининг ҳар бир қишлоққа ошнаси бўларди. Мен айтилган қишлоққа келиб, айтилган кишини топиб, иккала қўлимни ҳам баланд кўтарардим. Отамнинг ошнаси белимдан белбоғни ечиб олар, ана ўшанда яна пул келтирганимни англардим. Кейин ошна: «Бориб айт. Фалон кундан кейин шунча эшак олмақоқи боради, туршак боради», дер эди. Мен кўпинча ўша куниёқ районга қайтардим. Нимагаки, масалан, сахарлаб марказдан чиққан бўлсам, қуёш ботишига бирон терак бўйи қолганда, ўша қишлоққа етиб келардим. Биласизки, қуён ҳам, каклик ҳам кун ботаётган пайтда сўқмоқларга, ялангликларга чиқади. Айниқса қуёнлар!..

Отолмасанг ҳам, уларни қувиш, ортидан ўқ бўшатиш, хуллас, томоша қилишнинг гашти бор-да.

Сўнгра: тунлари милтиқни ўнглаб, арчазорлар орасидан юришни яхши кўрардим. Қулогинг динг! Сизгиларинг ўткир! Бамисоли баҳайбат бир махлуқ чиқиб қоладию у билан сўқишасан...

Қолаверса, зимзиё туннинг ҳам ўзига хос гўзаллиги бўлади-да. Юлдузлар яқин, бойқуш сайрайди, ҳар қадамнингдан жир деган тун қуши учиб ўтади. Эшаккина бепарво... Ой чиққан маҳалларда арчазорлар негадир тинч бўларди. Улкан-улкан арчалар сояга ўхшаб туради. Эшакнинг туёқ товуши йироқ-йироқлардан баайни акс-садо беради.

Улай агар, қўрқув нималигини билмасдим. Ҳолбуки, мен ўрмон билан боғлиқ эртакларга ишонардим...

Ўтинаман: ҳаяжонланиб кетиб, асосий мақсаддан чалғияпман, лекин бу изоҳлар ҳам керак.

Болтабой йўлни териб ҳайдаб, ўрқачга чиқди. Чироқлар нурида фақат икки марта тулкими, шақолми кўринди: тўғрироғи, йилтиллаган кўзлари кўринди, холос.

— Товушқон қолмаганми? — деб сўрадим.

— Камайиб кетди, ака, — деди Болтабой. — Лекин бор... Энди, улар ҳам замонга қарайди-да. Ҳадеганди ўзини кўрсатмайди. Бугун эрталаб бировини кўрдим. Ҳар сакрайди — одам бўйи! Уни отиб бўладими? Какликлар ҳам даққи бўлиб кетган. Қорангизни кўрса, бир чақиримдан қочади.

Тогдан эна бошладик. Олисда юлдузларга қўшилиб кетган марказ чироқлари кўринди. Лекин уларга етиш учун... Чўпонлар тўғри айтишади: нур кўрган ерингга борма, ит ҳурган ерга бор! Зўр гап.

Марказ чегарасига кирганимизда, ёмғир томчилай бошлади. Соат ўнлардан ошган эди.

Қўлтегиримон кўпригидан ўтгач, анча ҳушёр тортдим. «Районда ўзгариш борми!» дегандай қарай бошладим. Жимжит. Одамлар кундузги ваҳимали гап-сўзлардан қочиб, уй-уйига, тўшагига кириб олгандай эди.

Чорраҳага етганда, Болтабой:

— Уйларинггами, домла? — деб сўради.

Уй... Уйда нима қиламан? Тунда уларни безовта қилиб, нимани гаплашаман?

Қаёқдан калламга келди шу савол.

— Почтага! Почтага! — деб юбордим.

4.

Почта биноси Саритепанинг бағрида. Урлаб бориб, энгаракка ухшаш дарвозадан кирдик. Одатда мошиналар дарвозадан буёқда қолади. Бизники энди... директоринг улови. Қолаверса, мени жумҳурият ўқувчилари яхши танимаса ҳам, тупроқдошларим яхши билишади. Ҳатто айтишим мумкинки, айримлари фахрланишади.

Мошинани майдонда қолдириб, ичкари залга кирдик. Одам сийрак. Уриндиқларда ҳар хил алфозда ўтиришибди: бир-бирига орқа ўгириб.

Энди, каминани танийди-да, почтачилар ҳам... Тўрдаги туйнукдан навбатчи йигитнинг овози келди:

— Салом берди-ик, Қудрат ака!

— Салом, салом, — деб илжайдим. Уяламан. Ҳамма менга ўгирилиб қаради.

— Тошкент билан гаплашасизми? — сўради у йигит. Улай агар, кўчада кўрсам, танимайман. Аммо шу биланми, бошқаси биланми Тошкентда туриб ҳам кўп гаплашганман: чол-кампирини соғинганимда...

— Ҳа, — дедим.

— Номер ўшамми?

— Ҳа, — деб юбордим.

— Ҳозир! Биринчи кабинага кираверинг!

Энди жилганимни биламан, тепамдан қайноқ сув қуйиб юборилгандай бўлди.

— Нега бу киши гаплашар экан? Менинг навбатим-ку? — деди бир... қора духоба камзул кийган қизми-жувон. У анча нарида деразага қараб ўтирган экан. Менга бурилиб олган, бошқалар қандайдир безовталаниб қолган эди.

Айтдим-ку иссиғим чиқиб кетди, деб!

— Хўп-хўп, синглим. Бемалол... Бу киши гаплашинлар! — дедим-у, юзим қора бўлгандай изимга қайтдим.

Почтачи йигит нимадир деб дўқ қилди. Кимлардир ҳалиги қизми-жувондан нолиди...

Мен эшитмас эдим.

Тўғри майдонга тушдим. Ёмғир кучайибди. Бўғот панасига ўтиб сигарет тутатдим.

Болтабой ҳам мен билан бирга.

— Ҳе, парво қилманг. Қишлоқчилик-да, — деди.

— Йўқ-йўқ, ҳаммаси тўғри, — дедим.

Қаранг-а, Тошкентда шундай жойга кириб қолсангиз, биринчи галда: «Ким охири?» ёки «Кто крайний?» деб сўрайсиз. Бу ерда... Хом сут эмган бандамиз-да. Болтабой ичкарига қайтиб кирди. Бирон беш минутлардан кейин зинада кўриниб, мени чақирди.

Беихтиёр биринчи кабина томон борарканман, почтачи:

— Кечирасиз-да, ака, — деди.

— Ҳечқиси йўқ.

— Линияда янгам...

— Раҳмат.

5.

— Тинчликми? Қаёқлардан телефон қивотсиз? — деб сўради хотиним. «Қаердан?» деганининг сабаби — ўша қишлоққа ҳали телефон тушмаганини Мисир мени кўргани келганда айтган эди, афтидан, хотиним бундан мамнун бўлган эди.

— Райондан. Марказдан, — дедим.

— Нега? Районга тушдингизми?

— Кўриб турибсан-ку?

— Нега тушдингиз?

Мен унга тахминан ярим ойлар ўша тоғлар орасида бўламан, деган эдим. Чамаси, марказга эмаслигимни ҳам айтган эдим. Албатта, бу қарор унга ёққан эди. Марказга тушсанг, биласиз-ку, яна ёр-дўстлар билан ўтирасан. Ҳалиги исқотидан кетади. Кейин рангинг бир хил бўлиб... Иш ҳам қолиб кетади...

Хотиним менинг аҳволимни, умуман, тушунар эди: тушунгани учун ҳам хизматдан бўшаб бу ёққа жўнашимга, яъни, жўнашимизга рози бўлганди. Йўқса, бир қўти сигарет фалон сўмга чиққанда, хизматдан бўшашга бало борми!

Хайрият, энг сўнги китобимга уч-тўрт сўм қалам ҳақи теккан эди...

Ҳа, сўнги китобимга!..

Ҳа-да: шу нарсалар ҳам таъсир этганди-да менга... Маънавиятнинг қадри шунчалар тушиб кетадими?

Еб, ичиб, боринги, туғдириб, ухлайдиганлар замони келгандай: ҳолбуки, бу иш — фақат жонли-жониворларга хосдир. Ахир, бизлар одам...

Бунинг устига, «маданий одам!» дейишда бизни... ям!

Президент маҳкамасидаги мулозимлар ҳам нуқул «Мафкура тамом! Иқтисодни ўйлаш керак!» деб уқтиришади. Ҳолбуки шу — иқтисодни ўйлаш ҳам — демак, мафкура экани, Инсонни ўйлаш эканини тушунишмайди.

Ҳа-ҳа, бу масала ҳали юзага қалқиб чиқади. Шундай қалқиб чиқадики, бу йўриг-да ҳам бирёқламалик қилганимизни фаҳмлаб қоламиз. Кейин аттанг...

Ҳа-ҳа: менинг мафкурам — ҳаётни борича севиш эди. Ҳалиям ундан қайтмаган эдим. Аммо...

... шу ҳаётнинг ўзи, нима бало, чарчатганмиди, жонга текканмиди, билмайман.

Э, дўстим, мени сўроққа тутгандан кўра, ўзингиз — ўз кўнглингизга назар ташланг. Назар ташланг-чи... А-а, балли! Сиз ҳам мен каби улоқиб кетгингиз келади.

Начора, мен шу ишни қипман, балки имкониятим борлиги учундир...

6.

— Нима учун, нима учун? — деб чирсилладим мен ҳам хотинимга. — Балки сенинг овозингни эшитиш учун... тоғдан тушгандирман!

— Уйдан телефон қивотсизми?

— Почтадан! Ишонмасанг, ана навбатчидан сўра, — дедим. — Уйга бормайман. Нима қиламан чол-кампирнинг олдида? Бемаҳалда!.. Ҳа. Тоққа қайтиб кетаман...

— Мошина борми?

— Ташқарида турипти... Узи, яхши етиб бордингларми?

— Ҳа, ишқилиб... Бу ердаям ёмғир, ёмғир... Ҳаммаёқни зах босиб кетди...

— Хўп, менга топшириқ борми?

— Тезроқ қайтиб кетинг!.. Ҳой, сиз марказдаги жўраларингизгаям кўп ишонманг. Мен сездим. Тўқсон пойизи қитмир, одамнинг қўлига қарайдиган бўпти. Ҳа, пул кўрмаганлар... Қайтамга илгари тузук эди...

— Худди шундай, — дедим.



Ҳабибулло Саъд Ғани

Муҳаббатнинг ўзи мезғубми? Асрий саволдир бу. Ва унга ҳар кимнинг ўзича жавоб бермоғи табиий бир ҳол.

Мен ҳам фикрларимни қўлимдан келганча мухтасар ҳолда сизлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Муҳаббат тушунчаси инсоннинг ижтимоий ҳаёти доирасидадир. Демак, муҳаббат киши ҳолида, унинг табиатида яшамайди. Жамики тирик мавжудотлар сингари инсон табиатида ҳам сева-ламбор, насл қолдиришга бўлган майлгина устивордир.

Менинг фикримча, муҳаббат — барчага ҳам насиб этганимиздан буюк бир неъмат. Кўнглимиз эса ҳаммиса унга ташна. Муҳаббат шундай бир илоҳий қўдратки, одам боласини макон ва замонда фақат у бахтли қила олади. Саодатли инсон эса ҳақ қачон ёлғиз ўзи учун яшамайди. Демак, бахтли бўлмоқ учун баргиси хатто капалакка ҳам зарарини тегмаслиги лозим. Бундан унча эса инсонда авваламбор айнан инсоф ва ҳаё шаклланиш бўлмоғи керак.

Шу маънода қаердаки беҳаёлик, фоҳишабозлик мезғуб жан, ундай жойдан саодатманд кимсаларни топиш мушқалдир. Ундай гўша бахтиқарорлар мажонига айланаверади.

Жамиятимиз қандай ҳолатга акс этиши ўзимизга боғлиқ. Демак, толеимизнинг кулиши ё бахтиқаро бўлиши ҳам аслида ўзимизнинг қўлимиздадир.

Сени ўйлаб шеърлар ёзаман,
Ҳлар жўндир, кўнглим тўлмай-
ди.

Эшигимдан сен ҳализамон
Кириб келарсан деб ўйлайман.

Ҳажиламан. Қилт этмас эшик.
Мен йўқман, мен энди нигор-
ман.

Бўларимни, эшигим, эшит,
Ҳабоқангда нақшин нигоҳман.

Очилик кетасан ниҳоят.
Бормисан, эй сабо? Сен насим?
Бўғзимда ёнмоқда бир оят:
«Сенмисан? Сенмисан? Сен-ми-
сан?!»

Оғона. Унда бир минор нур,
Бевуллаб турасан, не сирсан?
Э нурга эврилик кетган ҳур,
Сенмисан, сенмисан, сенмисан?

Тўғ мен бир умр зиндонда
Нурга зор яшаган бандиман.
Ва аркка эришган замонда
Нурлардан кўр бўлган банди-
ман...

Сени ўйлаб шеърлар ёзаман,
Ҳлар жўндир, кўнглим тўлмай-
ди.

Эшигимдан сен ҳализамон
Кириб келарсан деб ўйлайман.



Алиб Шукур Бурхон билан.

Бу нарсани мен ҳам жуда яхшигина сезган эдим... Нима десам экан, ўкинган ҳам эдим: «Эсиз йигитлар», деб... Биламан, ишонаман бу кунлар ўтади!

Нима, меҳр-оқибат тикланмайди, деб ўйлайсизми? Бу даҳшат-ку?

Унда чиндан ҳам инсон инсонга бўри бўлар экан-да?.. Ишонмайман: ахир, Мисир ҳақида гапириб бердим, шекилли? Ундай инсонлар бор-ку?

Менга етади...

Хуллас, хотин билан хайрлашдим. Почтачига гаплашганим ҳақини узатгандим — қайтарди. Бари бир ташлаб чиқдим. Ташқарига чиққач, кўнглим бузилди: нега? Балки бу тентирашим таъсир этгандир?

Аммо нега тўппа-тўғри бу ерга — почтага келганимни ўйлаб, иттифоқо англадимки, ҳалиги меҳмонхона олдида — гужум остида ўтирганимда, ўша капалакларни, қарғаларни, чопон кийган эркаклару аёлларни кўриб: «Ҳаммаси жуфт-жуфт», деб ўйлаганим таъсир қилган бўлса керак? «Мендаям хотин бор-ку?» деб...

Ҳўш, шляпани бостириб, машина олдида бордим. Бораётганимда орқа эшик олдида турган бир қора гавдага кўзим тушган эди. «Болтабой», деб гумон қилганмидим, билмайман, ишқилиб, унга парво қилмай, олдинги эшик тутқичидан тортдим.

Шунда у қора гавда:

— Қудрат ака, мени олиб кетинг. Қўлтегирмонда тушиб қоламан, — деди.

Кўзим илғади: ўша — духоба камзулли қизми-жувон... Энди негадир юрагим ғашланиб:

— Бемалол, — дедим.

Мен ўтирдим. Уям орқа ўриндиққа кириб ўтирди. Жўнадик. Саритепадан эна бошладик.

7.

Одам ўзини билмайди: кўнглини, демоқчиман. Тоғда Мисир: «Отамизми?» деганда, рад қилгандим. Энди негадир сал тусаб қолдим, ёки, умуман, меҳмонхонага қуруқ қўл билан боргим келмадимки, ҳарқалай, шундай дедим:

— Болтабой ука, мана, бирон ҳафтадан бери сизларнинг меҳмонингизман. Ейиш-ичишдан зориққанам йўқ. Аксинча... Шу, малол келмаса, ресторанга ҳайдасангиз. Мен бирон нарса олволсам...

Шофёр менинг шундай дейишимга жавобни аввалбаҳор тайёрлаб қўйгандай:

— Йўғ-е, домла, — деди. — Бу мошин — дириктирники. Отнинг қашқасидек маълум. Рестораннинг олдида кўришса, «Директор нима қилиб юрипти?» дейишади...

Мен унинг бошлиғига содиқлиги учун беш кетдим. Аммо бир андиша ғашимни келтирди: илгари, ҳув илгари шунақа дейишса, эътироз билдирмас эдим.

Чунки райком котиби — ҳоким, ҳоқон эди! Панада билганини қилиб, очикда одамларнинг тирноқча «нуқсон»ини ҳам туядек қилиб кўрсатар эди: умуман, хўжалик раҳбарларининг ресторанга кириши истисно ҳол эди. Аммо хилват гўшаларда улар қилган ишни ўша хонлар ҳам қилолмаган-ов...

— Ҳалиям ҳокимдан қўрқасизларми? — дедим.

— Э, домла, ҳоким—ҳокимда... Кейин бизнинг халқимиз ўрганиб қолган... Тўғри, бетга чопарлар чиқаяпти. Бой фермерлар пайдо бўлаяпти. Ўзимизнинг совхоздаям бор... Мисир ака совхознинг ярмини фермерларга берган. Техниканиям...

Бунақа гапларни ҳам марказда, хотиним билан уч кун турган пайтимизда, роса эшитган эдим.

— Бўпти. Тўғрига ҳайдайвер, — дедим. — Кейин чапдаги тор кўчага кирасан. Ресторанга орқа томондан келамиз.

Болтабой жим қолди.

Тор кўчага кираётганда, орқага қарамасдан сўрадим:

— Синглим, шошилмаяпсизми?

— Э, йўқ. Қаерга шошаман, — деди у ғоят бепарволик билан.

«Зўр», деб қўйдим ичимда.

Торкўчадан бора-бора бошқасига тушиб, ресторанга етдик. Орқа томон қоронғи.

Мен тушиб, ошхона эшигидан кирдим. Оқ қалпоқ кийиб олган ошпазлар мени таниб, дарров сўраша кетишди.

— Кечирасизлар, менга биронта ичимлик керак эди, — дедим.

Буфетчини чақиритди. Уям қуюқ сўрашди ва ҳамда аҳволимдан — чопон кийиб, рестораннынг орқа эшигидан шумшайиб кирган кишининг, яъни, таниқли шоирнинг аҳволдан завқланиб:

— Ароқ йўқ, акажон. Шампан бор, коньяк бор, — деди.

Ҳамма бизга текилиб турибди.

— Биттадан беринг, — дедим.

Берди. Ва уям узатган пулимни олмади. Лекин... чўнтагига тиқиб чиқдим. Яна йўлга тушдик.

Менинг, ҳартугул, кайфим чоғ эдим. Болтабойга ҳали — тепадан энаётганда айтган гапларимнинг бари рост эди-да: бир ҳафтадан буён тирикчилигим шуларнинг бўйнида. Табиий: ичимлик ҳам... Дарвоқе, Мисирбой меҳмонхона ошхонасидаги холодильникка уч-тўртта турли ичимликлардан ҳам солиб қўйган.

Кетаяпмиз.

Айтганимдек, кайфим чоғ. Келаётган пайтимдаги мунг мени ҳарқалай тарк этган эди: бироз яйраб қолсин дегандай... Лекин ич-ичимдан ҳис этардим: хотиним айрим дўстларимнинг бозор иқтисоди одамларига айланаётганини эслатгани ва дарҳақиқат, ўзим ҳам бу ҳолни сезганимга зид ўлароқ...

... Мисирнинг ўзгармагани, почтачиларнинг ҳурмат-эҳтироми, ресторан хизматчиларининг иззат-ҳурмати — дилимни анча равшан этган эди.

Балки мана бу ичимликларни олиш фикриям, нима десам экан, руҳимни кўтарган, қандайдир пинҳона хижолатдан халос қилгандай эди.

Аммо сизга очигини айтишим керак: тагин ўзга, ғоят яширин ва сирли бир нарсаям дилимга, қандайдир... малҳам эдики, у нарса шубҳасиз — почтахонада «қолдин мен гаплашаман!» деб шаккоклик қилган қизми-жувоннинг тагин мошини ёнида туриб олиб, бемалолгина кириб ўтиришни сўрагани ва... кириб ўтиргани эди. Ҳа-ҳа, шу эди.

Ўзингиздан қолар гап йўқ: бундоқ пайтда эркак зоти борки, маъносиз мамну-тортади. Кўнглида заррача «қийшиқ фикр» бўлмаса ҳам.

Тилинг бийрон бўла бошлайди ва айтаётган гапларингни «орқада ўтирган киши» ҳам эшитишни истайсан ҳамда... унга қандайдир мослаб давом этасан.

Лекин каминанинг тилига гап келмас эди.

— Ҳа, гурунг беринг-е, Болтабой, — дедим. — Халқнинг аҳволи қалай? Бу Озодлик деган эдик, етишдик! Горбачёв бобо бир атом уруши қилолмайдиган ишни қип кетди... Баъзилар: «Озодликни нима қилишни билолмай қолдик», дейишди. Тўғри энди, қафасдаги какликни чиқариб юборинг-чи? Тоғларга эркин учиб кетадими? Йўқ... Қайтиб келади. Шу маънода Навоий бобомизнинг «Олтин қафас ичсе қизил гул битса, булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш» деган байтлари нисбийдир...

— Домла, мен бу томонларни тушунмайман-у, халқ бойияпти... Лекин ҳасис бўп бораёпти! — деди Болтабой. — Бундан ташқари, ишсизлар кўпайиб бораёпти. Биздаям анча бор эди... Мисир ака анави ишларни бошлаб юборди. Тошкентлик битта савдогар йигит бор экан. Қандайдир ассасиянинг бошлиғи! Балки танирсиз? Хуллас, ўша киши билан келишибдилар шекилли, у катта пул берган... Хўш, йўл қурилиши учун. Меҳмонхонани жиҳозлаш учун. Миллий чойхона қуриш учун... Мана шу туфайли денг, анча одамлар ишли бўлиб қолди. Маошиям ҳалигидай!

— Ҳим, халқ Мисирдан хурсандми?

— Жуда! Мисир ака ўзгармайди-да... Яхшига — яхши, ёмонга ёмон. Қаттиқ-қўллигим бор.

— Ҳа-а, бу яхши. Халқни ўз бошига ташлаб қўйиб бўлмайди.

— Шу-да: минг қўшчига бир бошчи.

Сирасини айтганда, бу гаплар ҳам маълум ҳақиқатлар эди; ахир, анархиянинг олдини олиш керак-да!

Биз ўрганмаганимиз бундай эркинликка... Шунинг учун ҳам, назаримда, инсондаги энг табиий, инсоният даражасидаги ожизликлар ҳам, ёвузликлар ҳам юзага балқиб-балқиб чиқа бошлади: ўғирлик, шафқатсизлик, порахўрликнинг қандайдир олий шакллари... Меҳр-оқибатнинг кўплардан кўтарилаётгани...

Бу йўриғда «эркинликка чиққан» дин ҳам ожизлик қилаётгани... Умуман, диний ақидалар йўрғакдан сингиши керак кўнгилга! Тўғрими? Раҳмат...

Биз эса — суяги атеизм билан қотган одамлар... Ҳа, энди, кўнгилнинг тубида нималардир бор эди.

Мозорнинг туғини олган бир коммунистнинг қўли шол бўлиб қолганини биламан.

Балки унинг ҳам кўнглида ўша «нимадир»дан бўлгану ночорликдан...

9.

Юқоридаги гап-сўзлар билан сизни зериктирмадимми? На илож, биродар? Қаерга борсанг, шу хилдаги гап...

Нима? Йўқ-йўқ, «Орқадаги киши» сўхбатимизга жилла бўлса-да, қўшилмади. Қўлтегирмондан ўтиб кетдик. Кўприкдан ҳам ўтгач, орқага қарагим келди. Қандайдир хижолат бўлдим. Болтабой: «Қудрат акам бу билан келишган...» деб ўйлайди, дедимми? Кейин: «Наҳот шофёрдан сўрамаган?» деган хаёлга бориб, унга секин шивирладим:

— Бу аёлни танийсанми?

У йўлдан кўз ўзмай танглайни тақиллатди. Сигарет тутатдим: «Қизик-ку?» Бу орада Пода деган қишлоққа яқинлашиб бора бошладик. Мен охийри ўгирилиб сўрадим:


— Синглим, Қўлтегирмон қолиб кетди... Қаерга борасиз?

У аллақачон шундай савол беришимни кутиб, жавобни ҳам Болтабой сингари ҳозирлаб қўйгандай:

— Сиз қаерга борсангиз, ўша ерга-да, — деса бўладими!

Карахт тортиб қолдим. Юрак ўлгур гурс-гурс ура кетди. Хаёлда ҳалигидай мавҳум-қизик манзаралар...

«Тавба! — дейман. — Бу қанақаси бўлди?» Болтабойга кўз қирини ташласам,



Исфандиёр

*Кимдаки йўқ дилда отман,
кимда йўқдир эгтарос.
Мен уни қақраб, қураб
дарёга этгум қабос.
Борки дарё ошиқабар
уммонни кўзлаб ҳар ҳачон
Ул эса уммон қолаб
қочгай гўё саҳро томон, —
дейди шоир. Бежиз эвталмаган
бу ҳикмат. Аслида ҳам муҳаббат
сиз бу файздан холи бўлаб кетар эди.
Муҳаббат — фарзандга санъатга,
Ватанга!.. Бу бир-бири билан
чамбарчас боғлиқ туйғу бўлиб,
шубҳасиз, у аввал билади оилавий
тарбия таъсирида қарор топади.
Агар кимда-ким бешак тебрататуриб
она айтган асли туфайли
унинг дастлабки ўргатлари шууримизга
сингади, деса, сира ҳам хато бўлмайди.
Оилада тарбия кўрмаган,
ота-онасиз севаган инсон
на ўзининг ва бошқа бировнинг
қадрига етмайди ва бу табиийдир.*

Шаҳсан мен учун эл муқаддас туйғу — Ватанга муҳаббат. Яқин-яқинга қадар бу туйғу жуда мавҳум тарзда аниқлашар эди. Жароҳатли онс элнинг, абгор табиату издан тасвирланган ақидаларга, бир-биримиз Ватан қисматига бу қадар эҳтиёт қарашга боис эҳтимоҳ шу билан изоҳланар. Ҳаётда эл ваҳшатли ҳодиса бу алданмади. Кеч эмас ҳали, нима бўлса-да ҳам ворислик ва жавобгарлик, миллий ифтихор туйғусини кўнгилда тарбия этмоқ лозим.

Муҳаббат дилдадир, кўнгил

қанчалык кенг бўлса, унга сиғадиган дунёлар ҳам шунча рангбаранг бўлади. Бугунги миллий маданият равнақини, дейлик, Толстой, Стендал, Маркес анъаналари таъсирисиз тасаввур этиш мумкинми? Асло. Умр бўйи Шарққа интилган, Японияни сайр этиш орзусида оламдан ўтган голланд мусаввири Ван Гогни севмаслик мумкинми сира?!

Бу зотлар Яссавий, Навоий, Бехзод каби даҳоларимизга жўровоз бўлиб, муҳаббат илмидан тағлим беради бизга.

Бешикдаги бола аввал бошда хонани кўради, кейинчалик у тетапоя бўлгач, остона хатлаб ҳовлига, ниҳоят, кўчага чиқади. У ота-боболари ўтган шу заминни кезиб юриб, Ватан нималигини англамай ўтиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам оилавий тарбия ва мактаб таълимини асло назардан қочирмаслик керак. Биз неники эксак, муқаррар шунини ўрамиз!

Биринчи муҳаббат мавзусига қайтсак... бўлган, бу ҳар бир инсоннинг қисматида бор кечинмадир. Ижоддан толиққан ва ёки зиқланган онларим Абдулла Ориповнинг шу номли шеърини қайта ва қайта ўқийман. Шунда қисмат исканжасидан холос бўлгандек ва ўша масъуд дамлар оғушига сингиб бораётгандек ҳис эгаман ўзимни. Уша қизнинг найинки ўзига рўбарў келсам, ҳатто номини эшитсам ҳам довул урган япроқ каби титраб кетар эдим. Тақдир экан...

Аммо айтиши керакки, ўша азиз туйғулар ҳали-ҳалигача дилимни ўртайди. Демак, у яшаётгир, демак, у ардоқли, муқаддас.

Инсоннинг фикрлаш иқтидорига нисбатан туйғунинг кучли бўлиши ўсмирлик палласига тўғри келади, шекилли...

Муҳаббат — бу қалбнинг, маънавий камолотнинг меваси. Дили эҳтиросга тўлиқ бизнинг навқирон насл муҳаббат дунёсида иш кўришса, дейман. Зеро, унинг ҳосиласи абадият нафасига тўйинган бўлади...

мийиғида табассум. Уф, уялиб кетдим: буларнинг олдида мен ҳалигидай — покдомон кишиман-да...

— Бу-а, сиз мени танийсизми? — деб, ярим бурилиб сўрадим.

— Нега танимас эканман? Сиз — Қудрат ака-да, — деди у қандайдир терслик билан. Сўнгра хотиржам-шаддод бир тарзда давом этди: — Хотинингиз, қизингиз билан келган эдингиз. Биринчи Майда кўчага чиқдинглар... Ҳалиги параддаям бўлдингизлар. Тўғри, одам оз бўлди. Қари-қартанг. Лекин байрам-да... Шаҳар ҳоқими сиз билан кўришди. Кейин уйларингизга кетдинглар... Кўрган эдим. Танийман сизни.

— Юртдош сифатидами?

— Ҳа-да, — деди у кескин. — Лекин шеърларингизни ўқиб тураман. Қўлимга тушганда.

— Ҳим, маъқулми?

Ожизмиз-да, азизим. Жиндек мақтовга қулмиз... Йўғасам, бу саволнинг нима ҳождати бор эди!

— Яхши, — деди у. — Узимизни ёзасиз. Тоғларимизни... Сизнинг шеърларингизни ҳаммаси тушунарли. Содда.

— Раҳмат.

Унинг гапи — мен учун катта мукофот эди.

— Тошкентга қачон қайтасиз? — сўраб қолди у.

— Ҳим, билмайман, — дедим.

Шунда Болтабой гапга аралашди:

— Домла хоҳласалар, эртага кетадилар. Хоҳламасалар, бир ой ҳам тураверадилар.

Бу гап ҳам менинг шаънимга айтилган ўзига хос мақтов эди. Бироқ мақтовнинг тагида мени... нима десам-а, қизганиш ҳам йўқ эмасди.

Поданинг сертош сойидан мошинанинг тарақ-туруқ қилиб ўтишиданоқ Болтабой аёлни ёмон кўраётгани, ёки ёмон кўриб қолганини аниқ сездим.

Аммо, мени сўксангиз — сўкинг, бу гапларни хотинимга етказсангиз ҳам — майли, миқ этмай ўтиравердим: нега? Нимага? Елғиз Оллоҳга маълум.

10.

Подадан кейин ўр бошланади. Ур, ўр! Тақир тошлоқлардан айланиб ўтади йўл. Ва ниҳоят, тоғ ўрқачига чиқиб борадики, ана у ердан мен яшаб турган ўша қишлоқ бир туп қора дарахт каби кўринади.

Қарасам, Болтабой «Газик»ни суриб, сакратиб ўрлатиб борапти. Шунча тикиламан афтига, бир қарамайди!

— Болтабой, бир минут тўхта, ўка, — дедим.

У мошинани таққа тўхтати-да:

— Домла, сиз ўйламаяпсиз... Сизни ҳамма дурбинда кузатиб туради! — деди. — Бу киши борса, дарров кўришади. Кейин гап-сўз... Мисир аканинг ҳам шаънига яхши бўлмайди...

Худо ҳаққи, мен бу аёлни қишлоққа — меҳмонхонага боришини тасаввур ҳам қилмагандим: шунчаки, унинг ёнимизда экани завқли эди.

Ва бошқа жиҳатларни ўйлагим ҳам келмасди.

— Тўғри, тўғри айтасиз, — дедим. Шунда орқадан садо чиқишини кутдим: чиқмади.

Нима қилиш керак?

Бу ёнбағирлар ҳам мен учун қадрдон, ёшлигимнинг шоқини даврлари кечган манзил эди. Бу адрларда какликдан кичикроқ, аммо гўзалликда ундан сира қолишмайдиган чил деган қушлар кўп бўлар, улардан талайини отган ҳам эдим.

Ёмғир томчиларини нари-берига сураётган ойна чўткасига қараб турдим-турдим-да:

— Қайтар. Пастга — сойга энди, — дедим. — Сойга, Бироз ўтирамин.

Хонимдан яна садо чиқмади. Болтабой эса мошинани чапдастик билан буриб олиб, орқага қайтди. Сўнгра бўртиб-бўртиб турган тошлар устидан авайлаб ҳайдаб, ҳайҳотдек сойликка эндира бошлади.

Пода қишлоғида кичрайиб қоладиган сойликнинг боши — кенгайиб кетган, ҳар қирроғи бамисоли тоққа айланган ва шимолдаги улўф қирраларга туташадиган бу макон ҳам менинг суйган манзилларимдан бири эди.

Гап шундаки, сой тубида, сув жиякларида бир қаватли, икки қаватли уй баравари келадиган баҳайбат харсангтошлар думалаб ётади. Табиий, уларнинг кўли анави тоғсимон қирғоқдан қулаб тушган ва текис жойда туриб қолган. Кўпчилигининг ён-веридан арча, тоғ-олча, аччиқ бодом шохлари чиқиб туради. Тағин, бундай харсанглар тагида камарлар кўпки, уларга бемалол кириб ўтириш, гулхан ёқиш ва ҳатто ётиб қолиш мумкин.

Камарларга ёмғир-қор тушмайди. Ут ёқиш учун эса хас-хашак, ўтин-чўп сероб. «Газик» сойга тушиб, сувдан ўтди. Нарини бетдаги энг катта қоянинг қошига етдик.

— Тушамиз... Қаршилик йўқми? — дедим орқага сал бурилиб.

— Менга барибир, — деди аёл ўша дангаллигида.

— Яхши, — дедим. Ва беихтиёр, балки табиий тарзда шу фикрга келдим: «Бузуқ аёл... Майли, бироз ўтирайлик. Қайтариб юбораман. Болтабой обориб Қўлтегирмонга ташлаб келади. Узим ў-ўтираман гулхан ёқиш...»

Мошинадан тушдик. Чироқлар ёритиб турган камарга қараб, одоб юзасидан — Бориб тулинг, — дедим хонимга.

У «бориб туришни ўзиям яхши биладигандек индамай ўша томонга йўналди. Биз Болтабой иккимиз нима қилардик? Сўзсиз ўтин жамғаришга тушдик.

Бу ерда бултурдан қолган каврак, қуриган бодомча, тагин аллақандай тиканлар мўл эди.. Ҳаш-паш дегунча хонимнинг олдида ўртача одамнинг кўкраги барабари ўтин-чўп йиғилди. Болтабой унинг устига чиқиб, бироз тепкилагач, пасайиб-босилибгина қолди. Ниҳоят, камардан сал берирокда, ёмғир тушмасдан қиялаб ўтаётган ерга ўтин-чўпдан босиб, гугурт чақиб тутдик. Зум ўтмасдан чирсиллаб тутун чиқариб гулханамиз ловуллаи бошлади...

Мен бениҳоя хурсанд эдим: ахир, болалигим давомида минг бир марта қилганишни тагин такрорлаётган эдим. Ва менга шундай туюлардики, Тошкентда ҳам анави туман марказидаю тоғдаги қишлоқда ҳам мана шундай ёввойича гулхан ёқиш эмаган экан.

Бунинг устига, ёнингда — ким бўлишдан қатъи назар, аёл киши бўлса...

Гулханнинг атрофига учта йирик-йирик тошларни думалатиб келдик.

— Марҳамат! — деб ўтирдим-у, аёлга қарадим. Ва... лол қолдим.

Қоя бағридан оппоқ, ёниқ бир чехра ўта қизиқиш билан қараб турарди!

Рўмолини бошидан туширган (иссиқ ўтган бўлса керак), бўйинлари, сочлари ҳам баралла кўринар, бу қиз-жувон... нари борса, ўн саккиз-ўн тўққиз ёшда эди. Биласизми, бунақа юзни учратиш кийин: кўзлари сал қийиқ ҳамда бир-биридан хийла йироқ жойлашган. Мўғулларнинг кўзини эслатади. Аммо яноғи билинмайди, бунинг устига, ияги чувакроқ.

Бу бир ғалати — кўп қонлар томирида қоришиб юрган, нима десам экан, мўъжиза эди.

Ҳайрон бўлиб қопман. Мен уни «қиз-жувон» деб атадим, «аёл» деб гумон қилдим, «бузуқ хотин» дедим. Бу бўлса...

Ҳа, айтмоқчи, лаблари юпқадан келган ва уларда майин, хайрихоҳона, айна чоғда, қизиқиш тўла табассум бор эди.

Тавба, лекин гаплари дангал, овози ўктам. Ҳатто қандайдир қўпол эшитилади...

— Келинг, ўтиринг, — дедим-у, у ёнбошида бўй чўзиб турган арчани суриб, бу ёққа чиқиши ҳамон бошим айланиб кетгандек бўлди...

12.

Қоянинг бағри — камар жуда қоронғи жойга, аниқроғи, қора ўрмонга айланди. Қизнинг эғнидаги қора духоба камзул... юпун бир кўйлак тусини олди. Оёқлари ён-вериди хас-хашаклар эмас, балки чучмома, бўтакўз ва шулар каби чечаклар очилиб турарди.

Қиз қандайдир қийналиб ёруғликка чиққандек, шундан лабида табассум йўнар, табассуми ҳам... ёрқин ва шодон туюлар ва умуман, у ўзлигини йўқотиб...

... Зумрадга айланган эди!

Зумраднинг кимлигини биласизми?

«Икки сандиқ» эртагини эсланг... Балли! Уша етим қиз. Ўз онаси ўлиб кетиб, ўгай онанинг қўлида қолган... кунларнинг бирида ўрмонда адашиб, сеҳргар кампионинг ҳужрасига бориб қолган...

Билар экансиз... Шошманг, ўшанда айтилади-ку: Зумрад юрган йўлларда чечаклар бош эгиб унга салом берарди... Қизиқ-а? Гуллар салом берса...

Лекин, ишонинг, азизим, мен шу гапларга юз фойиз ишонардим! Шунинг учун гулларнинг менга салом бермаганларини кўриб, ҳайрон қолган, аламиним келга-пайтлар ҳам кўп бўлган... Яхши эслаймэн! Уша эсдаликлардан қолгани, афтидан, шу эдики, гулларни... қанақа бўлмасин, яхши кўрардим!

Афсуски, йиллар, бу ёқда ҳар хил турмуш ташвишлари, устига-устак, ёвуз салтанатнинг инқирозидан кейин пайдо бўлган тентирашлар...

... халқнинг ҳам гангиб қолгани, арбобларнинг тезда йўл тополмасликлари...

Ҳа-ҳа, мени охир-оқибат хизматдан бўшаб, дарвишманга бўлиб бу томонларга кеп қолишимнинг буюк боислари ўша-ўша чечакларга меҳрни ҳам ўтмаслаштириб кўйган-юборган эди.

Бугун — кечки пайтдагина мен табиатни фавқулодда ўткир ҳис эта бошлагандим, холос!

Энди бўлса, мен учун энг суюмли, балки менинг шеърятга ҳавас қўйишимга, табиатни ҳаётни борича — барча товланишлари билан яхши кўришимга ва тасвирлашимга сабаб бўлган азиз эртагим (эртақларимдан бири) ҳам жонланди. Ва бир неча дақиқага бўлсада, мени...

... ёш болага айлантирди. Йўғ-е, ўсмирга! Нималар деялман? Зумрад ўн икки-ўн уч яшар бўлади. Демак, менинг тоғ-тошлар кезиб юришим ҳам ўша даврга тўғри келади: ҳа-ҳа, қоронғи ўрмонларни яхши кўришим, бойқуш сайрашларига ишқи-бозлигим, ой...

Хуллас, қиз келиб, менга яқин тошга сал қийшайиб ўтирди. Оёғида эски шиппак лекин пайпоғи оппоқ. Лозими атласдан экан. Қулоғида сирға-пирға деган нарса йўқ.

Болтабой ҳам бу ёндаги тошга ўтириб, қўлларини ўтга тоблади-да:



Абдумажид Азим

*Инсон қалби бир жўлбоқ экан...
У доим кимгадир, нимасодар тал-
пинида. Айниқса, ўн саккиз ёш
тевараги — умр баҳорини ҳар бир
чўнғил муҳаббат отаёт кезма-
дан баҳраманд бўлишга келади.
Аммо ўттиздан ошган кўнларнинг
ҳаётга бошқачароқ кўз билан қа-*



Алиб С. Юдаков, С. Боронин ва
Е. Евтушенко билан. 1978 йил.

— Домла, нима қилай? Анавини опкелайми? — деди.

Мен ҳамон паришон эдим.

— Э, опкелинг! Опкемайсизми? — дедим.

У туриб кетди.

13.

рай бошларкансан, шоир айтганидай еттинчи осмондан ерга тушаркансан одам. Айниқса, маънавиятнинг бозори касод бўлган ҳозирги замонда муҳаббат ҳақида гапириш кимларгадир эриш туюлар, лекин мен учун ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Зеро, ишқ отлиғ тилсим ҳар қандай даврда ҳам инсониятни юксакликларга чорлайди. Айтиш керакки, бу борадаги тушунчаларимиз жуда торайиб кетган экан. Яқин ўтмишимиз бизга бу муқаддас туйғу тўғрисида жуда бирёқлама тушунтириш, ҳатто Навоий, Машраб каби улуғларимиз асарларини ҳам бузиб, илоҳий илдизларидан узиб талқинлар берганини англамоқдамиз. Дунёвий муҳаббат билан илоҳий ишқ ўртасига чегара қўйиб бўлмаслигини эса ҳали барчамиз ҳам тушуниб етмадик. Инсонга шунчалик мўътабар неъматларни раво кўрган Оллоҳни севмай бўладими, ахир!

Ватани севиш иймондандур, дейилади бир ҳадиси шарифда. Киши ўз она Ватанини севмас экан, уни иймонли деб бўлмайди. Иймонсиздан эса, ҳар қандай ёмонлик келиши мумкин.

— Нимага мундай тикилиб қолдингиз? — сўради қиз қуруққина қилиб.

— Сизни бир кишига ўхшатдим, — дедим.

— Кимга?

— Зумрадга...

— Э, ўзим Зумрад-ку? — деди у.

Мен... оғзимни очиб қолдим. Негадир Увайсийнинг «Анор» шеъри эсимга тушди: «Бу на гумбаздир, эшиги-туйнугидан йўқ нишон...» Нега бу байт ҳаёлимга келди? Тушунсам, ўлай... Аммо оғзим очилиб қолганини тушунса бўлади.

Нима қилишимни билмай: «Э, худо, — дедим кейин. — Бу қандай сир-синоат? Ёки фавқуллода исмлар бир-бирига мос келдими? Ҳа, ҳа. Бошқача бўлиши мумкин эмас!» деб ўзимга уқтиргач, сал-пал ҳушимга келдим.

— Сиз «Икки сандиқ» эртагини ўқиганмисиз? — деб сўрадим.

— «Икки сандиқ?» «Зумрад билан Қиммат» эмасми? — деди у. Ва менинг шошиб бош ирғаганимни кўриб, давомини айтди: — Мактабда ўқигандим. Қимматни аждаҳо ютиб қўяди...

— Шу-шу.

Шунда у бирдан бошини ўгириб кулди.

— Уша Зумрадга ўхшатдингизми мени?

— Ҳа, ҳа.

— Яхши қизга ўхшатган экансиз, — деди у. Сўнг «хирмон»дан бир даста тикан олиб, гулханга ташлади. Ва хўрсинибгина қўйди-да, шишаларни кўтариб келаётган Болтабойга қаради.

Болтабой битта пиёла ҳам олиб келган экан. Шампанни олдим-у, Зумраддан сўрадим:

— Ичасизми?

У елкасини қисди. Мен дарҳол шисани очиб пиёлани тўлатиб узатдим.

— Пиёламиз битта... Мен коньяк ичаман.

У пиёлани олиб, кўпиги пасайгунча тикилиб турди-да, сўнг қандайдир ийманиб-кулимсираб:

— Хўп. Омон бўлинглар, — деб ютди-қўйди.

«Ҳа, ичиб ўрганган, — деб ўйладим. — Еши-ям... Демак, мактабни битирган... Эрга теккан ёки бола туққан-туғмаганини тусмоллаш учун юзига тикилиб қардим: лоф бўлса-ям, нақ олма... Қизик, мени таниса, нега почтаҳонада унақа қилди?» Коньякдан қўйиб ўзим ҳам ичдим. Сўз айтмадим. Афтидан, Зумрадга: «Сизнинг соғлигингиз учун!» дейишга истиҳола қилдим: ахир, у жуда ёш-да!

Болтабой мошинага ишора қилиб, ичмади.

Ана шунда камина катта бир хатога йўл қўйганини англади. Яъники, тўғри айтасиз, газак олмаган эканман: умуман, газак харид қилиш ҳаёлга ҳам келмаган эди.

Сиз ҳозир: «Бу Қудрат шопирни газакка юборади. Мақсади париваш билан ёлғиз қолиш...» деб ўйладингиз. Рост! Лекин сиз ўйлаган маънода эмас: газак ҳақиқатан ҳам керак! Иккинчидан, бу эртақдан чиққан ғалати қиз билан...

... ҳайҳотдек дарада — сой бўйида, чўнг ҳарсанг тагида, гулхан атрофида, сим-сим ёмғир остида ўтириш — ёш ўспирин бўлиб ўтириш мен учун...

ҳаётнинг ажабтовур ўзгариб кетганидан қўйиб ва совуб, «Бирон нарса топарманми?» деб тоғлар қаърига йўл олган кимсанинг бемалол гурунг қилиб ўтириши...

... ахир, менга, дардимга жилла бўлса-да, даво эди-да!

Ҳа, энди, кўнгилнинг қайсидир бурчагида бошқа ният ҳам туғилгандир?

Ҳарқалай, Зумрадга «аёл киши» деб қараш — менинг учун ўнинчи даражали гап эди.

14.

— Шаҳарга тушгунча ресторан бекилади. Уйингизга бориш ноқулай, — деди Болтабой. — Қишлоққа бориб келгунча, соат... тўрт бўлади, домла.

Мен соатга қараб нималарнидир чамалаган бўлдим. Шунда Зумраддан «садо» чиқди-ку:

— Мен аёл бошим билан шу кишини деб келиб ўтирибман. Сиз йигитсиз-ку? О, аёлнинг таънаси!

Болтабой ирғиб туриб кетди. Мошина қошига етганда, қайрилиб сўради:

— Қоровулдан олайми, ё меҳмонхонада борми?

— Хонамда, хонамда бор, — дедим. — Эшиқдан кирган жойингизда бир қўл-тиқ равоч бор. Стол тагида — каструлда қовурдоқ, тортмада нон.

Болтабой мошинани вангиллатиб сойдан ўтказиб кетди. Ҳадемай чироқлари ҳам кўздан пана бўлди.

Атай ўша ёққа қараб ўтирибман. Зумрадга қарашга юрак йўқ. Ҳа-ҳа, энди у билан ўтириш менга қандайдир қўрқинчли бўлиб қолди.

Шунда шамол эсдим, ёмғир қиялаб устимизга қўйиб ўтди. Мен негадир чопон-



Турк адиллари орасида. 1992 йил.

ни ечиб, қизнинг эгнига ташлаб қўйишни ўйладим. Аммо бунга ҳам журъат йўқ: бу-ку — арзимас дилдорлик. Аммо шу асно унга нимадир ваъда этадигандек бўлдим шекилли. Гулханга чўп-хашак босиб, яна ловуллабдим-да, яна Зумрадга кўзим тушиб, ўлай агар, яна бошим айланиб кетгандек бўлди.

Гап шундаки, азизим, мен мана шу баҳайбат сойнинг, аниқроғи, даранинг ҳар иккала қирғоғидаги арчалар ичида милтиқни ўнглаб, гангиб юрган чоғларимда кўпинча шундай туюлардики...

... Зумрад арчалар орасидан чиқиб келади! Мен унга нимадир яхшилик қиламан!

Чўнг қоялар устида дам олиб, сукутга толиб ўтирган чоғларимда ҳам туйқустуйқус шундай туюларди. Ва мен атрофга аланглаб қолардим.

— Сиз неча ёшга кирдингиз? — шу савол тилимдан чиқди.

— Ун саккизга, — деди у хотиржамлик билан.

— Ҳим, турмушга чиққанмисиз?

— Ҳа.

— Болалар...

— Бола қайдан бўлади! Бор-йўғи олти ой яшаб қочиб келдим. Отамнинг уйига...

— Ишлаяпсизми?

— Иш йўқ. Ҳозир иш топиш қийин. Лекин... яқинда боғчага ўтаман...

«Фаррош бўлиб...» кўнглимдан кечди ва хафа бўлиб кетдим: ўзим кал, кўнглим нозик дегандай унга ачиндим-да... У эса хотиржам!

— Ҳўш, нима иш билан шуғулланасиз? — деб сўрадим. Ҳалиям кўнглимда уни «ҳалигидай...» деб ўйлаш бормиди.

— Уйда иш кўп, — деди у ва оёқларини сал узатиб, ёнбошидаги тошга тирсақлаб олди.

Унинг гавдаси кичик, оёқлари бўлиқ, ўзи бақувват ва миқти эди.

— Ичасизми? — деб сўрадим.

— Сўраб нима қиласиз — Бўлар иш бўлди, — деди у. Ва баҳайбат харсангга қараб алланечук кулимсиради.

Пешонамдан тер чиқиб кетди, шампандан қуйиб тутдим. У тагин ютди-қўйди. Ҳўш конакдан отдим. Сигарет тутатдим. Шу тариқа ҳалиги уят-андиша пардаси юздан туша бошлади. Ҳа, лабда табассум, кўзлар биё-биё...

Ниҳоят сўрадим:

— Почтага кирганимда мени танибмидингиз?

У бирдан сергак тортди.

— Йўқ-йўқ, — деди. — Эгнингизда чопон... Танимадим. Кейин уялдим. Кейин нима бўлса бўлар деб мошина ёнига чиқиб турдим. Онам билан гаплашгандим. У киши опамни кўргани қўшни районга кетиб эдилар...

— Ҳим, тушундим... Бу тоғларимизни севасизми?

— Вей, албатта! — деди у гапимга ҳайрон қолгандай. — Отам чўпонлик қилганда, мен кўзи-улоқ боққанман... Кейин бари молимизни сел олди. Отам касал бўлиб қолди. Унганмади. Марказга тушиб кетдик... — У тошга ўмровини тираб, сой томонга боқди. — Шундай тунларда бемалол юрардим... Ҳозир уйда свет ўчса, шабкўрга ўхшаб қолади одам. Ёмғир ҳам яхши: одамни ўстиради... Арчанинг ҳиди келапти!

Сезмадим. Лекин: «Сиз ҳам шоир экансиз!» дейишимга оз қолди. Қизиқ-да: тун, арча, ёмғир тўғрисида шундай жўнгина қилиб гапиргандики, шу жўнлиги билан мени ларзага солганди.

Ахир, биродар мен ҳам севардим-да, тунни ҳам, ойни ҳам, ёмғир, қоялар, арча...

Сезаяпсизми, унинг табиатга қараши менинг қарашларимга мос келаётир!

Мен — дорилфунунни битирган, ҳаёт тажрибасига эга, оилали-фарзандли, тагин мавжуд турмушнинг пасту баландига баҳоли қудрат ақли етадиган одамнинг...

... табиатга муносабати бу қиз-жувон — Зумрадниқидан деярли фарқ қилмас эди.

15.

— Сиз, синглим, бу турмушдаги, мана кўриб турган ўзгаришларга қандай қарайсиз?


Бу саволимдан кулманг, ҳайрон ҳам бўлманг: ахир, ўқувчилар билан учрашувларда ўн-ўн бир яшар болалар ҳам шу маънода савол беришади.

Ана шу кўникма туфайлими, ёки Зумраднинг бу масалаларга ҳам муносабатини билиш менга қизиқ туюлдим, балки унинг бу йўриғидаги қаноатларини ҳам ўзимниқига мос тушишини истадимми — шу саволни бердим.

— Э, мени қизиқтирмайди, — деди у чарслик билан. — Пошшолар кеп кетаверар экан. Сиёсатчи деганларингиз ҳам... Райкомлар ҳам! Бари... — Кейин менга боқиб, майингина кулимсиради. — Мен газета ўқимайман. Телевизордаям... кино бўлса кўраман. «Ҳайвонот оламида», «Оламга саёҳат».

— Яхши, жуда яхши, — дедим.

Зумрад энди оёқларини бемалол узатиб, ёнбошлаган эди, мен:



Абдуқодир Эргашев

Биз учун жондан азиз Ватан тупроғи, унинг суви, ҳавоси, ҳатто ер ости мағданлари ҳам йиллар мобайнида турфа оғулар билан захарланган. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси яккаю ёлғиз денгизи — Орол каби ҳалокат жари ёқасида. Олтимишта ҳайвон, бир юз олтимиш ўсимлик тури забун аҳволда. Бу фожиялар замирида крчи кечагача ҳўкм сурган империячилик сиёсати ётади. Биз унга нафратимизни ҳар қанча шўҳор этмайлик, унинг табиатида яширин бўлган ғайриинсоний савий-харакатни ҳар қанча қораламайлик, аслида ҳеч вақо ўзгармайди. Муҳими-муаммони ечишга киришиш, қўлу оёғимизни илгиз боғлаб ташлаган икир-чикир ташвишлардан, ноумидлик ва танбал кайфиятдан халос бўлиш керак, шўнинг баробарида теварак-атрофга сергак назар ташлаш лозим.

Мен, она табиат ҳалокат жари ёқасида, дедим, аммо бундан ҳам аянчли кўргулик мавжудки, ундан кўз юмиб бўлмайди асло. Бири — маҳаллийчилик. Мен са-

- Чопонни тўшай, чопонни, — дедим.
- Ўзингиз шамоллаб қоласиз, — деб қўйди у.
- Ҳа. Тўғри.
- Биласизми, нимага эргашдим сизга? — деб қолса бўладими.
- Билсам, ҳар нарса бўлай!.. — дедим-у, бошни кўтаролмадим.
- Бола-чақангизни Тошкентга юбориб, бир ўзингиз тоққа кетганингизни эшитган эдим. Буни кўплар билади... Ҳар ким ҳар хил гапирди. Бунинг устига, нуқул хафа кўриндингиз. Сизни кўплар кузатди...

марқандлик, сен фарғоналик, анави хоразмлик, деган тушунча. Юз йиллар муқаддам ва ҳатто бундан ҳам аввал туркий халқлар бошига кулфат келтирган, менинг назаримда, аслида мана шу иллатдир. У халқни бўлади, бирининг тақдирига иккинчиси лоқайд қарашига, оқибат мислсиз фожиаларга асос бўлади. Тарихда бу исботини топган...

Иккинчиси — кечаги куннинг сарқити сифатида яшаб келаётган номасъуллик, амалий ишдан қочиш, ўзгалар ҳисобига яшашга мойиллик туйғуси...

Бу иллатлардан қанча тез фориғ бўлсак, шунча яхши, чунки унинг ўрнини шубҳасиз муҳаббат банд этади: бир-биримизга, яратувчилликка, табиатга, яна Ватанга...

Шу ҳақда ўйлар эканман, андозадаги жараён, андозадаги қарашлар ва фавқуллоҳда яшаришга мойиллик кайфияти толғин руҳимни эзиб юборганини, беҳад толиққанганини чуқур ҳис этдим. Баногоҳ китоб жавоннинг бир четига ётган, кейинги уч-тўрт йил ичида ҳатто очиб қаралмаган шеърини мажмуага кўзим тушди. Ҳафсаласизгина уни қўлимга олдим.

Заъфар юртга нур тўкар
оқшом,
Богда гуллар жавлон урган
пайт.
Кел, жонгинам, қўшиқ айт,
Хайём —
Куйлаб ўтган қўшиқлардан
айт
Богда гуллар жавлон урган
пайт...

Қандай жозиб ва нечоғлик кўнгилга яқин бу сатрлар! Улар сизни ҳолатдан чиқаради ва рангин дунёлар сари бошлайди. Демак, ҳали ҳаёл ва унинг камалакранг жилолари бўлмаган, шеъринг ҳам, муҳаббат ҳам...

— Тушунарли, — дедим. Ва, тасаввур этингки, бунинг менга қизиқиш, ҳатто эргашиб чиқиши ҳам менга анави... дейлик, Мисирнинг меҳр-оқибати, почтачио ресторан хизматчиларининг дилдорликларига ўхшаб кетди.

Аммо, табиий, бунинг қизиқиши — истисно эди!
Бу, табиийки, менга яхшилик ниятида эмас, ўзининг қизиқишини қондириш учун чиққанди: энди, бу ҳолга унинг қандайдир зерикши ва ана шу ҳисни ҳам бир миқдор қондиришга эҳтиёжи сабаб бўлгандир...
Мен тагин бир нарсани аниқ туя бошлаган эдим: ҳозир ўртаимизда нимадир бўлиши керак...

Шу мени ҳаяжонга сола бошлаган ва ўша қандайдир иш содир бўлгандан кейин «нима бўлажағи» қизиқтирар эди.

Тагин биттадан ичдик. Шунда йиғилган ўтин-чўп камайиб қолди. Емғир эса кучайди: демак, тезроқ ўтин жамғармасам, бориям нам тортиб қолади.

Чопонни ечиб ташлаб, сапчиб ўрнимдан турдим-да, атрофда қолган тикан, каврак ва бодомчаларни юла кетдим.

Зумрад эса туриб, тошга ўтириб олди: кўзларида шундай қизиқиш ва ёрқин кулги бор эдики, мени томоша қилар, ҳамда, нима десам экан, бу ишларни...
... гўё фақат унинг учун қилаётгандек туюлардим шекилли!

Бу ҳолатни аниқ сезганимдан кейин тикан юлишга бот киришиб кетдим ва ҳадемай толиқиб қолдим: мен Болтабой эмасдим... Лекин юлаяпман! Шу, баъзи бодомчаларни қисимлаб тортсам, лаънати жилла суғурилмайди денг, кўлим сирғалиб чиқиб кетади. Кафтимга қарасам: қон...

Шунда фаҳмлаб қолдимки, унинг — ўн саккиз яшар жувоннинг олдида ўзимни ёш, бақувват кўрсатмоқчи бўлаётган эканман!

Нера!
Билмайман.

16.

Оқибат талайгина ўтин жамғариб ва Болтабойдек тепкилаб, қўлни ҳам чўнг қоя ёриғидан сизаётган сувга чайиб олгач, жойимга ўтирдим. Чопонни эгнимга ёпдим.

Зумрад эса, бериги тош ёнига ўтириб ёнбошлади-да, оёқларини биқинимдан орқага узатиб юборди.

Унинг бутун вужуди-борлиғи қаршимда эди: мана мен, деб ётарди...

Тагин битта отганимдан кейин кўнглим бузилди: «Э, худо, — дедим. — Бутун болалгим давомида шундай бир қизни... шундай тоғлар орасида, арчазорлар бағрида кўришни орзу қилдим! Мана бугун у баайни қоя бағридан чиқиб келди. Лекин...

... бугун!

Бу ёш, тажрибасиз...

Мен эсам, даққи юнусдан қолган... Яъни, ҳар қандай ишнинг оқибатига ақлим етадиган кишиман: агар яна-да очикроқ айтсам, мундай:

Дейлик, мен ҳозир унга қўл узатсам, шубҳасиз, қўлимни ушлайди. Кейин...

... Ундан кейин бунинг менга қизиги қоладими? Майли, бир неча минут ёки соатга бўлса-да!

Менинг аср мақсадим нима?

Сал-пал тирилиш... руҳни тиклаш, маънолироқ яшай бошлаш ва ижодга қайтиш-ку?

Мана келдим: руҳимда озми-кўпми ўзгаришлар бўла бошлади. Яъни, кимларнидир дафъатан ёқтирмай қолган бўлсам, кимларнидир ёқтира бошладим. Ва яна муҳими...

...«Энди нима бўлади? Ҳаёт қандай йўлдан кетади? Эртанги кун қандай бўлади?» деган инжиқ саволлардан халос бўла бошладим». Мисирнинг одамларни ишлатиши ва ўзининг ҳам танимаслиги, боз устига, «парво қилманг, ҳаёт яхши бўлиб кетади», деган гаплари ҳам менга таъсир этган эди.

17.

Энди бўлса ёшлигим билан бетма-бет ўтирардим: ҳа, қаршимда Зумрад...

...менинг орзуларим, ҳаяжонли хаёлларимнинг бугунги кундаги рўёби эди.

Мен ҳам кўнглимнинг аллақарида ёшгина ўспирин эдим! Аммо моҳиятим, умрим, борлиғим билан ўзга, ёши ўтинқираётган кимса эдим...

Демак, шундай бўлиб қолишим керак. Ва бу учрашувнинг Аллоҳнинг неъматидек қабул қилмоғим даркор. Ҳамда буни бузмаслигим-булғамаслигим шарт, деган фикрга келдим: ана шунда қалбимнинг аллақаридаги ёшлик — табиатга ва унинг турфа кўриниш-товланишларига меҳрим янгиланганича қолса керак.

Зумраднинг менга, ўзи билмай ҳада этаётган завқи бугунги капалагу булбул-
лару жиблажибонларнинг берган завқидан кам эмас, ортиқ бўлса ортиқдир!

Менинг уларга бўлган меҳрим қандайдир даражада тирилгани каби унутил-
ган, балки унутилаёзган болагим ҳам тирилиб қолди, ахир...

Шундан бўлса керак-да: ёмғир ҳам, тун ҳам бошқача кўрина бошлади: хусу-
сан, Зумрад ушбулар ҳақида ўйчан сўзлагандан кейин...

— Сиз яхши кўриб уйланганмисиз? — ўтдан кўз узмасдан сўради у.

— Ҳа, албатта, — дедим.

— Мен эримга кўнгилсиз эдим, — деди у. Ва қандайдир чалқанча бўлиб уф
тортди. — Майли.

— Нима «майли»?

— Барибир яшаш яхши, — деди у ва бошини орқага солиб энди тоғдек юксалиб
турган қояга боқди. — Кичкиналигимдаям шу харсангни туриши шу эди... Ана
тоғларнинг ҳам туриши ўша-ўша! Ҳеч нарса ўзгармаган. Осмон ҳам. Булуғлар,
ёмғир... Ҳе, нимасини ўйлайман... — У ҳамон менга қарамай давом этди: — Сиз-
ларни... катталарни турмуш, ундаги тўполонлар хафа қилади. Отам ҳам нунду:
«Энди нима бўлади?» деб ўйлайди... Шундай пайтда мен шоир Фафур Ёуломнинг
мактабда ёд олган бир шеърини эслайман:

Кўёш-ку фалакда кезиб юрқибди,

Умримиз боқийдир, умримиз боқий...

Ажабо, биродарим, мен ҳам ушбу сатрларни бир неча бор такрорлаган-
лекин тасалли топмаган эдим: ахир, биз фалакдаги ҳалиги азон учиб кетаётган
«қора тўйнуқ» нималигини ҳам, Ер куррасидаги экологик ҳолатнинг ҳам бузилиб
кетганини биламиз. Ва шу ҳам руҳимизга таъсир этиб, ошимизга заҳар кўшиб тура-
ди-да!

Бу жувон эса бу нарсаларни ўйламайди: у бориға — кўриб турганига инонди,
вассалом.

18.

— Қудрат ака, сиз тарихни яхши биласиз, шоирсиз, — деб қолди кейин —
Мана шу сотсиализмга ўхшаган тузум ўтганми олдин?

— Мактабда айтишмаганми? — дедим.

— Айтишган-е, — деди у қандайдир силтаб. — Лекин баъзи одамларнинг га-
пини эшитсанг, илгари ўтган зolim тузумлардан фарқи йўқ эмиш-ку?

— Ҳа-ҳа, — дедим беихтиёр ҳаяжонланиб. — Зolimликка қурилган тузумлар-
нинг ҳаммаси бир-бирига ўхшаш бўлади...

— Шу экан-да, — дея шампанга қараганини сездим ва яна пиёлага қўйиб
унга узатдим. У идишни олиб: — Бунисиям ўтипти. Шунгаям ҳам тортишми! — деди-
да, бу пиёлани ҳам бўшатишди. Кейин кулди. — Шундай эмасми? Одамларнинг қў-
лидан нима келади? Тагин битта тузум бўлади-да: яхшими, ёмонми... — Сўнгра
яна кўксини тошга бериб, сойга — қоронғуликка боқди. — Лекин бу ерлар қол-
ди. Шу сой ҳам, сув ҳам, мана бу гулхан... Кечирасиз, сизнинг шеърларингиз
ҳам...

Мен карахт эдим: гўё бу ёшгина қиз мени овутмоқда, менга мангу ҳақиқатлар-
дан дарс бермоқда эди: ажабо, бу гаплариям нақадар жўн!

Ишонасизми-йўқми, энди у мен учун қизлигини-аёллигини йўқотган, аниқроғи
унга нисбатан дилнинг пинҳон гўшаларида бош кўтариб турган ҳалигидай ҳислар ҳам
ғойиб бўлган эди.

Биласизми, бу ҳолатни нимага ўхшатиш мумкин? Дейлик, аёлингиз билан ҳам
ҳалигидай муносабат устида рўзгорнинг ҳал бўлмаган бир ташвиши ҳақида бахс
чиқиб қолгандаги ҳолатга ўхшатиш мумкин...

— Қудрат ака.

— Ләббай!

— Мошина келса, мени Қўлтегирмонга обориб қўясизларми?

— О, албатта! — дедим.

— Раҳмат... Мен жуда маза қилдим, — давом этди у. — Худо урсин агар, сиз-
ни... шунақа бўлсалар керак, деб ўйлаб эдим. Рост чиқди.

Мен фикрини тушунган эдим. Конякдан яна отдим-да, дадилланиб:

— Яхши тушунмадим, — дедим.

У башарамга боқиб турди-да, бу ёмғирли тунни тўлдириб қулиб юборди.
Тасаввур этинг, мен ҳам унга қўшилиб кула бошладим. Табиий, қандайдир
айбимними-гуноҳимни яшириб қулар эдим. У бўлса... балки у ҳам ўшандай айбим-
ми-гуноҳиними бекитиб қулар эди.

... Болтабой келгач, яна бироз ўтирдик. Сўнгра Зумрадни Қўлтегирмонга
оптушиб қўйдик.


У хўшлашаётди:

— Ёзиб туринг. Ёзмай қўйдингиз, — деди.

— Албатта ёзаман! — дедим.

Аммо ҳали нимани қандай ёзишни билмас эдим.

Билмас эдим-у, тезроқ тоққа-қишлоққа кетгим келар, поли остида калам, ш-
лар гудур-гудур этиб чападиган ҳужрамга киришни, курсига ўтириб, деразани очиб
ва чироғим ёнгани туйфайли... сойнинг у бетларидан ҳура бошлаган итлар томонга
тикилишни истар эдим!



Хуршид Дўстмуҳаммад

Муҳаббат аслида эҳтироснинг
эши. Эҳтирос шу ҳодиса бўлиб
ва изоҳлаб бўлмайди, балки бир кўч-
дирким, биз ақлни ҳеч қачон устун
қўймайлик, аксарият ҳаётда
эҳтирос, ҳис-ҳаяжон ақлнинг
ақли етмайдиган мушкуллар-
ни «ўйнаб-қулиб» бартараф эта
олади. Инсоният тарихида эҳти-
рос, ҳис-туйғуга дахлдор ақл-
фит ва ихтиролар шу ҳодиса бўлди,
уларнинг замирида яшарган
сир-синоатни англаб. Эҳтирос ақш
учун ақл то абад «тер тушмага»
тўғри келади.

Айни чоғда бу гаплар ақлнинг
ақлманиятини заррача қалқитмай-
ди. Муҳаббат қозонида барон
нарсаларга кўнгул қўйишда эҳтирос
устун турганидан қатъи назар,
башарти эҳтирос қозонини
ақл бошқариб, изга солиб турмаса
ақлнинг пачаваси чинишар дег гап
эмас. Ақл эҳтиросни қўриқлаб
туради, уни тизгинлайди, мажбу-
р ва йўналтиради ва эҳтиросни яна-
да ўткирлаштиради, қорқайди.

Севги-муҳаббатнинг қуртак
эшишида икки бошланғич дуби-
да — эҳтирос ва ақл ёнма-ён гу-
риши ҳам жуда табиий. Булардан
натъи назар, ҳар қандай муҳаб-
бат инсоннинг қамолга соғиб бў-
лади. Муҳаббат нимага ҳамма
бўлишидан қатъи назар, у инсон-
ни улуглайди, инсониятни мар-
табасини оширади. Булар ўташи
билан муҳаббатлар бағридаги
жамлана-жамлана ҳаётнинг туб
моҳиятини ўзида қандай туг-

ган — Ҳақ таолога бўлган муҳаббатга айланади. Ана шу муҳаббатга мубаталолик лаҳзаларидан бошлаб шу вақтга қадар бошингизга тушган муҳаббатга ўхшамаган, ҳар қандай муҳаббатдан улғуроқ қалб мавжлари тинчлик бермайди. Бу нотинчлик киши умрини буткул қайтадан идрок этишга, инсон умрини янада, чандон мазмунлироқ эканини англашга ундайди — англаш лаҳзалари ўтган сайин ҳар бир одамдаги инсонийлик маҳоми улғаяверади, юксалаверади. Бундай юксак муҳаббатга фақат эҳтирос билан ёхуд фақат ақл билан етишиб бўлмайди. Эҳтирос руҳни тарбиялайди, ақл тафаккурни. Ҳақ таоло висолига эса тинимсиз эҳтирос — руҳ тарбияси орқали эришилади. Тафаккур тарбияси воситаси-ла етишади, одамлар. «Виз оятларни ақлли кишилар учун баён қилиб кўйдик» деган ҳикмат келади Кўрғони каримнинг «Бақара» сура-сида. Улкан ақл, маърифат соҳиблари бу ҳикматни ўзларича бот-бот тасдиқлаганлар. «Агар тафаккур дарёсига чўмсанг, етти қават осмонни хаёлинг қутгичасига жойлайсан, — деб ёзади Аҳмад Дониш, — агар хаёл қувватини ишлатсанг, етти қават Ерни фикринг тоқчасига сиғдирасан». Алберт Эйнштейн, «Динсиз фан — оқсоқ, фансиз дин — сўқирдир», дея мазкур фикрни янада лўндалаштирган.

Шундай қилиб, турли катта-кичик муҳаббатлар баҳонасида тобланган қалб юксак муҳаббат — яратгувчимизга бўладиган эшиқликка ҳозирланаверади. Юксак муҳаббат учун қалб юксалмоғи даркор. Юксала олмаган қалб ва шуур Казбатуллоҳ пойидаги юксакликни пайқай олмайди. Зеро, Казбатуллоҳ пойидаги мўмин кишининг оёғининг ости Ер юзининг энг юксак чўққисидир.

... Тонг ёришавериб, қишлоққа етдик!
 Меҳмонхона олдида Мисир айланиб, афтидан хавотирланиб турган экан.
 — Хўш кўрдик-е! — деб бақирди.
 — Хўшвақт бўлинг, — дедим.
 — Булбул роса сайрапти-да!
 — Ҳа.
 — Ҳиди келаяпти. Отибсиз-да?
 — Ҳа.
 — Дам оласизми, ё шу ерда беш-ўн минут ўтираимизми? Булутлар ҳам тарқаб кетди.

Болтабой меҳмонхонадан Мисирга курси чиқарди. Гужумча остига қўйди. Утирдик.

Мен ҳолдан тойган эдим: уйқусизлик, йўл азоби... Лекин руҳим тетик, кайфият юксак, тағин бир кунлар ухлამасам ва йўл боссам мумкиндек эди.

ЭНДИ ХУЛОСА ҚИЛАЙМИ?

Хулоса шулки, азизим, дунё ўтар экан! Тузумлар ўтар экан! Шайхзода домла айтганларидек, эл-улус қолар экан. Анави содда қиз-жувон айтганидек — табиат, тун, тоғлар, ўрмонлар, борлиқ қолар экан!

Биз ҳар қанча мавҳум-мунгли хаёлларга чўмиб, руҳий тушкунликларга тушмайлик, яшашга маҳкум эканмиз ва борлиқни севиб яшашимиз лозим экан!

Эртага нима бўлади? Аҳволимиз қандай кечади?

Бу саволлар ўз-ўзидан ечилаверар экан. Чунки инсон минг-минг йиллардан бери яшаб ва сон-саноксиз салтанатларнинг инқирозини кўриб, демак...

... Ушанда ҳам кўп ғамлар чекиб, кўп саволларга жавоб бера олмасдан ва, Мисир айтганидек, «бир терининг ичида неча бор озиб, неча бор семириб» келаётган экан, демак, эртас-бурускун яна янги ва мислсиз бир салтанатда яшаши аниқ: инсоннинг табиати ўзи шуну тақозо этади.

Ва унинг табиати яшашдан завқланишни ҳам, руҳий тушкунлик яхшиликка олиб бормаслигини ҳам, жуда нари борса — менга ўхшаш кишиларнинг ҳаётдан бир муддат совиб...

... қандайдир тўхтамага етиб келишини ҳам тақозо этар экан.

У тўхтама нималигини айтдим шекилли?

Раҳмат.

1992.



Адиб «Еш гвардия» театрида эмас-ош. 1970 йил. Дўрмондаги ижод боғида. 1992 йил.

Салим Ашур

**Бағримда
ё очилмадинг,**

ё сўлмадинг...



*Қизқараши монанд қувватли,
Қурол, қалқон, қиличим, хуш қол.
Новдадаги юраксувратли,
Титраётган соғинчим, хуш қол.*

*Хуш қол, беш кун байтул-ҳазанга
Тилло, зарлар келтирган кема
Хуршид бўлиб ёрит кулбамни,
Денгизимга қайтаман дема.*

*Хуш қол, беш тун ишқлар шаҳрида
Қалбим монанд адашган елкан.
Тўлқин отган кўкракларингда
Тоққа ўхшаб кўкарди елкам.*

*Хуш қол, парда — деразаларга
Узин осган бир парча ялов.
Бир чеккада томошабиндай
Тураверган бир ўчоқ олов.*

*Қиш, тунчироқ, дастурхон, хуш қол,
Дилга сепдим толе тузини.
Нондай едим, соч тараб хушқол,
Дастурхондай очса ўзини.*

*Оқдарёдай ҳайқириб оқди,
Дарё мисол тўлғонди аёл,
Кийимларим қирғоқда қолди...
Пинҳон кўча, дарича, хуш қол.*

* * *

Маҳаб-ба-т-т — бадҳайбат кангулсан, сан манинг ичима сиғмайсан. Сен гул-хо-он, ман йэса кулингман, қуш бўлиб, куй-й сочиб йиғлайман. Ман санинг руҳингда ҳомила, тириклик келтирган нафассан. Атиргул кабий сан комила, ман-эй ҳақ васлингга ҳавасманд.

Маҳаб-ба-т-т — бопойон ос-и-мон-н, мойадан уфқ-қа довур ишқ. Чашми-ма тикилар қора дон, кўзларим йэларим йэлакдек минг тешишк. Кирпигим кўриқбон қабримсан, асранди, нажмдек мардумум. Ной мисол эгилган сабримсан, ў-ўқ йўнглиқ отилган гардуним.

Маҳаб-ба-т-т — оқимда қорасан, йўмолоқ-қорамда оқ ўзинг. Утгиз йил йашаган йарамсан, қорамда сирғайур оқ изинг. Севдимү йуммадим кўзумни. Севдимү кўзумни оч-мадим. Сандин қизгонмадим ўзумни, ман сани дуннойайа сочмадим.

Маҳаб-ба-т-т — тўғноғич бўлай ман, бандилаб сочинга кўмиб кўй. Тиз-зангга бош кўйиб ўлай ман, қайтти деб олажа бер-гил тўй. Кулоҳми, хирқами ўлсайдим, эгнингдин туширмай кийсайдинг. Хаз-зоним йўртида гул-ладинг, гу-ул ўл-санг, ранг-инг ман бўл-сай-дим.

Маҳаб-ба-т-т — дилима ногоҳ-он адашиб кирган шўх қушча-сан. Там-моғинг туб-бинда най-и-с(т) он, гой футуҳ, гойида гунча-сан. Тамуйсан, қатринг-да чўк-тимман. Кемасан, ман санда қутулдум. Бағримм чокидин сўктимман, қоч-дим-у боз санга тутулдум.

Маҳаб-ба-т-т — оқарган тан-дурсан, қалбимми нон қилиб пиширдинг. Тилимми куйдурган сандурсан, йангттан кўҳна ғам ич-ир-динг. Кўз тиктим, сўнга-ким ушалди. Ман куттим. Сан йэса кутмадинг. Со-

ғинч-им йўлингга тўшалди, бир марта кўчамдан ўт-мадинг.

Маҳаб-ба-т-т — жамолсан илоҳий, майда ҳам, ойда ҳам сувратинг. Илоҳим, илоийм гуноҳим кечиргил, қодирдир қудратинг. Канглумдай харобот — эй Ватан, Туркистон дегандек қадим Сўз. Қисматлар битилган ҳаққалам, қоғозтек покиза йилдиз ўз.

Маҳаб-ба-т-т — ҳур-ликта шаканлиғ, қафаста беканор ҳуррийят. Бир кўр-на — ип йэмас, тиканлиғ, йопиниб қонайдур-руҳийят. Мулоийм жон олган бир қил-ич, ўқлара пеш бўлган бир қал-қон. Ул оғ-у — кўззи чирт йумуб ич! Йўлига йоттимман. Алъамон!

Маҳаб-ба-т-т — энг тоғли заҳару ман тоғган энг ач-чиқ навотсан. Йарми тун, йортиси саҳару таназ-зул, баъзида нажотсан. Эй-й. Маним ўқ-қ тек-кан қанотим. Парвозим етгинчи фалакта. Жанггоҳга тиккирган ғиротим, шиддатинг йўрғакта, йуракта.

Маҳаб-ба-т-т — моҳи-гул, мав-жуд-а, гул-чеҳра, гул-санам, гул-андом. Муборақ, муҳтарам, мавлуд-а, дил-аф-рўз, дил-фуза, дил-о-ром. Но-дира, ноз-зима, нулу-фар, ум-мида, о-з-о-да, хурида. Сай-йора, сурай-йо, сано-вбар, рўйингни этайин нўъшида.

Маҳаб-ба-т-т — ҳам раҳим; ҳам карим, гаҳ-ҳор, гоҳ қоди, ҳидойятг. Адолат, гоҳ золим, гаҳ салим. Ҳамсоййа йашшагай хийонат. Ай-й, равон қилдингай тилимми, ҳам ҳаййотг, ҳам дўзах, ҳам жаннатг. Маҳаббатг, тарк йэтма дилимми. Тарк йэтсанг кўпади қиййоматг!

* * *

Сиз эртага келасиз
 Ҳозир
 Хабарини етказди симлар.
 Бу хатарнок йўлда карвонни
 ютган вабо —
 оҳангдор қумлар.
 Сиз эртага келасиз
 Сабо
 Салимга ҳам гулоблар қуйди.
 Кўзингиздан ўпдим. Лабларим
 Юлдузларга теккандай қуйди.

Чашмигизда бешикда жаҳон,
 Жаҳонларни суйдим мастона.
 Сиз эртага келасиз
 Бугун
 Янги ранглар кияр остона.

Сиз эртага келасиз
 «1»дай,
 Одамларга номаълум сирдай.
 Кўрасиз
 Севгимни илиб қўйибман
 Якшанбада ювиб,
 ёйилган кирдай.

Сиз эртага келасиз
 Ҳозир
 Юрагимни қўйдим ўртага.
 Агар тузлар ютиб олсалар
 Тополмайсиз мени эртага.

Сиз эртага келасиз
 Қочиб
 Таъқиб этган фаранги қўйдан.
 Сиз келасиз шошиб, аммо мен
 Чиқиб кетган бўламан уйдан.

Сиз эртага келасиз
 Боққа
 Либосларни хазондай ташлаб.
 Бугун менинг чўллик қишлоққа
 Кетгим келар кўзимни ёшлаб.

Сиз эртага келасиз
 Бироқ
 Бугун тушиб қолгум мен асир.
 Бу дунёда нима бўлсаям,
 Менга ҳозир керакдир, ҳозир.

Сиз эртага келасиз
 Бугун
 Ой нурига лим-лим тўламан.

Сиз эртага келасиз
 Аммо
 Эртага мен ўлган бўламан.

* * *

Ўзим ёниб, ўзим ўчдим ҳужраларда,
 Олов бўлдим, усинмадинг ҳижратларда,
 Турпоқ бўлдим, топтадилар турбатларда,
 Умрим зое бўлди узун гурбатларда—
 Сен билмадинг, бошқалар ҳам билмадилар,
 Мискин дилга бир марҳамат қилмадилар.

Гулханларим, оловларим барбод бўлди,
 Ватанларим, ўтовларим барбод бўлди,
 Барбодларда ҳаётларим бунёд бўлди,
 Бунёдларда ҳасратларим обод бўлди,
 Ободларда йўқлик менга зурёд бўлди,
 Сен илмадинг, бошқалар ҳам илмадилар —
 Кўзларига. Ё кўзимни тилмадилар.

Оловларим ёниб ўчди — ўргулмадинг,
 Иситмадинг, усинмадинг — не гул эдинг?
 Бағримда ё очилмадинг, ё сўлмадинг,

* * *

Мени маҳзун кўрсанг,
 Билки, соғиндим,
 Соянг эшигимга тушган чоқда ҳам.
 Ҳатто камрон юрсанг,
 Сен деб оғридим,
 Экинда, хирмонда, жуфтда, тоқда ҳам.

Чинорнинг минг йиллик пўстлоқларида
 Шириннинг Фарҳодга ёзган мактуби,
 Жайроннинг кўзида, сенинг кўзингда
 Қисматимнинг Шимол, Жануби.

Сенинг йўлларингга боққан мен каби,
 Қоқиғул қаддини ростлаб саҳардан—
 Қарайди, қарайди, қарайди,
 Аммо ҳеч дарак йўқ кунгабоқардан.

Мабодо балиққа эврилсам ҳатто,
 Соғинчингдан қанотимни узардим.
 Дарёнинг сувида эмас, йўқ,
 Кўзимнинг сувида сузардим.

Соғинчинг кемириб, емириб мендан,
 Бир қўнғиз ясага турпоқдан баланд,



Кўзларимга ҳазин-ҳазин термулмадинг,
 Сен билмадинг, бошқалар ҳам билмадилар,
 Мискин дилга бир марҳамат қилмадилар.

Сен борсанки, бу оламлар фирдавс эрур,
 Менга қўшиб ўзин ёққан қавс эрур,
 Чўғларимда бағрим янглиғ бир ҳис эрир,
 Танда жоним, осмонимда юлдуз эрир,
 Ўз ўгимга мени ўтин қилдилар-ку,
 Бошқалар ҳам севмасингни билдилар-ку.

Бармоқларинг ўтларимга ўтин айла,
 Беш иқлимдай жигаримни бутун айла,
 Юзинг суртиб юзларимни гулгун айла,
 Ё бўлмаса Сурхонларга сургун айла,
 Тугёнимдан тоат тошин термадилар,
 Мени сенга, сени менга бермадилар.

Соғиниб, барибир, соғиниб,
 Чириллайверардим чирилдоқмонанд...

Мени маҳзун кўрсанг,
 Билки, соғиндим,
 Соянг эшигимга тушган чоқда ҳам.
 Ҳатто камрон юрсанг,
 Сен деб оғридим,
 Экинда, хирмонда, жуфтда, тоқда ҳам

1964 йил Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. ТошДД журналистика факултетини битирган. Шеърятимиз энг навқирон авлодининг истеъдодли вакилларида бири. Шеър йўлида ўзига хос изланишлар олиб бормоқда. Бу изланишлар самараси — ёш шоирнинг яхши-яхши туркумлари билан «Ешлик» саҳифаларида бир неча бор танишгансиз. Салим Ашур айни кунда «Саодат» жўрналинининг ижтимоий-сиёсий бўлиши мудири бўлиб ишламоқда. «Еруғ кўча» номли илк шеърый тўплами нашрга тайёрланаётир.






Ғайрат Саъдулла

БИР ДАСТА

АТИРГУЛ

ҲИКОЯ



Ҳар қандай катта халқ вақти-соати билан фавқуллодда иқтидор соҳибларини етиштириб беради. Ва улар тошни ёриб чиқаётган тошлолалар каби секин-аста буй кўрсатадилар, маънавий иқлимдан ўзларининг муқим ўринларини эгаллайдилар. Қачондир бир кун Одил Ёқубов ҳам, Пиримқул Қодиров ҳам, Эркин Воҳидов ҳам, Абдулла Орипов ҳам кўча чангитиб чарчамайдиган оддийгина бола бўлишган, эҳтимол пода боқишгандир ҳам, мактабга қатнашган, шеър уқоқлар машқ қилишган. Ҳеч маҳал, ҳеч ким бирданига Чўлпон ёхуд Қодирий бўлиб осмондан келиб тушмаган.

Бугун ўрта мактабга қатнаб юрган ўқувчилар қаторида шундай ўстозларга издош бўлиш ҳавасида ёнаётган, юлдузларни кўзлаётган орзуманд укаларимиз оз дейсизми! Саодат Пўлкан қизи, Ориф Тўхташ... агар санайверсангиз, саноқдан ҳам янглишиб кетасиз.

Зеро, сир эмас, даврнинг ўзи шундай — пўртанали. Ҳали у талайгина иқтидорларни жуда эрта вояга етказди ҳам. Ғайрат Саъдулла эҳтимол ана шундайлардан биридир. Даставвал мен унинг ҳикоялари билан танишиб чиқар эканман, беихтиёр Шукур Холмирзаевнинг бир гапи хаёлимдан кечди: тайёр ёзувчи! Бир оз китобийлик, ортиқча тафсилотлар бор демасангиз, зуваласи ҳам пишиб қолгандай. Шубҳасиз, Ғайратжоннинг олдида ижоднинг сермашаққат, чағиртошли йўли тўшалиб ётибди. Ҳали у тинимсиз риёзат чекиши, тафаккурини тўйинтириш керак бўлади. Аммо қувонарли томони шундаки, бошланиши ёмон эмас: мавзу кўнгилга яқин, тили ширали, туйғулар тиниқ...

Минг эшитгандан бир кўрган афзал, дейдилар. Яхшиси, «Бир даста атиргул»га ўзингиз бир разм солинг...

Абдусамд КҮЧИМОВ

Ўқиш тамом бўлишига саноқли кунлар қолганида Авазларнинг ҳовлисида чиройли бўлиб уч туп атиргул очилди, тагин улар турфа хил: қаймоқранг, қирмизи ва қизил... Ҳовлининг шундоққина кўчага қараган томонига ўтқазилгани учун ҳам ўтган-кетганининг назари тушмасдан қолмас эди уларга. Мўъжазгина тоғ қишлоғидаги жаъмики хонадонларга нисбатан тепароқда жойлашган бу ўйга мана шу уч туп атиргул ажиб бир тароват бахш этиб турарди.

Авазнинг онаси Меҳри хола гулларни жуда ҳам яхши турарди. Шу боис уйнинг ичи гултувакдаги гулларга тўлиб кетган, гарчи ҳовли кенг-мўл бўлса-да, нечундир атиргулдан бўлак ҳеч қанақа гул экмаган эди.

Одатда, тоғ ён бағрида, паст-баландда жойлашган қишлоқлар ўзининг алланечук чиройли, суви ҳамisha зилса сойлари, бир қадар жайдари жойлашиши билан оддий-одатий қишлоқлардан ажралиб туради. Авазларнинг қишлоғи ҳам мана шунанга.

Уларнинг мактаби икки қаватли, у қишлоқнинг қон ўртасида жойлашган. Мана, ҳозир имтиҳонларга саноқли кунлар қолган. Аваз мактабни тугатишига яна бир йилча бор, бу йилги имтиҳонлардан эса унча қўлиб тургани ҳам йўқ, негаки, бошқаларга нисбатан у кўпроқ ўқийди, кўпроқ билади ҳам. Фақат ҳозир уйда юмушлар кўлайиб кетганлиги учунгина бир оз хавотирда. Мактабдан келди дегунча молларга қараб-дими-ей, сув тарайдими-ей, ишқилиб, онаси буюрган ишларни бажаради-да. Дарсини эса кечкурун тайёрлайди, холос. Бугун дарслар биратўла тугади, энди имтиҳонлардан ўтганига қолди. Аваз мактабдан эртароқ келиб, физикадан билетлар бўйича тайёрланмоқ ниятида устолга ўтирган эди ҳамки, онаси чақириб қолди:

— Аваз! Ҳой, Аваз! Намунча уйичига биқиниб демасанг? Чиқ бу ёққа! Нима қилгансан ичкарида ўзи?

— Имтиҳонга тайёрланяпман, — жавоб берди Аваз маҳл аралаш.

— Имтиҳонингни қўятур, болам, кейин тайёрла-эсан. Ҳозир иш кўп, анави уйдаги гулларни ташқарига, атиргул ёнига олиб чиқ...

Онасига у эътироз билдирмади, начора, она — она-да гап қайтариб бўладими. Буюрдими, бас, бажариши керак...

Эрталаб ўрнидан барвақт турди у. Одатдагидек, мактаб кийимларини кийди-да, нонушта қилиб олди. Сўнг ховлига ўтиб, чиройли бўлиб очилиб турган бир неча атиргул ғунчаларини саралай-саралай узди. Чиройли, нафис, айни пайтда кўнгилга хуш ёқадиган атир таратар эди бу ғунчалар. О, қанийди бир иложи топилса-ю, Аваз буларни ўшанга тақдим этса!..

Уқиш тамом бўлган, бироқ бугун рус тилидан имтиҳонга ҳозирлик машғулотини ўтиши керак. Шунга Аваз бир даста атиргул олиб бормоқчи эди, аммо буни айрим ўсмирларга хос олиффагарчиликка йўйиб бўлмасди, албатта, бу алланечук жозиб ва сирли туйғулар таъсирида туғилган ният эди, холос. Аммо бу журъат қаёқдан пайдо бўлди, шунини ўзи ҳам била олмасди.

«Агар шундай қилсам, муаллим, наинки муаллим, ҳатто анави ҳам хурсанд бўлади, — деб ўйлади у тотли тасаввурларга берилиб. — Ҳа-да, ахир ҳозир ҳамманинг уйида ҳам атиргул гуллаб ётгани йўқ-ку! Агар бу гулларни вазага солиб, дераза олдига қўйса борми?! Маҳфуза нима дер экан? Мақтаниш учун олиб келган, деб ўйласа-чи? Йўғ-е, унақа эмас-ку у, салгина нарсага ҳадеб пичинг қилиб кулаверса! У ҳам қувонади».

Шу ўйларидан ўзининг ҳам завқи ошди ва ширин бир энтиқиб кўйди. Ҳидлай-ҳидлай дарвоза томон йўналди. Шу чоғ онасининг:

— Ҳой, менга қара! Бу гулларни сўрамасдан қаёққа олиб кетаяпсан? — деганини эшитдию туриб қолди.

— ...

— Сендан сўраяпман? Гапир!

— Мактабга, — деди у аранг.

— Мактабга?! Нима, муаллимнинг мажбурладими сени — атиргул олиб кел, деб? А? Нега индамайсан?

Авазинг тили калимага келмай, туриб қолди.

— Йў-ўқ... Буни ўзим... шунчаки...

У бошқа ҳеч нима дея олмади, гапини тугатиши билан онасининг авзойига ҳам қарамай шаҳд билан чиқиб кетди ҳовлидан. Анави эса, унинг ортидан ҳай-ҳайлаганича қолаверди: — Ҳап сеними, шошмай тур. Отангга айтиб, бир таъзирингни бермасам...

Ростдан ҳам у ўйлагандек бўлиб чиқди: мактабга келиши билан синфдошлари унга гоҳ «бўш келма, Аваз!» дейишса, гоҳида «кичкина болага ўхшаб мактабга гул кўтариб келганингни қара-ю» дея ҳазиллашиб кулишди, қизлар эса ундан, бу атиргулларни қандай қилиб ўстирган, бир-икки туп ортиқчаси борми ёки йўқми, тинмай шу ҳақда сўраб-суриштиришди. Фақат ёлғиз Маҳфузагина энг четдаги партада ўтирганча онда-сондагина гулларга термулар, сўнг хомуш, дафтарига алланямани қайд этар эди. Четдан қараганда у лоқайд ва беларво кўринар, аммо унинг гоҳо шу тарафга қараб, синиқ жимлайиб кўйиши ички бир безовталиқдан далолат берарди.

Аваз муаллимнинг рус тили бўйича имтиҳон саволлари юзасидан тушунтиришларига қуроқ солиб ўтирар экан, қизлар ўтирган тарафга қараб, улар орасида маънос тортиб ўтирган Маҳфузага кўзи тушди, тушди-ю, кўнгли ғаш бўлди. «Нега у бунчалар хомуш? — дея ўйланди у. — Мендан хафа бўлди-микин? Нега? Ахир, боя атиргул олиб келган пайтимда бошқа қизлар қатори сўхбатга қўшилган эди-ку? Йўқ, йўқ, шунда ҳам ўзини четга олди. Нега менга ҳам, манави атиргулларга ҳам эътиборсиз у? Ё шундай туюлаётганмикин менга?»

Муаллимнинг айтган гаплари унинг қуроғига кирмас, сабоқдан узилиб қолган, хаёли бўлак дунёларда тентирар эди. Кимдир уни туртгандай бўлди. Шундагина ўзини пича кўлга олди: «Менга нима бўляпти ўзи? Нега энди фикрларим бунчалар чувалишиб кетаяпти? Бунақада имтиҳонга қандай тайёрланман? Ишқилиб, оқибати чатоқ бўлмаса гўрга эди. Наҳот ҳаммаси фақат ўша туйғайли?.. Тавба!» Сабоқ ва унга дахлсиз ўйлар туйғайли у бағоят толиққанча машғулот тугагини бесабрлик билан кута бошлади, ора-сира беихтиёр Маҳфузага ер остидан кўз қирини ташлар, унга назари тушган заҳоти юраги ўртаниб кетар эди.

Машғулот тугагач, Аваз ҳаммадан илгари мактаб ҳовлиси-дан чиқди. Атай ортига қарамай, бир оз қияроқ йўлдан илдам

кета бошлади. «... Бундай ўйларни миядан қувишим керак. Ахир, мен учун биринчи даражадаги иш — имтиҳонларга ҳозирланиш-ку! Гул кўтариб юрганингни қара! Биров сезиб қолса... шармандалик! Бўлди, бас қиламан. Ҳозир уйга бораман-у, кўмилиб ўтириб дарс қиламан. Бўлак ҳеч вақони ўйламайман. Тамом-вассалом!»

У узоқ йўлни яқин қилиш учун сой ёқалаб сўқмоқдан кетмоқчи бўлди. Кичкиналигида у баъзида онасининг ғазабига учраса, шу сўқмоқ бўйлаб қочиб қўтилиб кетар эди. Ва бу жойлардан Маҳфузаларнинг уйи ҳам яққол кўзга ташланиб турарди.

Аваз боққа кириш учун тахта тўсиқдан энди ошиб ўтмоқчи бўлган эди, ортидан майин ва жарангдор овоз эшитилди: — Аваз!.. Тўхтасанг-чи, намунча шошмасанг?!

У бурилиб орқасига қаради, қаради-ю, кўллари қалтираб тармашиб турган девордан йиқилиб тушаёзди. Бир лаҳза нима қиларини билмай қолди, сўнг хижолатдан лавлагидек қизариб изига қайтди. «Оббо, айни шу маҳалда келиб қолганини қара. Энди нима қиламан? Нима десам экан унга?» Чанг бўлган уст-бошини номигагина қоқиб қўяр экан, тобора яқинлашиб келаётган Маҳфузанинг олдига ўзини қўярга жой топа олмасди. У худди қизлардай уялар, ҳадеб қизарар, қани энди ер ёрилса, ерга кириб кўздан ғойиб бўлса!..

— Девор ошиб қаёққа кетаяпсан? — деди Маҳфуза юракни ўйнатиб юборгучи жарангдор овозда.

Аваз айтишга қўлга тушган боладай кўзларини олиб қочди.

— Уйга...

— Йўғ-э?

— Ҳа.

— Тавба! Тўғри йўл қуриб қолгандай... Илон-пилон олдиндан чиқиб қолса-чи?

Қиз атай эрмак қилаётганини у сезди, ғаш келди.

— Илон чиққанда сени чақмайди-ку!

— Айтаман-да.

— Айтмай қўя қол, — деди у тўрсайиб. Шундагина қиз ширин жимлайди.

— Шу ёқдан кетишинг шартми? — деди у алланечук гинали овозда. — Кечаям шундай қилдинг, ёлғиз ўзим қолиб, роса қийналдим йўлда. Анави Холмат аканинг кўппаги бор-у, қани энди кўчадан ўтгани қўйса. Ейман дейди...

У қизнинг гапидан кейин бир ғалати аҳволга тушиб унсиз туриб қолди. Холмат аканинг қандайдир кўппаги Маҳфузани ўзига муҳтож этишини етти ухлаб, хаёлига ҳам келтирмаган эди у. Шунинг учунми, рўбарўсида Маҳфуза турганига, унинг гинасига, бирга кетайлик, деяётганига сира-сира ишонгани келмасди. Бояги ўйлари мутлақо унут бўлган, гўё мавриди келгану эвини топиб бир даста атир гулни мактабга шунчаки эмас, балки у учун олиб борганлигини жуда-жуда айтгиси келар эди.

— Ҳа, нега мунча ўйлаиб қолдинг? — деди Маҳфуза хиёл ўксик овозда. — Агар чўчиётган бўлсанг?..

— Йў-ўғ-е! Нега энди? Ахир!..

— Нима, «ахир»?

Авазинг тили танглайига ёпишиб қолган эди гўё, айланмасди, нима деярини билмасди у, шунинг учун ҳам қизнинг ширин «зуғум»идан изза бўлган кўйи тутила-тутила аранг дедик:

— Кетдик, юр!

Кун иссиқими, ёки бошқами, терлаб кетди у, куйлагининг тугмаларини ечиб юборди. Маҳфуза ҳам унинг ортидан эргашди.

Токи Холмат аканинг уйига етгунга қадар иккови ҳам бири-бирига лоақал бирон оғиз сўз айтишмади. Аваз ўша-ўша, ҳамон ўз хаёллари билан банд, Маҳфуза эса хиёл орқада — чарос кўзларини ерга қадаб келар эди. Авазинг бахтига Холмат аканинг кўппаги дарвоза олдига чиқиб, уларни пойлаб тургани йўқ экан, анча енгил тортиди у. Лекин икки ўртада ҳамон жимлик ҳукм сурар эди. Кўрғошиндай оғир бу сукутти биринчи бўлиб Маҳфуза бузди:

— Ҳа, айтгандай, бугун мактабга жудаям чиройли гул олиб борибсанми?

— Ҳим... шундоқ, — деди Аваз, гарчи боя дилига туккан гапни айтиш мавриди келган бўлса-да, нечундир журъат сезмай.

— Лекин менга ёқди гулларинг!

Аваз қулоқларига ишонмай, жойида таққа тўхтаб қолди, сўнг ортига бурилиб, қизга қаради. Биринчи маротаба ундан нигоҳини узмай сўради:

— Ростданми?... Сен... чиндан атиргулни ёқтирасанми, а?

— Яхши кўрганим — атиргул. Биз ҳам ҳовлимизга шунақа гуллардан эмкоқчи эдик, бироқ отам рўйхушлик бермади. Тикани ёмон, қўлга киради, дейди.

— Бизда эса кўп, сархил.

Авазининг кайфияти кўтарилиб кетган эди, ўзиям Маҳфуза унинг дилидагини топиб айтди-да! У майин жилмайиб зимдан қизга термулди. Кўчада ҳеч ким йўқ, ҳатто қушлар сайрамас, дунё уларнинг ихтиёрида қолиб кетган эди гўё.

Аваз қизнинг беихтиёр киши эътиборини ўзига тортгучи чехрасидан сира кўз уза олмасди. Маҳфузанинг оқ-оплоқ фартуги ҳам, қоп-қора кўйлаги ёқасига тикилган гуллару ҳатто оёғидаги нафисгина туфлиси ҳам чиройига чирой қўшиб турар эди. Битта қилиб ўрилган қоп-қора сочларию қош-кўзларини айтмайсизми...

У чиройли, ҳа, ҳа, ҳаддан ташқари чиройли эди.

Маҳфузанинг дарвозаси олдига келиб, яна тўхташди улар. Аваз айтмоқчи бўлган гапини ичида икки-уч бёр такрорлаб олди-да, оғиз жуфтлади, аммо овози шунақа титраб чиқдики...

— Мен... ҳалиги... биронта қизга... атиргул тақдим қилсам... нима дейсан? Тўғрироғи, сенинг фикринг?..

Маҳфуза «ялт» этиб унга қаради. Умирида биринчи марта кўраётгандек, Авазга бошдан-оёқ разм солди, сўнг бир лаҳза маънос тортиб турди, ниҳоят, юзларига акс этган ҳайроналикка ўхшаш ифода ўрнини қув бир табассум эгаллади, беҳосдан «пиқ» этиб кулиб юборди у. Авазининг юраги увишиб кетди, «хол қўйдим шекилли», деган ўйда қизаринди у.

— Тавба-е! Ким қўйибди сенга — қизларга гул тақдим этишни? Еш бола эканлигини унутиб қўйгансан шекилли?! Муаллим билиб қолса борми... — Қиз бир оздан сўнг жиддий оҳангда: — Ҳазиллашдим, — деди. — Умуман, бунинг нимаси ёмон, Аваз?

— Агар ўша қиз менинг яхши кўрганим бўлса-чи? — деди Аваз ўзи ҳам сезмаган ҳолда, сўнг тилини тишлади. Аммо кеч эди. Уйламай айтган гапидан ўзи ҳам уялиб кетди, бошини қуйи эгиб, кўз остидан ҳадиксираб қизга қаради.

Афтидан, Маҳфуза унинг гапини ҳазил деб тушунди, шунинг учунми ҳазил аралаш жавоб қайтарди:

— Боши осмонга етади ўша... қизинг! Бўйнингга осилиб олсам керак, худди кинолардагидай!

Шу пайт муолишда қариялар кўринди, Маҳфуза безовта бўлиб типирчилаб қолди:

— Хўп, майли! — деди у шоша-пиша дарвоза томон юрар экан. — Индингача!

— Эртага-чи?

— Эртага машғулот йўқ-ку, каллаварам!

— Ҳа-я...

Маҳфуза ўзини ичкарига олди. Унинг ўта майин овоз билан «каллаварам» дея эркалаши ҳам Авазга жуда-жуда ёқиб тушди. Нима эди бу? Қизларга хос навозишми, ёки дилингни оғритмай қойиш, бунга англай олмади Аваз. Кайфияти шунчалар кўтарилиб кетдики, ҳатто энтиқиб қўйди, «ҳозир уйга бориб бир гулларга қарайин, дунёдаги энг чиройли нарса шуда», деб ўйлади...

III

Қоронғи тушгач, Аваз дарсхонасидан чиқди-да, ҳеч кимга билдирмай ҳовлига ўтди. Гулқайчи билан чиройли гуллардан энг сараларини узиб олди ва ажойиб бир гулдаста ясади. У қилаётган ишдан маст эди. Эртага ёки бошқа бирон кун бу иши учун кимдир қойини мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмас эди, фақат бир нарсани, бир нарсанигина жуда ҳам аниқ билардики, бу мактаб ўқувчисига хос бўлмаган иш, биров эшитса, кулади, аммо... имони қомил: Маҳфуза бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмайди.

У атиргуллар сўлиб қолмасин дебми, сув тўла шиша идишга

солди, сўнг дарсхонага қайтиб кирди-да, кўздан пана жойга уни яшириб қўйди.

IV

Эртаси кун... Маҳфуза имтиҳонга тайёрланиш ниятида дарс қилишга киришди-ю, тўсатдан билетлар дафтари йўқлиги хаёлига келди. Шоша-пиша уйдан чиқиб, Авазларникига томон юрди. Кеча у, эртага кўришмасак керак, деб ўйлаган эди, лекин...

У дарвозадан ичкарига кирар экан, гуллар атрофида куймаланиб юрган Меҳри холага кўзи тушди, салом бергач, ҳам уялиб, ҳам ийманиб:

— Аваз уйдами? — дея сўради.

— Йўқ. Нима гап? Тинчликми, қизим? — деди Меҳри хола, унга синчковлик билан разм солар экан.

— Бир китоб керак эди, шу Авазда бормикин, деб...

— Билмадим, қаёққадир чиқиб кетди у ўзбошимча! Бир тинчини йўқотган-эй, ҳозиргина шу ерда эди, «зип» этдию кўздан ўчди. Ўз йўриғига кетса майли-я, манави атиргулларнинг энг яхшиларини узиб кетибди. Кечаям шундай қилувди, ё тавба-а...

Маҳфузанинг кўнгли алланечук орзиқди. «Қизиқ,— дея ўйлай бошлади у Авазларникидан чиқар экан, — боягина уйдан чиққан экан. Нега мен уни кўчада учратмадим? Ёки... наҳотки шундай бўлса? Кеча, кимга тақдим этмоқчисан ўзи?», деб сўрасам бўлар экан.

Мен... мен ўйлабманки...»

Уйга қандай етиб келганини ўзи ҳам билмайди. Дарди-дунёси қороғи бўлиб, остона ҳатлаётган чоғи боғ тарафда нимадир шитирлагандек туюлди, аммо бунга у эътибор қилмади. Хазин «уф» тортиб ичкарига кирди. Юраги тошиб, хўрлиги келди унинг, ўзини тўшакка ташлади. Хаёлида — Аваз, у кимга тақдим этиши мумкин ўша гулларни? Наҳотки...

Кўз ёшлари оламини пардалаб қўйган эди. Англаб етдики, билетлар китобчаси ҳам аслида бир баҳона, кўргиси келган уни! Наҳотки...

Юраги ўртаниб кетди.


Орадан хийла вақт ўтгач, жуда оғир ўрнидан турди, кўз ёшларини сидириб ташлади у. Ана шунда... Хира туман оғушида — тавақалари ланг очик дераза пештоқида... кўрдики, бир даста атиргул...

Гўё унинг кўз ёшлари шабнамга айланиб гулкосаларига инган қаймоқранг, қирмизи ва қизил атиргул... У киприк қоқмас, ҳатто қилт этмас эди. Унинг юзларига шунақанги кўп маъно силққан эдики, уқиб олишнинг ўзи амри маҳол эди. Онда сондагина ақиқ лаблари титраб кетарди. У ҳолсизланиб аста устол ёнига борди ва оҳиста ўтириб қолди. Сўнг иккала кўзини ҳам «чирт» юмиб очди. Рост эди: ўша — кеча кўнглини ошуфта этган гулларнинг ўзгинаси...

У овоз чиқармай йиғлай бошлади. Кўз ёшлари юзларини, ақиқ лабларини ювиб тушар, оловдай ёнаётган атиргулдан ҳам ёноқлари яшнаб кетганлигини хаёлига келтирмас эди...

Дераза тоқчасида «гулларнинг энг яхшиси» — бир даста атиргул зилол сув тўла идишда оловдай ёниб, барқ уриб турарди...

Ғайрат Саъдулла 1977 йил туғилган. Ҳозир у Ургут туманидаги 37-ўрта мактабда таълим олаётир. Ва айни пайтда, мана, бир неча йилдирки, ҳикоялар машқ қилади. «Бир даста атиргул» шу йўлдаги изланишларининг бир меваси, муаллифнинг республика нашрида ёруғлик кўрган дастлабки асаридир.



МУҲАББАТ!

МУҲАББАТ!!

МУҲАББАТ!!!

Бу оғир боғ ичра оғир қадамлар
Ташлаб кетаётган оғиргина қиз,
Дунё кўзларингдан дунё аламлар
Томчилар, ҳар бири бир улкан юлдуз.
Томчилар кўзингдан норасидалик,
Сўзга айланмаган ёниш томчилар.
Бешафқат дийдорми оғир жудолик,
Йўқотиш томчилар, топиш томчилар,
Йўқ, сени алдаган, биров алдаган,
У сени севгандир, йўқ, йўқ, севмаган.
Кўксингга чиройли ўқлар қадаган,
Бировлар алдаган, биров алдаган,
Томчилар кўксингдан келаётган куз,
Оғулар томчилар, гуллар томчилар.
Яқин хотиралар... идрок фаромуш,
Виждонингни йўиб урар томчилар.
Виждонсиз номусли ниқобин қўймас,
Виждоннинг ҳар дами руҳий изтироб.
Виждонсиз хатосиз кунлардан тўймас
Виждон бу хатодан улғайган азоб.
Сени юпатмоққа журғат йўқ менда,
Сен менинг кечмишим, умрим бўлаги.
Фақат мен қайғулар тиларман сенга,
Каттакон қувончинг унсиз ўланин!
Алданмоқ тиларман сенга кўп марта
Алданмоқ — дунёга назар англамоқ.
Алданмоқ — кўз ёши қилмоқ, йўқ, артмоқ,
Алданмоқ — курашга отланмоқ демак.
Йиғламоқ тиларман, қайнаб йиғлагин,
Тишларингни секин қайраб йиғлагин!
Унта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Юзта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Мингта мард ўғлонинг бўлгунча йиғла!
Паймонинг тўлгунча, тўйгунча йиғла!
Улар лаззатхўрлар, қароқчилардир,
Умрлари узун, соб бўлмас, эсиз!
Бу дунё аслида алдоқчилардир!
Бу дунё аслида йиғлаётган қиз!
Мен сенга қўшилиб йиғлай олмасман,
Фақат бош эгаман қайғунгга сўзсиз.
Мен сенга талпиниб асло толмасман,
Мен сени севман, йиғлаётган қиз!

ЙИҒЛАЁТГАН ҚИЗ



Расул Жумаев

МУҲАББАТ

ЙЎҚ

ЭКАН...

Иккинчи мақола

— Муҳаббат бор! — дейди кўнгил.

— Муҳаббат бор! — дейман ўзимга-ўзим.

Ҳамкасабам жилмаяди. Қув кўзлари билан иш столим устида қалашиб ётган мактубларга ишора қилиб тегишади:

— Нима бало, яна биттаси юрагингиздан урдими, дейман, ё кўнгил қурғур қўшхотинликни тусаб қолдими-а?

Ҳамкасабамнинг ҳазили кўнглимга сиғмайди. Гўё унинг сўзларини эшитмагандек даҳлизга томон йўналаман. Ҳамкасабам мўйқаламининг бошини тишлаганча ортимдан қараб қолади. Хаёл мени еттинчи қават деразасидан олис болалигим сари олиб кетади. Завқшавққа тўла мактаб ҳовлиси, синфимиз деразаси тагида ўсган атиргул, ҳар куни узиб кимгадир ҳада этмоқ орзусида ёнган болакай, илк ҳаяжон, куйиниш, мангуликка аталган ички қасамёд, қизганч ҳам алам, яширилган кўз ёш, сирлар ила тўлмиш кўк дафтар...

Хотирот китобидан кўнгилга илиқлик қуйилаверади, қуйилаверади. Унда ҳамма нарса покиза эди. Яшаш завқли эди, яшаш ширин эди.

«Хурматли шоир, ёзувчи акалар, ҳозир сизлардан маслаҳат сўраб хат ёзпману аммо эртага ушбу мактубдан ўзим уялишимни ҳис қилиб турибман. Мени ушбу хатни ёзишга мажбур қилган нарса бу ҳолат менда бир неча марта такрорланганлигидан. Мактубни қоралайману уни сизга йўллаганимча истиҳола мени енгиб улгуради. Аммо кўп ўтмай яна қандайдир маслакдошга, сирдошга ўзимда майл сезаман. Тўғри, менинг ҳам яқин дўстларим, кўнгилочар кишиларим, сирдошларим бор. Лекин мени қийнаётган интим ички дардимни улар тушунишмайди, айтсам, уларга кулги бўлишимни биламан. Буни мен истамайман, чунки сирларим бошқача «тўн кийиб» унга етиб бориши тайин, оқибат ўрта-миздаги муносабат совуқлашишини хоҳламайман. Мен яхши кўрган («Севган» дейишга тилим бормайди) қиз ўзимдан икки синф катта. Яхши кўришимни унга айтмаганман, айтолмасам ҳам керак. Унга етишолмаслигимга ҳам кўзим етади, чунки қишлоқ ҳаётини ўзингиз биласиз, мактабни тугатиб атиги бир йилдан кейин у турмушга чиқиб кетиши мумкин. Сизлар элнинг ичида юрасизлар. Менга маслаҳат беринг, нима қилишим керак, фақат жўрнал орқали эмас...»

Муҳарририятимизга мактаб ўқувчиларидан келган муҳаббат мавзуидаги мактубларнинг аксарияти шундай мазмунда. Улар хатларини: «Сиздан ўтиниб сўрайман», дея тугаллашади. Кўпинча муҳарририятларда бундай мактубларга бефарқ қарашади. Чунки юқоридаги мактуб эгаси таъкидлагандек, уни ўткинчи туйғу сифатида баҳолашади. Баъзида бундай мактублар аскияга сабаб бўлади. Мени эса мактуб ортидан истиҳола ва умид билан термулиб қолган бир жуфт қаро кўз қийнайди. Содда ва самимий қалб тўлғанишлари менинг кўкайимда титрайди. «Нима қилишим керак?» деган покиза интиқлик шууримга оқиб киради.

Дераза ёнидан қайтиб китоб титкилайман. Қани ўша интиқлик билан қутилетган шуурга ёруғлик бахшида этувчи сўз? Қани ўша кўнгилга ора кирувчи малҳам?

Нима қилишим керак?! Бунинг ҳеч бир кулгига сабаб бўладиган жойи йўқ. Ҳаммамиз ҳам ёш бўлганмиз. Мурғак қалбимизни яширин, олижаноб туйғу жуда эрта чулғанган ва ўз навбатида у ҳаётдан ўзига муносиб жавоб қидирган. Буни тан олишимиз керак. Ҳаётга ёрқин умид билан боқаётган ўспириннинг қалб тўлғонишларига киноя ила боқмоқликдан не ҳожат. Яхшиси, олис хотира унғурларида қолиб кетган ҳис-ҳаяжонимизга, тилга қалқмас туйғуларимизга холис баҳо берайлик. Нима у? Биринчи муҳаббатми?

Америкалик руҳшунос олим Бенжамин Спок фикрича севги-муҳаббат болаларда уч-олти ёшдан бошлаб шаклланади экан. Унинг биринчи ҳаёлий тимсоли, албатта, Ота ва Она, сўнгра у қариндошлар, яқин кишилар, биринчи ўқитувчиси, энг яхши муаллим, энг яхши китобу, энг яхши фильм, энг яхши кўшиқчи, энг яхши қаҳрамон, спортчи поғоналарига кўтарилиб бораверади. Энг яхши расмлар орқасидан қувиш, магнитофон ленталарини ахтариш, йигит ёки қизга ғойибдан ошиқ бўлиш, кийим, мода... Тўхтаган. Бу кўтарилиш поғоналари ичра бир дам сукут қилинг, ўйланг. Бир инсон ҳаётга кириб келяпти, шаклланаяпти. У сизнинг ўғлингиз ёхуд қизингиз, ё яқинингиз. Лекин шунинг унутмангки, уни бу йўлга ўспиринликнинг ички кўнгил тошиши, севги муҳаббатга ташналиги бошлаб борапти. Агар у сизнинг яқинингиз бўлса, унга ҳамдари бўлинг, негаки у ҳаммаслаққа муҳтож. Муҳарририятимизга келаётган ўспирин мактублари ҳам шу эҳтиёжнинг, улар кирган йўлнинг ҳосиласидир.

Нохосдан кўнғироқ жиринглайди. Ундан бир қизнинг мулоимгина овози эшитилади.

— Лаббай.

— «Ёшлик» журналими?

— Адашмадингиз.

Кўнғироқ бир пас жимиб қолади. Сўнг нимадандир истиҳола қилгандек, ийманган овоз эшитилади.

— Олмаҳон опамларга хат йўллагандим. Исмим— Феруза...

Феруза яна жим туриб қолади. Мен гапиришга улгурмай, алоқа узилади. Анча пайт Ферузанинг қайта кўнғироқ қилишини кутаман. Кўнғироқ жим. Нега? Ҳаладодқа қалашиб ётган, Олмаҳон номига келган минглаб хатлар шу саволни ўзимга қайтаради. Нега?! Кўнғилни ўртаб юборувчи бу жимликнинг боиси не? Беихтиёр хатларни титкилар эканман, яна ўнлаб, юзлаб Ферузалар менга илинж билан термулади. «Келажгимни билишини истайман, айтинг, бахтим очиладими?» «Мен бир йигитни яхши кўраман. Усиз ҳаётни тасаввур қилолмайман. Лекин унинг ота-онаси бизнинг бахтимизга қарши. У эса ёлғиз фарзанд...»

Бу ҳаётнинг саволлари бунча кўп. Балки, «бир кам дунё» дейдилар, хоҳиш-истакларнинг баъзиларидан кечиш керакдир. Унда яшашнинг маънисини, маъносини не? Эсимда, дорилфунун остонасига қадам қўйгач, «Журналистикага кириш» дарсидан «Сизни журналистикага нима етаклаб келди?» мавзусида иншо ёзгандик. Ушанда мен «Ҳаёт жумбоқларининг тагига етиш» деб ёзгандим. Домла айнан шу жумланинг тагига қизил қалам билан чизиб қўйган ва шу фикрим учун рағбатлантирган эди. Энди билсам, ҳаёт жумбоқлари мен ўйлаганданда чигал, мен ҳис этгандан-да мураккаб экан, Ферузанинг, Отабекун Зебинларнинг қисмати янада аянчли, ҳаётга берар саволлари бисёр экан.

Тўғри, дея бош силкиб фикримни тасдиқлайди оппоқ

соқолли мўйсафид киши кўз олдидан гавдаланиб. Ул зот соқолини силаганча салмоқли сўзида давом этади: «Дунёда нимаики бор, унинг мавжудлиги севгидан, ёхуд мавжудлик бу севгининг айнан ўзидур».

Мен бу таниш сиймонинг кимлигини ҳарчанд эслашга уринмай, хотирлолмайман. Таний олмаслигим туйғайли: «Севгини тугма демокчисиз», дейишга ботинолмайман.

— Бўлди-да энди, нимага переживат қиласиз, одамни сиқвордингиз-кў, гапиринг-да бундоқ,— дейди ҳамхонам менинг ўзим билан ўзимнинг ички олишувимдан тоқати-тоқ бўлиб.

— Дунёда куйган камми? Улар юзлаб, минглаб. Ҳаммасига жавоб қиламан десангиз умрингиз ўтиб кетади. Қолаверса, фақат ўзимизда шунақа, «суйдим, куйдим, ўлдим...»

Мана, ўрисларни олинг ёки европаликларни, биттаси суйса суйди, бўлмаса бошқаси, дунёда қиз камми, йигит камми? Қизиқ экансиз, қаёқдаги хатларга кўмилиб...

— Ахир, улар...

— Маданияти бошқа демокчимисиз, балли, маданиятга-чи, ҳеч қачон тўсиқ қўйиб бўлмайди. Урасизми, сўкасизми хоҳ қизингиз бўлсин, хоҳ ўғлингиз, кўчада кўрганини қилади. Одамзод эркин қуш, уни чегараламаслик керак, кўнглига ёққанини қилсин, кўрсин, яшасин. Бизда ундай эди, бундай эди, дейишингиз ҳозир ҳеч кимга ёқмайди. Биз шу йўлга кирдикми — энди қайтиб бўлмайди. Сиз ўйлаган нарсаларгачи 50-60 йил керак. Эҳ-ҳе-е, қанча-қанча китоблар қайтадан ёзилиши керак. Уни ким қилади? Газета-жўрналми? Шу кетиш бўлса, ҳаммаси пул ишлаб топиш йўлидан боришга мажбур, оқибатда енгил-елпи, олди қочди нарсалар, қороче, тушунарли. 50-60 йилингиз ҳам камлик қилади.

— Хўш, нима қилиш керак?

— Аввал иқтисод деганлар, кетдик, тушликка чиқамиз.

Дарвоқе, «аввал иқтисод!» Иқтисод ва муҳаббат. Ҳаят уйғун ҳам қарама-қарши тушунча. Қай бири бирламчи? Авваллари совчидан «Кўёв қаерда ўқийди?» деб сўрагувчи эдилар, энди «Кўёв қаерда ишлайди?» деб сўрайдилар. Кўнглимга ҳеч ёқмайди бу гаплар. Отабекнинг «отам вазир, акам биржачи» дея керилиши, Кумушнинг бизнесни суриштириши, Зебининг мингбошини истаб туриши ҳечам ёқмайди. Раззоқ сўфиларнинг ошиғи олчи. Чунки қизлари мол-дунёга муҳаббатларини аллақачон алмаштириб бўлдилар. Энди улар совчиларга «қизим не деркин» дея чайналмайди, қизларини тап тортмай бозорга соладилар. Уйимда ҳам бир Кумуш йўлимга илҳақ қарагувчи эди, энди кўлимга. Олис кишлоқда онам календарнинг қизил кунларига боқиб йўл қарайди, мен эса маош берадиган кунга. Шунчалар ёвузмисан, иқтисод?

— Муҳаббат йўқ, — дейди кўнгил.

— Муҳаббат йўқ! — гўлдирайди тил.

Юрагим сиқилади. Ҳаёлга ташвиш, ғам-андух қуйилаверади, қуйилаверади. Бир ойлик маошим Самарқандга бир бориб келишимга етмайди. Кумушга бир неча йил олдинги қандайдир илоҳий муҳаббатмас, бошпана керак. Эрталаб, тушлик ҳам кечқурунга нон ва чой ичиб, бор маошимни йиғсам, яна йигирма йилдан кейин, яъни ўғлимнинг муҳаббат ёшида, Тошкентдан бир хонали хужра олар эканман.

Йигирма беш йилда элликта қўйлак йиртган бўлсам, бу ёгига битта! Шундай экан ўртоқ МУҲАББАТ, бизнинг кўнгил кўчамизда сизга йўл бўлсин!

Кўнглим хижил, ташқарига чиқиб кетаман. Ортимдан бобо Машраб эргашади.

Агар ошиқлиғим айтсам куйиб жону жаҳон ўртар.

Тўхтаб ортимга ўгириламан. Бобо Машраб ҳам бир зум куйлашдан тўхтаб менга саволомуз қарайди. «Бобо бунчалик бардошингизнинг боиси не?» сўрайман. Бобо жилмаяди. «Ёки кўп пулингиз борми?» У яна жилмайганча елкасидан хуржунини олади ва бир кўзига кўлини тикиб, тешикларидан бармоқларини чиқаради, сўнг: «Садақа, қилсанг пул бўлади, яна йўқолади», — дейди. «Унда у тешик хуржунни олиб юришингиздан не ҳожат?» — сўрайман яна. Бобо Машраб бир зум сукут сақлаб, сўнг ўйчан қиёфада жавоб беради: «**Бул рўзгор хуржундан пул йўқолади, ўғлим, муҳаббат абадий қолади**».

У шундай дейди-ю, деразадан оқиб кирган нур ичра шўнғиб ғойиб бўлади. Дераза пардалари унинг сўзларини маъқуллагандек оҳиста силкинади:

Муҳаббат абадий қолади...

Мийғимга кулги тошади. Демак, бугун мен ҳужрамга гўшт эмас, икки кўлим чўнтагимда, муҳаббат элтаман.

Ҳужра эгасидан бекиниб, ҳовли саҳнидаги гулзор тагида Раънога муҳаббат узатаман.

— Ма, Раъно...

— Мен емайман.

— Мен ҳам сенга егин демайман.

Йўқ, йўқ ундай бўлмайди. Мен чўнтагимдан бўш кўларимни чиқариб унга узатаман.

— Ма, Раъно...

Картошка, сабзи-пиёз кутиб ўтирган кўзлар олаяди.

— Аҳмоқ қиялсизми? Менда нима юмушингиз бор?

— Сенда нима юмуш бўлсин, Раъно! Ҳар кунги ўзинг билган гап... бугун муҳаббат олиб келдим.

— Муҳаббатингизни бошимга ураманми? Уғлингизнинг «малишжям» тугади. Кийимлари ўзига кичик келаяпти. Маошингизга қачонгача термиламиз.

— Қаригунимизча...

— Бундай яшагандан...

Бу ёғи маълум. Муҳаббат қолиб Марғилонни тусаб қолади, кўнгил. Рўзгорнинг қоядек чўнг, оғир оёқлари остида муҳаббат нозиккина гулдек эзгиланади.

— Муҳаббат бор! — дейди кўнгил.

— Муҳаббат йўқ! — ғўлдирайди тил.


«Биринчи муҳаббатим» деган иборани жуда кўп эшитгансиз. Лекин мен шунга сира ҳазм қилолмадим-ҳазм қилолмадим-да. Елғонга, сохтага ўхшаб кетаверади. Дейлик, бадиий адабиётда дуч келиб қолса-ку, бу — тушунарли (масалан, аллома шоиримиз Абдулла Ориповнинг классикага айланиб кетган машҳур шеърини олинг), лекин кўчакўйда, гап-гаштакда эшитсам, ғашиим келади.

Ешликда кимгадир кўнгил қўйиб, кейинчалик фалақининг гардиши билан бошқага турмушга чиқиш ёки уйланиш ҳоллари ҳаётда кўп учрайди. Менимча, бундай пайтда ё биринчиси муҳаббат бўлмайди, ё иккинчиси. Ундан кўра «У хотиним (эрим) эди, бу муҳаббатим», ёки «У муҳаббатим эди, бу хотиним (эрим)» деган гапларда кўпроқ мантқиқ кўраман. Биз бўлсак қай бири муҳаббат-у, қай бири тақдир эканини доим ҳам англайвермаймиз-да, кейин ўзимизча «биринчи», «иккинчи» деб рақамлаб юрамиз. Йўқ, у сизнинг биринчи, иккинчи, учинчи ва ҳоказо... эрингиз ёки хотинингиз! Бунинг фарқи бор.

Шароф Бошбеков

МУҲАББАТ — ҚЎЗИЧОҚ ЭМАС!

Аёл билан эркакни эр-хотин қилиб қовуштириб турадиган нарса доим муҳаббат бўлавермайди. Уртада муҳаббат йўғ-у, шунчаки бир-бирига кўникиб қолган эр-хотинлар озмунчами! Еки фақат бола-чақа деб яшайётганларчи? Баъзан эр-хотинни ўзаро хурмат ҳам бирлаштириб туради. Гоҳида қўрқув, гоҳида андиша, гоҳида чорасизлик. Хуллас, сабаблар кўп. Мен шундай бир оилани биламан: ўртада севгининг «с» ҳарфи ҳам йўқ, бир-бирини мутлақо ёқтиришмайди, лекин қуда томонларнинг ниҳоятда иноқлиги, қалин дўстлиги туфайлигина эр-хотин ажралишмай яшаб юришибди! Шунинг учун навбатдаги уйланиш ёки турмушга чиқишни муҳаббатга йўявериш доим ҳам тўғри бўлавермайди.



Бу ёруғ оламда нимаки яккаю ягона бўлса, у муқаддас саналади. Масалан, ОЛЛОХ ТАОЛО. БАТАН, ИМОН, ОР-НОМУС. шунингдек, МУҲАББАТ ҳам.

Янги туғилган қўзичоқни адашиб кетмаслиги учун қўлоғига муҳр уриб, рақамлаб қўйишади. Чунки улар кўп. Онага бўлган муҳаббатимизни рақамлай олмаймиз, чунки она битта. Еки «биринчи имоним», «иккинчи имоним», «биринчи номусим», «иккинчи номусим» деб кўрингчи! Ҳа, тилингиз айланмаяптими? Шунақа...

Тан маҳрам кўп, аммо муҳаббат битта. Оллои тасоло бандасига инъом этган муъжизакор туйғу. У муқаддас, демак, ягонадир!

ҲОДИСА — ТАҚДИР

ЭМАС

... севги гўзалми ёки йўқми — билмайман,
аммо, ҳар ҳолда, ундан қолган дардда
пушаймон йўқ...
Коба Абз

Ёшлик бу — орзу, бу — ишонч, бу — жасоратга интилиш, бу — лирика ва рангин хаёлот, бу — эртанги кунга чамаланган тенгсиз режалар, келгусининг бошланиши бу, деган эди шоир. Ўзбекистонда шундай асов куч мавжуд, у ҳар нега қодирдир. Бугунги кунда вилоятларнинг чексиз-чегарасиз далаларию дорилфунун ҳамда илм даргоҳларида узилган мунчок шодалари каби улар сочилиб ётибди. Аммо бир-бири билан ғойибона дийдорлашиб, кўнгил ёриш, мулоқотлар қилиш имкони йўқ эмас, шундай манзил бор, у ҳам бўлса «Ёшлик» дир.

«Ҳодиса — тақдир эмас» ёшларимизнинг дил ришталарини боғлаб қўйишга биринчи уринишдир. Эҳтимол, келаси йил талабаларнинг оқ қоғоз юзига муҳрланган дарду қувонч, ҳавасу ташвишларини, тизмаларию ҳикояларини бир жилд остига жамлармиз, жўрналнинг муайян сонларини бевосита уларга атармиз. Э. Берк бежиз даъво қилмаган-ку, ахир: — Ёшларнинг онгида қандай кайфият устувлигини айтсанг, мен сенга келажак насл табиати қандай бўлишини белгилаб бераман. — дея.

«Ҳодиса — тақдир эмас» ни нашрга тайёрлаш асноси таҳририят матнга ислоҳ киритмади, негаки навқирон наслнинг фикрлаш тарзи, дунёга кўз қараши бу.

Сизга кўнгил очаётган Тошкент давлат дорилфунун талабаларидир. Ишқдан сўз очиб, «ҳаммаси ўткинчи экан», дея ҳафсаласиз қўл силтайди улардан бири. «...Етишмаса, ё раб, бу нечоғлик бахт!», дея ширин хўрсинади иккинчиси. Муҳаббат, сен «дилларимиз оллоҳи бўл!» дея илтижо қилади учинчиси.

Хўш, сиз-чи, бўлак илм даргоҳларининг бўлак талабалари нега сиз жимсиз?!

Бола дунёга келади. У кун сайин улғаяди, онги ўсиб бориб ҳис-туйғулари шакллана бошлайди. Менимча, ҳар бир ўспиринда — муҳаббат туйғуси шаклланади: аввало ОНАга нисбатан бўлган муҳаббат. Бу муҳаббатнинг пайдо бўлишига изоҳ шарт эмас. ОНА муҳаббатнинг ардоғидир. Умумий маънодаги муҳаббатнинг ўлмас, доимий тушунча эканлигига асосий сабаб ҳам шу бўлса керак.

Вақт ўтиши билан бола «оқ-қорани» ажратадиган бўлади. Ўз навбатида унинг характерида илк пайдо бўлган муҳаббат туйғусининг ҳукми билан деймизми, фалсафий маънодаги зарурат ва тасодиф туфайли деймизми, «омонимлари» юзага кела бошлайди. Онага бўлган муҳаббат, Ва-танга, дўстга, табиатга бўлган муҳаббат... ва ниҳоят...

* * *

Сўзимнинг дебочасида шунга айтмоғим жоизки, ўйлашингиз мумкин, бу жуда «кўйдим-ёндим» ни бошидан кечирибди-да, шунинг учун... Йўқ, ундан эмас. Айни балоғат ёшидалигим учунми, билмадим, мени ҳам шу туйғу оҳанрабодек мафтун этади. Севги денгизи (шундай қиёслагим келади) томон интилиб, унинг ирмоқларида паст-баландликларга учраётганлар тўғрисида кўрган, эшитганларим асосида холисона фикр билдирмоқчиман.

Муҳаббат, севги воқеликда бор нарсамми?! Айни вақтда Тошкент Олий даргоҳларида таълим олаётган, таниш йигит-қизларга шу савол билан мурожаат қилганимда қуйидагича жавоблар олдим.

— Севги бор нарсамми. Лекин уни ҳар ким ўзича кашф этаркан, — дейди ўртоқларимдан бири. — Сизга қандай тушунтирсам экан? Ўзимни олай. Ҳамиша бу борада тасодиф бахт келтиради деб ўйлардим, аниқроғи, кутилмаганда узоқми-яқинми йўлда учрашиб, диллашган қиз менга қабрлидек туюларди. Ниҳоят, шу кун ҳам келди. Хўш, кейин-чи, дерсиз, бу ёғи пешонага ёзилган — тақдир.

Сабоқдош қизлардан бири:

— Севги, муҳаббат қизлар учун йўқ нарсамми. Ҳаммаси йигит севгисининг кучига боғлиқ. Шундагина севги-севгидек бўлиши мумкин... Тўғриси, фикримни тушунмадингиз-а? Демокриманки... Эй, йигит!

Яна бир толиба:

— Мен учун севги — пешонамга ёзилгани. Аниқроғи — тақдир. Тақдиримни эса дадам ҳал қилади.

— Дейлик, сизга уч киши севги изҳор қилди. Унда нима қилган бўлардингиз?

— Уйлаб кўраман.

— Нимага ўйлайсиз, ахир сиз тақдирга ишонасиз-ку? (кулгу.)

Суҳбатдошларим билан гоҳ жиддий, гоҳ ҳазиломуз кечган суҳбатлар кўп ўйлашга мажбур этди. Тақдир! Наҳотки, кишининг «икки эшик ораси» — ҳаётида бўладиган воқеаларнинг ҳаммаси, аниқроғи, кимнидир севгиш-севмаслиги тақдир деб аталган тажга қаърига жойланган бўлса?! Ҳар бир нарсани тақдир деб ўйлаш, лоқайдликнинг бир кўриниши, менимча. Ахир бугунги куннинг воқеалари эртанги куннигига ўхшамаслигини тушунтирмаса ҳам ҳар биримизга аён-ку. Демокриманки, киши бир-биридан фарқли воқеа-ҳодисаларга ҳар кун дуч келади. Ҳар бир қалбга, албатта, бунинг салбий ёки ижобий таъсири бор. «Қалб — доимо ўзгариб туриши сабабли қалб деб аталган. Гўёки у саҳродаги бир шохчага илиниб қолиб, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа ағда-

рилайтган барг кабидир», — дейлади ҳадиси шарифда. Уз-ўзидан равшанки бугунги Ёшлар боғида юрган ошиқ-машуқ қалбларнинг ҳаммаси ҳам ҳар қуни бир хил муомалада бўлмайди, албатта. Шу боисдан муҳаббат — тилсимлар ўлкаси деган номи олган бўлса ажабмас. Лекин бугунги ёшлари-мизнинг лоқайдлиги ажабланарлидир.

Икки ойдан сўнг таътил бошланиб қишлоққа қайтаётганимда «тасодиф бахт келтирган» ўртоғим билан Самарқандгача бирга кетдик. Йўл-йўлакай «тақдир»нинг кейинги кечмишларидан сўрадим.

— Ҳаммаси ўтгинчи экан, — сўз бошлади ўртоғим. — У қиз билан асли ҳамюртмиз. Тошкентга кўчиб келиб қолиб кетишган... Мен учун йўлда, тасодиф билан танишиб яхши кўрганам қадрли, «у Сизсиз» деганимда, у «шаҳарда ўқийдиган ҳамюртларимдан бири севги изҳор қилса...» деган маънода гапирганди. Тез-тез учрашдик. Бир кун онаси мени уйига таклиф қилибди. Кейинроқ деб унамадим... Шундан кейинги учрашувларимизда ўртагимиздаги «об-ҳаво»га совуқ оқимлар кириб кела бошлади. Тўғриси айтсам, унинг: «Турмуш қургандан кейин оиламизда қийинчилик бўлмаслиги, ҳамма шароит бўлиши керак... Асосийси шаҳардан қишлоққа бормайман», — дейишни кутмагандим. Унинг сўзларини ўтгинчи деб ўйладим. Йўқ, ундай бўлмади. Яна ўша гаплар... Сўнг орани очик қилдим. Менинг бундай қилишми у ҳам кутмаганди. Э-э-э, келинг бу ҳақда гаплашмайлик. Энди тушундим, бу дунёда севгидан нишона ҳам йўқ экан. Олмани бир тепиб, тушганини олармиз-да, — деб гапни бошқа мавзуга бурди.

Нима у, тақдирми? Йўқ, менимча, бу тақдир ҳам, қисмат

ҳам эмас — бор-йўғи бир ҳодиса. Шу ўринда нима қилиш керак эди, дейишингиз табиий. Маслаҳат беришдан йироқман-у, ammo бир ҳадисни эслатишни истардим: «Аёл диёна-ти ёки молу дунёси, ёхуд жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин барака топгур».

Шуни тан олишимиз керакки, ҳозирги шароитда биз йигитлар аксариятимиз учун севгининг туғилиши биринчи навбатда, қизнинг жамоли ва унинг отасини «топди-тутди-си» дир. Қизларимиз хафа бўлмасин-у, бу борада йигитларга нисбатан қизларнинг қўли баландроқ. Буни ўзларининг сўзлари исботлаб турибди. «Қаерда ишлайди, фу муаллим-ми, менинг тенгим эмас». «Савдодами? Жуда пул топар эканда-а! Кўриниши қандай, чиройлими? Машинасиям бор-дир. Вуй мунча яхши».

Эрон доғишмандларидан Меҳрдоод Меҳрин дейди: «... тақдирпараст киши бир ожиз сой кабидурким, ҳар нечук тўсиққа дуч келишида фарёду фиғон-ла ғавго қилар ва ғавғоси фақат бир лаҳза давом этиб, сўнгра тақдирга таслим бўлар». Вас, шундай экан, ҳар бир дамни тақдир деб билиш комил инсоннинг энг катта хатосидир. Табиатнинг онгли мавжудоти — инсон ҳар бир ишни амалга оширишда, жумладан, севги масаласида ҳам тўғри тафаккур билан ёндошса, асрофдаги, қолаверса ўзи кечираётган воқеа-ҳодисаларга реал муносабатда бўлгандагина ТАҚДИР устидан ғолиб келажакдир.

Баҳром Хўжанов,
ТошДД толиби.

НАФОСАТ ҚАЙҒУСИ

Ситораларнинг намҳуш ҳидига, равшан жамолига тўла осмон. Бу осмоннинг тагида икки қизғалдоқнинг умри ва севгиси нимага ҳам арзирди? Ҳаёлимга қуйилган олам манзараси ўзининг абадий тўхтаганини топди. Дунёвий салоҳиятнинг азалий қурбони бўлмиш 20 ёшлилар мамлакатининг мен ҳам бир нодон фуқароси бўлдим. Бу мамлакатдан ошиб, бошқа юртларга саёҳатга кетганлар учун яхшилик ва нозик туйғулар, аллақачон ўз рангларини йўқотган. Арасту «Одам ижтимоий ҳайвондир», деганда 20 ёшдан ошган одамларни назарда тутган. Ёшлик ва қарилик ўртасидаги мислсиз зиддият ёшликнинг қадрини чексиз қимматлаштирди. Бинобарин, башариятнинг эришган энг жозибали ғалабаси — ёшлиқдир. Қишлоқ қарасидаги энг ўжар ва ҳаракатчан бандилар — улар. Бирлашишдаги эмас, айрилиқдаги гўзаллик гўзаллигини қадрлайдиган — улар. Зеро уларнинг ҳақиқий дунёдан келганларига кўп бўлгани йўқ. Эгоизмдаги дилбарлик, мансаб ва бойлик хаёлотга ҳали уларни мафтун этганича йўқ, аждодлари ва салафлари томонидан яшалган ҳеч бир дақиқани такрорламаслик уларнинг шioriдир. Энг муҳими — улар ҳали жуфт яшамадилар. Оиласи йўқ одам ботир бўлади, ўз жонига саҳий бўлади. Бинобарин, инсон иродаси ва жасоратини 20 ёшда синаб кўриши мумкин. Инсон фақат шу ёшдагина одамлар учун тўла маънода ҳалол яхшилик қила олади. Башарият 20 ёшли инсондан доҳийлик талаб қилишга ҳақли. Кишининг 80 ёшидаги кашфиётини ҳам унинг 20 ёшига боғланг, бу таснифда адашмайсиз. Пок ишқни ҳам 20 ёш билан «оқ-

лаш» мумкин. Кишиликнинг энг улғу кашфиёти эса ишқдир. Бу туйғу поклик ва ҳафифият оламига тегишли. Муҳаббат, менимча, бир жинснинг бошқа бир жинсга бўлган муҳаббатидангина иборат эмас. Масалан, япроқни ёки хазонни ҳам шундай куч билан севиш мумкин. Нафсага асосланмаган туйғугина муҳаббатдир. Эскича мактабларда айтилганидек, улар севадилар, лекин етишмайдилар, улар истайдилар, лекин хоҳламайдилар, улар келадилар, лекин қайтмайдилар. Улар етишиш учун эмас, севиш учун севганлар. Балки бадир салтанатига томон бу соябонсиз ўтиш имкони йўқдир. Ахир дунёга бир назар ташланг, олам васл жазираси ичраку! Визда етишиш имкони ҳадсиз даражада кенг, бизда висол, ўша сиз салгина хайлга келтирган висол шаробидан ичши қанчалар осон. Шу жиҳатдан муҳаббат фақат инсонга хос деб билгим йўқ. Ҳа, кишилар севадилар, лекин «одамчасига!»... Бироқ бу севишда тўрт унсурнинг бари иштираётган. Одам боласи ер юзи мукарамалигидан орғиб сева, қийнама, энг гўзал томони, етишмаса, ё раб, бу нечоғлик бахт!!!

Орзунинг туғилиши уни бажаришдан кўра қийинроқ. Устозларимиздан бири шундай деган эди: «Ишқнинг ўзи синфий эмас, ёрга эришишга интилиш синфий!» Шу томондан олганда, туйғунинг миллати бўлмайди.

Гуландом Тоғаева,
IV босқич талабаси.

АРМОН

У қиз бир сирни ҳатто ўзидан ҳам сир тутарди. Мен эса ҳар тун уни тинлардим. Ҳар тун унинг ёноғида қотган кўз ёшга таскин берардим.

У шеър ўқирди.

«Севиш керак, яшаш шарт эмас...» Унинг нидосини тун-

лар йиғлаб тинлаган атиргулларнинг юраги тарс ёрилиб кетган. Япроқларнинг ранглари сарғайиб, бутоқлар либос ечган қошида.

У эса бу сирни ўзидан ҳам сир тутган ҳатто.

Уларнинг муҳаббати рисоладагидек бўлмаган. Севишган

гўшалари боғ эмас. Янтоқзор бўлди. Ҳа, ҳа, ажабланманг, янтоқзор.

Узоқ тоғ қишлоғида ҳамак тўплаш учун ёшларни чўлга олиб келишди. Қисмат уларни шу ерда учраштирди. Улар севинди. Фақат кўзлар билан. Ҳатто бир-бирига гапиришга уялганлар. Бир кун. Фақат бир кун йигит қизга айтган. Менга сочларинг ёқади. Уяв сен хасма. Ҳали сен катта ўқишларда ўқийсан... Унутма, ҳақ ҳам сени менчалик... Мен сени бир умр бошимга кўтарам.

Қиз охиригача тинглолмади. Кетиб қолди. Эҳтимол уялгандир. Эҳтимол болалик турмуши устунлик қилгандир. Эҳтимол...

'Энди эса қиз ҳар тун ёнлайди. Нега ўшанда тун билан уни тингламадим. Армон. Армон. Армон.

Энди бу асрий армон. Ёнлар ўтди. Улар ариларнинг шоҳона қасрини бузиб, янтоқ тоғлар яраттиди.

Қаровсиз болалар ўша ерга яқин жойлашган даҳшатли, шўр кўлда кир ваҳшар ювинишар эди. Бир кун... Уф, ёзишга юрагим ёнлаб қолди. Чўмилишайётганларида бир қизнинг ёрдам сўраб чинқиргани эшитилиб қолади. Шўркўлнинг ажраб халқуми очкўзлик билан у қизни тортаётган эди. Ҳар кўрсанга хожатбарор йигит ёрдамга шошилди. Йигит қизнинг қўлидан ушлади, аммо унинг кучи ётмасди. Унинг ўзи ҳам қарагадир кетаётгандек бўлди. У ёруғликка талпинди. Сўраб бор талпинди. Лекин у узлат сари кетаётган эди. Нега гаввослар ўн икки метр чуқурликдан жасадларни олиб чиқишди. Ушанда қизнинг ичидан нимадир узилиб кетган. У ҳамон жароҳат. «Жароҳат битади, оғриқлар мангу».

Ҳамон айгиб йиғлабди. Шўркўл менинг кўзим ёшлади. Унинг нигоҳларини қабзади. Қизнинг муҳаббати шўркўл узрор йиғлаб қолган. Энди у севолмади. Эҳтимол, кўлда ҳайрон ҳаёл сураётган оппоқ қушлар унинг муҳаббатидир.

Эҳ, дунё ҳар баҳор менсиз сени қизгалдоқлар қучади. Тонги шаббодалар бошингда сарсон. Менинг қалбим каби кечиккан япроқлар бош уради қабрингга. Йўқ, йўқ, ўшалар ҳаммаси мен. Сен билан фақат ҳаёлда суҳбатлашаман. Ҳаётда эса... Армон.

Юрагимдаги энг катта оғриқ сени тинглолмаганим. Энди ўзгаларни ҳам тинглолмайман. Шу ҳақда ўйласам, кўзимда сенинг нигоҳларинг ватан қуради. Менинг қалбим, муҳаббатим ҳам сен-ла кетган. Эҳ, хотирамнинг энг оғир варақлари ўша машғум сени йўқотган кун. Йўқ, йўқ. Мен сени ҳар тун тушларимда кўраман. Мен учун борсан, азизам.

Естиқларим сўйлар тушимда,

Сен ҳақингда сирли эртақлар,

Булулларда опичлаб мени

Чимилдиғинг томон етаклар.

Қиз ҳар тун унга шу каби мактублар битади. Яна уни юрак қатларига яшириб қўяди.

У қиз руҳнинг қули, руҳнинг маликаси бўлиб яшайди. Маишрабининг қуйидаги байтларида унинг ҳолати аниқ эгиб тугади.

Агар ошиқлиғим айтсам, куйиб жону

жаҳон ўртар,

Бу ишқ сирин баён этсам, токи ул

хону мон ўртар.

Бу байтлар унинг калимасига айланган.

Азиз дарддош, муҳаббат ҳақида ўйлаб, бир қизнинг ҳатто ўздан ҳам пинҳон тутган дардларини сизга ошкор қилдим. Зеро, унинг ўғиб бораётган умрини муҳаббат шевасининг буюк армонлари безамқода. Унинг рангин ҳаёлларига ҳам-дард бўлиб, бахтинг очилсин илоҳа, дея тиловат қиламан, холос.

Қиз кечинмаларини оққа тизувчи:
Улжамол Хоннаева
IV босқич талабаси.

ОЛАМГА ТАРОВАТ БАҒИШЛА...

Демакки, сен борсан—

Муҳаббат...

Эҳтимол, сен ҳақингда сўз битмакликка ожиздирман. Ҳа, ҳа, ожизман ҳам. Аммо шу йигирма йиллик умрим остонасида кечган гоҳ шод, гоҳ ношод кунларимда гувоҳ бўлган, кўрганларимнигина қўлига солмоқчиман, холос.

Қулоқ солгин-а, гаввосларда ҳазин бир куй таралмоқда. У сендан яралган армон. Этақларингдан тўкилиб қолган бетинг қалбининг ҳазин япроқларига ўхшайди. Сен солган ҳаловатнинг мунис таровати бу.

Ҳали-ҳали эсимда. Ушанда ўни нима деб овунтиришни ҳам билмагандим. Фақатгина Ширмон аянинг «қўй болам, худонинг қаҳри келди». Ким шундай бўлсин дебди. Умири калта экан. Мен ҳам йўқ демагандим. Тўйларингни кўрсам дегандим. Нима қиламан, деган овозигина гўё олам кўксига бир лаҳза ором бергандай. Аммо қиз узоқ йиғлади. Йиғлади-ю, кўзлари бирдан чарақлаб кетди. Худди бир умр йўқотган гавҳарини шу тоб топиб олгандай: «Йўқ, йўқ, мен уни йўқотганим йўқ. У менинг муҳаббатим. Мана, қалбимда тирлик» дея чопқиллаб чиқиб кетгандим. Мусичадек беозор қиз қалбига бу қадар буюк журъатни қайдан олди экан деб ҳайратлангандим.

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Ҳар гал шифохонага йўлим тушганда уни кўраман. Сўрма тортилгандек қулоқ киприкларини сийраклашгандай, сочларига ҳам оқ оралабди.

Наҳотки, ҳамон унутолмаган бўлса. Гўзал энг олди қизларимиздан эди. Ортидан ҳавас-ла қарамаган йигитлар йўқ эди. Дилшод билан танишганда Гўзал тиббиёт билимгоҳининг талабаси, Дилшод эса тиббиёт Олийгоҳи талабаси эди. Улар ўртасидаги муносабатлар муҳаббат билан тугади. Қиз ўқишни тамомлаб ҳамшира бўлди. Дилшоднинг «тўй қилай-

лик» деган таклифига «аввал ўқишни тамомланг, кейин» деб розилик бермади. Дилшод диплом олган кунни онасидан «Гўзал кўричак бўлиб, операция бўлибди» деган хабарни эшитди-ю...

Онасининг «Эргалаб борарсан, тўхта, кеч тушиб қолди, болам», дейишига қарамай мотоциклини миниб чиқиб кетди. Шундан сўнг унинг катта йўл ёқасида авариядан ҳалок бўлган жасадини топишди. Дилшодга ёрини — Гўзални охириги марта кўриш ҳам насиб қилмади. Уша машғум воқеа юз берган кеча бутун қишлоқ оёққа турганди. «Наҳотки ўша воқеаларни унутолмаган бўлса, нега шундай ҳамшира қизимиз турмушга чиқмаган», деб сўраб қолишади билмаганлар. «Ўлди, кетди, нима қилади умрини ўтказиб», дегувчилар ҳам кўп. Лекин инсон қалбига ўзга қалб ҳукмронлик қила олмайди-кў!

Демакки, сен борсан. Шу қора кўзларда сенинг гўзал тароватинг бор. Муҳаббат борми, йўқми дея саволга тугмоққа не ҳожат. Сени покиза қалбларимиздан сўрасаккина жавоб топган бўламиз.

«Кимки ёшликда муҳаббатнинг соф шаробидан ичган бўлмаса, билгинки, у жоҳил кишидир». — бу сатрларни Темури даврида яшаган Ажам Ироқ султони Шоҳ Шужо битган экан.

Муҳаббат, сен қалбларимизга соф шаробингни тут. Аммо топталмагин. Йўлларингда ҳазин япроқларинг тўкилиб қолмасин. Шоир айтганидек, дилларимиз Оллоҳи бўл!

Зеро, нуриинг ила олам кўкси тароват олсин!

Сайёра Ҳалимова.
ТошДД талабаси.



КУЙГАН КЎНГИЛ ФАРЁДИ

Тахририятимизга оқиб келаётган хатларнинг аксарияти куйган кўнгили фарёдидир. Бири — суйганига ета олмаган малакнинг оҳу ноласи, бири — ишонгани йўлдан урган қизнинг унсиз фи-

ғони. Бири — оиладаги аччиқ ситамлар ҳақида, яна бири...

Келинг, яхшиси, уларнинг айримларини бирга мутоала қилайлик, аччиқ изтиробга шерик бўлайлик, йўқ, шошмайлик, минг

ўйлаб, сўнг ҳукм чиқарайлик. Чунки улар юрак зори, ҳар қайсиси шўрпешона бир тенгдошнингизнинг тақдири, демакдир.

«БАХТИМ ҚАРО БЎЛДИ МЕНИНГ...»

Бошимга шундай савдолар тушар деб аввал ҳеч ўйламаган эдим. Эҳ, қани энди қўлимдан келсаю хатоларга қоришган умримни тагин ортига қайтара олсам.

Ушанда мен педагогика билим юртининг биринчи босқич талабаси эдим. Ш. бизнинг ётоқхона рўпарасидаги уйда истиқомат қилар, оиласи ўзига тўқ шекилли, жуда пўрим кийиниб юрарди. Билмадим, бошим айланиб, қандай унга боғланиб қолдим. Хушсураат, хушмуомала... шуниси хаёлимни ўғирлади чоғи. Ҳар қа-

лай, кўп қўймагач, кинога тушишга рози бўлдим. Кейин яна, яна...

Мен унинг гаплари самимий эканлигига илгари сира шубҳа қилмаганман. Астойдил уйланмоқчи эди. Ҳар сафар ундан шу мазмундаги ёқимли таклифни эшитсам, япроқдай гитраб кетардим, аммо ўзимни қўлга олиб, жўрттага «ундай деманг, менинг унаштирилган йигитим бор», дея эътироз билдирардим. У эса хазин жилмайиб турарди-турардида, кейин ғамгин хиргойи қиларди:

— Мен сени инжигмайман. Ва лекин тинчитмайман. Бўзтўрғайдай чарх уриб Бўзлашим бор бошингда...

Жуда ширин, унутилмас эди бу дамлар.

Кунларнинг бирида Ш. мени уйига таклиф этди. Ота-онаси Қримга, дам олишга кетган экан, ҳайҳотдай ҳовлида иккимиз кеч-

гача ким-нималарни гаплашиб ўтирдик. Қоронғу тушгач, мен қайтаман, дедим, лекин у ҳолжонимга қўймади, видео кўра-миз, деди, ялинди-ёлворди, хуллас, шу кеча қолдим. Кўрган видеомиз жуда шармандали эди. Учиринг, десам, у унамади. Мен эса...

Агар, очиғини айтсам, икки ўтнинг ичида қоврилиб қолган эдим. Ҳеч ўзимни қўлга ололмас, ҳадемай нимадир содир бўлишини кўнглим сезар, бироқ кетай десам...

Мен ўша кеча қайтиб энди тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйганлигимни пайқаган эмасман, афсуски, буни кеч, жуда кеч англадим. У мени эркалай-эркалай... тасаввурга сиғмас даражада даҳшатли амал қилди. Шундан кейин кун сайин Ш. ўзини четга ола бошлади. Ҳали бунинг асл сабабини тушуниб етмаган бўлсам-да, бундан жуда безовта бў-

ҚУТЛАЙМИЗ!

Едингиздадир — 1982 йилнинг январ ойида «Ешлик»нинг биринчи сони кўлингизга теккан эди. Шундан буён ҳам, эҳ-ҳе, қанча сувлар оқиб ўтди. Аммо ўтган ўн йил мобайнида жўрнал заҳматкашлари учун фақат Сизнинг меҳрингизгина рағбат бўлди, холос, азиз ўқувчи.

Миллий Истиқлолнинг бир йиллиги муносабати билан «Ешлик»нинг бир қатор ходимлари ҳам ҳукумат мукофотларига ноил бўлишди. Жўрналнинг масъул котиби, шоир Носир Муҳаммад, мусаҳҳих Малика Турсунова Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан, бош муҳаррир Гаффор Ҳотам, бўлим муҳаррирлари Яшар Қосим, Шодикул Ҳамроев, фото-мухбир Абдул Ғани Жума «Мустақиллик» эсдалик нишони билан тақдирландилар.

Мукофотга сазовор бўлган ҳамкасбларимизни чин дилдан муборакбод этамиз!

«Ешлик»чилар

лар, тинчимни буткул йўқотган эдим.

Икки-уч ой у кўринмай кетди. Ахири, сабрим чидамай, ахтариб уйига бордим. Чикди. Шунақа, шунақа гаплар, деди. Хафа бўлма. Гарчи ота-онам «у сенинг тенгинг эмас», деган, министрнинг кизини олиб беришайётган бўлса-да, менинг кўнглим сенда! Ҳеч қачон ўша дамларни унутмайман!

Хатто у шу гапни айтган дамда ҳам мен бир умрга бахтиқаро бўлиб қолганимни ҳали чуқур ҳис этмаган эканман. Унинг ота-онасини ёмон кўриб қолгандим, холос. Кечалари кўз ёшим билан ёстиқни ҳўл қилиб унсизгина йиғлар, нечундир муҳаббат дастидан чекаётган ситамим ўзимга жуда ширин туюлар эди. Аллақандай китоб қаҳрамонлари каби галаги ҳузур тўйганим-тўйган. Хаёлан унга мурожаат қилиб, ўзимча хазин бир қўшиқни хиргойи қилганим ҳам эсимда:

Оқ илон, оппоқ илон

Ойдинда ётгани қани?

Мен ёмондан айрилиб

Яхшини топганинг қани?

Қишлоққа келгач, ниҳоят, қилиб қўйган хатоим нақадар даҳшатли эканлигини идрок этдим. Бунга сабаб қиз бор уйдан совчи аримаслигидир. Учга опам уйли-жойли бўлиб чиқиб кетишган. Ҳозир оиламизда бўйи етган менман. Ойим емаса ёмай, киймас киймай келинлик сарполарини тайёрлади. Мен эса... йигитларнинг одам қўйишидан безиллаб қолганман. Совчиларни қайтаравериб, тинкам қуриди, ортиқ юзим чидамайди бунга ҳам. Эҳ-ҳ бечора ойим, унга шунчалар ачинаманки, қани энди... ҳар гал, нима, мен уйларингизга сиғмай қолдимми, а, деб йиғлайман, шўрлик ойим эса амал-тақал билан совчиларга жавоб беради-да, ўзи хазондай сарғайиб, бир ташвиши мингга айланади, келиб атрофимда куймаланади. «Қизим, кўнглинг кимда ўзи?» дейди. Сезаман. «Узингга ишончинг йўқми ё?» демоқчи бўлади у. Оғиз жуфтлайди шунга. Аммо журъати етмайди, беихтиёр «ҳа» деб юборишимдан чўчибди. Биламан, бунини юраги кўтармайди унинг!

Кечалари қон ютсаман. қилмишимдан пушайман бўламан, уни қарғайман, худога ёлвориб имдод тилайман. Қани энди шундан бир нажот бўлса!

Гоҳо ёдимда қолган ҳолатларни бир-бир эслаб, эҳтимол шундай эмасдир, деб ўйлайман ҳам. Яна ўзимга оёғим турмайди. Юзим қаро бўлиб қолишидан, шармандаю шармисор, оқ эшакка тескари миниб, уйга қайтишдан қўрқаман. Бизда шундай удум бор.

Гоҳо, дўхтирлар бундай «дард»га даъво топишган, ҳақини берсанг, бир амал қилишади, вассалом. Оқ туя кўрдингми, йўқ. Никоҳ кечаси ҳеч вақо сезилмайди. Шундай йўл тутаётганлар оз эмас, деб эшитаман. Тишимнинг қавагида асраб юрган пича пулим ҳам бор. Дўхтирга борайин деб бир неча маротаба йўлга ҳам чиқдим, тагин хаёлнинг минг кўчасига кириб, журъатсиз, изимга қайтдим. Ростини айтсам, икки дунёда ҳам турмушга чиқишни истамайман. Э, худо, мен кимга, нима ёмонлик қилган эдим? Бунча қаттиқ жазо бермасанг? Касалга чалинсам, тузалар эдим, аммо бу кулфат ҳеч қачон ҳаётимни тарк этмайди энди. Қачон бўлмасин, муқаррар иснод келтиради. Кўча-кўйда қандайдир нуқси бор бирон бир қизни учратиб қолсам, ҳар қанча келишган бўлмайин, ўшанга ҳавасим келади, ростини ўқинаман. Чунки у руҳан хотиржам, бахтли!

Бахтим қаро бўлди менинг.

Тунов кунини «Оқшом» газетига Муаззам исмли бир қиз ўзини ўзи осиб қўйганлиги ҳақида ўқиб қолдим. У шўрпешонанинг бошига ҳам шундай оғир савдо тушган экан-да. Қандайдир ифлос шўрликни алдаган; аммо танини тиббий кўридан ўтказишганида... у маъсума бўлиб чиққан.

Бошим тоза қотди. Е Муаззам каби оиламга, шағнимга иснод келтирмай деб... Бошқа чорам қолмаяпти.

Агар хатимни эълон қилсангиз, исму шарифимни зинҳор кўрсатманг, ўтинаман. Уйдагилар билиб қолса борми, ўзимни ўлдиримизга тўғри келади. Ҳали ҳеч кимга айтмаган эдим бу сирни, нажот истаб сизларга мурожаат қилаётирман: айтинг, мен нима қилай?!
Н. И.

Фаргона вилояти.

Тахририятдан: табиийки, Н. И. нинг кўнгли сирларидан огоҳ бўлгач, хазин ўйга толасиз.

Уни енгилтакликда айблашга ҳожат йўқ, чунки шунинг жафосини чекаётир. Бирок, Н. И. ни йўлдан урган «ошиқу беқарор»чи? Бу хатни ўқиб, унинг виждони қийналар балки? Эҳтимол, шундай кўчага қадам босаётган маъсума қизлар зигирча бўлсин хушёр тортишар?

Ҳаётнинг мана шу йўлидаги фожиалар кўриниши гарчи турлича бўлса-да, асл моҳияти бир хилдир. Шунинг учун ҳам гўзал удумларимизга ярашувчи гўзал хулқ билан яшаган, аянчли бу кўргулик комида ширин жонни ўртамаган, демакки, шу хатоликка йўл қўймаган маъқул. Е сизнинг кўз қарашингиз бўлакчами?

ХИЕНАТНИНГ КЎЧАСИ КЕНГМИ?

Ўзим кўнгли қўйганман унга. Оила қуранимизга ҳам ўн йилдан ошди. У туппа-тузук идораларнинг бирида хизмат қилади, мен эса адабиёт ўқитувчисиман.

Учга дилбандимиз бор.

Ҳаммаси бултур кузда бошланди. Назаримда, мен уни буткул йўқотиб қўйгандай эдим. Кейин эътибор берсам...

Авваллари у ҳориб ишдан қайтар, пича нафас ростлагач, тагин қўлёмалар орасига кўмилиб кетар эди. Жуда пала-партиш кийинарди. Бирдан ўзгарди-қолди. Ярим соат шимига дазмол босади. Тошойна олдида аёллардан кўпроқ туриб қолади, ясанарди, таранади.

Йўқ, мен ҳеч қачон ундан ортиқча эътибор талаб қилмаганман. Шунинг учун ҳам кўнгли совиб кетганлигини вақтида сезмаганман.

Бир кеча ёмон туш кўриб, алламаҳал уйқум қочди, безовта бўлиб ёнимга қарасам, ўрин бўш. Секин туриб, даҳлизга чиқдим. Унинг ишхонасида чироқ ёниб турар эди. Кирдим. Не кўз билан кўрайки...

У эшикка орти билан ўтирар, қўлида қандайдир суврат, сувратда девора сўянганча хиёл бошини солинтириб, маҳлиё термулиб

турган қиз акси. Шивирлаб, хаёлан у қиз билан сўзлашар эди.

Бирдан ҳолсизланиб қолдим. Бир хаёл сўвратни унинг қўлидан шартта тортиб олмоқчи, нимта-нимта қилиб ташламоқчи бўлдим. Яна ўзимни босдим. Худди айб устида қўлга тушиб қолишни истамаган каби беихтиёр тисарилиб изимга қайтдим.

Тўшакка ўзимни ташладиму хўрлигим келиб ўкраб юбордим.

Тонггача мижжа қоққанам йўқ. Худонинг қарғишига учраган бир кеча шундай ҳолатга тушарман деб сира хаёлимга келтирмаган эдим. Дарди дунём остин-устин бўлиб кетди.

Йўқ, мен унга кейин ҳам таъна қилган эмасман. Жуда кўп нарсаларни ўйладим, дейлик, жанжаллашсак, кейин учта болани эраштириб қайёққа бораман? Ота-онамникига сиғармидим? У билан ажрашиб кетишни эса сира хаёлимга сиғдирма олмайман.

Наҳотки уч ўғлим тирик етим бўлиб қолишса?

Бошига иш тушса одам дунёнинг у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқар экан. Бир дугонамга дардимни айтсам, бунинг йўли осон, иссиқ-совуқ қилдиринг, деди. Аввалига шу йўлни тутсам тўғри бўладигандай туюлди, лекин бари бир кўнглим чопмади шунга.

Ўтган куни кенжамизга мактаб кийими олай деган кўнглида шаҳар марказидаги дўконга кирдим, чиқиб уйга қайтар эканман, хиёбондаги ўриндиқда бир-бирига маҳлиё бўлиб термулиб ўтирган йигит билан қизга кўзим тушиб қолди. Улар шу қадар кўзга яқин эдики, агар ишонсангиз, юришга мажолим қолмади. Юрагим сидирилиб товонимга тушгандай бўлди.

Жуда алам қилди менга: ахир, биримиз икки бўлсин, деб эртдан кечгача тиним билмасам, хўжайиним ишлари юришсин деб бозор-ўчарага ҳам ўзим югурсам, бола-чақа ташвиши бўйнимда бўлса...

Бу кишим эса...

Уйга кирaverишда даҳлиздаги тошойнага ўзимни солиб кўрибман денг, бир аҳволдаман, чакка сочларимга оқ оралаган, ёноқларимга ажин тушган, тоза руҳим чўкиб кетди. Начора, тақдир экан-да. Турмуш ташвишларига кўмилиб яшагач, ўн саккиз яшарлик малоҳатингни бир умр сақлаб қола олмайсан-ку киши.

Йўқ, мен ўтган умримга ачинмайман. Худога минг қатла шукрки, бири биридан ақлли уч ўғлим бор. Уй-жойим бор. Аммо алам қилар экан кишига, нега одамлар бунчалар субутсиз? Майли, мени кўя турайлик, наҳот у бола-чақаси ҳақида зигирча ўйламаса? Бизга хиёнат қилиб, тагин ҳеч вақо бўлмагандай, қайси юз билан уйга кириб келади?

Агар чиндан ҳам ўша қизни севиб қолган бўлса, бу — бошқа гап. Аммо кўнглихушлик бўлса-чи?

У қиз-чи? Нега энди у одам қуриб қолгандай келиб-келиб уч болали эрақнинг бўйнига осилиб ётибди? Нега? Улай агар, ақлим етса шунга.

Мен кўнглим ёзиш ёки турмуш ўртоғимни қоралаш учун бу мактубни ёзаётганим йўқ. Дорилфунунда ўқиб юрган кезларим америқолик педагог Феликс Адлернинг: «Оила мўжазгина бир жамиятчадир, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ», деган фикри билан танишган эдим. Модомики шундай экан, ҳар бир инсон оила олдида бурчли бўлиши керак-ку!

Агар ўша қиз тақдир тақозосига кўра бошқа бир йигитга турмушга чиқса, унинг юзига қандай қарайди?

Наҳот, ҳаё, одоб билан ахлоқсизликнинг фарқига бормаидиган аянчли бир аҳволга тушиб қолган бўлсак?

Г. Ҳ.

Андижон шаҳри.

«ҚАЙНУКАМГА ТУРМУШГА ЧИҚСАМ...»

Одамнинг боши тошдан қаттиқ дейишса ишонмас эдим, кўргулик ҳатто юрагимни ҳам тош қилиб юборди.

Ота-онамнинг орзу-ҳавасига кўра аммамнинг ўғлига турмушга чиқдим. Оддий — ишчи оиласи, лекин худога минг қатла шукрки, бировга зориқадиган жойлари йўқ. Мен ишқ-муҳаббатга, ортиқча ҳавасларга берилган эмасман. Икки фарзанд кўрдик. Шу орада қайнукам ҳарбий хизматдан қайтди. Нечундир уйла-

нишга у сира шошилмади. Уйдагилар палончининг қизига одам кўяйлик деса, унинг қовоғи осилиб кетар, сўхбат мавзунини ўзгартирар, ё ундамай ҳовлига чиқар эди. Бунинг сабабини мен кейин англадим.

Бундан уч йил муқаддам, автомобил ҳалокати туфайли турмуш ўртоғим оламдан ўтди. У кўз юмушидан олдин менга айтдики, кўнглим сезиб турибди, одам бўлмайман, фақат сен... сен уйни ташлаб чиқиб кетма. Розиман, укамга турмушга чиқ. У фарзанд кўрмайди...

Эҳтимол, ҳарбий хизматда қайнукам бирон балога гирифторм бўлгандир, бу менга қоронғу.

Орадан бир йил ўтгач, уйдагилар бир бадавлат қўшимизникига бўзчининг моқисидай қатнаб қолишди. Сезиб турибман. — унинг қизини келин қилишмоқчи. Лекин мен эримнинг васиятини уларга айта олмадим. Шундай қилиб, тўй ҳам ўтди. Мана, шунга ҳам икки йил бўлди. Тирноққа зор овсиним ўзини кўрсатмаган дўхтир қолмади ҳисоб. Қани энди нафи тегса шу югур-югурнинг.

Уйдагилар қайнукамни ўртага олишган экан, у: — Нега совчи кўйишдан аввал мендан бир оғиз сўрамадинглар? Кўнглимга қарамадинглар? — дея оғринибди.

Улимдан аввал унга ҳам акаси ҳалиги гапни тайинлаган чиқарди.

Тилимнинг учида турган гапни очиқ айтмаганим учун ҳам муддаомни тушунмаётган бўлсангиз керак. Виз шаҳарнинг кўркам маҳаллаларидан бирида, қаттагина ҳовлида истиқомат қиламиз. Бир ёнда эса қайнукамнинг совқасиз оиласи. Хўш, мен нима қилишим керак? Икки етимчани етақлаб кўчага чиқиб кетайми? Унда бошимга қандай савдолар тушиши мумкин? Би бола эмасман-ку, ахир, кўриб юрибман, мен тенги бевалар кун кечирай деб ҳаётнинг қайси бир кўчасига кириб чиқмаёттир. Сир эмас, ҳам-маям яхши кийинсам, яхши яшасам, дейди. Пулни эса кўчадан сўпуриб олмайсан, демак...

Йўқ, мен бундай номақбул ҳаёт кечирини сира-сира истамайман. Дарвоқе, турмуш ўртоғимдан қолган мол-мулк бир уй соғиб олишга етади, аммо у ота-онасининг ҳисобида. Қариндошларим эса навараларини уй-

ли-жойли қилиб қўйиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Уларга бари бир: қайнукамнинг юрак-бағри қон бўлиб юргани ҳам, менинг гулдай умрим, ёшлигим елга соврилаётгани ҳам...

Аммо кўнглим шуниси сезиб турibdики, қайнукам бари бир хотинидан ажралишади. Уша кунийёқ унга турмушга чиқишим мумкин. Ахир, акасида қолган фарзандларни у билан бирга тарбияласак, ўқитирмасак, тинчгина турмуш кечирсак, яхши эмасми?! Янглишмасам, унинг

ҳам муддаоси шу, аммо... Одамлар нима дер экан?

Ф. Т.
Тошкент шахри.

Таҳририятдан: Хат муаллифининг исму шарифини биз атайин яширдик. Агар гапнинг сирасини айтар бўлсак, «гулдай умри» елга соврилаётган Ф. исми у жувоннинг хоҳиш-иродаси бизни ҳам жиддий ўйлантирди. Ахир, унга жавобан нима ҳам дейиш мумкин? Нияти неқбиндай туюлади, ўша ҳовлидан чиқиб кетиш-

ни, ўзи, фарзандлари қийналишини истамаётгани кундай равшан. Аммо турмуш ўртоғининг васиятига таяниб қилаётган даввоси бизнинг миллий ақидалар мезонига сиғармикин? У журъат сезаётган хатти-ҳаракат замирида пинҳоний мақсад яширин эмасми? Дейлик, мабодо турмуш қийинчиликларидан ўзини халос этиш учун шундай йўл тутса, бу ишига эл-юрт қандай баҳо берар экан? Умуман, у ҳақми?! Хўш, сиз нима дейсиз, муҳтарам жўрналхон?

ЕМОН ЙЎЛДАН ҚАЙТАРИНГЛАР

Ҳурматли «Ёшлик»чилар!

Мен жўрналингизни доим қизиқиб ўқийман. Айниқса, «Оила сирлари» рукни остида берилган мақолалар жону дилим. Шу мавзуда ўзимни қийнаган бир дард билан ўртоқлашмоқчи эдим. Аниқроғи, сизнинг ёрдамингиз керак.

Мактабни бу йил тугатдим. Отам бир ҳалол, теҳнаткаш инсон. Биз фарзандларини бошқалардан кам яшамасин деб кундузни кундуз, кечани кеча демай ишлайдилар. Лекин онам...

Тенгдошларим, ҳамсояларимизнинг гап-сўзларига эртиқ чидай олмайман. Жуда эзилиб кетдим. Очиғи, онамнинг ўзи шу гап-сўзларга лойиқ хотин. Отам кун бўйи заҳмат чекиб ишлайди-ю, онам бўлса суюқоёқлик қилишдан, майшатдан бўшамайди. Турли бузуқ дугоналари бор — улар бизга «хола» бўлармиш. Бегона амакилар келишади — улар эса «тоға»ларимиз эмиш. Уша «тоғаларим» баъзида уйимизда қолиб айш-ишрат қилишади. Уйимиз банд бўлганидан биз бурчакка тиқилиб қоламиз. Нима қилайлик, уларга кучимиз етмаса, укаларим ёш бўлса, онамга эса гап кор қилмасам! Гоҳо уч-тўрт кунлаб йўқ бўлиб кетадилар. Тағин «холангникида эдим» дея ҳеч нарса кўрмагандай кириб келаверадилар. Бизнинг эса кўзимиз кўр, қулоғимиз кар эмас, ақлимиз кириб қолган бўлса. Жуда алам қилади. Қўни-қўшнилари қўл-

ларини бигиз қилиб, «ана, бузуқи ўйнашлариникидан келяпти», дейишади. Отам ҳам буни биладилар, лекин тишини тишига босадилар.

Бир нарса деёлмайдилар.

Укаларимдан уяламан. Тенгдошларимнинг оналарига ҳавас қиламан. Ушалардай бизни одобли-ахлоқли бўлинглар дея тергайдиган киши бўлса менинг онам ҳам, дейман.

Азиз жўрналист акалар! Нима қилсак онам инсофга келишларини ўйлаб бошим қотди. Эҳтимол, сизлар ёрдам берарсизлар, деб ўйладим. Иложи бўлса исм-фамилияларини очик эълон қилиб, шармандасини чиқарсангизлар. Балки бу йўлдан қайтарлар. Онамнинг исмлари Р... Ўзимники эса Н. З.

Таҳририятдан: Мазкур хат муаллифи ва онасининг исм-шарифини атайлаб аниқ келтирмадик. Сабаби ўзингизга маълум. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Хат эгасига бирор кори ҳол бўлса, биз сабабчи бўлишни хоҳламаймиз. Улар яшайдиган шаҳарнинг ҳам мелисаси бордир. Инсофга чорловчи хешу ақроболар, кайвони-оқсоқоллар бор, албатта. Улар ўзларига қариндош бир аёлнинг эл ичида шармандалик қилиб юришини хоҳлашмас. Қолаверса, З.нинг онасига-да гап етиб борса... танасига бир ўйлаб кўрар...



«Ёшлик»

навбатдаги сонда:

● ТАЛАБАНИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИ

Бу сафар Фарғона водийси талабаларининг юрагидаги гаплар шу рукн остида жўрнал саҳифаларига муҳрланди.

● Болалар давлат муҳофазасига муҳтож. Катталарчи?

Ўткир Раҳмат

**ЎША
ЮЛДУЗЛИ
ТУН...**



* * *

*Сендан кечолмайман, ахир,
батамом,
Бисотимда менинг — дардсан битмаган.
Ўша юлдузли тун — хаёл ва армон,
Ҳали мендан кечиб ташлаб кетмаган.*

*Хотирот эркалаб, теграмда гирён,
Хаёл тулпоримга бермоқдаман эрк.
Сонсиз кўчаларга киради тугён,
Висол кўрғонининг дарвозаси берк.*

*Қалбимда ловуллар армоним танҳо,
Бу ёнган дилимга сув сепар умид.
Жийдазор оралаб келган ул сабо
Димоққа тутқазар муаттар бир ҳид.*

*Ноёб бахтимни мен топгандай ногоҳ,
Ҳаяжон қалбимни айлайди банди.
Қайдасан, жавоб бер, эй чехраси моҳ,
Армонли умиднинг азиз фарзанди!*

*Сендан кечолмайман, ахир батамом,
Бисотимда менинг — дардсанг битмаган.
Ўша юлдузли тун — хаёл ва армон,
Ҳали мендан кечиб ташлаб кетмаган!*

Ё насиб...

*Кулги лаб босган лабингга соғиниб,
Кўзларингга шодлигинг сиғмайди-ей.*

МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

Санкт-Петербургда ишга келган йилим шаҳарнинг баҳорда яшил либосга бурканиб, гул-чечаклар билан безанганини кўриб, роса завқланган эдим. Айниқса, паст-баланд дарахтларнинг чамандай гуллаши, гуллардан тўкилаётган офтоб шарораси ўз юртим — Ўзбекистон боғларини эслатар, бундан юрагим ҳаприқар, шодлигим чегара билмасди. Қай бир дарахт олча, қай бири гилос, яна қай бири олмага ўхшаб кетарди. Ана шу қувончларим, ишончим кузга келиб чилпарчин бўлди. Мен кўрган дарахтларда мен истаган мевалар битмади, фақат ҳазин япроқлар қолди. Гўё мени гулбўёқлари билан сеҳрлаб алдагандай, масхара қилгандай туюлди бу дарахтлар. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам она Ватан — Ўзбекистон гавдаланар, минг бир неъматларнинг маст қилгувчи бўйлари димоғимга урилгандай бўлаверарди. Илинж билан бозор ва тайёрагоҳга кунора бориб келардим, аммо ҳеч таскин тополмасдим. Қалбимда эса она Ватанимга муҳаббат, соғинч жўш урарди, бутун борлигим билан умид ва ишонч қанотларида қуёшли юртимга парвоз қилардим. Фақатгина Ватаним, ўз онам ва севикли ёрим мени алдамаслигига ишонч ҳосил қилган эдим ўшанда...

Қайси пайт қош ўрнига келган кўниб?
Қанотин қалдирғоч ҳам йиғмайди-ей.

Дилгинанг минг ҳақриқиб, сойдаи тошиб,
Сўзламай хандонларнинг сўз очди-ей.

Тун ўтар, кундуз ўтар меҳмон каби,
Бормикан оламда дарди чўғи-ей.

Бир шириндир, бир азобдир матлаби,
Ногоҳон куйдирса сени чўғи-ей.

Толеинг соч толасидай унда жам,
Тўлғониб манзилга ҳеч етмайди-ей.

Зулф ила сирлашган ул райҳон ҳам
Воажабки, маст бўлиб кетмайди-ей.

Лов этиб ёнди ажиб ҳис туйғуси,
Чорасиз бир дард экан, битмайди-ей.

Ўртаниб Ўткир мудар зор суйғуси,
Ё насиб ё бенасиб этмайди-ей!

Суюклигим

Суюклигим, қошингдаман
Дилда неки бори билан,
Тинчлик бермас ёнган олов —
Муҳаббати — зори билан.

Оҳ десанг ҳам, воҳ десанг ҳам,
Авайласанг, бахтим шудир —
Тўрт фаслли феълимдаги
Тўфон, ёмғир, қори билан.

Қувонч ҳамроҳ, алам ҳамроҳ,
Ташвишларнинг чеки йўқдир,
Гоҳ уфуриб, гоҳ қадалган
Райҳон, гуллар хори билан.

Адолатни, ҳақиқатни
Гирён излаб кезди қалбим,
Сарсонликдан қайтди охир
Имон, инсоф, ори билан.

Тушовланган тилим энди
Занжирларин бир-бир узди,
Сўзламоққа, куйламоққа
Шайланган дил тори билан.

Тақдир яна дуч қилмасин
Азобланган умрим қийнаб,
Меҳробларда писиб ётган
Чаёнлару мори билан.

Чанг-ғуборлар йўқлик сари
Бир-бир сингиб битарлар-ей,
Ардоқласанг, суйсанг етар
Сен қалбингнинг бори билан.

Бир кун дўстлар кўзин ёшлаб
Ўтиб кетди десинлар-ей,
Қайтиб келмас бу дунёга
Ўткир вафодори билан!

Ўзлик

Форишлик Маликага

Чўккалаган тоғлар тошида,
Чинор яйрар унинг қошида,
Тикилади ой ҳам бошида,
Булоқмисан?
Бу ўша — малҳам,
Шаффоф эди,
Ўзгармаган ҳам!
Адирларда қўйлар, қўзилар,
Булут қўли қирга чўзилар,
Сўнг тожчилар бир-бир узилар,
Яйловмисан?
Бу ўша — чўпон,
Эғнида-чи,
Биз кўрган чопон!
Қизаринган қирда лоладир,
Ёдга, қургур, нени соладир?
Дил оҳудек шошиб қоладир...
Ёшликмисан?
Бу ўша — тушдир,
Учиб кетган қайтмас бир қушдир!
Қўл узатсанг юлдуз юз тутар,
Сомончилар шу ердан ўтар,
Ойни тунлар соғиниб кутар,
Оқшоммисан?
Бу ўша — эртак,
Сехрларин тўккан бир этак!
Ҳовлиларнинг имони бордир,
Меҳмон учун ризқ — нони бордир,
Фидоликка бир жони бордир,
Юргиммисан?
Бу ўша — жондир,
Ўзгармаган Ўзбекистондир!



Ўткир Раҳмат — 1949 йил Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги Узун қишлоғида туғилган. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунининг филология факултетини тугатган. Дастлабки шеъри 1970 йили ёруғлик кўрган. «Ирмоқ» (1978) ҳамда «Соғинч» (1991) шеърый мажмуалари чоп этилган.



Нажмиддин Комилов

СЕВГАНИМИЗНИНГ

СЕВГАНИ ҲАМ

СЕВИМЛИДИР



Муҳаббат — тасаввуфнинг асосий руқнларидан бири. Жуда кўп ирфоний тушунча-истилоҳларнинг шарҳи муҳаббатга келиб боғланади. Умуман, тасаввуфни лўнда қилиб илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм дейиш мумкин. Чунки, тасаввуф илоҳий маърифатни эгаллаш, Оллоҳнинг сифат ва исмлари орқали Унинг зотини билиш ва танишни талаб қилар экан, буни ақл ва назарий-тафаккурий билимлар билан эмас, балки яширин бир ички туйғу, ботиний басират, яъни муҳаббат воқитасида амалга ошириш мумкин, деб таълим беради. Воқеан, сўфийнинг бутун интилишлари, аҳвол-руҳияси, ҳаётининг маъноси, эътиқод-имони поклик ҳам эзгулик тимсоли бўлмиш олий Ҳақиқатга фидойи муҳаббатдан иборат. Бу айни вақтда билим ва дониш, ҳикмат ва санъат манбаига, ҳали кашф этилмаган, ғайб ҳисобланган сирлар оламига кучли иштиёқ ҳамдир. Шу ишқ қудратиким, солиқ (тариқат йўлига кирган киши) қалбини бир зум бўлсада тинч қўймай, уни изтироб ва қийноқлар гирдобига солади; ҳиссий-жисмоний ҳаловатлардан кечиб, хилватхоналарда бедор тунларни тоатибодат, шуур-тахайюл оғушида ўтказишга, важ-илҳом қиёмида одам ва олам моҳияти, илоҳий мўъжизаларни идрок этишга, муттасил руҳий-маънавий юксалишга чорлайди.

Шундай қилиб, чинакам солиқ — бу ошиқ солиқдир, ишқ (тасаввуф адабиётида «муҳаббат» ва «ишқ» сўзлари баравар ишлатилади, бу арабча сўзлар англатган маънолар, деярли, бир хил, яъни кўнгилнинг маҳбуб томон кучли иштиёқ билан интилиши) илоҳий маърифатни кашф этувчи қудрат, солиқ вужудини ёндириб, маҳбуб висолига яқинлаштирадиган покловчи муқаддас олов. Қалбда ишқ қанчалик кучли бўлса, солиқ маърифат зиналаридан шунча бардам кўтарила боради, нафсий сифатларни тарк этиб, камолот чўққиларини забт этаверади. Шунинг учун Муҳаммад Фузулий айтгандай: «Солики роҳи ҳақиқат ишққа айлар иқтидо». Ишқ кўнгилни най қилиб сайра-

● «Ҳусн хилватда яширин туришга рози эмас, у ишқ билан дўст бўлиши керак».

● «Ўзини таниган киши ўз раббини танийди».

● «Кимки ўз раббини таниса, уни севади, кимки дунёни таниса ундан воз кечади».

● «Пок кўзни пок кўнгил билан пок юзга сол...»

тади, май бўлиб одамни масти дийдор этади. Ишқ олдида шоҳу гадо баравар:

*Водийи ваҳдат ҳақиқатда
мақоми ишқдур,
Ким мушаххас ўлмас ул
водийда султондин гадо.*

(Фузулий)

Тасаввуф назариётчиларидан бири Абулқосим Қушайрий ёзади: «Муҳаббат муҳиб (севгувчи)-нинг сифатларда маҳв бўлиши ва маҳбуб (севикли) зотида исботланишидир» (Қушайрий. «Кашфул маҳжуб», 339-бет). «Зот» деганда тасаввуф аҳли Мутлақ руҳнинг ўзини, илоҳиёт оламининг жавҳари, яъни абадий ва азалий Ваҳдатнинг моҳиятини тушунганлар. «Сифот» (сифатлар) эса илоҳий Зотнинг аёнлашуви, Унинг қудрат ва хусусиятларидир. Барча руҳий ва моддий оламлар, жумладан инсон ҳам шу сифатлардан иборат. Бундан ташқари, инсонда илоҳийлик билан моддийлик биргаликда яшайди. Шундай бўлгач, инсон руҳи ўз асли — Мутлақ руҳга қараб тинимсиз ингилади, моддий вужуд билан кураш олиб боради. Инсоннинг илоҳга бўлган муҳаббатининг сабаби шу. Шу боис муҳаббат ўзликдан, дунёвий орзуниятлардан воз кечишни талаб қилади. Бошқача айтганда, дунё муҳаббатидан кўнгил узмасдан илоҳ муҳаббатини қозониш мумкин эмас. Дунё муҳаббати ва илоҳ муҳаббати — бир-бирига зид икки қутб: дунёни деган киши илоҳ муҳаббатидан, илоҳни деган киши эса дунё муҳаббатидан юз ўгириши керак. Дунё муҳаббатидан воз кечиб, илоҳий маърифатни эгаллаган одам, нафсоний сифатларни йўқотиб, илоҳий сифатларни ўзлаштиравериб, Зотнинг ўзига қўшилади, яъни Зотда фоний бўлади (муҳаббатнинг хотимаси фоний бўлишидир). Шу билан сўфий ўзи илоҳий Зотнинг бир қисми эканини исботлайди. Ана шу маънода Қушайрий муҳаббатни инсоннинг илоҳий эканлигини исботлаш воситаси, деб таърифлаган. Айни вақтда, банда ўз муҳаббати орқали Мутлақ зотнинг мавжудлигини ҳам исботлайди — бу Қушайрий фикрининг яна бир қиррасидир. Зеро, инсон руҳининг покланиб, Мутлақ руҳга қўшилиши — тавҳид-

нинг олий даражада тасдиқланишидир.

Тасаввуфда банданинг Илоҳга муҳаббати билан бирга, Илоҳнинг ўз бандаларига муҳаббати ҳам эътиборга олинади. Аслини олганда, олам ва унинг ашъёлари, тирик мавжудотлар, инсон — ҳамма-ҳаммаси Мутлақ руҳнинг муҳаббати туфайли вужудга келган. Аҳли ирфон тасаввурига кўра, бошида Мутлақ руҳ жавҳаридан бошқа нарса йўқ эди. Мутлақ руҳ ўз ҳусну жамоли, қудратига маҳлиё бўлади, яъни Ўзи Узини севиб қолади ва ҳусну жамолини намойиш этиш учун дунёни яратади. Демак, дунё Мутлақ руҳнинг кўзгуси, инсон Унинг муҳаббатининг меваси. Инсон ўз хилқати, тузилиши билан илоҳий хусусиятларни акс эттирган тимсолдир, унинг қалби эса — нури раҳмон маскани. Тасаввуфий муҳаббат, шу тариқа икки ёқлама ҳодиса сифатида кўзга ташланади: бир томондан банданинг ўз яратувчи Тангрисига муҳаббати, иккинчи тарафдан Тангрининг бандасига марҳамати, хайру эҳсони. «Ҳақнинг бандага муҳаббати, — деб ёзади Ҳужвирий, — хайр иродасидир. Бу хайр раҳмати туфайли банда парвариш топади, гуноҳлардан қутулади, мақом ва кароматга эга бўлади». Демак, Оллоҳнинг марҳамати Унинг чексиз карамининг севган бандаси устига ёғилиши, бандани саршор ва сероб қилишидир. Бу илоҳий эҳсон Худога ошиқ мажзуб солиқлар қалбида юксак бир даражада нузул этади, уларнинг ишқини алангалайди. Хуллас калом, илоҳий муҳаббат хос хислатларга молик алоҳида шахсларнинг руҳий-психологик ҳолатини англатадиган фазилат, уларнинг шавқу завқи, мушоҳада-мукошифасини тезлаштирувчи куч.

Аммо ҳужжатул ислом имом Абуҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг фикрига кўра, Оллоҳни севиш фақат жунуни бор алоҳида шахслар — ошиқ солиқларнинг фазилати эмас. Оллоҳ ҳамма учун сеvimлидир, чунки Унда инсон тасаввурдаги барча эзгуликлар, инсонни ўзига тортувчи жамики сифат ва хислатлар мавжуд. Олим буни қуйидаги омиллар орқали тушунтирган: 1. инсон ўзини, ўз камолоти ва ҳаётига асос бўладиган нарсаларни севади; 2. ўзига яхшилик қилган,

ёрдам берганларни севади; 3. умуман, ҳаммага яхшилик қиладиган саховатли одамларни севади, жумладан, адолатли шоҳлар ҳам сеvimли; 4. шунингдек, барча гўзал нарсалар инсон учун сеvimли; 5. маслак ва мазҳаб юзасидан ҳам одамлар бир-бирларини яхши кўрадилар. Аммо бунда конкрет шахснинг жисми, вужуди эмас, балки мазҳаби, руҳий-маънавий қариндошлиги муҳаббатга сабабдир. Шу каби сахийлар сиймосида саховатни, одиллар сиймосида адолатни, қаҳрамонлар сиймосида қаҳрамонлиқни сеvamиз. Бу сифатларнинг ҳар бири алоҳида олинганда муҳаббатга сабаб бўлади, аммо улар бир ерга йиғилса-чи? Унда муҳаббат ҳам йиғилиб кучаяди ва у Худога бўлган қайноқ ишқ даражасига кўтарилади! Чунки фақат Оллоҳгина барча яхши, эзгу сифатларни жамлаган зотдир. Оллоҳни севиш орқали биз абадиятни, абадий Адолат ва Ҳақиқатни сеvamиз. Инсон ана шу идеал етуклик ва камолни қўмсайди, ўзининг барча ниятлари, орзуларини шунга олиб бориб боғлайди. Ғаззолийнинг уқтиришича, инсоннинг ўзини севиши ҳам Оллоҳга бўлган муҳаббатдан нишон, негаки ўзини севиш — ўз камолоти учун курашиш демак. Бизни яратган Парвардигор камолотимизга раҳнамо, ҳаётимизга посбон. Шу боис биз ўз камолотимиз ва ҳаётимизни севиш билан Парвардигорни севган бўламиз. Бу фикрни олим «*Ўзини таниган киши ўз раббини танийди*» деган ҳадис орқали тушунтириб, айтдики, ўзини севиш — ўзини таниш демак. Шунинг учун муҳаббат ва маърифат ўзаро алоқадор тушунчалар бўлиб, «*маърифатсиз муҳаббат ва муҳаббатсиз маърифат бўлмайди*» (Ғаззолий. Эҳъул улум ад-дин, русча нашри, 1981, 247-бет). Машҳур сўфий Ҳасан Басрий айтган экан: «*Кимки ўз раббини таниса, уни севади, кимки дунёни таниса, ундан воз кечади*». Яъни Оллоҳни танишимиз орган сари унга муҳаббатимиз ошаверади, лекин дунёнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борганимиз сари (унинг бебақолигини англаб олсак), дунёқарашимиз ўзгариб боради.

Кўриниб турибдики, Ғаззолий инсоннинг табиатидан келиб чиқиб фикр юритган, Оллоҳга бўлган муҳаббатнинг зарурий ва

қонуний эканини илмий-мантқиқий йўсинда исботламоқчи бўлган. Бироқ қизиги шундаки, у ўзининг фикрларини тасаввуфий муҳаббатга олиб бориб боғлар экан, илоҳий ишқнинг ҳам табиий асослари борлигини айтади. Улуғ олим инсоннинг инсонга муҳаббати тўғрисида илоҳий муҳаббат билан замий, ҳаётий муҳаббат орасидаги муносабат ҳамда ориф дарвешларнинг муҳаббати ҳақида муҳим фикрлар баён этади. Ғаззолий талқинига биноан илоҳий муҳаббат билан инсоний муҳаббат орасида зиддият йўқ, аксинча, илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўриниши. Ҳамма гап қандай одамни севишда. Биз нима учун оқил, ориф ва заковатли одамларни севамиз? Ғаззолий бунга жавоб қайтариб, дейдики, маънавий камолотга интилган, эзгу қалбли ҳар қандай одам сеvimлидир, чунки у Оллоҳни севади ва Оллоҳ ҳам уни севади. Пайғамбарлар, ориф дарвешлар, солиҳ кишилар шунинг учун муҳаббатга сазовордирлар. *«Пайғамбарни севиш таҳсинга лойиқ, деб ёзади Ғаззолий, чунки у Парвардигорнинг севган кишиси. Яъни севганимизнинг севгани ҳам сеvimлидир»*. Шунга биноан, вали ва ориф дарвешларни эъзозлаймиз, севамиз, уларни севиш орқали Парвардигорга бўлган муҳаббатимизни изҳор этамиз. Халифай рошидин Али разияллоҳу анҳу дарвешлар хусусида деганлар: *«Бу одамлар ишқ билан ҳаққул яқин мартабасига эришган, ҳаққиқат моҳиятини англаган зотлардирлар... Уларнинг бу дунёда вужудлари бор холос, руҳлари эса баландларда учиб юради. Улар Оллоҳнинг ердаги халифалари ва Унинг динининг жарчиларидирлар»*.

«Оллоҳнинг ердаги халифалари» бўлган илоҳсевар дарвешлар ўз пирлари ёки тасаввуфийнинг бошқа бир намоёнчасини ғойибона ҳурмат қилишни бурч деб билганлар, кўпинча бу ҳурмат чинакам муҳаббатга айланган. Масалан, Шамс Табризий билан Жалолиддин Румий, Алишер Навоий билан Абдураҳмон Жомий орасидаги муносабатлар шундай пок, ғоят нозик ва ибратли эди. Жалолиддин Румий Шамс Табризийни учратгандан кейин, шунчалик унга махлиё бўлган экан-

ки, уч ой давомида иккаласи бир уйдан чиқмай суҳбатлашганлар. Ривоят қилишларича, Мавлоно Румийнинг муридлари бундан хафа бўлиб, ғавғо кўтардилар ва Шамсиддин қайтиб Табризга кетишга мажбур бўлади. *«Аммо Мавлоно учун бу жудолик оғир бўлди, деб ёзади Ҳожи Зайнобиддин Ширвоний «Шарҳи ҳоли Мавлоно» рисоласида, Шамсиддиннинг ишқи олови унинг ичини ёндира бошлади ва Шамсиддин фироқида ўтти-аламми шеърлар айта бошлади»*. Румий илоҳий ишқни тараннум этган барча ғазалларини устозига бағишлаб, унинг номини тахаллус сифатида қабул қилади. Лекин сўфий шоирнинг кўнгли бу билан таскин топмайди, у тоқати тоқ бўлиб, ахири Табризга қараб отланади, кўп қийинчиликлардан сўнг Шамсиддинни топиб, Румга қайтариб олиб келади. Улар узоқ муддатлар ағёрдан холи жойда суҳбатлар қурадилар, икки кўнгли бир-бирдан баҳра олиб яйрайди. Бироқ муридлар ҳасади яна жўш уриб, Шамсиддинга таҳдид қиладилар. Натижада у яна Куняни тарк этади, икки йил Шомда қолиб кетади. Зайнобиддин Ширвоний ёзади: *«Мавлоно бу муддат ичида Шамсиддин фироқида орому қарорини йўқотди, бутунлай девонага ўхшаб қолди»*. Оқибатда у ўғли Султон Валадга минг динор олтин пул бериб, Шом сафарига жўнатади. Султон Валад Шамсиддинни топиб, олтинларни унинг оёғи остига тўкади (Шамсиддин шу пайт бир фарангий муриди билан шоҳмот ўйнаб ўтирган бўлади) ва отаси тайинлаган қуйидаги байтларни ўқийди:

*Бирaved, эй ҳарифон, бикашед
ёри моро,*

*Ба ман оваред ҳоло санами
гурезпоро.*

*Агар ў ба ваъда гўяд, ки дами
дигар биъед,*

*Махўред макри ўро, бифуребад
ў шуморо.*

(Боринг, эй дўстлар, келтиринг ёримни мани, қочоқ санамимни олдимга келтиринг. Агар у бошқа пайт келинг деб ваъда берса, унинг макрига учманг — алдайди у сизни).

Султон Валад шу зайлда Шамсиддин Табризийни кўндириб, уни отининг жиловига бир ой пиёда йўл босиб, яна Румга олиб

келади. Аммо Жалолиддиннинг ёриваслидан шодлиги узоққа чўзилмайди, бу сафар рақиблар Шамсиддинни қатл этиб, ундан қутуладилар. Бу алам Жалолиддин Румий қалбидан ўлгунча кетмаган. Шамсиддинга бўлган муҳаббат шарофати билан Румий жаҳоннинг буюк шоирларидан бирига айланди ва илоҳий маънолар тўла нодир асарлар яратди. Жалолиддин Румий Шамсиддин руҳида маънавият етуклигини, камолотни кўрган эди. Шамсиддин билан мулоқот унинг илҳомига илҳом қўшар, кўнгли дардларига ҳамдардлик қилар, илоҳиёт сирини асrorини кашф этишга кўмаклашарди. Шамсиддинга муҳаббат Румий учун илоҳга муҳаббатнинг инсон қиёфасидаги ифодаси эди. Хуллас, Шамсиддин Жалолиддин Румийнинг маънавий ёри, маҳбуби ҳисобланган.

Худди шундай ҳолатни Навоий ва Жомий муносабатларида ҳам кўрамыз: агар биз Навоийнинг Жомийга бағишлаб ёзган «Хамса ул-мутаҳаййирин» асарини мутолаа қилсак, улар бир-бирларининг суҳбатига ҳамisha интиқ бўлганлари, икки-уч кун кўришмасалар соғиниб қолишлари, бир-бирларини нафақат фарзандота муҳаббати билан, балки ихлосманд пир-мурид муҳаббати, ёру биродарлик муҳаббати билан ҳам йўқлаб, қумсаб турганларини кўриш мумкин. Жомий «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг хотимасида Навоийни тенги топилмас садоқатли дўст, ёри азиз деб таърифлайди. Уларнинг бир-бирларига юборган мактублари ҳам муҳаббат сўзлари билан тўлиқ. Бунда биз яна ўша ҳодиса, яъни маънавият камоли, орзудаги илоҳий сифатларни реал инсонда кўриб, уни севиш ҳодисасига дуч келамиз.

Аммо Фаридиддин Атторнинг Мансур Ҳалложга муҳаббати реал инсонга эмас, балки унинг руҳига, эътиқодига муҳаббатдир. Румийнинг айтиши бўйича, Мансур руҳи юз эллик йилдан кейин Атторга нузул қилган ва уни тарбиялаган. Аттор — Мансур ҳақиқатининг шайдоси. Унинг назарида, Мансур Ҳаллож илоҳиётнинг инсон суратидаги тимсолидир. Шу сабаб Шайх Фаридиддин Аттор достонларида қуйилган илоҳий ишқ қайноқ бир тарзда Мансурга бўлган муҳаббат билан қўшилиб намоён бўлади:

Шоир гўё Мансурни таърифлаш орқали илоҳни, илоҳни алқаш орқали эса Мансурни севиб куйлай-верган.

Буларнинг ҳаммаси шунга далолат этадики, ҳар қандай илоҳий муҳаббат замирида пок инсоний муҳаббат ётади. Биринчидан, илоҳий муҳаббат ҳам инсон муҳаббати, унинг идеал фазлсига, Ҳаққа мажнунларча иштиёқи эканини унутмайлик. Бу — олий ҳақиқатларни излаш ва шунга шайдолик шавқи. Иккинчидан, илоҳий ишқ куйланган асарларда ҳам нажиб инсоний кечинмалар, бокира, нозик гўйғулар тараннуми бор. Ва учинчидан, кўриб ўтганимиз каби, ишқ кўп ҳолларда етук, ориф инсонларга муҳаббат туфайли туғилиб, шу заминда камол топиб, ривожланган. Хўш, шундай бўлгач, илоҳий дийдорга толиб кишилар оддий одамларни ҳам сева олганми, уларнинг оилага, фарзанд ва қариндош-уруғларга муносабати қанақа бўлган?

Ушбу саволларга жавоб беришдан олдин Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан Шайх Рўзбеҳон Бақлий ҳақидаги бир ҳикоятни келтирмоқчимиз... Шайх Рўзбеҳон Маккада истиқомат қиларди. ногоҳ «бир муғанния (хонанда аёл) муҳаббатига мубтало бўлди». Аммо унинг бу ҳолидан кишилар огоҳ эмас эдилар, яширин равшанда оҳ-нола чекарди. Лекин *ишқини* узоқ яшира олмасдан, Макка машойихи ҳузурига бориб, хирқасини ечиб улар олдига ташлайди ва «мен ўз ҳолим тўғрисида ёлгончи бўлишни хоҳламайман», деб муғанния қошига боради. Муғанния ҳам шайхнинг «*ишқ* холи муҳаббатини» сезиб, унинг авлиё ақобирлардан эканини билиб, олдига келиб тавба қилади, муғаннийликни тарк этиб, шайх хизматида бўлади. Навоий ёзади: «*Ва шайхнинг ул тугъа муҳаббати таскин топди ва машойих мажлисига бориб, хирқасини олиб яна эгнига солди ва гариб ҳолига шайхнинг кўндур*» (Алишер Навоий. Асарлар, 15-том, 100-бет).

Мазкур ҳикоят шунинг учун муҳимки, унда мажбурий ишқ билан илоҳий ишқнинг бир-бирига боғлиқлиги, бири иккинчисини инкор этмаслиги кўрсатилган. Навоий ҳикоятни ёқиб қилар экан, шуни таъкидлаётгани, шайх Рўзбеҳоннинг «*вазъи сайхала-*

ри» (бўзлашлари) «*тенгри ишқид* эрди», муғаннияни кўргандан кейин эса бу ишқ кучайди, муайян бир ҳақиқатга айланди, яъни аниқлик касб этди. Муғанния васлига муяссар бўлгач, кўнгли таскин топиб, яна илоҳ ишқи билан шуғуллана бошлайди. Демак, мажбурий ишқ илоҳий ишқни кучайтирувчи, тезлаштирувчи восита. Рўзбеҳон Бақлийнинг муғаннияга муҳаббати билан «Лисон ут-тайр»даги Шайх Санъоннинг тарсо қизига муҳаббати мазмунан ўхшаш. Шайх Санъон илоҳиёт ҳикматидан гоят хабардор ориф инсон, аммо у тарсо қизини кўргач, шайдою мубтало бўлиб қолади, не-не маломатларга кўниб, энг паст юмушларни бажариб, ёри васлини қозонади ва охири тарсо қизи шайхнинг муҳаббати соф ва самимий эканини билиб, унинг олдида тавба қилади, исломга кириб, шайх муридига айланади. Бу орқали Шайх Санъоннинг илоҳиётга бўлган муҳаббати синовлардан ўтади, шайх бу йўлда ўзлиги, билими ва мансабдан ҳосил бўлган гурурни ташлаб, чин илоҳий ишқ кишисига айланади.

Шу тарика, ориф дарвешлар ҳам оддий кишиларни, жумладан гўзал аёлларни севганлар, аммо бу севи ҳирсий-жинсий интилишлар билан хотима топадиган севи бўлмай, балки Навоий айтгандай, «*пок кўзни пок кўнгли билан пок юзга солиш*» ва шундан баҳра олиш эди. Бу пок юз ошиқ учун илоҳиёт файзи акс этган мазҳар ўрнида бўлган. Муғанния ҳам, тарсо қизи ҳам, шу каби Лайли ва Ширин ҳам илоҳий ҳусну жамол зуҳур этган «мазҳар»дирлар. Умуман, шайхларнинг бир қисми дунёвий гўзалликдан баҳраманд бўлишга иштиёқманд одамлар бўлганлар. Бундай шайхларни «шоҳидбоз» деб атаганлар. Яъни гўзал инсонларда илоҳий Ҳуснни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш. Чунончи, Шайх Рўзбеҳон ҳақида Навоий яна бир ҳикоятни келтиради: Шайх бир кун Шероз кўчаларидан ўтиб борарди. Бир аёл қизига қараб: «*Эй фарзанд, ҳуснунгни элга кўп кўргузмаки, хору безътибор бўлур*», деб насиҳат қиларди. Рўзбеҳон бунга эшитиб, аёлга қараб дейди: «*Эй заифа, ҳусн хилватда яширин туришга рози эмас, у ишқ билан дўст бўлиши керак*». Ҳусн ва ишқ азал-

дан аҳду паймон боғлабдирларки, «бир-биридан айру бўлмағайлар», деб айтади шайх. Шайх Рўзбеҳон зйтмоқчики, илоҳий жамол барчага баробар, нега энди инсон ҳусни яшириниши керак? Ҳусн ишқ учундир, шу боис гўзал юзларни севиш раво.

Шайх Фаридиддин Иброҳим Ироқий Ҳамадонга келган қаландарлар ичида бир соҳибжамол йигитни кўриб, уни севиб қолади ва қаландарларга қўшилиб олади. Қаландарлар сафарга чиққанда эса «*Фироқ суубатидин (азобидин) бегоқат бўлиб, аларни эриша бориб, аларга етти ва ишқ иқтисоси билаки, маъшуққа ҳамранглик тақозоси қилур, қаландарлик либосини ихтиёр қилуб, алар била Ҳиндистонга кетди*» (Навоий. Асарлар, 15-том, 173-бет). Иброҳим Ироқий истеъдодли шайхлардан бўлган, у «Ламаот» номли китобнинг муаллифидир. Унинг «шоҳидбозлиги» ҳам худди Рўзбеҳон Бақлий каби «мазҳар»га муҳаббат тарзида кечган, яъни покбозлик бўлган. Юқорида айтганимиздай, илоҳий ишқ ана шу покбозлик заминида вояга етади. Бунда «*Афлотуний муҳаббат*» деб ном олган муҳаббатнинг таъсири ҳам йўқ эмас. Мазкур тушунча қадимги юнон олими Платон (Афлотун) номи билан боғлиқ. Платон назариясига кўра, олам севиғ асосида вужудга келиб, шу қонуният билан ҳаракатдадир. Бутун олам ашъёлари ўзаро симпатия билан боғланган. Бу — кишини идеал Муҳаббат оламига олиб боради. Олий муҳаббат объекти — Мутлақ жамол баракотидир. Бу қараш Ибн Сино, Ибн Рушд, Ал Киндийлар томонидан ривожлантирилган, италян шоири Дантенинг «Илоҳий комедия»сида куйланган. Афлотун-Ибн Сино таълимотининг сўфиёна муҳаббатга яқинлиги шундаки, ҳар икки оқим тарафдорлари ҳам муҳаббатнинг куйидан юқорига қараб ривожланиб боришини таян оладилар ва Олий даргоҳ ҳузурга ҳаёти покликда кечган бузруғвор шахсларга насиб бўлишини таъкидлайдилар. Аммо тасаввуф ҳирсий (эротик) ишқни батамом рад этади. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, шайхларнинг кўпи уйланган, бола-чақали бўлишларига қарамай, бирон ерда уларнинг оилавий муҳаббат ҳақида фикр-мулоҳазаларини учратмаймиз. Кўп шайх-

ларнинг хотинлари солиҳа ва содиқа аёллар бўлган, бир нечтаси ўзлари ориф шайх сифатида ном қозонганлар. Лекин шунда ҳам эр-хотинлик муҳаббати зикр этилмайди. Эр-хотинлик, оила ҳаётининг зарурий нарсаси деб қаралган, бироқ юксак илоҳий муҳаббат хусусида сўз борганда, хотин, фарзанд, қариндош-уруғ, дўсту ошнолар меҳри арзимас бўлиб туюлган. Нега шундай? Чунки эр-хотинлик, фарзандли бўлиш ва ҳоказолар — барчаси дунёга тегишли, дунё билан машғуллик аломатидир. Илоҳий муҳаббат эса дунёвий ишларни, дунёвий муҳаббатни рад этади. Буни юқорида кўриб ўтдик. Оила муҳаббати, ота-она, фарзанд муҳаббати ҳам дунё муҳаббатининг бир кўриниши.

Ривоят қиладиларки, Иброҳим Адҳам Балх шаҳрида тожу тахтини ташлаб, дарвеш кийимини кийиб сафарга чиққандан кейин кўп йиллар ўтади. Бир кун ўғли билан хотини уни излаб-излаб Маккадан топадилар. Иброҳим Адҳам ўғлини кўргандан кейин меҳри жўш уриб, уни бағрига босади, аммо шу заҳоти хато қилганини англаб, «*Эй парвардигор, шу топда ё менинг жонимни ел, ё бу боланинг, чунки сенга бўлган меҳрим бўлинди*», деб дуо қилганда ўғли кучорида жон берган экан. Бу балки муболага тарзида тўқилган ривоятдир, чунки бундай ривоятлар дарвешлар ҳақида кўп келтирилади. Лекин ривоят тагида ҳақиқат ҳам йўқ эмас: чин ошиқ сўфийлар илоҳий ишқ йўлида барча нарсдан юз ўгирганлар. Шунинг учун ҳам ишқ ҳамма вақт вафо ва фидойи садоқат гоёси билан бирга тасвирланиб келинади. Дейдиларким, Шайх Абубакр Шиблий муридлари билан Басра шаҳрининг майдоңидан ўтаётган пайт дорга осилган кишини кўриб қолади ва югуриб бориб унинг оёқларини ўпади. Муридлари: эй тақсир, нима қиляпсиз, ахир бу ўғри-ку, деганларида, шайх: бу ўғри бўлса ҳам аммо ўз йўлига ўлимдан қўрқмай содиқ қолган киши, қани, мен ҳам Тангрим йўлида шундай садоқат кўрсата оksam, деб йиғлайди. Яна бир ҳикоят: Баҳоваддин Нақшбанд йўлда кетаётиб бир итни кўриб қолади ва ит ўтиб кетгандан кейин чўкка тушиб, ит оёқлари изини ўпиб йиғлайди: мана садоқат, вафо рамзи!

Сўфий ана шу итдан сабоқ олиши керак, дейди у. Кимсан Баҳоваддин Нақшбанд! Ҳаққа етган мўтабар зотлардан бири. Бироқ шундай одам ҳам Тангри таолога Муҳаббатни кўз олдига келтирар экан, ит каби содиқ бўлишни орзу қилган. Навоий «Лисон ут-тайр»да ушбу ҳикоятни келтириб, ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд тилидан қуйидаги сатрларни баён этади:

Деди: «Мен ортуқ эканму ё бу из»,

*Ёна ўзни деди, «к-эй инсофсиз,
Ул вафо аҳли ағғидин нишон,
Сен вафосизлик сари доман кашон».*

Хатм қилди чу бу маънига сўзин,

Ер ўнуб, ул из уза қилди кўзин.

Нияти фақру фано бўлган киши шундай садоқат кўрсатиши, парвона мисол ёр ишқи оташида ёниб кул бўлиши даркор.

Қошоний илоҳий муҳаббат нишонларини қуйидагича тасниф этган:

1. Ошиқ кўнглида дунё ва охира меҳри бўлмайди, фақат Маҳбуб муҳаббати учун жой қолади.
2. Ошиқ ҳар қандай гўзал ҳусна дуч келганда ҳам унга эътибор қилмайди, Маҳбуб ҳуснидан назари четланмайди.
3. Маҳбуб васлига олиб борадиган воситаларни ҳам севадиган бўлади, ўзини муте ҳисоблайди, иродасини Ер ирода-сига сарфлайди.
4. Дилдор васлига монё бўладиган нарсалардан мутлак ўзини олиб қолади.
5. Ҳар дами, ҳар нафаси Маҳбуб ёди билан ўтади.
6. Барча ишда, амалу фаолиятда Маҳбуб амрига итоат этади, тоату ниёз билан яшайди.
7. Истаган нарсаси Маҳбуб талаби ризоси учун бўлади.
8. Маҳбубнинг озгина лутфини кўп ўрнида кўрадиган, ўзининг кўп хизматини оз деб биладиган бўлади.
9. Маҳбуб жамоли мушоҳадасида ҳайрат ва ҳаяжонга тушади.
10. Шу даражага етадики, Маҳбуб мушоҳадаси ва висоли шавқи камаймасдан, балки борган сари орта боради, ҳар лаҳзада янги шавқу завқ пайдо бўлиб, ақлини зойил этади. Зеро, ошиқнинг қалби ўз Маъшуқига тегишлидир ва Маъшуқдан бошқа нарсалардан ҳазарлидир. Ошиқнинг Маҳбубга сингиб, фано бўлиши мана шу. (Қошоний. Мисбоҳул ҳидоя. 406-бет).

Шу талаблар асосида ошиқлик одоби ҳам шаклланган. Чунончи,

Солик ўз пири олдида камтар, ҳоксор бўлгани каби ошиқ ҳам ўзини ҳоксор ва нотавон ҳис қилиши, манманлик, нозу керилишни ташлаши керак. Ошиқ — ниёзманд, яъни талабдор, маъшуқ — ноз эгаси, яъни истиғноли, жафокор, золим. Бу фикр тасавуфий адабиётларда, хусусан, шеърятда кўп тилга олинади. Ниёзмандлик бўлмаса мақсадга етиш мумкин эмас. Савол туғилиши мумкинки, Маҳбуб — Худога нисбатан жафокор, золим сифатларини ишлатиш мумкинми? Жафо ва зулм деганда ошиқни маҳбубдан ажратиб турадиган парда — дунё зулми назарда тутилади. Иккинчидан, Маҳбуб ўз ошиғининг ишқини синайди, бу ҳам жафо ва уқубатдир. Аммо Илоҳ ошиғи учун бу уқубатлар ҳеч нарса эмас. Ҳақиқий азоб — Маҳбуб дийдоридан жудолик, яъни ҳижрон азобидир. Шунинг учун ишқ ҳам дард ва ҳам даво, ҳам азият ва ҳам ҳаловат деб таърифланади. Садоқатли ошиқ ёр қошида ўзини ҳоксор, ожиз ҳисобласа-да, бироқ у жасоратли ва ҳур инсондир. У жонини жонон учун қурбон қилишга тайёр, хўш, бундан ортиқ жасорат бўладими? Маҳбуб жамолига ошиқ киши дунёнинг ўзигагина эмас, унинг расму русумларига ҳам беписанд қарайди, арзимас бўлиб туюлади булар унинг назарида. Ҳатто шарият ва унинг аҳкомлари ҳам унинг учун ортиқча нарса, суратларга сиғиниш бўлиб туюлади. Шу маънода ошиқнинг раҳбари худонинг ўзи, худодан эътиборни тортувчи нарсаларнинг ҳаммаси кўфрга сабаб, дейдилар. Яъни илоҳий ишқ кишини нуқтан назардан кофирлик — бу дунёга берилишдир. Чунки дунё меҳри илоҳ меҳридан кишини узоқлаштиради. Шу тариқа диний тушунчалар ҳам тасавуфда бошқача маъно касб этади...

Албатта, тасавуфий муҳаббат мавзуи анча кенг, бу ҳақда ҳали кўп гапларни айтиш мумкин. Биз бу ҳақда умумий бир тушунча бериш билан қаноатландик.

дир. Эҳтимол, аввал ўтган раҳбарлардан аламзадалиги бордир: «Спи спокойно, Шараф — жимгина уклаги, Шароф» (тагин уйғониб-нетиб одамнинг ўта-касини ёриб юрмагин) демасди балки. Оғалар ҳам ҳиммат қилишди: «Ўзбекистонда саноат ишини яхши йўлга қўйиш, ҳали-ҳануз колоқ ўлкани малакани кадрлар яна таъминлаш учун» эшелон-эшелон каналарни «отправка» қилиб юборишди. Уй-жой муаммоси Тошкентдаги «сека» да аввалдан ҳал этиб турилди. Очiq шаҳар дарвозалари тагин каттароқ очилди. Энди «порахўрлар» ни бир ёқли қилиш керак эди. Ахир улар қачонгача халқнинг ҳақини еб ётишди? Бу рашидовчилар одамни ёмонотлиққа чиқариб қўймаса гўрга эди. Масковга яна бир манзират қилган эди, уям «лаббай деяжакман, жонажон иним» дея Домодедова учоғига қора «Волга» ларда 4-5 та бўрию қашқирларни олиб келиб Ўзбекистонга учуриб юборди. Бўрилар келган заҳотиёқ босар-тусарини билмай, енг шимариб ишга киришиб кетишди. Шунақа ғайрат қилишдики, хоҳлашса ов тўрига кунига ўнлаб, йигирмалаб ўлжа тушар эди. Бу эса уларнинг илхомини яна жўштириб юборди. Маҳаллий ҳуқуқ посбонлари — айрим калтабин юристлар уларга жонбозлик кўрсатиб ёрдам қилишарди. Эҳе, бу ўлжалар орасида қанча китлар ҳам бор эди, йигирма кишининг қулочи етмасди. Қанча катта ўлжа тушса, ота бўрилар: Гдлян ҳамда Ивановнинг шунча димоғлари чоғ бўлар, «яна, яна» дейишарди.

Бизнинг қўйида ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз ўша «ўлжа» ларнинг бири ҳақида.

Ҳа, Рашидов ўлимидан сўнг юрт бир ҳувиллади. Чунки бу кутилмаган ўлим эди. Лекин айнан шу фожиа юз берган заҳоти тупроғида олтин унғувчи Ўзбекистон қора кузғунлар галасига уя бўлди ва у то 1990 йилга қадар давом этди.

Маълумки, «пахта иши», ур-қамалар бошланган, яъни 1983 йилнинг сўнгида Бухоро вилояти хусусидаги шов-шувлар СССР деган улкан мамлакатда катта шов-шувга сабаб бўлди: обкомнинг уйдан пистон милён сўм, БХССнинг уйдан қонтейнер-контейнер пул чиқибди, яна палон-палонлар палон миқдорда пора олган эмиш, миси чиқди, қўлга тушди, зўр бўлди, энди онасини кўзига кўрсатишади, ура! Ва ҳоказо. Вилоят обкоми А. К. Каримов, БХСС бошлиғи Музаффаровлар қамалди. СССР бош прокуратураси ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Т. Х. Гдлян ва Ивановлар бундай катта китлар тўрға тушаётганидан жуда мамнун эдилар. Обкомки қўлга тушдимми, демак, бошқа лавозимдагиларни илинтириш унчалик қийин эмасди уларга. Хусусан, вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли давлат автомобил назорати бошлиғи Тўра Очиловни ҳам. Овчилар ҳар галгидек бу сафар ҳам ишни пўписадан бошлашди. Пўписага битта сабаб бор эди: Очилов бу лавозимга ўз-ўзидан келиб қолмаган, Қашқадарёдалигида обком Ғойибовга, Бухорода А. Каримовга ва ўзининг хўжайинлари Эргашев (собиқ Ўзбекистон ички ишлар министри), Давидов (ўринбосари), шунингдек Қаҳрамонов ва Норовларга пора узатган. «Ўзинг очик бўйнингга олавер, акс ҳолда кўрадинингни кўрасан, барибир бўйнингга қўямиз, бўйнингга олмасанг пешонангдан дарча очамиз, оилангни қаматамиз, болаларингни турмада чиритамиз, отангга азоб берамиз, укангни ҳам тинч қўймаймиз, яхшиликча бўйнингга ол!» Очилов ҳайрон: пора бермадим деса урадилар, сўкадилар, бердим деса... ахир, шунча

одамга пул узатган бўлса, уни исботлаш керак-ку. У бўйнига олмади ва... балога қолди.

Бирор жинойт устида қўлга тушиб, тили қисик бўлганида, ҳеч иложи йўқ эди. Лекин ундай бўлмади-ку. Масковлик шоввозларнинг шашти баланд эди. Ямлаб-ютаман, ёндираман, ўлдираман, абжақ қиламан деб ёпирилишар эди. Рост-да, неча манаман дегувчи вилоят раҳбарлари Гдлян ва Ивановнинг тортиган қомига тушиб кетдилар. Бир ДАН бошлиғи ким бўлибди улар учун. Йўқ, бу иш жуда осон — хамирдан қил суғиргандек кўчмади бари бир. Гдляни энг қаттиқ қийнаган нарса — далил ва ашёларнинг йўқлиги эди. Унинг хаёлига бошқа нарса келди: раҳбарларга пора берганини исботлаш қийин кечса, қўл остидагилардан зўрлаб-сиқиб ёздириб оламан. Ва шундай қилди. Бир гуруҳ шофёру оддий «гайчиқлар» ни махсус жойга тўплади-да, бир бошидан дўқлаб ёздириб олди. Мана гувоҳлар! Қолаверса қонун пешвоси учун бу синалган усул. Очилов додини худого айтаверсин энди. Маҳаллий шотирларини ҳам ишга солди. Нақ беш томлик «дело» ни қаппайтиришди-да, ДАН бошлиғини 12 йилга кучайтирилган режим бўйича қаматиб юборди. Сўнг стўлига энгашиб, Масковга «сводка» берди: «Яна битта ўзбекни тумшугидан илдим! Ҳали қараб туринглар, бу порахўр халқнинг ҳамма раҳбарини қамоққа соламан. Бу ёғи яхши кетяпти!»

Тўра Очилов 1974 йилнинг июл ойидан Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг давлат автомобил назорати инспекциясига бошлиқ ўринбосари этиб тайинланди. Беш йил ўтгач, Бухоро вилоят ИИБ давлат автомобил назорати инспекцияси бўлими бошлиғи вазифасига қўйилди. Бухоро вилоят прокуратурасига берган кўргазмасида у қўйидагиларни ёзди:

«1983 йилнинг 8, 9, 10 апрел кунлари иш жойимда, уйимда махсус тергов гуруҳи ходимлари, Гдлян, Иванов, Мирзаев ва Машиашвилилар тинтув ўтказганлар. Бу вақтда мен ва турмуш ўртоғим Дилбар уйда йўқ эдик. Биз келсак, тергов ходимларидан тўққиз киши (кимлар эканини аниқ эслаш олмаман) тинтувни тугатиб, ҳамма уйда бор нарсаларини, шунингдек, болаларининг кийимларини ва уларга қўшиб уйимда вақтинча яшаб турган талаба қариндошларининг ҳам кийимларини олиб кетишган. Бир неча марта терговчилардан ҳеч бўлмаса шу талабаларнинг кийимларини қайтариб беришларини талаб қилдим. Талабим қондирилмади. 19 июн куни ИИБ томонидан мени ноҳақдан ишдан бўшатилди. 1983 йилнинг 7 декабр куни соат 12 ларда уйимга шаҳсан Гдлянинг ўзи сим қоқиб: «Ты еще на свободе ходишь, приезжай сюда», деб айтди. Ҳузурига борганимдан кейин мени Гдлян, Иванов ва бошқа терговчилар сўроқ қила бошлашди. Сўроқ пайтида улар уйимда тинтув бўлаётганини айтишди. Мен турмуш ўртоғим билан биргаликда сўроқ бердик. Шунда Гдлян мендан кимлардан пора олгансан, кимларга пора бергансан, деб сўради. Мен ҳеч кимдан ҳеч қанақа пора олмаганимни ва ҳеч кимга пора бермаганимни айтдим. Шу тариқа бизни Гдлян ва Иванов кеч соат иккиларгача олиб туришди. Мен улардан «Бешта болам уйда қирқиллаб қолди, ҳеч бўлмаса хотинимга рухсат беришлар», деб илтимос қилдим. Улар бизга рухсат беришди, лекин Гдлян битта шарт қўйди: эрталабгача бир неча кишига пора берганман деб ёзиб келасан. Саккизинчи декабр куни эрталаб соат 7 да мени, яна ўша жойга олиб келди Иванов.

Кейин Гдлян «Кимларга пора берганингни ёзиб келдингми», деди. Мен кечаги гапимни айтдим. Шунда Гдлян менга бир рўйхат кўрсатди. Рўйхатда Ўзбекистон Ички ишлар министри Эргашев, унинг ўринбосари Қахрамонов, Давидов, СССР ИИ министри Чурбанов, Богатирёв, Мельник, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Каримов, вилоят ижроия қўмитасининг раиси Асадов, вилоят ИИ бошлиғи Дўстов, ўринбосари Раҳимов, Муллин, Тиловов ва собиқ ИИ бошлиғи Норовларнинг фамилиялари бор экан. Гдлян мендан шу рўйхат бўйича ҳар бирига 5 мингдан 15 миангча пора берганман деб ёзиб беришимни сўради. Агар ёзмасанг, ўзинг айбдор бўлиб чиқасан, олий жазога кетасан, деди. Мен бу ёлгон гапларни ёза олмаслигимни айтдим. Шунда Гдлян жаҳди чиқиб, энди ўзингдан кўр, деб терговчи Ивановга «буни тезда Тошкентга жўнатинг, мен бунга бир бинонинг ертўласидан махсус жой ҳозирлаб қўйганман» деди. Шу куни тушқи пайт мени самолётда Тошкентга олиб келишди. Ертўлага ташлашди. Бир кеча-кундуз мендан ҳеч қим хабар олгани йўқ. 18 декабр куни Гдлян ва Ивановлар мени ўз ҳузурларига чақиритиб, устимдан кулишди. «Энди ҳолингга маймунлар йиғласин, ўшанда бўйинингга олганингда олам гулистон эди». 16 кун шу махсус ертўладаги «карцерда» ўтирдим».

Бўрилар чиндан ҳам ноқонуний иш юритишдан тап тортишмасди. Акс ҳолда Т. Очиловни терговга чақириб, сўроқ қилмасдан бурун, 5 декабр куни Ўзбекистон ССР прокурори ўринбосари К. С. Галашко орқали уни қамаш тўғрисида санкция чиқариб олишдан қўқишарди. Ҳолбуки, сўроқ уч кундан кейин, саккизинчи декабрда бошланган. Ҳали бирор жиноят изи топилмаган. Демак, қамоққа олишнинг ўзи қонунга зид иш бўлган.

Бу орада Т. Очиловнинг қўл остида ишлайдиган ходимлар қийноққа олинган — нима бўлсаям бошлиқни қуритиш керак. Меҳмононов деган ДАН ходими 5 минг сўм, Неъматов дегани иккита покришка пора берган қилиб қоғоз тўлдирилди. Шу йўллар билан туҳмат аризалар тўпланган. Ҳолбуки, Т. Очилов бу кимсаларни танимас, улар судда ҳам қатнашмаган эдилар. Вазият талаб қилса уларнинг аризалари зум ўтмай янгиланиши ҳам мумкин эди.

Биргина Очиловни қаматиш учун ўнлаб инсонлар сўроққа чақиритиб туҳмат хатлар ёздирилди. Жиноят ишини кузатган чоғимда 40 дан зиёд «гувоҳларнинг» исм-шарифига кўзим тушди. Эринмаганларига ҳайрон қоласан одам. Очилов ҳақ бўлганда улар ҳимоя қилмасиди, деб ўйларсиз. Мен ҳам шундай ўйлардим. Аммо улардан ҳам баъзиларининг сўроқ протоколларини ўқиб, очиғи, хўрлигим келди. Масалан, Паёз Тошев худди Очилов каби ҳеч қимга пора бермаганлигини айтиб тураверганида уйда касал ётган хотини ва беш боласини чақириб олиб қамаб қўйишларини айтади, қўрқитишади, энг ёмон сўзлар билан ҳақорат қилишади. Ивановнинг ўзи мени марказ жўнатган, итвачча, хоҳласам сендай тирранчаларнинг туҳумини қуритиб юбораман, лекин менга сен каби лайчалар эмас, каттароқларинг керак, эй баран!, деб сўкади. Битта армани башара терговчи қулочкашлаб П. Тошевнинг қаншарига темир гилдирак билан солади. Тошев ўтирган ўрнидан учиб кетади. Турғизиби олишиб яна айтишади: «Яхшиси бўйинингга олақол, Дўстовга, Раҳимовга, Очиловга берган пораларингни. Биз сени эмас, уларни турмада чирит-

тамиз, холос. Акс ҳолда ўзингни ҳам, болаларингни ҳам турмага ташлаймиз. Кейин қайтиб чиқасанми, йўқми — худо билади. Ана, кўрмадингми — обкомнинг Каримовни қариндош-уруғи билан турмага тикдик. Ё ит кунини кўриш афзалми?»

Бу хўрлигу зўрликлардан кўра ёлгон кўргазма бериш афзалроқ эди. Аммо ўзи ёзолмасди, қўли бормасди. Унга ёзиб беришар ва қўл қўйдириб олишарди. Шундай қилиб Тошев ҳам Очиловга пора берган (минг сўм) қилиб «дело»га тиркалди. Мана гувоҳ, мана далилий ашё! Агар Тошев бўйин товлаб тураверганида касал ҳоғинию бегуноҳ болалариям бемалол қамалиб кетавериши аниқ эди. Ёки уям бир порахўрға чиқарилиб орқасидан ўнлаб «гувоҳлар» тўпланиши мумкин эди.

Тўқайга ўт кетса ҳўлу қуруқ барабар ёнар экан. Очилов ҳали чекинмаган, адолатдан умидвор эди. Бахтига қарши окловчиси И. А. Либус ҳам Гдляннинг одами, яъни қораловчига чиқиб қолди. Ҳар кун, кунора Иванов унинг кўзига бегуноҳ уқаси Йўлдош Очиловни ва қари отасини қамаш тўғрисидаги санкцияни кўрсатиб ваҳимага соларди. Бир куни А. Каримов Ўзбекистон ИИ Вазирлигидан майорлик унвонини сўраб олиб берган бўлар, иккинчи куни А. Каримовнинг ўзи ТошДУ ректорига ҳат ёзиб ҳуқуқшунослик факултетига ўқишга киритган бўлар, шундай қилиб, Очилов қамоқдаги катталарнинг ҳам «дум»ига айлангилар эди. Т. Очилов ўрис тилини «сўв қилиб ичолмасди». Шу боис бир неча карра ҳам ёзма, ҳам оғзаки таржимон сўради. Бу сўров қондирилмади. Чунки Гдлян билан Ивановга шундай бўлгани маъқул эди. Айб кетидан эса айблар ёғилиб келарди. Ҳайхотдай, жаннатмакон, қадоқ қўлли Ўзбекистонда бирор одам ёрдам беролмасди. Юртнинг баъзи ҳуқуқ посбонлари эса Московчи бойларга мажбур-номажбур хизмат қилишар, айтганини муҳайё этишар, салла десалар калдани келтиришга тайёр эдилар. Бундай шароитда одам-кў одам, метин ҳам эгиларди.

Тўра ака учун ёруғ қунлар ҳам келди. Саксон учинчи йилда қамалиб, саксон тўққизинчи йилда, 12 йилнинг ярмини ўтаб, озодликка чиқди. Бутунлай айбсиз деб оқланди. Собиқ СССР бош прокурорига, СССР Олий суди раисига, М. С. Горбачёв номига, бир қанча иттифоқ халқ депутатларига Гдлян ва Ивановлар бошчилик қилган тергов гуруҳининг ноқонуний хатти ҳаракатларини ёзиб шикоят қилди. Қайта текширув ўтказилганда ҳаммаси ойдин бўлди-қолди. У оқланди. Қоралаб қаматганлар — асл жиноятчилар эса эналарининг уйига жуфтанин ростлаб қолишди.

Қонун бўйича Т. Очилов оқлангач, аввалги лавозимига, майорлик даражаси эса полковникликка кўтариб берилиши керак эди. Лекин бундай қилинмади. Айни пайтда у жумҳурият автомобил назорати бошқармасида бўлинма бошлиғи. Гдлян бекор қилган ички ишлар майори даражаси жумҳурият ИИВ, хусусан, З. Алматовнинг ҳомийлиги туфайли қайта тикланган. Бу ёғи, энди — Худо пошшо. Пешонада борини кўраверади.

Мен Тўра Очиловни мақтамоқчи, уни бутунлай оқламоқчи эмасман. Бўлса бордир эҳтимол, кимлар биландир олди-бердиси. Беайб Парвардигор. Лекин бунинг исботлаш, бўйинга қўйиш керак эди. Ахир ўша пайтдаги Совет ва ЎзССР жиноят кодексларида ҳам шу нарсга аён ифода этилганди-ку. Инсонни, у миллати ўзбек, «порахўрлар» юртидан бўлгани учун шунчалик азоблаш, қамоқларда қийнаш керакми?

Бундан ташқари сен ҳақми-ноҳақ қамалсанг, бу юрда бош кўтариб юролмайсан. Биринчидан, иш хужжатинг булғанади, иккинчидан, ҳатто ўз яқинларинг ҳам «ўтириб чиққан» деб «олабўжи» қилишади. Қамоқ ортида уқубат чеккан оила кулфатларини эса пулу бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

Тўра Очилов Ўзбекистондаги мингларнинг бири. Эсимизда, биргина «пахта иши» туфайли 5 мингдан зиёд ўзбек «кесилди». Имоним комилки, уларнинг аксарияти ноҳақдан қамалди. Яна қамоқ ортида неча минглаб диллар зада бўлди, аламга тўлди. Лекин, қизиғи шундаки, охир-оқибат Гдлян Ивановлар Масковга бориб гоҳ Лигачёвга, гоҳ Горбачёвга ташландилар. Ҳам зўрлик, ҳам пешхўрлик. Иккала шоввоз ҳам собиқ иттифоқ халқ депутати эдилар. Мингларча, эҳтимол, милёнларча «болелшиклари» бор эди.

Гдлян ва Иванов нафақат И. Усмонхўжаевнинг, кейинчалик Р. Нишонунинг ҳам ифтихорига айланган эдилар. Бу ҳақда Р. Нишонун ўзи «Аргументы и факты» газети мухбири саволларига берган жавобда (1988 йил сентябр № 38) фахрлиниб гапирган. Мана унинг мағрурона сўзлари: «Республикада жамият ҳаётининг барча жабҳаларини соғломлаштириш учун турғунлик даври меросига қарши қаттиқ, оғир кураш кетмоқда. КЎСС Марказий Комитети кейинги тўрт йилда Ўзбекистонга юзлаб тажрибали кадрларни юборди... Аввало республикага шундай қўламли ёрдам кейинги 30 йил мобайнида биринчи марта амалга оширилганини таъкидламоқчиман. Янги ходимларнинг келиши бизнинг чинакам бахтимиз бўлди... Республикада сўнги тўрт йил ичида 58 минг масъул ходим вазифасидан бўшатилади. Мен ўзим шахсан Тельман Хоренович Гдлян гуруҳининг ишини гоҳда ижобий баҳолайман. Биз СССР прокуратурасининг ходимлари билан қўлни қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Улар республикада адолат ўрнатиш, Рашидов атрофидаги яқин одамларни жавобгарликка тортишда жон куйдириб ишламоқдалар. Кескин кураш кетмоқда. Шунини рўй-рост айтишим керакки, Гдлян гуруҳи республика партия органлари

томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланмаганида ва ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмаганида эди, улар бу қадар самарали ишлай олмасдилар, албатта...» («Ўзбекистон овози» газети, 1992 йил 22 июл).

Халқ қисмати раҳбарга нечоғлик боғлиқ. Жумҳуриятимизда қанчадан-қанча ҳуқуқ ҳимоячилари раҳбару бўрилардан илҳомланиб не ишлар қилганию, энди, бутун бебурдликлари юзларига солинмаслигини истаб биқиб юришганиниям тасаввур қилинг. Мана, ўша кимсаларга ҳаққоний баҳо берадиган вақт ҳам келди-ку. Ўз миллатини нонтепки қилиш кўп хосиятсиз экан. Тўғри, мен ўша пайтдаги ҳуқуқшуносларни бирварақайига айблашга ҳаққим йўқ. Виждонан иш тутмоқчи, миллатпарварлар ўз-ўзидан четга сурилган эди. Аммо...

Бир нарсани ўйлаб ўпкам тўлади: ўша бўрилар Литва ёки Латвия, Эстония ёхуд Гуржистон, Арманистон ёхуд Украинага бориб бу қадар эмин-эркин «ов» қилолмасдилар. Ҳатто у халқлар юз фоиз порахўр бўлсалар ҳам. Чунки улар — ўлжа тушишни ёмон кўрадилар. Биз ўзбеклар ҳам ёқтирмаймиз. Лекин... айтмоқчи, Қрилов амаки «дарахтнинг бўшини қурт ейди доим» деганда бизларни эсламаганмикан. Афсус, яқин «тарихда мисоллар жуда кўп бунга». Унутманг: «Ўсадиган эл бир-бирини «ботирим» дейди».

1993 йил учун

«Ешлик» журнаliga

обуна бўлишни унутманг!

Йиллик обуна баҳоси — 180 сўм

● ТИЛСИМЛИ ДУНЕ БУ!

Ҳаёт мўъжизалар берару бизга, Эвазига фақат ҳайрат сўрайди, — деган эди шоир. Инсон бино бўлганидан буён ёруғ жаҳон тилсимлари қошида ожиз. Қандай тилсимлар дейсизми? Бу ҳам ҳозирча сир.

«Нигоҳ» шу сиру синоатлар, уларнинг замирида ётгуччи ғаройиб кучлар ҳақида ҳикоя қилади.

«Ешлик» —

навбатдаги сонда:



Баҳодир Қобул

ЖЎРАКАПА

ҲИКОЯЛАР

МУАЛЛИФ ДЕЙДИКИ:

— Тўғри, аёлга бўлган севги инсонни яшартиради, кишида масъулиятни кучайтиради, шу тўғғу туфайли оламшумул ишлар амалга ошганини эшитганмиз, ўқиганмиз. Шунингдек, кўплаб жаҳоний урушлар ҳам бир шохнинг бошқа бир мамлакат маликасини яхши кўриб қолиши туфайли содир бўлган, оқибатда оммавий қирғинлар юз берган. Шу сабаб мен бир инсонга муҳаббатдан кўра Ватанга бўлган чин муҳаббатни устун қўяман. Агар у рост тўғғу бўлса, собитдир. Улганингдан кейин у фалон аёлни бундай севган эди, деб эслаганларидан кўра, у Ватанига хиёнат қилмади, халқини сотмади, дея ёдлашларини истайман. Отабекнинг севгиси аслида Қодирийнинг севгиси эди, лекин Отабекнинг ватаний ишқи устун турмаганида у олижаноблик рамзига айланолмасди, кучли бўлолмасди. Биз эса ҳозир Қодирийнинг сотилмай шахид бўлганидан кўпроқ таъсирланамиз. Еки Чўлпоннинг шеърларини (ёхуд «Кеча ва кундўз»ни) чин ошиқ бўлмаган одам ёзолмасди. Аммо менга Чўлпоннинг халқига, Ўзбекистонга ошиқлиги кўпроқ ҳайрат беради. Агар у сотқин бўлганида, шубҳасиз, тирик қоларди. Сўнг севган вафодори билан осойишта яшаши мумкин эди. Нотўғғри тушунманг: Қодирий ва Чўлпоннинг ибратли ўлими ҳам биз учун катта тарбиядир.

Кўпчилик танишларимдан «Ватан деганда нимани тушунасан?» дея сўрашни ёқтираман. Яқинда биттаси саволимдан довдираб турди-турди-да; «Ватан, ватан... райсентрдаги кинотеатр-да», деди мижжа ҳам қоқмай. Е тавба-а.

Тенгдош юртдошларим, Ватан деганда фақат кинотеатру томорқани, муҳаббат деганда фақат ҳинд филмларидаги жононларни тушунманглар. Тилагим шу.

Уша кеча бир туш кўрдим. Опамга айтиб бергандим, ўнгиримга етти бурда нон тўғраб солдилар-да, Йўлбарсга бериб келишимни буюрдилар. Кейин ҳеч кимга айтмаслигимни таъинладилар...

Сочлари жайранинг сихидек бўлиб турган манави бола — укам Исомжон, унинг ёнидагиси, кўзларининг ости шишгани Алибой пиённинг ўғли — Султон. Жўракапамизнинг томини тузатаётгани эса — Рустам. Кунданинг устида йиғлаб ўтиргани — Мирза. Қўллари келисондек келадиган, бўйи ҳам бизлардан бир оз каттароғи Салим магазинчининг ўғли — Ғофур. Биз уни Ғопи деймиз. Яна биттамыз бор — Раҳим. Туркқишлоқ болалари дегани мана шулар.

Ҳозир ёмонтуркманликлар билан тепалашиб келяпмиз. Сабаби — уларнинг ўз ҳовузлари бўлатуриб бизнинг жойимизда чўмилганликлари. Одатдагидек, бу сафар ҳам тепалашни Ғопи бошлади. У йўлда бораётганимиздаёқ кўлига тош олиб сувдан боши чиқиб турган Каримни кўзлади. Карим ёмонтуркманлик болаларнинг жўрабошиси. Ростини айтсам, тепалаш ҳалол бўлмади. Биз озчилик эдик-да — калтак едик. Аммо битта ютук бўлди — Каримнинг бошини ёрдик. Хўш, ўзингиз айтинг, уларнинг жўрабошиси энди ёриқ бош билан кўчада қандай юради? Боплабмизми? Лекин кўпчилик бўлиб бизни дўп-послашларини сира кутмагандик. Ҳовуз бизники, кетинглар, десақ, кетишади деб ўйлагандик-да.

Қишлоқдаги барча болалар дадасидан ҳайиқса, Султон бечора опасидан қўрқади. Ҳатто дадаси ҳам опасини кўрган-да ранги оқариб кетармиш. Буни Султоннинг ўзи айтган. Унга жавр бўлди. Кўзининг остидаги шишни кўриб опаси кечаси билан бақариб, қишлоқни ухлатмаслиги мумкин. Ҳар биримизнинг уйимизга эринмай кириб чиқишдан ҳам тоймайди.

Унинг кўз остидаги шишни йўқотиш учун Раҳимни магазинга тиш тозалагич олиб келишга юборганмиз. Ҳализамон келиб қолади. Армиядан келганларнинг айтишича, заҳм еган жойга тиш дори қўйилса ягаво — айна дори бўлармиш. Раҳимга пулни Ғопи берди. Барчамизнинг топган-тутган тангамиз Ғопида туради. Унинг айтишича, пул бир жойда турса пул туғармиш. Ким билсин. Аблах ёмонтуркманликлар бизни урганликларига чидаса бўлади, лекин жўракапамизни бузишгани чатоқ бўлди-да. Капамиз уларга нима қилди ахир. Узиям яқин атрофда бунақа қапа йўқ. Уртасаройликларнинг капаси — сой бошидаги қари ёнғоқнинг коваги. Уч киши аранг сиғади. Ёмонтурк-

манликларники эса «Тез ёрдам» машинасининг пачоғи чиққан гавдаси. Бизларники эса, о, кўрсангиз, ростмана уй дейсиз. Деворларини ҳашар қилиб қуваладан кўтарганмиз. Томиям бор. Шиферни магазини қоровулнинг кўзини шамғалат қилиб ўғирлаганмиз.

Капамизга бошма-бош бўлса саккиз киши сиғади. Дарс бошланса тушдан кейинги, таътил вақтида эса эртадан кечгача вақтимиз шу ерда ўтади. Чунки, қўй боқадиган жойимиз ҳам шу ер. Бироқ, ҳадеб қапага киривермаймиз. Қачонки, бирор боғ ёки полизга ўғирликка тушишдан олдингина бу ерга йиғиламиз. Ким нима иш қилишини кенгашиб оламиз. Капанинг деворини тиклаб бўлгандик ҳамки, Раҳим етиб келди. Султоннинг кўзига малҳамни Фопининг ўзи қўйди. Сўнгра ётиб дам олишни буюрди. Султон шу ётган кўйи ухлаб қолибди. Кечга яқин ўртасойликлар билан тепалашаётганимиздаги бақир-чақирдан сачраб уйғонибди шекилли, додлаганча орқа-олдига қарамай қишлоқ томонга чопди.

Бизнинг ўртасойликлар билан урушимизни мен бошладим. Уша — менга иккита келадиغان Амиркулга мушт қўйдим. Эй, рости билан урсанг, ўзингдан катта ҳам йиқиларкан.

Капамиз тикланган вақти мўр-малахдай бўлиб ўртасойликлар келиб қолишди. Олдинда Амиркул. Ҳар доим Амиркулнинг ёнида юрадиган зиғирдек биттаси дабдурустан:

— Кеча бизнинг кўчадан автобус ўтди,— деса бўладими? Сал ўтмай унга жавобан Рустам ёлғонни ванг қўйди:

— Уша автобус, керак бўлса, бизнинг кўчадан ҳам ўтди.

— Утгани йўқ.

— Утди.

— Утирик айтма. Автобуснинг тош йўлга чиқиб, шаҳарга кетганини ўзим кўрдим-ку?— дея гапга қўшилди Амиркул ўдағайлаганча.

У билан гап талашиб қолдик.

— Бизарда «Жигули» кўп.

— Бизарда «Ява» кўп.

— Силарда «КамАЗ» ҳайдайдиган шопир йўқ.

— Бўлади. Яқинда Маликнинг акаси оларкан. Дириктирига пулини бериб қўйибди.

— Бизда теримчи қизлар кўп. Уларнинг расми газитга чиққан. Облис танийди.

— Ҳе, теримчиларнинг кимга керак? Ана, бари сариқ касалу эрга зор бўлиб юрибди-ку.

Ўртасойликлар гуррос кулишди.

Гапга яна Рустам қўшилди:

— Бизни қишлоқда бу йил кўпқари тўй кўп бўлди.

— Бўлмаса...

— «Бўлмасанг»ни қўйиб тур. Сенларнинг қишлоққа Шерали келганми?

Амиркул шундай дедию пастки лабини чучайтирганча «хушт» деб қўйди. Ана шу қилиғи, ўлай агар жонимдан ўтиб кетди. Шунда қишлоғимиз уларникига қараганда шаҳардан сал бўлса-да узоқлигидан ўқиниб кетдим. Ахир, бизнинг қишлоққа келадиغان ҳар бир машина уларнинг қишлоғини босиб ўтади.

Рустам нимадир демоқчи эди-ю, гапи оғзида қолди. Нима ҳам десин. Ҳа, бизнинг қишлоққа ҳам келган десинми? Кейин роса кулгига қолади-да. У жовдираганча нигоҳини олиб қочарди. Ўртасойликлар бўлса, бир-бирини турткилашганча кулишарди. Жўрабощимизнинг эса дами чиқмасди. Кимки қишлоқ учун гап талашса-ю, гап унга тегмай қолса шундай қилади. Бундан руҳланган ўртасойликлар ҳаддиларидан ошганча бизни элакилай бошлашди. Ғопи эса юзини тескари бурдию кетди. Бу — унинг аразлагани эди. Менгаям алам қилди. Ичимда Ғопини бўралиб сўқдим-да, муштими тугиб, жоним борича шундоққина ёнимдаги тўнка устида омонат ўтирган Амиркулнинг жағига туширдим. У буни кутмаган шекилли, ўтирган жойидан учиб кетди. Тепалаш бошланди. Кўп ўтмай улар қочилиди. Кечаси опам билан табибга бориб, пайи чўзилган қўлимга шўр пахта бостириб келдик. Ушандан буён уйдаман.

Ёлғиз бўлсанг нуқул ўйларкансан. Нега Шерали Жўраев бир қишлоққа келса, атрофдагиларга ҳам келмайди? Агар бизнинг қишлоққа келганида навилар тилимизни қишқилмасмиди?

Шўр пахта қўйдириб келгандан кейин қаттиқ ухлаб қолибман. Тушимда Шерали Жўраевни кўрибман. У киши биз билан

гаплашганимиз, тўғриси айтсам, нима деганлари эсимда йўғ-у, бироқ гаплашганлари рост. Тахминан, акамнинг магнитофонидаги гапларни такрорладилар: «Болажонлар, мен сизни яхши кўраман!»

Боя айтганимдек, қўлимнинг пайи чўзилиб кетган, бир неча кундирки, қўлимни бўйнимга осилган рўмолдан чиқара олмайман. Ушандан буён уйдаги барча ишлардан озод этилганман. Ҳозир азобни Исом тортяпти. Дадам уйда пайти китоб ўқиган бўламан-у, ишга кетган заҳотларийёқ акамнинг магнитофонини кўяман. Албатта, Шерали Жўраевни. Қўшиқларини эшитаверганим сари ўзимни катта кишилардек ҳис этаман.

Юзимга сепилган сувдан чўчиб уйғониб кетдим. Бошимда юзини хавотир босган опам. Тинмай қарганадилар: «Вой худодойим-эй, болам босинқирайдиган бўп қолти». Султоннинг опаси эса ҳар кун саҳарда молларини подага қўшиб, қайтарда қишлоқни бошига кўтарган кўйи ўғлини урганга ўлим тилаяпти.

Айни вақтда опам билан етаклашганча Мулларажаб бобонинг олдига бораяпмиз. Опамнинг айтишича, мулла юрагини жойига солиб кўярмиш.

Менинг ҳозир ўй-фикрим битта: тезроқ уйга қайтиб магнитофонни қўйсам, «Қалдирғоч» деган қўшиқни бутун қишлоқ эшитса. Жўраларим худди кечагидек, дарчамиз олдида тўп-ланишса. Ҳатто Ғопию, сумбати бесўнақай Зўлпон лўли ҳам ялтоқланганча «Жўро, бо битта аз сараш калласидан қўй», деса. Мен яна қайтабошдан қўйсам. Қўшиқни холамнинг қизи Қалдирғоч эшитса...

Негадир тушимни ҳеч кимга айтгим келмаяпти. Қўлим тузалгач, жўрабоши бўлсам, зўр қилиб жўракапа қурдираман. Эҳ, оғанилар, жўракапамиз бўлмаса, қишлоғимиз — Туркқишлоқни биров эслармиди?

НАФАҚА

Эндигина уйғонган қишлоқни товачининг ҳайқириғи босди:

— Дўмникига жаннозага-а-а...

Эртаги ҳосилдан бўшаган сабзи жўякларини ағдараётган Раҳмон бобо чўчиб тушди. Бутун вужуди билан айтувга қулоқ тутди.

— Дўмникка...— Утирасолиб жўрасининг арвоғига тиловат келтирди. Лекин шу асно хаёллари минг бир жойга кетиб ботинан хурсанд ҳам бўлди. Бир оздан сўнғ, «Худо, бандангни ўзинг кечир» деганча ёқасини кўтариб туфлади. Кетмонни ювиб жойига қўйди-да, дўмнинг уйи томон шошилди.

Йўл-йўлакай Тўқсон билан ўтган кунларни эслади.

Ушанда Галабола қишлоғи анча кичик — бор-йўғи йигирма чоғли хонадондан иборат эди. Тўқсонларнинг уйи Сепкисойнинг бурилишида жойлашган. Раҳмонларники эса пастроқда, Бойназарбойнинг тегирмони ёнида эди.

Уларнинг болалиги урушдан олдинги очарчилик йилларига тўри келган, қилар ишлари — түрт-беш қўйни тоққа ҳайдаб боқиш, мавриди келса бир боғ-ярим боғ ўтин териш бўлган.

Оналарининг айтишича, Тўқсон қовун палакларига чумчуқ соялайдиган пайтда, Раҳмон эса қовуннинг олди бозорга чиққанда туғилган экан.

Раҳмон анчайин қайсар, ноҳақ бўлса-да, айтганида туради-ганлардан эди. Шунинг учун ўр номини олган.

«Бир оз қўрқоқлигини айтмаса, сендан жўра чиқади» дерди Тўқсон куннинг кечига қолиб, эшакка Раҳмонни миндириб, ўзи пиёда қолган пайтлар.

Тўқсон зам-зама қилганча Кўктошнинг юқориоғида, Раҳмон пастроқда ўтин теришаётганди. Бирдан зам-зама узилди. Буни сезган Раҳмон ҳушёр тортиди. Бошини кўтариб жўрасига қаради. Тўқсон сerratганига турарди. Ундан ўн беш қадамча нарида эса оппоқ Илмис товланарди. Раҳмон бақирганча аввал пастга югурди, сўнгра келиб жўрасининг орқасига яширинди. Қалтираганча нималардир деб бўлдирадди.

Улардан тепароқда ўз-ўзи билан банд Илмис гоҳ ёш қизалоқ, гоҳ йигит, гоҳ кампир, гоҳ чолга ўхшаб кўринарди. У йигирма дақиқалар товланиб тургач, кўздан йўқолди. Осмонга учдими, ерга кирдими — иккиси ҳам англамай қолди. Бироқ Илмис турган жойдан жангалнинг шохлари қарсиллаб қад ростлагач, Тўқсон ўзига келди. Дув қизариб ерга ўтирди. Раҳмон бўлса ҳадеб калима қайтарарди.

Орадан сал ўтмай иккаласи ҳам жон борича пастга — қўйла-ри ўтлаб юрган жойга қараб чопишди. Раҳмон шу кунни қиш-лоққа қайтгач, онасини кўриб йиғлаб юборди. Шунда Тўқсон-нига кўрқоқ номини қўйган. Кейинчалик ҳам бир марта кўрқоқ-сан, деган. Яхшилаб сўкканди ҳам. Ушанда Раҳмонга «Сендан нафратланаман, иложини топсам отаман, кўзимга кўринма-гин», деган.

Раҳмон отасидан ўн тўрт ёшида қолган, онасининг туққани ҳам; тургани ҳам битта эди. Уруш бошланганда йигирмани босганди. Сталин радиодан гапирган куннинг эртасига қўшни кишлоқлик Муҳаррам сатанг деган уч эр кўрган, ўзидан сак-киз ёш катта хотинга уйланди. У бир қизи билан Раҳмонни кига келин бўлиб тушдию шу ерда равиш топди. Орадан ўн йил ўт-ган, яна бир қиз туғди. Раҳмоннинг кўз очиб кўрган фарзанди шу бўлди.

Қиз тенгини топиб кетганига анча бўлди. Муҳаррам ҳам ешини яшади. Етти йилдирки, чол ёлғиз. Каромат бригадир шийпон қоровуллигини бекор қилганидан буён эса ишсиз. Йккита қўйнинг орқасидан кун кўриб юрибди. Бир вақтлар ка-фанликка деб йиққанларини ҳам еб-ичиб бўлди-ю, жон чиқай-демайди. Давлат нафақаси унга насиб этмаган. Тенгқурларига қўшилиб ҳужжатларини сабезга олиб борганди, игна ютган-дек ориқ бир йигит айтдики, «бобой, ёшингиз етмайди, бироз кутасиз...»

Раҳмон чол анграйиб қолди.

— Тенгқурларимга берияпти-ку...

Йигит елка қисди:

— Биз билмаймиз, бобой. Ўзингиздан сўранг.— Кейин яна қўшиб қўйди:— Ёшингизни каттартириб келинг, ўйлашиб кўра-миз. Ёшни кишлоқ совети айтди...

Раҳмон чолнинг чеҳраси ёришди. Жўраси билан битадиган иш экан-ку. Шунга шунча ота гўри қозихонами? «Йигитча, эртага ҳужжатларни тайёрлаб келаман», дедию кўчага отилди. Тўғри кишлоқ советининг идорасига кирди.

Тўқсоннинг авзойи бузуқ эди. Раҳмон билмаганга олди.

Уч кундирки, дўмнинг соғлиги ёмон, кесилган оёғи қаттиқ оғрирди. Бироқ ҳеч кимга билдирмас, дардни фақат тишлари орасидан сирғалиб чиқаётган гапидан билса бўларди.

Дўм жўрасини совуқ қарши олди.

— Кел, хизмат? Узиям биринчи бор келишинг, тинчликми?

Раҳмон дўмнинг «биринчи бор» сўзини ўзича англаб анча тетикланди.

— Испарапка керак экан.

— Нима ҳақда?

— Шу, ҳалол ёшим ҳақида...

Дўм индамади. Ичида оғир хўрсинди. Ҳассасига суяниб ўр-нидан турди. Деразадан ташқарига қараб анча тек қотди. Кейин ёрилди. Юзлари қизариб, кўзлари олайиб, қўлини му-қилиб деди:

— Сенда ҳалол ёш борми? Сен ҳали ҳалолмисан? Сендан истаганча пасткашликни кутардим-у, бироқ бунисини кутганим йўқ эди. Тенгқурларинг урушга кетаётганда қандай қилиб сафдан қолганидан хабарим бор. Ушанда ёшингни кичрайти-риш учун рўзгорларингдаги биттаю битта сигирни олиб бориб бергандинг. Энди ёшингни каттартиргани келибсан. Ҳалол ёш ҳақида қоғоз керак бўлиб қолдимми? Адашасан, жўра! Сенинг ҳалол ёшинг йўқ! Қадим жўрачилик ҳаққи, мени ортиқ гапир-тирмай бу ердан йўқол! Сендан нафратланаман. Иложини топсам сен кўрқоқни отардим. Тирик эканман, қўлим билан элнинг нонини оғзингга солиб қўймаймиз. Сенинг ҳозирги юпузлигинг, яланғочлигинг кўнглимни заррача юпата олмайди.

Дўм шундай дедию ҳассасини полга қарсиллатиб урди. Кейин қўшиб қўйди:

— Сенга ўхшаганлар бизда бир тавоқлик.

Раҳмон шўрваси қўйнига тўкилган одамдек ташқарига чиқ-ди. Қарахт эди. Дўмни белеҳр деб санаса-да, бу қадар деб ўйламаганди. Ичида эса «Амал битган ўзидан кетмаса-да» деб қўйди...

Дўм ўлганида ҳам салобатли эди. Кўзлари юмилган, лабла-ри қимтилган, худди кўзини юмганча нима ҳақдадир ўйлаёт-ганга ўхшарди. Чол марҳум ётган уйга эл қатори кириб чиқди.

Дўмнинг қирқидан кейин бундан ўн йил олдин тўплаган ҳуж-жатларини қўлтиқлаб йўлга тушди. Шу кунгич нафақа ола-диганлар сафига қўшилди. Қайтишда Тўқсоннинг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлди. Бироқ қабристон дарвозасидан ҳат-лашга куч тополмади. Назарида кирса қолиб кетади-гандек бўлди. Дўмнинг қабрини панжара ортидан тус-моллаб тўғрисига келиб чўккалади. Тиловат кел-тириб бўлгач, йиғлаганча йўлга тушди.

— Қийналиб кетдим, дўм. Ютарга ноним йўқ. Қачон кеч тушса қўшнилardan бири ярим коса ёвгон бераркан, деб йўл пойласам, саҳарни эса бугун ким маърака қиларкан деб кута-ман. Эллик йил кетмон кўтариб, пахтага сув тараб эришганим шу бўлди. Уй-жойингни сот деб келишяпти. Йўқ, ўлигим ўйм-дан чиқсин, кейин давлат билади, дедим. Уттиз икки сўмдан нафақа берадиган бўлишди. Тўқсонбой, эшитяпсанми, нафақа берадиган бўлишди. Яна айтишдики, «қишлоқ советидан кел-ган рўйхатда номингиз бор». Рўйхатдагилар бир йилдан кейин нафақа олишар экан, менга яна уч ойдан кейин келаркан. Икки ойлигини корҳақи дейишди. Рози бўлдим. Насиб этса, кафан-лигимни йиғсам, ўламан!..

АДОЛФ ГИТЛЕР ҚАЧОН ЎЛГАН?

«Ешлик» —



навбатдаги сонда

Ёдингиздадир, «Ешлик»нинг аввал-ги сониди Эрих Кемпканинг «Адолф Гитлери ўзим ёққанман...» деган мақоласи ёритилган. Муаллифнинг хикоя қилишича, ўлимолиди васиятига кўра, Адолф Гитлер жонига қасд қилгач, Кемпка унинг жасадини ёқиб юборган, фюрернинг тани кулга ай-ланган. Яқинда, шу йилнинг июл ойида «Комсомольская правда» газе-ти Л. Безименскийнинг бу даъвоини инкор этувчи мақоласини эълон қил-ди. Унда айтилишича, Адолф Гит-лернинг мурдаси собиқ иттифоқ ҳу-дудиди негандир камида олти жойга олти маротаба кўмилган. Ниҳоят, 1970 йилга келиб, жасад узил-кесил

йўқ қилинган. Бу фактларга ишон-май десангиз, муаллиф журналистги-на эмас, тарихчи ҳамдир.

Қаранг, тарихий шахсларнинг на-инки ҳаёти, ҳатто иккинчи «умри» ҳам сирли ва ғаройиб кечади. Мо-домики, Адолф Гитлернинг тилсим-га айланган ўлими ҳақида баҳс ту-ғилган экан, шуни ҳам айтиш керак-ки, бу қарашларнинг тамомила рад этувчи яна бир даъво мавжуд: яқин-яқингача Адолф Гитлер яшириниб яшаган!

Йўғ-э, дейсизми? Ҳа, ҳа, сиз ишо-наверинг, Валентин Пруссаковнинг «Адолф Гитлернинг энг сўнгги сири»

мақоласи билан танишиб чиққач, бунга асло шубҳа қилмайсиз. Кемп-ка ёқиб юборган «фюрернинг ўхшама одами (двойник) бўлгани аҳтимолдан холи эмас», дейилиши унда. Шундай экан, собиқ СССР ҳудудиди урён тани хору зор этилган шўрпеона ҳам балки Гитлер эмасдир? В. Пруссаков айтмоқчи, 1978 йил 20 апрел кунини Италияна шахрида бўлиб ўтган на-цистлар учрашувида чиндан ҳам у иштирок этгандир?!

Ҳукми ўзингиз чиқарасиз. «Адолф Гитлернинг энг сўнгги сири»дан эса «Ешлик»нинг навбатдаги сонларидан бирида огоҳ бўласиз.

НИКОХ



МАХСУС СОН

И

ўқ, йўқ, адашмадингиз, биз ҳам адашган эмасмиз — «НИКОХ» сўзи ўртасига «К» асло осмондан тушмаган. Бироқ суҳбатимиз ҳарф ёки сўз қудрати хусусида эмас, йўқ, сирли, сеҳрли, ҳамиша барҳаёт ҳамда баркамол туйғу — МУҲАББАТ ҳақида.

Ҳа, сеvgи хусусида жуда кўп гаплар айtilган, тоғ-тоғ китоблар битилган. У ҳақда куйламаган ҳофиз, уни мадҳ этмаган адиб топилиши гумон. Бунга яна сон-саноксиз илмий изланишлару фалсафий тадқиқотларни ҳам кўшадиган бўлсак, эҳ-ҳе... Лекин шунга қарамай, ҳаёт уммонига қадам қўяётган ҳар бир янги авлод учун МУҲАББАТ бу сеҳрли маъво, таъбир жоиз бўлса, баланд тош девор билан ўралмиш метин-мустаҳкам қалъадир ва у минг бир машаққат-ла, ниманидир топиш, ниманидир эса бой бериш эвазига забт этилади. Ҳаёт қонуни шундай. МУҲАББАТ аталмиш буюк туйғу инсон зотига ҳадя этгувчи энг олий қувонч эса, бу, шак-шубҳасиз, НИКОХдир. МУҲАББАТ ва НИКОХ бизда азал-азалларданоқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчага айланиб кетган. Бироқ таассуфки, МУҲАББАТ фақат НИКОХ, НИКОХ эса фақат қувончдангина иборат эмас. Рашк, айрилик, ҳижрон, изтироб, алам... буларнинг барчаси МУҲАББАТ, демакки, НИКОХ ҳамдир. Бироқ изтироб ва алам ҳаётимизда МУҲАББАТУ НИКОХсиз ҳам керагидан ортиқ. Шу важдан биз мазкур «НИКОХ»ни МУҲАББАТ ҳамда НИКОХ билан боғлиқ қувончли дамлар, унутилмас лаҳзаларга бағишлашга қарор қилдик. Ушбу саҳифалар ҳаётингиздаги қувончли дамлар, унутилмас лаҳзаларни янада бойитишига ишончимиз комил. Севишганлар ҳамда севишмоқ ниятидагилар учун эса тилагимиз битта — ўша, ота-боболаримиздан мерос тилак: ҚЎША ҚАРИНГ, УВАЛИ-ЖУВАЛИ БЎЛИНГ!

Т. Р.

Саҳифаларни
Саида ОЛТИНБЕ-
КОВА безаган.
Чет эл матбуоти
материалларидан
фойдаланилди.

Биз ҳаммамиз севги ва севишганлар ҳақидаги эртакларни эшитиб вояга етганмиз. Муҳаббатни мадҳ этувчи қўшиқларни тинглаганмиз, китобларни ўқиганмиз, филмларни томоша қилганмиз. Севги ҳақидаги тасаввурларимиз шу қадар юзакилашиб ва жўнлашиб кетганки, биз унга фақат ўша — болалигимизда эшитган эртаклар нуқтаи назаридан ёндошишга одатланганмиз. Яъни: шаҳзода маликани ёвуз яъжуж-маъжужлар чангалидан

кечади, деган саволларга жавоб қидиришган. Бу илк жамоат фикрини ўрганувчи олимлар, яъни сотсиологлар инсон улғайиб, бўлак жинс билан қизиқа бошлаши жараёнини тадқиқ этишган. Шунингдек, никоҳни бахтли ва бахтсиз қилувчи сабабларни, севгини шунчаки ишқи-бозликдан фарқловчи омилларни ҳам муфассал ўрганишган. Албатта, барча саволларга жавоб топилгани, барча муаммолар тўла ҳал этилгани йўқ, бунинг учун ҳали кўп изланиш, тадқиқотлар устида кўп тер тўкиш лозим. Бироқ бугунгача мавжуд манбаларнинг ўзидан ҳам биз анча-мунча нарсаларни ўрганишимиз, дилимиз тубида яширин туйғулар изҳорига «оқ йўл» олишимиз мумкин.

СЕВГИ: НИМА ЯХШИ-Ю, НИМА ЕМОН?

Севишганлар учун «шпаргалка»

Одамзод жинси, келиб чиқиши ва «ижтимоий аҳволи»дан қатъи назар, табиатан севиб-севилишга мойил. Бу унинг иккинчи, учинчи... ўнинчи муҳаббати бўлса бир нави-ку. Аммо бу ўт унинг юрагида илк бор алангалаган бўлса-чи? Унда нима қилмоқ керак? Қандай иш тутмоқ лозим?..

Ушбу саволларга қуйида батафсил жавоб топгайсиз.

халос этади, сўнг улар бир-бирларига кўнгили қўйишади, ота-оналарининг фатвосини олгач, қирқ кечаю қирқ кундуз юртга ош бериб, тўй-томоша қилишади ва қўша қариб, ували-жували бўлишади. Айнан шу воқеани бизга турли шакл ва шамойилларда эртақ қилиб айтиб келишган. Аксарият бадий асарлар, қўшиқлар ва кинофилмлар ҳам шу асосга қурилган. Ҳолбуки, ҳаётда доимо эртақдагидек бўлавермайди. Муҳаббат ҳам, худди ҳаёт каби, ниҳоятда мураккаб ва зиддиятларга тўла. Ҳа, бизнинг зуваламиз шу эртақлар билан қорилган ва улардан ажралишимиз осон эмас. Лекин истаймизми, истамаймизми — бир куни келиб ҳаётни эртақдан фарқлашни ўрганишга мажбурмиз.

Кўп йиллар давомида эртақчилар эртақ тўқиш билан банд бўлган бир пайтда маълум кишилар севги нима ўзи, у қандай юзага келади ва бу жараён қай тахлит

ҚИЗ БОЛА УЧРАШУВГА ҚАНДАЙ ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ?

Дейлик, сиз бир қизни жуда-жуда ёқтириб қолдингиз. Балки севиб ҳам қолгандирсиз-у, фақат буни тажрибасизлик сабаб ҳаёлингизга келтираётганингиз йўқдир. Шу қадар ёқтириб қолдингизки, уни бир зум кўрмасангиз ҳам туролмайсиз. У билан учрашиш, бир бор бўлса ҳам суҳбат қуриш истагида ёнмоқдасиз. Нима қилмоқ керак? Туйғуларингизни унга қандай билдиришингиз мумкин? Ҳаммаси биринчи учрашувдан бошланади, тўғри, бироқ бу учрашувга уни қандай таклиф қилса бўлади?

Аввало, ўзингизни йўқотманг, дадил бўлинг, ахир, олдинда сизни ҳазилакам синов кутаётгани йўқ! Бу синовдан шараф билан ўтиш учун эса бир неча муҳим қоидаларга қатъий риоя қилмоғингиз лозим, йўқса ўнғайсиз аҳволга тушиб, уялиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Биринчи қоида шуки, қизни воситачисиз, шахсан ўзингиз учрашувга таклиф қилинг. Учрашув жойи, сабаби ва айниқса, муддатини аниқ айтиш ёдингиздан чиқмасин. Масалан: «Келаси шанба кечқурун соат олтида Алишер Навоий боғида сайил бўларкан, шунга сизни таклиф қилсам, нима дейсиз?» Чунки, барча

шартларни тўла билсагина қиз имкониятларини чамалаш ва таклифга ё «ҳа», ё «йўқ» деб тайин бир жавоб бериши мумкин бўлади.

Иккинчи муҳим ғарт шуки, таклифингиз қабул қилинишидан манфаатдор эканингиз юз-кўзингиз, ҳаракатларингиз ҳамда гап оҳангингиздан яққол сезилиб турсин. Қиз жавоб беришга тараддулланаркан, ундан кўзингизни узмасликка ҳаракат қилинг. Шунингдек, лабингиздан ҳам асло табассум узилмасин. Қиз таклифингизни қабул қилгудек бўлса, албатта, бошингиз осмонга етади. Бироқ севинчдан ўзингизни йўқотиб, қиз билан аниқ учрашув вақтини келишишни унутманг. Агар қиз таклифингизни рад этгудек бўлса, кайфиятингизни туширманг, асло лаб-лунжингиз осилмасин, вақт топиб бошқа сафар учрашишни таклиф қилинг.

Одатда қизлар: «Жума куни кечкурун нима билан машғулсиз?» қабилдаги саволларни ёқтиришмайди. Бу уларни ўнғайсиз аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунингдек: «Сезишимча, сиз мен билан учрашишни истамаётганга ўхшайсиз?», дея ўсмоқчилаш ҳам ярамайди. Буни қиз сизнинг ҳаддан ташқари уятчанлигингиз далолати сифатида қабул қилиши мумкин.

Яна шуни ҳам унутмангки, қизлар учрашувга фақат сўнгги дақиқадагина таклиф қилишларини унчалик хушлашмайди. Уша оқшомгаёқ учрашув белгилаш қиз бола учун асло «совға» эмас, шу боис у бўш бўлган тақдирда ҳам бунга розилик бериши гумон. Аммо маълум сабабларга кўра қизни олдиндан учрашувга таклиф қилиш имконияти бўлмаса, кўзни чирт юмиб таваккал қилаверинг. Шунингдек, қизларга бир неча ой бурун учрашув белгилаш ҳам одобдан эмас. Бу таклифга улардан фақат қўйидагича жавоб эшитиш мумкин: «Майли, келаси баҳор сиз билан лола сайлига чиқаман. Агар ун-гача сиз ҳам, мен ҳам бу фикрдан қайтиб қолмасак...»

Учрашув ҳақидаги илтимос бу фақат таклифгина эмас, хушомад ҳамдир, шу боис дўстона оҳангда, содда ва лўнда қилиб гапиришдан асло чўчимаслик керак. Ким билсин, сиз оғиздан чиқаришга қийналаётган бу сўзларни эшитишни у қаңчадан буён орзиқиб кутаётган экан?!.

«АГАР МЕНДА ҲАМ...»

Атрофингизда ҳамма бир-бирига учрашув белгилаш билан машғул. Аммо сиз нимагадир бундай қилишга шошилмайсиз. Ўз-ўзидан савол туғилади: нега? Сиз, тайинки, дарров иштиёқ билан сабабларни қалаштиришга киришасиз ва уларнинг аксарияти шубҳасиз: «Агар менда ҳам...», дея бошланади.

«Агар менда ҳам чиройли, кўзни қамаштирувчи либослар бўлганида, истаган одамимни тортинмай учрашувга таклиф қилаверардим».

«Агар менда ҳам шахсий машинам бўлганида, бемалол учрашувларга чиқаверардим».

«Агар менда ҳам уй, жила қурса бинойидек хона бўлганида, албатта ким биландир учрашиб турардим».

«Агар менинг ҳам чўнтагим тўла пул бўлганида...»

Хуллас, кўпчилик айнан шу нарсаларни севги учун муҳим гаров деб ҳисоблайди. Аслида эса пул ҳам, уй-жой ҳам муҳаббатда заррача аҳамиятга эга эмас. Ҳаммаси мавжуд имкониятлардан қай даражада фойдалана билишингизга боғлиқ.

Авалло, ҳамма сизнинг ташқи кўринишингизга эътибор беради. Тўғри, бу шахсни белгиловчи жиҳат эмас, лекин биринчи учрашувда жуда-жуда муҳим. Албатта, хушрўй, истарали йигит ё қизнинг имкониятлари бирмунча кенг, аммо бу севиб-севилмоқ учун гўзаллик танлови голиби бўлиш керак, дегани эмас. Ҳусн бобида Фарҳоду Шири бўлмаган тақдирингизда ҳам орасталик, назокат билан ёқимли таассурот қолдиришингиз мумкин. Ҳаммадан кўп, ранг-баранг либосларга эга киши эмас, боридан тўғри, ўрнида фойдалана билган киши яхши кийинган ҳисобланади. Бу бутун бир санъат ва уни ҳар бир киши мукаммал эгалламоғи даркор.

Бироқ ўзингизни тутишингиз ҳамда суҳбатга кириша олишингиз ҳар қандай либос ва ташқи кўринишдан ҳам кучлироқ таъсир этиши мумкин. Бунинг учун асло баландпарвоз сўз ва ибораларни ишлатиб, оғизни оғритиб ўтиришингиз ҳожати йўқ. Оддийгина назокат, лутф ва самимий илтифот кифоя. «Илтимос», «раҳ-

мат», «узр» каби сўзларни тилга олишдан асло тортинманг. Қўрқманг, бирор ерингиз камайиб қолмайди. Аксинча — шуни унутмангки, хушмуомалалик, сертакаллуфлик ҳар қандай музни ҳам эритишга қодир. Едингизда тутинг: ҳовлиқмалик, қовоқдимок, бақирӣқ-чақирӣқлар билан ҳеч нарсга эришиб бўлмайди.

Балки буларнинг барчаси сизга азалдан маълумдир?

Жуда яхши-да! Демак, уларни амалда қўллаш фурсати етибди. Олга! Омад ёр бўлсин сизга!..

ЙИГИТЛАРНИ-ЧИ, ЙИГИТЛАРНИ?

Ҳа, дарвоқе, йигитларни-чи, йигитларни қай тахлит учрашувга таклиф қилишлари мумкин қизлар? Нима, уларга муҳаббат туйғуси бегонами? Ё бу нарсга ҳеч бир тамойилга тўғри келмайди — қиз боланинг ўз суйган кишини учрашувга таклиф қилиши мумкин эмасми?

Лондонда нашр этиладиган «Ўн етти ёшда» жўрналининг таъкидлашича, жуда мумкин-да. Мазкур нашр бу ва бу каби саволларни асло иккинчи даражада деб ҳисобламайди, ўз саҳифаларида уларга батафсил жавоб бериб боришга интилади.

Ўз ёқтирган йигитингизни учрашувга таклиф этишга аҳд қиларкансиз, сира ҳам бу борада холангиз ёки келинойингиз билан маслаҳатлаша кўрманг! Уларнинг даврида бу масалага тамоман бошқача ёндошилган ва бўлақча амалга оширилган. Уларнинг маслаҳат ва йўриқларига риоя қилиб, алмисоқдан қолган мақомга йўрғалагудек бўлсангиз, ўнғайсиз аҳволга тушиб, уялиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Едингизда тутинг: сиз таклиф билан мурожаат қилмоқдасиз, демак, рад жавоби олишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шундай экан, ҳамма нарсгага тайёр турмоқ лозим. XX-чи асрнинг тўқсонинчи йиллари эмин-эркин муносабатлар даври ҳисобланса-да, мабодо, йигит сиз билан суҳбат чоғи қизариб-бўзаргудек бўлса, асло таажжубланманг, капалагингиз ҳам учмасин — сира ёмонлик аломати эмас бу. Ким билсин, балки уни қиз бола би-

ринчи бор шу тахлит учрашувга (дейлик, кинога, кафега...) таклиф қилиб тургандир. Балки йигитнинг ҳам унга кўнгли бордир, анча пайтдан буён дилидагини тилига чиқаролмай қийналиб юргандир ва таклиф кутилмаганда қизнинг ўзидан чиққанидан эсанкираб қолгандир... Нима бўлганда ҳам, асосий мақсадга ўтишдан бурун иложи борича вазиятни ўрганишга ҳаракат қилинг. Йигит билан аста суҳбат бошланг. Қайси мавзуда бўлади у — аҳамияти йўқ. Муҳими, тил топиша олсангиз бас. Хуши борми унинг сизга, хуши йўқми — бирпасда ойдинлашади қўяди.

Ҳаяжонланманг. Хатти-ҳаракатларингиз, гапларингиз иложи борича табиий чиқсин. Тағин китобларда ва кинода шунақа бўлади деб биринчи учрашувдаёқ: «Ула-ўлгунимча сиз билан биргаман!», дея йигит шўрликнинг ўтакасини ёриб ўтирманг.

Йигит билан холироқ жойда, гувоҳларсиз, юзма-юз туриб гаплашган маъқул. Мабодо, у дўстлари даврасидан бўшамаса, ёлғиз ўзини учратиш имкониятини тополмасангиз, асабийлашманг, бунинг ҳам чораси бор. Энг қулай йўли — унга ниятингизни телефон орқали маълум қилинг. Сим қоқинг-да, дейлик, гап орасида: «Ҳа, дарвоқе, кеча дугонам билан кинога иккита билет олгандик. Аксига олиб, бугун унинг мазаси қочиб қопти. Афсус, куядиган бўлди-да, — дея қистириб ўтинг. Агар йигитнинг ўзидан садо чиқавермаса, дангалига кўчаверинг: — Мабодо, бугун кечқурун бўш вақтингиз йўқми?! Демак, кинога бирга тушсак бўлади? Яхши! Унда бугун соат олтида кинохона олдида...»

АГАР У «ЙЎҚ» ДЕСА-ЧИ?

Ҳушдан ҳам кетманг, асло йиғлаб, сочингизни ҳам юлиб ўтирманг. Нафсониятингиз озор топган эса-да, тинчгина хайрлашиб, ундан узоқлашишнинг ҳаракатини қилинг. Шуни ёдингизда тутингки, ҳеч қандай фожиа юз бергани йўқ. Шунчаки бир кўнглисизлик, холос. Айтишга ҳам арзимамайди ҳатто. Ким билан бўлмайди дейсиз бу?! Бир томони — ажаб бўлди, кўзингиз очилди. Қиз бола кинога таклиф қилса, йигит кишининг попуги қанчалик пастга тушишини кўриб қўйдингиз!

АГАР У «ХЎП» ДЕВ АЙТСА-ЧИ?

Жуда яхши!
Фақат қаерда ва қачон учрашишни аниқ келишиб олиш ёдингиздан чиқмаса бас.

МУЗҚАЙМОҚНИНГ ПУЛИНИ КИМ ТУЛАЙДИ?

Одатда, бундай вазиятларда асосан эркак одам чўнтак кавлайди. Бироқ шуни унутмангки, айни ҳолда у сизни эмас, сиз уни кинога таклиф қилгансиз. Демак, харжни ўз бўйингизга олганингиз маъқулроқ.

ҚАЕРГА ТАКЛИФ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ

Кино. Энг алмисоқдан қолган, лекин энг осон ва тинч йўл шу — кинога таклиф қилиш. Тўғри, бунинг ҳам бир ноқулай томони бор — томоша пайти гаплашиб бўлмайди. Аммо бу сизларнинг биринчи учрашувингиз-ку, ҳали гаплашадиган гапнинг ўзи йўқ-ку, шундай эмасми?

Туғилган кун. Агар яқин дўст ёки дугоналарингиздан бири туғилган кунини нишонлаб, сизни ҳам чақирса, олдидан бир ўтингда, ёқтирган йигитингизни ҳам таклиф қилаверинг. У ёғи — энди ўзингизга ҳавола!

Р. Т.



ИБТИДО


Ҳикоялар

Мактублар

Жавобини бергани қачон эди-ю, у эса ҳануз эсини йиғиб ололгани йўқ, устма-уст хат ёзгани-хат ёзган: дўқ қилади, ҳақоратлайди, «Ажойиб дамларимиз ҳаққи-ҳурмати қайтиб кел!», деб ялиниб-ёлворади, оёқларини ялагудек бўлади... Аёл бу мактубларни ўзининг янги жазманига беради. Эҳтирос ва фаҳшга тўлиқ тундан сўнг у юмшоқ оромкурсида ястанганча қаҳва ичиб, ёғли луқмани чапиллатиб чайнаган, мактубларни эрмакка овоз чиқариб ўқийди. Ҳали навқирон, лекин эрталаблари қовоқлари шишиб, икки кўзи қизариб, ранг-рўйи синикиб уйғонади; ҳозиргина ваннадан чиққан, тўр билан тортиб боғланган ҳўл сочлари ялтирайди, эғнида ҳаддан ташқари олачипор пижама, кишини иргантирувчи яланғоч оёқларида кети қирқилган локланган туфли. Аёл эса ҳалпиллаган гулдор уй кўйлагида, кўйлакнинг енглари шу қадар кенгики, қаҳва қуйиш учун чўзилса, товуқнинг сонини эслатувчи семиз қўллари елкасигача очилиб, лўппи қўлтиқлари ҳам кўриниб қолади. Мактубга қулоқ тутаркан, у бепарво илжаяди.

— Қуймоқ емайсанми? Сову-масдан ол.

— Хўп, ҳозир. «Биргаликда ўтказган ажойиб дамларимиз, оташин муҳаббатимиз ҳаққи-ҳурмати, ўтинаман...» Менимча, у бу-



ларнинг барини қаердандир кўчириб олса керак.

— Менимча ҳам. Вирорта рўмондандир-да...

Туйқус кўзи аёлнинг яланғоч қўлтиғига тушади. Туриб, ҳирс билан унга орқасидан яқинлашади, юзини кафтлари орасига олиб, ўзига томон ўгиради-да, бўлиқ, ёғли лабларига чиппа лаб босади. Аёлнинг кўзлари чирт юмилади, эркакнинг бўйнига осилган кўйи пишиллаб бурнидан нафас ола бошлайди.

15.10.44

Қўрғон қишлоқ четида, шундоққина катта йўл ёқасида жойлашган. Баланд тош девор панасида ёшгина гимназия толиби турибди. Йўлнинг нариги ёқасида, сулипоя яқинида қўшдан чиқарилган соябонли лўли арава томондан бола кўтарган яланғоёк бир лўли аёл келмоқда.

— Ўргилиб кетай, тўрам, бўйларингга қоқиндиқ! Жулдурвоқимга бирор нима садақа қил!

Болакай чиндан ҳам жулдурвоқи — йиртиқ-сиртиқ, алламбало кўйлакда эди, қорачадан келган, жингалаксоч, юзи кепчикдай, кўзлари ўшшайиб тикиларди; чамаси, жуда оғир эди — аёл қадди орқага букилиб, қўлида базўр кўтариб турарди. Аёлнинг ҳам уст-боши жулдур эди: эғнида қирқ ямоқ чит кўйлак, елкасига ранги ўнгиб кетган сариқ шолрўмол ташлаб олган; офтоб сарғайтирган сочлари чигал, шўр боғлаган қорамағиз бўйнида аллақандай тўқ сариқ соққалардан терилган маржон; шолрўмол офтобда куйган, териси буришган ўмров суягининг бўртиқ жойини кўрсатиб, ўнг елкасидан сирғалиб тушиб турибди; лекин ёйилиб илжаяётган кўкимтир лаблари орасидан кўриниб турган тишлари ҳали ёш, ялтирайди... Болакайнинг ўзи томон чўзилган қўлчасига йигирма тийинлик тангани тутқазди. Уша заҳотиёқ болакай пулни кафтлари орасига яширди. Аёл қувли кулимсиради:

— Менга-чи? Шилдироғидан берсанг, иккимиз бир иш қилармидик...

Ваҳимали ва тотли тасаввурдан унинг юраги орзиқиб кетди, қизариб-бўзариб:

— Майли, бераман... — дея ғудиллади. — Қоронғи тушиши билан боғимизга кел, хўв, анави жўкалар қузоқ ўсган жойда девордан ошиб ўт...

— Келаман-келаман, мени интиқ бўлиб кут!

Кечки овқатдан сўнг отасининг ёзув столи тортмасидан беш сўмлик пулни ўғирлаб, қоронғи жўказорда узоқ вақт беҳуда санғиди. Ниҳоят, тоқати тоқ бўлиб катта йўлга чиқди: лўли арава яқинидаги гулханда қуруқ шувоқ чисирлаб алангаламоқда, гулхан ёнида аёл бир ўзи ўтириб-

ди. У аста йўлни кесиб ўтди ва юраги қинидан чиққудек потирлаб, аёлга яқинлашди:

— Бир ўзингмисан?

— Кўриб турганингдек, ёлғизман.

— Эринг-чи, қаерда у?

— Қишлоққа товук ўғирлагани кетган.

— Ростингми? Беҳазил?

— Ростдан, ростдан, кетган у. Бер пулни, арава панасига ўтамиз.

— Нега келмадинг?

— Қўрқдим. Ўзи келишингни сезувди кўнглим. Бера қол энди пулни, панага ўтайлик, ол оладиганингни тезроқ...

Арава панасига ўтишгач, қоронғиликда йигитдан нари-бери пулни олиб, қўйнига яширди, сўнг унинг муздай кафтидан тут-

ди-да, сирли қилиб пичирлади:

— Ушлаб кўр, ушлаб кўр.

Эртага яна кел, шунақа бели букилмаганидан келтир, ишни ўшанда қиламиз... Йўқ, йўқ, ҳозир бўлмайди! Қўйвор, йўқса бутун далага эшиттираб қичқира-

ман! Эрим чошиб келади, ҳўв, ана, сизларнинг сулизорларингда отларга қараяпти у!

16.10.44

Т. РУСТАМ таржимаси.



«КЎЗЛАРИНГ ЧЕХРАНГНИ ЕРИТАР ЭДИ...

Шундай деб аталарди аввалги сонимизда эълон қилинган нотаниш муҳаббат номаси. Бироқ, маълум бўлдики, у биз ўйлаганчалик нотаниш эмас экан. Сиз, муштарийлардан келган даста-даста мактублар исботдир бунга. Едингизда бўлса, ушбу нома ким томонидан, кимга атаб битилган, деб шарт қўйиб эдик. Шартни аъло даражада бажарган уч муштарийга мукофотимиз ҳам бор

эди. Журнал муштарийлар қўлига етиб боргач, биз жуда кўп мактуб олдик. Кўпчилик тўғри аниқлаган: ҳа, мактуб буюк фаранг адиби, «Бовари хоним», «Туйғулар туғёни» сингари ўлмас асарлар муаллифи Густав Флобер томонидан битилган. «Кўзлари чеҳрасини ёритувчи» у номаълум гўзал эса адибнинг маҳбубаси Луиза Коледир.

Узоқ тортишувлардан сўнг биз учта мактубни танлаб олдик. Нисбатан мукаммал кўринди улар кўзимизга. Аммо энг муҳими — уларнинг муаллифлари бошқа муштарийларга қараганда чаққонроқ ҳаракат қилишган, мактубни бизга аввалроқ йўллашган. Мана, уларнинг исм-шарифлари:


Биринчи мукофот Жиззах туманидаги Шароф Рашидов номли давлат хўжалигида истиқомат қилаётган Турдикул БЕРДИМУРОДОВга насиб этди.

Иккинчи мукофот Тошкент Давлат дорилфунуни филология куллийети учинчи босқич талабаси Омина НИШОНОВАга, учинчи мукофот Зафаробод туманидаги тайёрлов идораси ходими Баҳриддин КАМОЛОВга буюрди.

Ғолибларни таҳрир ҳайъати жамоатчилик кенгаши ҳамда барча муштарийларимиз номидан чин юракдан қутлаймиз! Омади чопмаганлар эса руҳларини туширишмасин, ахир,

«улоқ» давом этади! Кўрган ва аллақачон зўр қизиқиш билан ўқиб ҳам чиққан бўлсангиз керак — ушбу сонда нотаниш адибнинг ён дафтаридан ҳикоялар эълон қилганмиз. Бу галги шартимиз шундай: ушбу ёзувчи ким ва у ҳақда сизга нималар маълум; Мукофотларимиз ўша-ўша: 500 сўм, 300 сўм ва 200 сўм. Конверт устига «МУҲАББАТНОМА» деб белги қўйишни унутманг.

Жавобларингизни кутамиз!



Суратларда: чапда — Луиза Коле, ўнгда — Густав Флобер.

қўрққулик!», дея ҳисоблайди у ва шу боис уларни бошдан қўлида маҳкам тутиш ҳаракатида бўлади. Мақсадига эришгач, дарров эҳтироси сўнади ва янги ишқий саргузаштни қидиришга тушади.

ЕИ (24.XI—22.XII)

Кўнгилхуш саргузаштларга жуда-жуда ўч. Аёлларнинг бошини айлан-тиришни ҳам ниҳоятда хуш кўради. Қойилмақом жазман, бироқ яхши эр бўлиши душвор: ҳаддан ташқари енгилтак. Узиникини маъқуллашни ёқтиради. Қийинчиликлардан чўчи-майди, мақсадига эришиш йўлида ҳамма нарсага тайёр. Муҳаббатини рад этгудек бўлишса, албатта, жони ҳикилдоғига келади. Аммо сира ҳам тушқунликка тушмайди, ниятига етишнинг бошқа йўларини ахтара бошлайди.

ТОҒ ЭЧКИ (23.XII—20.1)

Муҳаббатни руҳий кечинма ва изти-робларсиз тасаввур қила олмайди. Бир аёлга қаттиқ кўнгил қўйган пайтда ҳеч қачон бўлак аёл билан илакишмайди. Ниҳоятда мутаассир ва хаёлпараст. Мазкур бурж остида туғилган аксарият эркаклар ҳаётда бахтсиз бўлишади. Лекин исташса, ҳаммадан бахтиёрроқ бўлишга қодирлар. Ажойиб дўст, аммо ҳамма билан ҳам эмас. Одамови, ичимдагини топ, шу боис атрофдагиларга у ҳақда жуда оз нарса маълум.

ҚОВҒА (21.I—19.II)

Худди Арслон каби, у ҳам ҳаддан ташқари куйинчак. Тирноқдай кўн-гилсизликни ҳам дарров катта фожиа сифатида кўнглига олади. Ишқ, му-ҳаббат — ўсмирликдан мерос туйғу-лар, жиддий иш билан машғул киши-га севиш, севилиш ярашмайди, дея ҳисоблайди. Аёллар у билан узоқ муроса қилишмайди. Ҳатто хотини ҳам доим ундан норози. Аммо у бунда ўзини зиғирча ҳам айбдор ҳисобла-майди. Барчасига шўрлик аёллар балоғардон!

БАЛИҚ (20.II—20.III)

Ишқий кечинма ва саргузаштларга бой, мазмунали ҳаёт кечиради. Сев-ган кишиларида доим ўзи ҳақда ширин, унутилмас хотиралар қолди-ради. Аммо бир пайтнинг ўзида, сира ҳам уларга асл ички дунёсини очмайди. Унинг ҳақиқий қиёфасини англашга қодир бирорта аёл топили-ши гумон. Шунга қарамай, аёллар у билан ўтказган дамларини умр бўйи энтикиб эслашади. Балиқ буржи ости-да туғилган эркак эса уларни ўша заҳоти унутади ва бундан заррача бўлсин виждони қийналмайди.

Саргузаштларга бой ишқий кечин-маларни ёқтиради. «Улжа»нинг ўзи-дан кўра кўпроқ уни қандай қўлга киритишни муҳим деб ҳисоблайди. Нукул ўзидан норози бўлгани норози бўлган. Бироқ, сира сиртига сув юк-тирмайди. Жонон улфат ва суҳбат-дош. Асабий, таъсирчан аёллар олди-да, айниқса, ўзини дадил ҳис қилади. Мазкур бурж остида туғилган эркак-ларнинг кўпчилиги молпарастлик, олифталик ва ўзига зеб беришга мойил. Ишқибозлик, ҳаддан ташқари ҳиссиётларга берилиш хос эмас улар-га.

СИГИР (21.IV—20.V)

Эркаклик кадр-қиммати ва обрў-сига ургу беришни хуш кўради. Ўз куч-қудрати, имкониятларига ишон-чи катта. Ҳисоблашадими биров бу билан, ҳисоблашмайди — бефарқ. Аёл кишига камдан-кам ҳолларда кўнгил қўяди, лекин бу жараён ҳис-сиётларга бой, жўшқин кечади. Нима бўлганда ҳам, аёлларни сира бахт-сиз, домангир қолдирмайди. Ниҳоят-да одамшаванда, ҳазилкаш, давра-ларнинг гули. Қизиқишлари доираси ҳам жуда-жуда кенг. Ҳеч бир ишга мажбуран қўл урмайди. Аёллар бил-лан ҳеч қачон ёмон ниятда алоқа боғламайди. Хаёлида фақат бахт ва ҳузур-ҳаловат улашиш.

ЭГИЗАК ҚИЗ (21.V—20.VI)

Учига чиққан хаёлпараст. Еник эҳтиросларга берилишга унчалик мойиллиги йўқ. Салгина муҳаббат ёки илиқ муносабат ҳам уни тўла қониқтириши мумкин. Аёл зотига хиёнат қилиш сира-сира унга хос эмас. Уй ишлари билан шуғулланиш, меҳмон қутиш, барчага ёкиш ва кўн-гилхушлик қилишни яхши кўради.

ҚИСҚИЧБАҚА (21.VI—22.VII)

Худди Сигир каби, ўз кадр-қимма-тини жуда яхши билади. «Керак бўл-са, аёллар менга хушбод қилиш-син!», деб ҳисоблайди. Ҳар соҳада доим баркамолликка интилади. Ишқ-муҳаббат масаласини у қадар жиддий қабул қилмайди. Содиқлик, вафо де-ган тушунчалар унинг учун аҳамият-сиз. Ассан чиройли, яхши кийина-диган, ўзига зеб берадиган аёлларни хуш кўради. Унинг назарида, қайси бир аёлга қош қоқмасин, у ўша за-ҳоти чопиб келиб бўйнига осилиб олмоғи лозим. Акс ҳолда...

АРСЛОН (23.VII—23.VIII)

Худди Қўй каби, у ҳам нукул ўзи-дан норозилангани норозиланган. Атрофдагиларда кўпни кўрган, таж-рибали эркак сифатида таассурот

қолдиришга интилади. Ниҳоятда рашкчи. Аҳамиятсиз, тасодифий кўн-гилсизликларни ҳам оғир, куйиниб қабул қилади. Уни бу руҳий изти-роблардан фақат содиқ, зийрак ва меҳрибон-мушфиқ умр йўлдошигина халос этишга қодир.

БОШОҚ (24.VIII—23.IX)

Жинсий ҳаётга нисбатан кеч кири-шади. Чинакам муҳаббат нималигини ҳам фақат қирқ ёшга яқинлашган-нида англаб етади. Тенгдош эркаклар ишқий саргузаштлардан совиган бир пайтда у бунга бутун вужуди билан шўнғийди. Турмуши тинч, беғалва кечади. Улфатгарчиликларга унчалик тоби йўқ. Уй ишлари билан шуғулланишни, бола-чакага қарашни ёқтиради.



ТАРОЗИ (24.IX—23.X)

Ҳаддан ташқари аёлларга ўч. Эҳти-росли, жўшқин муҳаббат шайдоси. Кўз остига олган аёлни илантириш, ўзиники қилиш унинг учун муаммо эмас. Аёллар фақат ва фақат ишқ-муҳаббат учун яратилган деб ҳисоб-лайди. Уларнинг бўлак хусусиятла-рини кўра билиш ва қадрлашга қодир эмас. Камдан-кам аёллар ушбу бурж остида туғилган эркаклар билан муроса қилиб кета олишади.

ЧАЕН (24.X—23.XI)

Ниҳоятда қизиққон. Тутган жойи-дан кесадиғанлар хилидан. Айниқса, ишқ-муҳаббат масаларида. Аёл кишини бошига чиқариб қўйишдан худди ўлимдан қўрққандек қўрқади. Зарур пайтда эҳтиросларга зўр бериш ёки совуққа, хотиржам кўринишга, яъни артистлик қилишга қодир. Уч-ига чиққан рашкчи. «Аёл зотидан

АРСЛОН (23.VII—23.VIII)

Ўз хусни, тароватига ишончи банд, эркакларни орқасидан югуртиришни хуш кўради. Бировларнинг уни деб изтироб чекишидан завқланади. Эркаклар бир умр унинг асл қиёфасини билолмай ўтишади. Тушуниб етишган тақдирда ҳам кўлларидан ҳеч нарса келмайди — ахир, умр ўтиб бўлган...

БОШОҚ (24.VIII—23.IX)

Уни севган ва муҳаббатига сазовор бўла билган эркак қандини урсин! Бир умр бахтли, тинч-тотув ҳаёт кечирилади. Мазкур бурж остида туғилган аёллар ниҳоятда зийрак, меҳрибон ва ширинсўз бўлишади. Кўнгилларига озор бериб қўйиш жуда ҳам осон. Одатда, фақат битта эркак кўнгил қўйишади ва бир умр фақат уни деб ўтишади. Шунданми, хиёнатни сира кечирিশолмайди.



ТАРОЗИ (24.IX—23.X)

Ҳаддан ташқари меҳрибонлик, мулойим муносабатга тоби йўқ. Қаҳри қаттиқроқ эркакларни ёқтиради. Бошоқ ва Чаён буржи остида туғилган эркаклар билан бахтли бўлиши мумкин. Тоғ эчки буржи остида туғилганлар билан эса аксинча — яшаб кетолмайди. Энг ашадий душмани... унинг ўзи!

ЧАЁН (24.X—23.XI)

Эҳтиросли, жўшқин муҳаббат тарафдори. Жўшқинлик ва эҳтиросларга берилувчанлик уни умрининг охирига қадар тарк этмайди. Ниҳоятда қизиққон. Эрини жонидан ҳам ортиқ кўради — севиб турмуш қурган бўлса, албатта. Севмаган кишига турмушга чиққан тақдирда ҳам биринчи ўринга уни қўяди. Иложи борича унга

содиқ қолишга ҳаракат қилади. Лекин оилавий можаролар, ҳар хил дилхиралликлар охир-оқибат унинг сабркосасини тўлдириши мумкин. Айниқса, агар у бир умр излаётган кишини топган бўлса...

ЕИ (24.XI—22.XII)

Ўзига ҳаддан ташқари бино қўйган. Айниқса, хуснига. Эҳтирос бобида унга тенг келадиганини топиш мушкул. Иссиқни иссиқ босганидек, унинг эҳтиросларини ҳам фақат эҳтиросли эркак жиловлаши мумкин. Бошқа эркак билан у ҳеч қачон бахтли бўлолмайди, вақтида тушуниб, дарбозани ёпмаса ҳаёти заҳарга айланиши, бир умр машмашаю асабийликдан боши чиқмаслиги турган гап. Яхши суҳбатдош, такаббурилик, қовоқ-димоқ унга бутунлай ёт. Дилидағини уқиб олиш у қадар қийинчилик туғдирмайди. Демак, муомалани ҳам шунга қараб қилиш керак.

ТОҒ ЭЧКИ (23.XII—20.I)

Муҳаббатни эҳтирослардан айри тасаввур қила олмайди. Кимга кўнгил қўймасин, уни тўла ўзиники қилиб олмагунча тинчимади. Аксарият ҳолларда жуда эрта турмушга чиқади. Жўшқин муҳаббат гадоси. Ҳаддан ташқари рашкчи. Бироқ эркаклар уни рашк қилишларини жини суймайди. Суйган кишига жонини беришга тайёр. Агар уни бошқа бир аёл бошини айлантираётганини сезса, бориб сочини юлади. Бироқ давраларда доимо хотиржам ва хушчақчақ.

ҚОВҒА (21.I—19.II)

Ишқ-муҳаббат масаласига ўзига хос тарзда ёндошиши, эҳтирослилиги билан бошқа аёллардан ажралиб туради. Ҳаддан ташқари мағрур. Орзуларига эришиш йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди. Ниҳоятда тиришқоқ. Доимо ижодий баркамолликка интилади. Бировларнинг хатосини сира кечирмайди. Босиқ ва сипо эркак билан бир умр бахтли бўлиши мумкин. Хиёнат тушунчаси унга мутлақо ёт. Шунданми, хиёнаткор эркаклардан нафратини яширмайди.

БАЛИҚ (20.II—20.III)

Мазкур бурж остида дунёга келган аёлларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифа аёллар эҳтироси унчалик банд бўлмаган эркакларни танлашади ва умрларининг охиригача бахтли ҳаёт кечиряди. Иккинчи тоифа аёллар эса эҳтироси банд эркакларни орзу қилишади, бироқ нисбатан босиқ, ювош-мўмин кишилар билан тақдирларини боглашни лозим кўришади. Қаҳри қаттиқ эркаклардан ўлимдан қўрққан-дек қўрқяди.

СИГИР (21.IV—20.V)

Уни сидқидилдан севиш ҳам, йўлдан оздириш ёки таъкиб қилиш ҳам бефойда. Кимга юрагини бахш этишни унинг ўзи ҳал қилади ва фақат унгагина дил даричасини очади, туйғулари оламига йўл кўрсатади. Бошқалар билан эса совуқ муомалада бўлади, ниҳоятда ўжар, чўрткесар ва такаббур. Фақат сабр-бардошли кишиларгина унинг қилиқларига чидашлари мумкин. Чангалидан қутулиб чиқиш жуда ҳам мушкул. Жини суймайдиган эркакларнинг жинига тегишни хуш кўради.

ЭГИЗАК КИЗ (21.V—20.VI)

Мазкур бурж остида туғилган аёллар камдан-кам ҳолларда ҳаётда ўз бахтларини топадилар. Бир умр орзуларидаги эркакни қидариб ўтадилар. Ҳаётдан сира кўнгиллари тўлмайди. Бахт қидириб сарсон-сарғардон кезарканлар, атрофдагиларнинг бефарқлиги, аксарият ҳолларда эса очиқдан-очиқ мазахлаб қилишларига дуч келадилар. Улар ниҳоятда нозиктабиат, қобилиятли ва деҳзли, бироқ тамомила ёлғизлар. Уларнинг дилбар ва ёқимтойликларига ишонч ҳосил қилиш мақсадида бир неча бор умр йўлдошларини айлантирадилар. Аммо умр бир зумда ўтали-кетеди...

ҚИСҚИЧБАҚА (21.VI—22.VII)

Киши ишқ ўтида ёнганда одатда ҳис-туйғуларини жиловлаёлмай қолади, бутун вужуди билан эҳтиросларга берилади. Қисқичбақа буржи остида туғилган аёллар эса атрофдагилар устидан ҳукмронлик қилиш, уларга гапларини ўтказишни ёқтиради. Айниқса, ёшлиқда. Ҳис-туйғуларини кўпчилик олдида ошкор этишни унчалик хуш кўришмайди, буни хўрланиш аломати деб ҳисоблашади. Фақат ўрта ёшлардагина ўз бахтларини топишлари мумкин, агар муҳаббат ҳукмронлик қилиш эмас, аравани тенг тортиш эканлигини тушуниб етишса, албатта.

БИЛҚИЛЛАМАСИЗ,

ЖОНИМ?!»



Ҳажвия

Ваалайкўм, ҳўв, Тўрам. бир пасга тўхта-чи! Ишинг шунча қисталангани, хумса, қуруқ салом билан у ёққа чопасан, бу ёққа чопасан, ҳоли паршонинг нечук, деб сўрашга оғзинг кира тилайдими? Қани, ўтир, мани додимга қулоқ сол-чи, ахир, дептатсан, сандан ҳам бундоқ жўяли маслаҳат чиқар! Тошпўлат тоғанни чол-деворга итдек боғланги қолганини кўчангни чанги босилганидан сезгандирсан, Тўрам? Ҳўш, нега, деб ўйлаб кўрдингни? Йўқ! Энди оғзингга нос солиб ўтир, юрагим тўлиб тилим қичган, дамим чиқиб бўлсин, кейин санга гал. Турди қассобни тўйига ўн кун бўлиб қолдими, ҳа, ўша куни етти хуфтонда, ширингина бўп кул-баи вайронага келсам, эшикда «искўрий» турибди. Ичкарида бир ҳовли кўни-кўшни, бақир-чақир. Ҳа, единг баҳай, бу нима томоша, десам, сиз тўйма-тўй юра беринг, холамни аҳволлари оғир, ҳозир баннисага опкетади, дейди. Бу уйда ким хўжайин, холангни эри ким ўзи, дедим, ҳозир тупна-тузук қассобни мохарасини пишириб келди-ку, хумпар! Уйга кирсам, ростдан ҳам кампир даппа-дарангоз чўзилиб ётибди, кўзини очгиси келмайди, моча. Тепасида уч-тўртта кўшни хотин, битта оқ қалатли эркак, у ёқ-бу ёғини ушлаб, очиб кўрвоғти. Ҳўв, торт ўша чиллак қўлингни номахрамдан, дедим. Эсингиз жойидами, полвон, бу киши дўхтирку, дейди Раҳмат қоринг. Луқмони ҳақим бўлмайди мианга деса, дедим, вей, агар шу шоптоли қожимни қўлини учини биронта номахрам ушлаб кўрсин-чи, нақ турган жойида пичоғимни кекирдагига тортиб юбормасам, нима қилиб йигит бўп, мусулмон бўп юрибман бу дунёда, дедим. Ҳозир бу олипталикни пайти эмас, дейди. Вой, олипталикни билган сандан ўргилдим, дедим, зиғирдек иймонингни филдек шишириб, қориман деб одамларни алдаб юрасан, дедим. Йўқ, кўпчилик ўртага тушиб, ҳай-ҳайлашиб аранг тоғанни қазабидан туширишди, дегин. Шу билан кампирни замбилга солиб искўрийга

жойлади, манам чиқдим. Дори саси-ган, турқи совуқ баннисага бордик, кампиримни гилдиракли аравачасига солиб, ичкарига опкириб кетвотувди, эргашсам, шу ерда хайрлашинг, дейди... Етмиш йил бу сочи патакни хотин қилиб, гоҳ ота-онасини гўрига гишт қалаб сўкиб, гоҳ товукдек қоқлатиб қувлаб уриб, гоҳ ёлғиз ўзини ташлаб бадар кетиб, қўй-чи, қачон қарама жикқа муш бўп юрган одам, сув тўлган хира кўзини мўлтиратиб ётишини кўриб соп бўлдим-қолдим, Тўрам! Бу хотинни дарё-дарё йиғисини кўрганман-у, аммо буниси худди ўқдек қадалди-да, мана бўтимга! Шу ёшга етиб кўзим томчи ёш кўрган бўлса, худога сол, локин ўша маҳал аранг ушлаб қолибман де, хотинчалишдек ачомлашиб кўзимни сийдигини оқизшга бир баҳяи қолди-я! Холамни шунчалик севаркансиз-ку, нега шу аҳволга етгунча тараллабедоддан бўшамдингиз, дейди ҳалиги дўхтир бола. Ёш бола гўрани ширин деб еб юаркан, сан ҳали севгини мазасига тушидинг-ку, тоғанга ақл ўргатдингми, хумса, дедим. Меҳрибончилик бундан ортиқ бўладими, галварс, жоним керакми — ман тайёр, ол-у бун жонини қутқар, дедим. Наҳ уч кун баннисани атрофида оч итдек санғиб, гоҳ эшикдан, гоҳ тешикдан ошиб, қушод қирансам ҳам кампирни изини ҳам кўролмасам. Баччагар, худди носқоқини йўқотиб қўйгандек гангиб юраман дегин. Охири чидолмадим, дўхтиру сестираларингни ҳай-ҳайлашига парво қилмай бостириб кирдим. Тавба, танимай қолибман, магиздек мулойим бўп калавог-да маза қилиб ётибдилар! Мани кўриб зўрга қилтиллаб бошини кўтарди. Жур, уйга опкетаман, десам, даров ёшини оқизиб, бош дўхтир хотинга биронта совга опкелинг, йўмасам яхши боқмас экан, дейди. Сани томчи ёшинг мингта прописсўрни бошидан ортиқ, дедим, вой ярамас-э, нега яхши қарамас экан? Сабетскани баннисасими — қарайди! Қарамасин-чи, наҳ жой ростонидан қип кўярман ҳаммасини, дедим. Лоақаб

шўтта дўқингизни қўйинг, дейди. Ҳўп, бўпти, ўша ойимча дўхтирингни жиғилдонига боп нарса топиб келмаган номард, деб чиқиб кетдим. Саҳар мардон бисмилло кампиримни бахтидан, деб Чорсуга тушдим. Чириб қолган тўнкага қани энди биронтаси қиё боқса. Энди омад думини ҳам тутқазмади, деганимда, бўйи бир қарич, ранги паст, ёши бир жойга етган қирма чоллардан бири мол дўхтиридек атрофимда хўп айла-ниб, охири харидор бўлди-ку! Келишиб уйга келдик. Сани билмадим-у, Тўрам, аммо ман умрим бино бўлиб бунақа ҳовли-жойни кўрмаганман, худоё тавба, дўшпимни ушлаб, ярим соат томоша қилман. Гўё қаср, гўё ўймакору бўёқчиларни дарс оладирган мактаби! Ялтироқ халат кийган, қўнғир сочи елкасига тушган, кетворган бир жонон пешвоз чиқди-ю, иморат бир четда қолиб, Тошпўлат тоғанни хаёли бошқа ёққа кетмасинми! Ёши кампиримникича кеп қолар-ов, аммо ўзиниям нокдек сақлаган экан, кўрсанг сен ҳам дод деворардинг, Тўрам! Бу баччагар чол узукка кўз қўйгандек кошонани беркорга қурмаган экан, деб ўйладим.

«Мана, хоним сизга ёрдамчи, — деди хўжайин тоғанни аёлига рўбарў қилиб, — нима иш десангиз бажаради. Энди бизга ружсатми? — деб хотинчасидан ижозат сўраб қаергадир дап бўлди. Хизматим — дастёрчилик, бирпасда мохов-песини чиқариб кифтини келтираман, дегин. Ўзинг биласан, қўлим жим турса ҳам оғзим тинмайди, олди-қочдилардан, қизик ҳангомалардан сайбар, хонимни илсиз боғладим-қўйдим. Тоғандан бир қадам ҳам жилмайди, упа-элик чапиган юзи анордек қизариб, сурмали кўзи кулгидан ёшланиб, ўзи ҳам диққинафас бўп ётган эканми, хўп бити тўкилди. Ҳайҳотдай ҳовлида иккимиздан бошқа зоғ йўқ, иймони минг ботмонлини ҳам шайтон йўлдан уриши чўт эмас. Бир кўнглим хўроздек биғиллатиб босиб қолсанг-чи, ўзи ҳам ўлиб турибди, товукдек ёлғондан қоқолаб, икки қадам қочиб ётиб бериши наҳ гап, деб ўйлайман. Локин сигналмаган отни сиртидан ўтма, деб кўпирган қонимни ўбдон кетмон гурсиллатиб, аранг совутиб турибман, де.

Бир маҳал нозанин шундоқ пинжимга кириб, кетмонни қўлимдан оп, дех-қонмисиз ўзи, бундоқ чопинг, деб ақл ўртатса бўладими. Баҳ-вах, ундан гу-пиллаган атирни ҳидига бошим айла-ниб, таним темирдек қизиб, қўл жанвор измимга бўйсинмай, момикдек баданига тегса-ю, вой-вой-э, намунча билқилламасиз, жоним, деб юборсам бўладими! Ия, нима дедингиз, деб қолди-ку! Ўзимча хиргойи қиворибман, узр, десам, маънони қарашма қилиб, хиргойингиз ёқди, бемалол айтаверинг, дейди, қизиталоқ. Э, Худо, ишқилиб, ўзинг шармандаликдан сақлагин, деб зўрга шайтонга бас келиб турдим дегин. Хуллас, хониминг кечгача товусдек минг товлан-ди, мўдалараст қиздек турли-туман

халат кийиб олади. Мақтову учирмаларимдан оғзи қулоғида, бир қоп семириб ҳар уйга кирганда яна бошқасига алмаштириб чиқади. Бу эр отини хорлаган хумсанг, шундан ҳам вақтини қизганиб, бу ишнинг мардикорни бўйнига юклабди, де! Шу десанг, ачиган каллам ишлаб қолди. Хизмат ҳаққига шу халатлардан биттасини бериб, расчўт кия қўя қолинг, хоним, дедим, ман бузақа матоҳни икки дунёда ҳам тополмайман, бир сизни даврингизда кампиримни суюнтирай, дедим. Жон деб берардим, ҳаммаси кийилган-да, деди. Майли, бариси ҳам эгасига ўхшаш қиздай бўп турибди-ку, дедим. Қўй-чи, қантдай гаплар билан ўраб-чирмаб ийдирдим. Кетар пайгимда этагига озроқ доғ теккан, локин ҳали яп-янги зангори халатини ўраб берди. Муниси мендан сизга, деб, шилди-роқ қоғозли оқ кўйлакни қўлтиглатиб юборса бўладими. Бу ғамхонага келиб, аёл зотидан бундоқ оқибатни энди кўришим, бир ғалати бўп кетдимки, сенга айтиб беришга тилим ожиз, Тўрам! Шу десанг, иккала матоҳни кампирга обордим. Халатни хотин дўхтирга, кўйлакни дўхтир болага бер, дедим. Бечора, кани энди эрига ишонса-чи, тўғрисини гапиринг, кимни шўрини қуридингиз, дейди. Эртаси борсам, совгани кучини кўрки, кампирга ранг кириб, қаддини кўтарибди, қўрс мағмила дўхтир болани мулозамати жа ўзгача. Халатни олган дўхтир хотин, эрингиз келса абизатилна олдимга кирсин, деб кампирни пушуглаган экан, кириг-чи, кириг, деб қўймади. Маслаҳатли гапи бордир, деб хонасини кидириб бордим. Эшигини ойнасидан мўрала-сам, санга ёлгон, худога чин, тўғри-да оқ халатда оппоқ пахтадек бўлиб кечаги хоним ўтирибди! Тоғанг тара-ша қотди-қолди! Киришни ҳам бил-майман, қетишни ҳам. Охири кириш-га уялдим, нима деб кираман, тўғ-рими? Шу-шу бир хафта бўлди, бан-нисага боришга бет йўк, у ёқда кам-пир ҳайрон яна чолимни фелъ-хўйи тутиб қолдими, деб. Қўшни хотин-лардан эшитдим, хоним ҳар кирган-да кампирга эрингиз келиб учрашсин, деб тайинлармиш. Ўртада кампирим-га жавр бўлмасин, дейман, борсам яхшимикан ё бормасам, хуллас, то-ғанни шу қунларда хўд боши қот-ган, Тўрам! Ўзимга қолса-ку, хонимни жамолини, бўғим-бўғим лўмбиллама қоматини яна бир кўрсам дийман-а, локин... Хўш, сан нима маслаҳат берасан? Нега елкангни қисиб тир-жаясан? Пул эмас қуруқ маслаҳат сўрасам ҳам қочасан, а! Икки ўрта-да тоғанг ўртаниб юраверсинми, а? Қачонгача, ахир? Бирон нарса деб кет энди, Тўрам?

Тажанг тоғаннинг сўзларига
қулоқ тутиб, сўнгра оққа
кўчирувчи
Абдураҳмон ИБРОҲИМ

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



1. Офтоб оймнинг онаси. 2. Отабек туғилиб ўсган шаҳар. 3. «Ўтган кунлар» бадий филми-да Машраб ғазали билан айти-лувчи қўшиқ. 4. Азизбекдан ўзи-ни ҳимоя қилган қипчоқ бошлик-ларидан бири. 5. Отабекнинг Ку-мушбиби билан тўйи кун, яъни никоҳ пайтида ўқилган дуо. 6. Отабекнинг фарзанди исми. 7. Асар воқеалари бошланган ой номи. 8. Отабек таърифича, Тур-кистонимизнинг тўқувчилик ҳу-нарида биринчи шаҳри. 9. Ку-мушбиби қабр тошидаги лавҳа-дан:

Аё чарх, этдинг ортуқ жабр
бунёд,

Кўзим ёшлуғ, тилимда
қолди (...)?

10. Ҳожи номи билан танилган Тошкентнинг машҳур аъёнлари-дан бири. 11. Асарнинг бош қаҳ-рамони. 12. Тошкентнинг зулм-кор ҳокими. 13. Худоёрхоннинг понсод бошлиқларидан бири. 14. Тошкент дарбозаси. 15. Тўй, қиз-лар мажлисида қўшиқ айтиб ўйинга тушган Кумушбибининг дугонаси. 16. Шаҳарнинг Кўкча ва Сағбон даҳалари оралигидан яна бир дарбоза. 17. Уста Олим-нинг бахтиқаро умр йўлдоши Саодатнинг укаси. 18. Отабек ти-

жорат ишлари билан бўлган Қи-зил Ўрда шаҳрининг асардаги номи. 19. Тошкентнинг Чуқур қишлоғидаги бўзахонада Отабек илтимосига кўра машшоқ чалган «ҳайдалиш куйи». 20. Отабек-нинг маънавий отаси. 21. Туркист-он савдогарлари алоқада бўлган шаҳарлардан бири. 22. Марги-лонлик бой Зиё моҳичининг ўғли. 23. Ҳамид ёллаган нобакорлар-дан бири. 24. Кумушнинг отаси номига қўшилиб айтиладиган амал белгиси.

Фозилжон ОРИПОВ тузган.

ЖУРНАЛНИНГ АВВАЛГИ
СОНИДАГИ
«НАВОИЙ ГУЛШАНИ»
ТОПҚИРЛИК
МАШҚИ ЖАВОБЛАРИ:

1. Машҳад. 2. Қайс. 3. «Бўс-тон». 4. Бать. 5. Лутфий. 6. Гули. 7. Огаҳий. 8. Ахий. 9. Хуршид. 10. Ипак. 11. Фарҳод. 12. Фард. 13. Тахмис. 14. Осим. 15. Термиз. 16. Меҳр. 17. Мирали. 18. Одам. 19. Ҳудҳуд. 20. Субҳ. 21. Юнусов.

Рақамларда:
Айтур сўзни айт,
Айтмас сўздан қайт.

Ўйин шартлари ҳамда қоидалари

С

аволларга севишганлар шошилмай, навбатма-навбат, қисқача «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб беришлари лозим. «Ҳа» деб жавоб берган бемалол кейинги саволга ўтиши мумкин, «йўқ» деб жавоб берган эса ўз навбатини ўтказиб юборади. Мабодо, саволга жавоб беришга қийналсангиз — «ҳа» деб ҳам, «йўқ» деб ҳам айтолмангиз, унда бирваракай иккита навбатингизни ўтказиб юборасиз.

МУҲАББАТИНГИЗ ЧИНМИ?

Севишганлар учун синов-ўйин

Муҳаббатни савол-жавоб билан ҳам, энг мукамал ҳисоб-китоблар воситасида ҳам синаб бўлмайди. Фақат қодир ҳакамлар — ҲАЕТ ва ВАҚТгина уни чиғириқдан ўтказа олишлари мумкин. Бироқ бу масалага жиндай ҳазил билан ёндошилса-чи? Қани, бир уриниб кўрайлик-чи.

Ўйин севишганлардан бири сўнги саволга жавоб берган дамда тўхтатилади. Маҳбубингиз нечанчи саволга келган — бунинг аҳамияти йўқ.

Мазкур синов-ўйинга жуфт-жуфт бўлиб ҳам киришиш мумкин, бироқ у ҳолда йигит ва қиз бир-бири билан зимдан келишиб саволларга жавоб бермоғи лозим.

Саволлар эса қуйидагича:

1. Маҳбуб (ёки маҳбуба)нингиз билан фақат майда кўнгилисизликларнигина ўртоқлашасизми? (ҳа, йўқ)
2. Барча севишганлар жиндай телбароқ бўлишади... (ҳа, йўқ)
3. Агар маҳбубингиз (ёки маҳбубангиз)нинг совғаси сизга

маъқул бўлмаса, бу ҳақда унинг ўзига айтасизми? (ҳа, йўқ)

4. Аҳиллигингиз сабаби бир-бирларингизни жондан ортиқ севишингиздами? (ҳа, йўқ)

5. Оломон орасида бегона кишилар сизларни бир кўришдаёқ севишганлар деб танишларига ишончингиз комилми? (ҳа, йўқ)

6. Бир-бирларингизни ўз қизиқिशларингиз, хою ҳавасларингиз асоси деб ҳисоблайсизларми? (ҳа, йўқ)

7. Муҳаббат фақат тўшакда пайдо бўладими? (ҳа, йўқ)

8. Маҳбубингиз (маҳбубангиз)нинг кўпчилик дўст (дўгона)лари билан аҳиллашиб кета олдингизми? (ҳа, йўқ)

9. Маҳбубингиз (маҳбубангиз)нинг киноя ёки ҳазилини кўтара оласизми? (ҳа, йўқ)

10. Кераксиз можароларга йўл бермаслик мақсадида вақти-вақти билан ёлғон ҳам ишлатиб турасизми? (ҳа, йўқ)

11. Кийим-кечак ёки бирор буюм харид қилаётганда маҳбубингиз (маҳбубангиз)нинг маслаҳатига қулоқ тутасизми? (ҳа, йўқ)

12. Маҳбубингиз (маҳбубангиз) сизни деб нимадандир воз кечди. Бунинг қадрига етишга қодирми-сиз? (ҳа, йўқ)

13. Дам олгани бирор ёққа ёлғиз жўнашни эркинлик белгиси деб ҳисоблайсизми? (ҳа, йўқ)

14. Бахтиёр бўлиши учун битта муҳаббат кифоями? (ҳа, йўқ)

15. Аёл киши учун уй тўри — қалб қўри. Шундайми? (ҳа, йўқ)

16. Ҳаётда энг муҳими — ҳамфирлик ва ҳамжиҳатлик. Розимисиз? (ҳа, йўқ)

17. Маҳбубингиз (маҳбубангиз)га нисбатан ўзингиз номақбул деб ҳисоблаган бирор иш қилганми-сиз? (ҳа, йўқ)

18. Биргаликдаги ҳаёт — бу ўзаро муроса ва иноқлик йўллари тинимсиз равишда қидирмоқ демак, асло бир томоннинг ўз ҳақлигини қаттиқ туриб даъво қилиши эмас. Бу ҳақда фикрингиз қандай? (ҳа, йўқ)

19. Агар сизнинг қошингизда маҳбубингиз (маҳбубангиз)ни гийбат қилишса, тарафини оласизми? (ҳа, йўқ)

20. Маҳбубингиз (маҳбубангиз) сиз танимаган кишилар билан, яна сизни хабардор қилмаган ҳолда дўстона алоқа ўрнатишга қодирми? (ҳа, йўқ)

21. Маҳбубингиз (маҳбубангиз) билан бир жон, бир танмисиз? (ҳа, йўқ)

Натижаларни кўздан кечирамиз

1. Сизлар ўйинни бир пайтда яқунладинглар.

Демак, бир-бирларингга баайни узукка кўз қўйгандек моссизлар. Фарҳоду Ширин, Лайлию Мажнунлар сизларга ҳавас қилишса арзийди. Бироқ муҳаббатингларга ҳасад кўзи билан қаровчилар ҳам истаганча топилиши мумкин. Емон кўзлардан, бадният кишиларнинг найрангларидан ҳазир бўлсангиз бас.

2. Ўйин охирида ораларингдаги фарқ бир ёки икки бандни ташкил қилди.

Шубҳасиз, сизлар бир-бирларингни севасизлар, бироқ ишқ-муҳаббатга муносабатларингиз турлича. Ҳаётларингда бахтли дамлар ҳам бўлади, кўнгилсизликлар ҳам. Олдинда ҳали кўп синовлар турибди. Ўйлаймизки, муҳаббатингиз бу синовларда пишди, турмушингиз фаровон бўлади.

3. Ўйин ниҳоясида ораларингдаги фарқ уч — беш бандни ташкил этди.

Чамаси, жуда унақа оташин, жўшқин муносабатларга мойил эмассизлар. Бироқ бундан норози жойларинг ҳам йўқ. Умуман, ўзларингни «еттинчи осмонда» ҳис қилган дамлар аллақачон ортда қолган. Нима бўлганда ҳам, бир-бирларингдан ажралишга аҳд этсангиз, бу жуда тинч, ортиқча можароларсиз амалга ошади.

4. Орадаги фарқ беш банддан ортиқ.

Жанжал ва можаролар юз бериши муқаррар. Оддийгина баҳс ҳам оқибатда катта жанжални келтириб чиқариши мумкин. Иккалангиз ҳам ўзингизникини маъқуллашни хуш кўрасиз. Ораларингдан ўзаро ҳурмат кўтарилган. Сизларга маслаҳатимиз шуки, кек ва аламларни унутиб, маълум муддат бир-бирларингдан дам олишнинг йўлини қидиринглар. Ким билсин, чиқмаган жондан умид — балки шундан кўнг муносабатларингда аввалгидек илиқлик пайдо бўлар?..

Жуфт-жуфт бўлиб ўйналганда-чи?

1. Ўйинни бир пайтда яқунладингиз.

Бир-бирларингизга ҳар томонлама моссизлар. Оилаларингиз

ўртасида яхшигина дўстона муносабатлар юзага келади. Даврларда, меҳмондорчиликларда доимо бир-бирларингизни қўллаб-қувватлайсизлар. Ушбу дўстлиқнинг негизи самимий муносабатлардадир.

2. Ораларингдаги фарқ бир ёки икки банд.

Ютқазган жуфт бир-бирларига мос ёки мос эмасликлари хусусида жиддий ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди. Балки бирга бўлиш иккалангизга ҳам ёқар, аммо бу асло турмушингиз муаммолардан холи эканлигининг далолати эмас.

3. Орадаги фарқ уч — беш банд.

Ғолибларнинг ўзаро муносабат-

лари ютқазганларникига нисбатан анча пишиқ, мустаҳкам. Бироқ ташвиш чекишга ҳожат йўқ — ютқазган бўлишса ҳам биргаликда жуда яхши ҳаёт кечирешлари мумкин. Зеро, улар, маълум бўлдики, бир-бирларини аъло даражада билиш билан бирга, сўзсиз ҳам тушунишаркан.

4. Орадаги фарқ беш банддан ортиқ.

Ғолибларга шарафлар. Ютқазганларга эса... Уларга бир саволимиз бёр: «Бир-бирларингни чинакам жуфт деб ҳисоблайсизларми?» Шахсан бизнинг бунга у қадар ишончимиз комил эмас. Энг маъқул йўли — ўзларингизга ҳам, бизга ҳам бу фикрнинг нотўғрилигини амалда исботланг.



«МАДОННА»

Г
У
З
А
Л
И
К
Т
И
М
С
О
Л
И
Д
Е
М
А
К

У ҳақда биз худонинг берган куни нимадир эшитамиз. Ҳатто шу қадар кўникиб қолганмизки, унинг номи зикр этилгани ҳамоноқ дарров қулоқларимизни динг қиламиз, бирор ақлни донг қолдирувчи ёхуд лабга табассум индирувчи хабар илинжида сердаҳасида кечди. У оилагак тортамиз. У мусиқа даги учинчи фарзанд тоқида ялт этибдики, эди. Отаси — Силвио шундай. Ҳолбуки, бунга, кийсан олиб қараганда, ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ — бор-йўғи ўн-ўн икки йил. Бироқ шунга қарамай, у бу қисқа фурсат ичида бутун умрга татигули серзавқ, таъбир жоиз бўлса сергалва йўлни босиб ўтди.

Унинг бутун ҳаёти узун тилсимлар тизимидан иборат. Илк дафъа у айни мусиқа оламига қадам қўяётган чоқ исм-шарифини ҳе йўқ-бе йўқ «Мадонна» тахаллусига аямаштириб, ҳаммани ҳайрон қолдирган бўлса,

орадан бироз ўтиб саҳнада ўзини тутуши, кийи-ниши, мухбирлар билан муомаласи, жанжалу гишаваларга тўла шахсий ҳаёти билан барчани лол қила бошлади. Жамоатчилик ғазабига учраган, маънавият посбони налмиш сензура томонидан дунёнинг тўрт бурчагида таъқиқланган видеоклиплари ҳақида-ку,



фارانглар оиласидан эди. Афсуски, унинг исм-шарифи бизга қоронғи, бу ҳақда ҳеч ерда ҳеч қандай маълумот йўқ. Кейин бу унчалик муҳим ҳам бўлмаса керак деб ўйлаймиз, чунки у кўк-сарақ ўсмаси хасталигига чалиниб, жуда эрта оламдан кўз юмиб кетган. Кенжатоё Нонни (шундай деб аташарди гапирмасак ҳам бўлар. Ва ниҳоят, 1991 йилнинг ёзида «Мадонна билан бир тўшакда» деб атал-миш филм пайдо бўлди...

Луиза Вероника Чикконэ (унинг асл исми шундай) 1958 йилнинг 16 августидан Мичиган штати (АҚШ)да туғилди. Унинг болалиги автомо-

бил саноати пойтахти ҳиксонэ собланмиш Детройт шаҳридаги асосан қора танлилар яшовчи Бэй Сити даҳасида кечди. У оиладаги учинчи фарзанд эди. Отаси — Силвио Чикконэ асли италиялик бўлиб, «Крейслер» бирлашмасида мусаввирлик қиларди. Онаси эса Канададан кўним топган



Тўхтамурод
Рустам



«МАДОННА»

Г
Ў
З
А
Л
И
К
Т
И
М
С
О
Л
И
Д
Е
М
А
К

ўтишди. Фарзандлари болалигидан иштиёқ-тарбиясини ота буткул манд эди. Бу иштиёқ-хизматчи аёллар қўлига мандлик уни не кўйлар-топшириб қўйди. Орадан га солмади, дейсиз! Фа-кўп ўтмай эса анча пайт-қат атрофдагилар диқ-дан буён дон олишиб қатини ўзига жалб этиш юрган хизматчи аёллар-мақсадидагина ғалати-дан бирига уйланди ва жундан тўқилган ола-бу-барчамизга таниш ўгай ла пайпоқда юрар, ичи она ҳамда етим қиз қис-бўш тухумни ипга илиб, саси бошланди. Бироқ бу кўйлагига осиб оларди.

қисса унчалик узоққа чў-Энг яхши кўрган маш-зилмади: Нонни таби-ғулоти — мактаб спорт-тан хўрлашу камситиш-майдончасидаги турник-ларга миқ этмай чидай-да бошини ерга солин-верадиган ювош-мўмин-тирганча осилиб туриш-қизлар тоифасидан эмас-эди...


ди. Отасининг тазийқ-Рақс билан Нонни фа-ларига ҳам қарамай, у ўгай онани ўз онасидек қабул қилишдан қатъий бош тортди. Натижада ота ва қиз орасига совуқ-чилик тушди, бу совуқ-чилик эса бора-бора уларни бир-бирларидан узоқлаштирди.

Нонни ака ва сингил-ларини жонидан ортиқ кўрар, оилада тўнғич қиз бўлгани сабаблими, бе-вақт дунёдан кўз юмган онаси ўрнини босишга

уринарди. Бу эса ўгай қат 14 ёшидан бошлаб-онанинг ғазабини қўзит-гина жиддий шуғулла-май қолмасди, албатта. нишга киришди. Рақс «Жуда-жуда уйдан қо-муаллими Кристофер

чиб кетгим келарди шун-Флинн ундан салкам 20-дай пайтлар», дея эслай-ёш катта эди. Бироқ бу-ди Мадонна бугун. Ва у Ноннининг уни болалар-ча самимият билан севиб-ди, фақат кимсасиз орол-қолишига монелик қил-ёки бўлак шаҳарга эмас,

мади. Биринчи муҳаббат-қўшни даҳалардан бири-ни одатда жавобсиз му-да жойлашган рақс май-ҳаббат ҳам деб атайди-дончасига. У хатти-ҳара-лар. Шунга қарамай, кати, кийиниши билан Кристофер Флинни бағ-дамлар эътиборини тор-ритишликда айлаб бўл-тиш, дугоналари орасида-майди. Тушунш мум-якқол ажралиб туришга кин уни—рақс муалли-



мининг режаларида шогирди билан Лайли-Мажнун бўлиш нияти йўқ эди, албатта. Кейин у бу туйғу тезда ўтиб кетишини ҳам яхши тушунар, Ноннининг ҳаётда эгаллаши лозим бўлган ўрнини аллақачон ўзича белгилаб қўйганди. Бу мақсадга эришиш йўлида шогирди билан истаганча машаққат чекишга рози эди у.

Кристофер Флинн ўз олдига қўйган вазифани аъло даражада уддалади. Рақс санъати ва маҳоратидан сабоқ бериш билан бирга у Ноннини дискобарлар, дискотеклар ҳамда дискотекалар оламига олиб кирди. Нонни пешонасининг ёздиғи саҳна эканини айнан Кристофер Флиннинг саъй-ҳаракатлари туфайли англади. Албатта, дунёга машҳур қўшиқчи бўлиб етишаман, деб ўйлагани йўқ у, асло — ном қозонаманми, ном қозонмайманми, санъаткор бўламанми ё оддий фаррошми, саҳнадан тушмайман, дея қарор қилди. Бироқ ўзини танлаган йўлига буткул бахш этиши учун имконият йўқ эди ҳали. Бўш вақтининг асосий қисмини уйда ўтказишга мажбур эди. Нима ҳам қилсин, оила катта — ўзидан ташқари яна бешта фарзанд, уларни ювиб-тараш, овқатига қараш керак, кўчада узаб кетгудек бўлишса, зир югуриб йзламоқ лозим...

Барча қийинчиликларга қарамай, Нонни мактабни аъло баҳоларга битирди ва 1976 йили Мичиган дорилфунунига ўқишга кирди. Бироқ уни йирик шаҳарлардаги шўх-шан давралар, ранго-ранг чироқлар билан ёритилган томошахоналар дараги ўзига тортарди. Тупканинг тагидаги ҳаёт уни зериктирди ва Нонни чўнтагида 37 доллар пул ҳамда «тўлиқсиз олий маълумотга эгаллиги» ҳақидаги гувоҳнома билан шаҳри азим

Нью Йоркда пайдо бўлди. Бу ерга у бор орзуларини рўёбга чиқариш ва ном қозониш мақсадида ташриф буюрди. Бунга ҳеч шак-шубҳа йўқ эди. Бироқ Америкода обрў қозонишининг ўзи бўлмайди. Озмунча тер тўкиш, қийинчиликларни енгиш, тиним нималигини унутиб меҳнат қилиш талаб этилмайди бунинг учун. Обрў қозонишга аҳд қилган киши ишга киришмоқ учун енг шимаришдан аввал шуларнинг барини бўйнига олмағи лозим. Ва 20 яшар Нонни Чикконэ қиз бола боши билан барча тўсиқларни енгиб ўтишни бўйнига олди.

Енгиб ўтиш талаб этиладиган тўсиқлар эса анчагина эди. Бошда у ўзини театрга урди. Бир театр гуруҳидан иккинчи театр гуруҳига ўтавериб роса сарсон бўлди. Қаерга қадам қўймасин, уни фақат учинчи ёки тўртинчи таркибларга қабул қилишар, кичкина, кираси арзимас ролларни топширишарди. Тайинки, бундай «тирикчилик»дан тушадиган пул Нью Йоркдаги юҳо шаҳарда қорин тўйдиришга ҳам етмасди. Шу боис Нонни бўш вақт туғилди дегунча яқинроқдаги ресторанлардан бирига югурар, мезбонлик (офитсианткалик) қилиб ёки идиш-товоқ ювиб, шундан тушган чойчақага кун кечирарди.

Ниҳоят, қизалоққа омад кулиб боққандек бўлди: у обрўли рақс гуруҳларидан бирига ишга жойлашишга эришди. Гуруҳ раҳбари ниҳоятда калондимоғ, иззатталаб аёл эди. Нонни унинг у ёғидан ўтиб, бу ёғидан ўтиб, тинимсиз хушомад қилиб, гуруҳ кўрсатадиган томошалардаги асосий рақсларни ижро эта бошлади. У ўша пайтдаёқ жуда яхши рақс этарди. Кўп ўтмай гуруҳ раҳбари Ноннини ўзига ёрдамчи қилиб олди.

Бироқ донг чиқаришга қатъий аҳд этган қиз учун етарли эмас эди бу. Айни шу дамда тақдир уни моҳир машшоқ Дэн Гилрой билан учраштирди. Гилрой Ноннига гитара чалишни ўргатди, мусиқа оламининг ҳали унга номаълум қирралари билан ошно этди. Айнан Гилрой унда рок мусиқага нисбатан қизиқиш уйғотди. Бора-бора бу қизиқиш муҳаббатга айланди, бироқ унганча хўп саргузаштларни бошидан кечиршига тўғри келди. Гилрой билан машғулотлар ҳам Ноннини тўла қаноатландирмас, худди бир умр шундай — шогирд бўлиб ўтиб кетадигандек туюлаверарди. Қўшиқчи Патрик Фернандес уни ўзи билан Парижга таклиф қилганида, Нонни ўйлаб ҳам ўтирмай рози бўлди. Бу ҳақда этatto Гилройни ҳам огоҳ этмай у билан узоқ Парижга қочиб кетди. Ноннини ўзи билан бирга сафарга чорлаганда Фернандес ваъдани қуюқ қилган, «Сендан иккинчи Эдит Пиаф чиқармасам, Фернандес номимни бошқа қўяман», дейишга қадар борган эди. Бироқ Парижда ҳаммаси бошқача кечди. Тўғри, жуда шоҳона ҳаёт кечирди Нонни бу ерда, ношукрчилик қилиш гуноҳ. Казо-казо санъаткорлар билан танишиш шарафига муассар бўлди. Бироқ асосий масалага келганда...

«Улар менинг қобилиятли эканимни жуда яхши тушуниб туришарди, — дея эслайди Мадонна умрининг бу дамлари ҳақида. — Бироқ бу қобилият бор бўйи намоён бўлиши учун нима қилиш керак — сира ақллари етмасди. Мени зиёфатма-зиёфат, меҳмонма-меҳмон судрашларидан, ёр-биродарларига таништиришларидан асосий мақсадлари Нью Йоркдаги ахлатхонадан қандай олтин топган-

ларини кўз-кўз қилишгина эди фақат. Бу менинг қаттиқ ғашимга тегарди».

Ноннининг Парижни ҳам тарк этишдан бошқа иложи қолмади ҳуллас. Аниқроғи — Нью Йоркка, яна ўша Гилройнинг олдига қочиб келди. Гилрой бу пайт янги мусиқий гуруҳ тузиш иши билан машғул эди. Гуруҳдаги асосий ўринлар аллақачон банд бўлгани сабабли Ноннига фақат ноғора олдидан жой тегди. Улар Гилрой бошчилигида Нью Йоркнинг Куинс туманидаги ташландиқ ибодатхонада яшаб, шу ерда машқ қила бошладилар.

Вақт ўтиб борар, бироқ Нонни интиқ бўлиб кутаётган довруқ, «юлдуз»лик шухратидан дарак йўқ эди. У куйлаш, рақс этиш ишқиди ёнарди, аммо Гилрой унга бундай имкониятни бермас, ҳали-бери берадиганга ҳам ўхшамасди. Охири каттагина жанжалга сабабчи бўлди бу. 1982 йил арафаси Нонни гуруҳни тарк этди ва Манхэттенда бир уйни ижарага олди. Бу вақтга келиб мусиқа соҳасида унинг анча суяғи қотиб қолган эди. Ўзи алоҳида бир гуруҳ ташкил этишга қарор қилди. Гуруҳ номи, худди унинг таркиби сингари, тинимсиз ўзгаргани-ўзгарган эди: дам «Войваччалар», дам «Замонавий рақс», дам «Қизалоқ»... Гуруҳ ижро этувчи қўшиқларнинг барини Ноннининг ўзи ёзарди. Секин-аста унинг ишлари олға силжиди. Биноийдек пул топа бошлади. Жамоат диққат-эътиборини ўзига жалб этиш мақсадида «Қизалоқ» гуруҳи билан ҳам хайрлашиб, янги гуруҳ тўплади ва унга «Мадонна» деб ном берди.

Шундан бу ёғи баайни пешона тери шарофати билан оддий фаррошдан миллионерга айлана билан америколик қиз ҳақидаги эртакка ўхшайди. Қунлардан бири-

да Мадонна янги ёзиб тугатган кўшиғини «Дансетерия» клубида ишловчи Марк Каминс исмли таниш диск жокейга берди. У мазкур кўшиқни кечкурун, рақсбозлик айна авжига чиққан чоқ майдонга йиғилганлар эътиборига ҳавола этди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди — жамоат кўшиқни олқиш ҳамда қийчувларга кўмиб қарши олди. Ишнинг кўзини яхши билувчи Марк Каминс ўша заҳотиёк Мадоннадан бошқа кўшиқларини ҳам сўраб олди ва «Сайр» номли овоз ёзиш ширкати томон чолди. Ҳаётидаги биринчи жиддий шартномани Мадонна айнан Марк Каминс воситачилигида ушбу ширкат билан тўзди. Мадоннанинг илк кўшиқларини ўзида жам этган пластинка дўконларга 1983 йил июлда келиб тушди. Пластинка чиқариш арафаси Мадонна ўз кўшиқлари билан радиоэшиқтаринларда ҳам пайло бўлди. Унинг овози, айниқса, қора танли тинловчиларни кўпроқ ўзига мафтун этди. Танқидчилар эса бошда Мадоннанинг кўшиқларини ҳам эгитишолмади, унинг овозини «қўйнинг маъраши» ва «эшиқ гийкиллаши»га қиёс этишди. Аммо ҳар қанча ҳужум ва урсурларга қарамай, Мадонна мусиқа токи бери кўтарилишда ялдам завом этаверди. Никсон келгуси — 1984 йилнинг баҳорида унинг кўшиқларидан бири Амрико сиртқи мусиқа танлови (хит паради)да биринчи ўринни эгаллади.

Мадоннанинг илк мусиқий мажмуасини ҳар томонлама мукамал, етук иш деб бўлмаслиги албатта. Фақат рақс тушишгагина мўлжаллаб ёзилган ушбу кўшиқлар бирон-бир мусиқий жанр матта ҳам эга эмас эди. Аксарият кўшиқлардан ташқари чўзиқ бў-

либ, жуда тез меъдага тегарди. Оҳангларда уни бошқалардан ажратиб турувчи ўзига хослик мутлақо сезилмасди. Бунинг барчасига сабаб қилиб танқидчилар Мадоннанинг ҳануз мустақил эмаслигини кўрсатишди. Чиндан ҳам, пластинка дўконларга чиққан дамга келиб Мадоннага бир эмас, уч (!) нафар продюсер ҳомийлик қиларди. Тайинки, ҳар бири ўз диди, мусиқа ҳақидаги тасавурларидан келиб чиқиб талаб қўяр эди унга. Лекин барибир пластинка нисбатан яхши тарқалди, ижрочи ҳақида тингловчиларда илиқ таассурот қолдирди. Мадоннанинг ҳеч кимникига ўхшамайдиган ширали овози таъминлади бу муваффақиятни.

Тўғри, унинг илк муваффақиятини кейинги мусиқий мажмуалари муваффақияти билан таққослаш кулгили. Лекин барча йирик муваффақиятларига айнан шу «Мадонна» деб номланмиш пластинка йўл очганини ёддан чиқармаслик лозим. Бирин-кетин матбуот саҳифаларида унинг номи, суратлари пайдо бўла бошлади. Тайинки, мақтовлар билан бирга яхшигина танқид ҳам бўлди. Мухлислардан мактублар, мусиқа мутахассислари, ҳомийлардан эса бири биридан мойли таклифлар ёғила кетди. Амрико Қўшма Штатларидаги энг тадбиркор продюсерлар Мадонна билан шартнома тузиш истагини билдиришди, унга олтин тоғлар ваъда қилишди. Илк бор Мадоннада танлаш имконияти пайдо бўлди. Бу эса мусиқа осмонидан яна бир юлдуз порлаганидан далолат беради.

Мусиқа мутахассислари кетидай кино усталари ҳам Мадоннага кўз тикиб қолишди. Ҳолливуддан тинмай унга «совчи» кела бошлади. Мадонна ўзини кино соҳа-

сида ҳам бир синаб кўришга қарор қилди. Иш у Ҳолливуд режиссёрлари суратга олган филмлардан бирида кўшиқчи қиз ролини ижро этиш билан бошлади. Шунингдек, у мазкур филм орқали ўз мухлисларига бир жуфт янги кўшиғини ҳам тақдим этди. Айнан мана шу иккита кўшиқ филмнинг томошабинлар орасида маълум даражада ном қозонишига сабабчи бўлди. Мадоннага эса янги янги ижодий режалар ҳада этди. Жумладан, у шунга ишонч ҳосил қилдики, кино кўшиқ ҳамда мусиқанинг таъсир кучини бир неча баравар оширар экан. Айнан, шу филмдан сўнг Мадонна ўз кўшиқларини кинога солишни одат қилди. Аввал эски кўшиқлари асосида суратга олинган учта видеоклипда пайдо бўлди. Улар «ойнаи жаҳон»га йўл топиб улгурмай, Мадонна янги мусиқий мажмуаси учун тайёрлаётган кўшиқларидан иккитасини кинога солишга киришди.

Мазкур мусиқий мажмуа дўконларга чиққан 1985 йил Мадонна учун энг омадли йил бўлди, десак, адашмаймиз. Бирин-кетин унинг саккизта кўшиғи мусиқа танловларида энг юқори ўринларни эгаллади. Бундай ютуққа Мадоннага қадар фақат рок-н-ролл кироли марҳум Элвис Пресли ҳамда машҳур «Битлз» гуруҳигина эриша билган эди.

Мадоннанинг мазкур мусиқий мажмуаси аввалгисидан ҳар томонлама устун эди. Унинг бундай мукамал чиқишида истеводли продюсер Найл Рожерснинг ҳам хизмати катта бўлди. У аввалги мажмуани тайёрлашга бош қўшган ҳамкасбаларининг хатоларини жиддий ўрганиб, таҳлилдан ўтказди ва ҳар бир кўшиқнинг ҳам мусиқа, ҳам шеърий матн нуқтаи назаридан

мукамал бўлишига эришди.

У яна бир ўқни бехато урди: пластинка дўконларга тарқатиладиган пайтни мўлжаллаб туриб Мадонна билан бирга АҚШ шаҳарлари бўйлаб мусиқий сафарга чиқди. Сафар ниҳоятда муваффақиятли кечди. Мухлислар янги мусиқий мажмуа ҳамда ташриф қувончидан ўзларига келиб улгурмай, экранларга Мадонна бош роллардан бирини ижро этган бадий филм чиқди.

Янги мусиқий мажмуа, видеоклиплар, матбуот нашрлари саҳифаларидаги шов-шувли мақолалар, мусоҳабалар, мусиқий сафар ҳамда бадий филм — бундай шиддатли ҳужумни ҳеч ким кутмаган эди. Мадоннанинг донғи бутун оламга кетди, унга таассубан кийиниш, соч турмаклаш ҳамда пардозандоз қилиш дунё миқёсида авж олди. 1985 йили, Мадонна ҳали ўзининг мамлакат бўйлаб илк мусиқий сафаридан қайтиб улгурмаёқ, Амрико Қўшма Штатлари аёл аҳолисининг учдан бир қисми Мадонна сийратига кириб улгурган эди. Бу Мадоннанинг шон-шухрат чўққисига кўтарилганидан ва унинг теграсида — барча машҳур кишилар ҳаётида бўладигандек — исли кўрилмаган жазава бошланганидан далолат беради.

1985 йил яна бир унутилмас воқеа билан Мадоннанинг ёдида муҳрланиб қолажак. Шу йил 16 августда (айни ўзининг туғилган кунидан!) у машҳур кино актёри Шон Пенн билан турмуш қурди. Тўғри, уларнинг биргаликдаги ҳаётлари фақат тўрт йилгагина чўзилди, холос. Бироқ Мадонна ва Пенн шу қисқа фурсат ичида ҳам ҳаётларидаги муҳаббатга тўлиқ дамларни абадийлаштириб улгуришди —

биргаликда кинода суратга тушишди.

Шундан сўнг Мадонна нимаики қўйлаган, қайси бир филмда суратга тушган бўлмасин, бари мухлислари томонидан олқишлар билан кутиб олинди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Шон-шуҳрат, мусиқа оламидаги юксак мавқе Мадоннага Амриқодаги энг комил истеъдодлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятини берди. Энг устаси фаранг менежерлар, продюсерлар, бастакорлар ва режиссёрлар санъат «юлдузи»нинг хизматига ҳозир бўлишди, унинг ижодий изланишларини тугал рўёбга чиқариш йўлида тер тўкишди. Лекин барибир—хоҳ кинода бўлсин, хоҳ мусиқада—сўнгги сўзни фақат Мадонна айтди. Бошқа ҳеч кимнинг қўлида у қўғирчоқ бўлгани йўқ.

1986 йили Мадонна «Чинакам қайғу» деб номланган навбатдаги мусиқий мажмуасини эълон қилди, орада бир йил ўтар-ўтмай эса ўзининг илк дунё бўйлаб сафарига отланди. Тошошалар энг йирик шаҳарлардаги энг катта майдонларда, стадионларда кечди. Мазкур мусиқий сафар давомида Мадонна ўз истеъдодининг янги-янги қирраларини намоён этиш билан бирга аёл зотининг жони темирдан эканини ҳам ёрқин исботлаб берди. Яйдоқ майдонда қурилган ҳайҳотдай сахнада бир неча соат узлуксиз қўшиқ куйлаб, рақс этиш нималигини кун қизигида кетмон чопиб суяги қотган юртдошларимиз яхши англашса керак. Бу Мадоннанинг ўз кучи ҳамда имкониятларига ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат берарди.

90-чи йилларга Мадонна мисли кўрилмаган ижодий парвозлар билан қадам қўйди. Биргина 1988 йилнинг ўзида

унинг иккита йирик мусиқий мажмуаси ҳаёт юзини кўрди. Мазкур мусиқий мажмуалардан ўрин олган қўшиқлардан бири йилнинг энг яхши қўшиғи деб бир овоздан тан олинди. Бу Мадоннанинг мусиқа танловларида юқори ўринни эгаллаган ўн олтинчи қўшиғи эди. Ушбу кўрсаткич бўйича у дунёдаги жами мусиқа «юлдуз»ларини, ўн бешта қўшиғи танловларда юқори поғонага кўтарилган афсонавий «Битлз» гуруҳини ҳам ортда қолдирди. Фақат Оврупо қитъасида жойлашган мамлакатларнинг ўзида Мадоннанинг пластинкалари 1990 йилнинг биринчи ярмига қадар 18 милён нусхада тарқалди, жами молмулки эса роппа-роса 100 милён долларга баҳоланди.

Кино «юлдузи» сифатида ҳам обрў қозонгач, Мадонна кинода суратга тушиш билан бирга ўзи ҳам филм ижод этишга киришди. Машҳур мулфилм устаси Уолт Дисней студиясида суратга олинган «Дик Трейси» номли ярим бадий, ярим қўғирчоқ филмга 30 милён доллар сарфлади. Филм 30-чи йилларнинг машҳур детектив рўмони асосида суратга олинган. Шунингдек, Мадонна мазкур филмда тунги қаҳвахона қўшиқчиси ролини ҳам ижро этди. Филм экранларга чиққач, фақат бир йил ичида унга 70 милён долларга яқин фойда келтирди, «Терминатор», «Бетмен», «Рембо» сингари Ҳолливуд тарихидаги энг сердаромад филмлар қаторидан ўрин олди.

Ниҳоят, 1991 йили Каннда ўтказиладиган энг обрўли умумжаҳон кино кўригида «Мадонна билан бир тўшакда» номли ҳужжатли филм намоиш этилди...

Кимки бу филмга унинг номига учиб тушса, жуда тез ҳафсаласи

пир бўлиши, филм ижодкорларининг гўрига гишт қалаши турган гап. У асло Мадоннанинг ёниқ эҳтиросга тўла «ишқий» саргузаштлари ҳақида эмас. Филмни томоша қиларкан, умуман, у Мадонна ҳақидами ўзи, деган хаёлга ҳам боради киши. Филмда саҳна «юлдузи»нинг шахсий ҳаёти билан боғлиқ деярли ҳеч нарса йўқ. Биз уни менежерлари, режиссёрлари, пардоз-андозчилари, чеварлари ҳамда шахсий соқчилари даврасида, тинимсиз ҳаракатда кўрамиз, у билан бутун дунёни кезиб чиққан, шон-шуҳрат нашидасини бирга татиган раққослар суҳбатига қулоқ тутамиз, Филм ижод машаққатлари, гўзалликнинг туғилиши ва яратиш завқи ҳақида баҳс этади.

Кейинги пайтлар Мадонна кинони деб мусиқа билан хайрлашибди, деган шов-шувлар, айниқса, авж олган эди. «Мадонна билан бир тўшакда» филми ушбу миш-мишларнинг мутлақо асоссиз эканини исботлади. Мадонна қўшиқ билан хайрлаша олмайди. Унинг жисми-жаҳони қўшиқ билан қорилган, қўшиқ билан тирик. Кунни кеча у ўз мухлисларига янги мусиқий томошасини тақдим этди. Беш қисмдан иборат мазкур томоша салкам икки соат давом этади. Икки соат давомида саҳна шакл-шамойили беш мартаба ўзгаради, Мадоннанинг бири биридан ўйноқи ўн саккиз қўшиғи янграйди. Машҳур парижлик чевар Жан Пол Готье ҳар бир қўшиқ учун махсус либослар тиккан. Рақсларни эса Винсент Паттерсон саҳналаштирган.

Томоша охирига бориб Мадоннанинг ҳолдан тойгани, харсиллаб қолгани сезилади—салгина товушни ҳам дўмбира қилувчи микрофон «соатади» бунни. Тушуниш

керак, ахир, Мадонна ўн саккиз яшар қизалок эмас аллақачон. Лекин ҳали-бери отдан тушадиган шашти ҳам йўқ. Бунга эришмоқ учун у ҳар кунни эрта тонгда уйқудан туради, Ҳолливуднинг энг манзарали, баҳаво жойлари бўйлаб саккиз чақирим масофани югуриб босиб ўтади. Сўнг бир соат жисмоний тарбия машқлари, аэробика билан шуғулланади, ҳовузда муздай сувда чўмилади ва фақат шундан кейингина ўзини кундалик ташвишу югур-югурларга ҳозир деб билади.

Унинг ҳар бир дақиқаси ҳисобли. Шунга қарамай, Мадонна мутулаа ҳамда уй-рўзғор ишлари билан шуғулланиш учун ҳам вақт топади: У Райнер Мария Рилкенинг шеърларини ёд билади, Томас Манн ҳамда Милан Кундер ижоди хусусида сиз билан истаганча баҳслашиши мумкин. Жаҳон кино санъатидаги янги йўналишлар, ижодий изланишлар ҳам унинг диққат марказида. Уйини кўргазма дейсиз. Бу ердан жаҳон тасвирий санъатининг мумтоз намуналари билан бир қаторда Фернан Леже, Фрида Кало сингари замондош мусаввирларнинг сара асарлари ҳам ўрин олган. Унинг энг яхши кўрган машғулоти— кир ювиш ва овқат пишириш. «Орзуим— фарзанд ўстириш», дея тан олади санъат «юлдузи» мухбирлар билан суҳбатларида.

Ҳа, у ҳақда биз худонинг берган кунни нимадир эшитамиз. Лекин бу миш-мишларнинг қай бири ҳақиқатга яқин, қай бири йироқ— тарозига солиб кўришни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳолбуки у, юқорида гувоҳи бўлганимиздек, маълум бир устунликлари ва ожизликларига эга ҳамма қатори одам. Фақат бутун дунёга машҳур, қолос.